ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

"МАРКЕТИНГ" КАФЕДРАСИ

БИРЖА ИШИ

Ўқув қўлланма

САМАРҚАНД 2018 й

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС
ИНСТИТУТИ

З.Н. Бободустов, Ш.Х. Пардаев, Р.А. Аллаёров

БИРЖА ИШИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти Кенгаши томонидан 5230400 – Маркетинг (тармоқлар ва сохалар) таълим йўналиши талабалари учун ўқув қўлланма сифатида чоп этишга тавсия этилган

Самарқанд 2018

UO'K:
KBK:
Б-

З.Н. Бободустов, Ш.Х. Пардаев, Р.А. Аллаёров. Биржа иши. – Ўқув қўлланма. Самарқанд:, - _____ нашриёти, 2018 йил.-___ бет.

Иқтисод фанлари номзоди, доцент Н. Бобоев таҳрири остида.
Илмий муҳаррир: Н. Бобоев – и.ф.н., доцент

Тақризчилар:

М.М.Муҳаммедов – и.ф.д., профессор
В.Б. Бердикулов - и.ф.н., "Маркетинг" кафедраси мудири
"Ўзбекистон Республика товар хом ашё биржаси" Самарқанд филиали қошидаги "Trast Kontakt Biznes" ХК директори – Б. Солеев

ISBN

Ушбу ўқув қўлланма биржа иши дастури асосида тайёрланган. Ўқув кулланмада бозор муносабатларида эркин рақобат мухитини шакллантириш, товар айрибошлаш муносабатларини самарали тартибга солиш воситаларидан бири бўлган биржалар фаолияти, биржанинг иқтисодиётда тутган ўрни, моҳияти, мақсад ва вазифалари очиб берилган.

Ўқув қулланма олий ўқув юртларининг 53230400 – Маркетинг таълим йўналиши талабалари учун мулжалланган бўлиб, бакалавриат ва магистратура талабалари, шунингдек, турли мулк шаклидаги фирмаларнинг маркетологлари хам фойдаланишлари мумкин.

Данное учебное пособие подготовлена на основе учебной программы Биржевоее дело. В учебном пособие рассмотрены формирование свободной конкурентной среды в рыночных отношениях, а также раскрыты сущность, цель, задачи и роль биржевой деятельности в экономике как средство эффективного упорядочения системы товарообмена.

Учебное пособие предназначено для студентов экономических вузов, обучающихся по направлению подготовки бакалавров 5230400 – Маркетинг. Учебное пособие может быть полезно для преподавателей профессиональных колледжей и практикам, занимающимся биржевым делом, а также для всех интересующихся работников и специалистов отделов маркетинга и биржевых сделок.

МУНДАРИЖА

Кириш..... 5

1 – БОБ. БИРЖА ТУШУНЧАСИ ВА БИРЖАНИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Бозор иқтисодиётида биржа механизмининг зарурияти..... 7
1.2. Биржа тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш боскичлари..... 10
1.3. Ўзбекистонда биржа фаолиятининг таркиб топиши ва йўналишлари..... 15

2-БОБ. БИРЖАЛАР: БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА ФУНКЦИОНАЛ ВОСИТАЧИЛАР

2.1.Биржалар: таъсисчилар, биржа аъзолари, уларнинг хукук ва мажбуриятлари..... 20
2.2.Маклериат, брокерлик идоралари ва бошқа биржа воситачилари..... 25

3 – БОБ. БИРЖА СТАТИСТИКАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

3.1. Биржа статистикасининг вазифалари..... 30
3.2. Биржа статистикаси кўрсаткичлар тизими..... 31
3.3. Биржа нархлари котировкаси..... 34
3.4 Товар биржаси индексларини ҳисоб-китоб қилиш усуллари..... 37
3.5. Биржа конъюнктурасини тахлил қилиш усуллари..... 40

4-БОБ. БИРЖА САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

4.1. Товар биржасини ташкил қилиш боскичлари..... 45
4.2. Биржа товари тушунчаси..... 49
4.3. Биржа фаолиятини ташкил этиш..... 51
4.5. Биржада функциялари 55
4.4. Биржа операциялар 59

5-БОБ. БИРЖА БИТИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

5.1. Биржа битими тушунчаси, унинг хусусиятлари..... 61
5.2. Биржа битимларининг турлари..... 67

6-БОБ. ФЬЮЧЕРС САВДОСИ АСОСЛАРИ

6.1. Фьючерс савдоси тушунчаси..... 77
6.2. Фьючерс савдосининг тарихи ва вужудга келиш сабаблари..... 78
6.3. Фьючерс савдосининг мақсадлари..... 80
6.4. Биржа фьючерс савдоси механизми..... 81
6.5. Хеджлаш ва биржа чайқови..... 83
6.6. Фьючерс шартномалари ва опцион битимлар..... 86

7-БОБ. ФОНД БИРЖАС

7.1. Фонд биржаси ва фонд бозори..... 89
7.2.Фонд биржасининг вужудга келиш сабаблари ва уларни ташкил қилиш

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№

мақсадлари..... 93
7.3. Фонд биржасига қўйиладиган талаблар..... 96
7.4. Фонд биржасининг функциялари..... 97
7.5. Фонд биржасида биржа битимининг моҳияти..... 100
7.6. «Тошкент» Республика фонд биржаси..... 102

8-БОБ. БРОКЕРЛАР ВА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ..... 107
8.1.Брокерлик идорасини таъсис этиш.....
8.2.Брокерлик фирмасининг биржа савдосида иштирок этиши, товарга ариза бериш ва шартнома тузиш жараёни..... 109
8.3.Шартномада товарни етказиб беришнинг базис шартларини мувофиқлаштириш жараёни..... 114

9-БОБ. БИРЖА БОЗОРИДА КЛИРИНГ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР
9.1. Клиринг ва ҳисоб-китобларнинг моҳияти ва функциялари..... 117
9.2. Клиринг ва ҳисоб-китобларнинг умумий тавсифи..... 119
9.3. Асосий риск турлари..... 121
9.4. Қимматли қоғозлар бозорида клиринг ва ҳисоб-китоблар..... 123
9.5. Фьючерс шартномалари бозорида клиринг ва ҳисоб-китоблар..... 124
9.6. Клиринг ва ҳисоб-китоблар тизими ривожланишининг асосий йўналишлари..... 126

10-БОБ. БИРЖА САВДОСИДА РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ
10.1. Рискларнинг биржа фаолиятига таъсири..... 129
10.2. Биржа рисклари структураси..... 133
10.3. Биржа рискларини баҳолаш мезонлари..... 139

11-БОБ. ВАЛЮТА БИРЖАЛАРИ
11.1. Валюта биржалари тушунчаси..... 143
11.2. Валюта операциялари, касса битими ва муддатли битимлар..... 149
11.3. Комиссион тўловлар ва «своп» операциялари..... 153

12-БОБ. ХАЛҚАРО БИРЖА МАРКАЗЛАРИ
12.1. АҚШ биржа тизими..... 156
12.2. Буюк Британия биржа тизими..... 159
12.3. Ривожланган мамлакатларнинг биржа тизими..... 161
12.4. Россия биржа тизими..... 163
БИРЖАГА ОИД МАЛУМОТЛАР..... 176
ГЛОССАРИЙ..... 178
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ..... 204

КИРИШ

Ушбу ўқув қўлланма биржа иши дастури асосида тайёрланганбўлиб. Ўқув қулланмада иқтисодий қонунларга кўра биржа ўзида товар йиғилиши туфайли захираларни тақсимлаш жойи бўлиб хизмат қилиши тўғрисидаги билимларни ўзида мужассамлаштирган, бозор муносабатларида эркин рақобат мухитини шакллантириш, товар айрибошлаш муносабатларини самарали тартибга солишни характерлайдиган хусусиятлардан келиб чиққан холда товар ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги эркин рақобатини тақозо этилиши ва бозорли иқтисодиётнинг ўзига хос иқтисодий қонунлар асосида ривожланишини таъминлайдиган (қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни ҳамда пул муомаласи қонунлари) асосида биржа хақида тушунча ва биржанинг иқтисодиётда тутган ўрни, биржа ишининг асосий мақсади, вазифалари ва моҳияти очиб берилган.

Ўзбекистонда изчил олиб борилаётган бозор ислоҳатлари натижасида қадам-бақадам бозор иқтисодиётининг инфратаркиби барпо қилинди. Жумладан, мамлакатимизда биржа ва ярмарка савдоларининг ривожланиши ва тараққиёти бобида эътиборга молик бир қанча ишлар амалга оширилди. Биржа ва ярмаркалар фаолиятларининг ҳуқуқий асослари яратилди; 1992 йилда "Биржа ва биржа фаолияти тоғрисида" ги Ўзбекистон республикасининг қонун қабул қилинди, 2017 йилда эса мазкур қонун янги таҳрирда қайта ишланиб қайтадан кўриб чиқилди ва ўзгартиришлар киритилди, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг биржа ва ярмарка савдоларининг фаоллаштириш борасида бир қанча меъёрий ҳужжатлари эълон қилинди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда, Республика универсал мол-хом ашё, универсал агросаноат, "Тошкент" фонд ва ҳудудий кўчмас мулк биржалари ҳамда "Ўзкўргазмасавдо" Халқаро кўргазма савдо маркази, "Ўзекспомарказ" кўргазма ва ярмарка савдо ташкилотлари фаолият кўрсатмокдалар.

Иқтисодимизнинг ривожланиши биржа ва ярмаркаларининг янада ривожланиши фаолиятларининг такомиллашувига олиб келиши муқарар, шунинг учун ҳам эътиборингизга ҳавола этилаётган ўқув қўлланмаси биржа ва

ярмарка савдосининг тарихи, ташкил этиш тамойиллари, тараққиёти истиқболларига масалаларига бағишланади.

Менежмент ва маркетинг соҳаларининг бўлажак мутахассислари бакалавр босқичида биржа ва ярмарка савдоси асосларини билишлари борасида Давлат таълим стандартларида ҳам эътироф этилган.

Ўқув қулланма иқтисодий йўналишдаги олий ўқув юртларининг бакалавриат ва магистратура талабалари, шунингдек, турли мулк шаклидаги корхоналарнинг маркетологлари ҳам фойдаланишлари мумкин.

1 – БОБ. БИРЖА ТУШУНЧАСИ ВА БИРЖАИИНГ ИҚТИСОДИЁТДА ТУТГАН ЎРНИ

1.1. Бозор иқтисодиётида биржа механизмининг зарурияти.
1.2. Биржа тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш боскичлари.
1.3. Ўзбекистонда биржа фаолиятининг таркиб топиши ва йўналишлари.

1.1. Бозор иқтисодиётида биржа механизмининг зарурияти.

Бозор иқтисодиёти инсоният тараққиётининг муайян ишлаб чиқариш фазасида вужудга келган қадрятлардан биридир. Ҳозирги даврда бозор иқтисодиёти ер юзидаги барча катта ва кичик давлатларда мавжуд бўлиб, эркин тадбиркорлик хамда ташаббускорликни юзага келтирувчи асосий омил бўлиб қолмоқда. Бозор иқтисодиётнинг муҳим талаби - кам меҳнат сарфлаб, кўпрок фойда олиш, шу билан бирга сифатли товар ишлаб чиқариб, талабни тўлароқ қондириш эвазига кўпрок фойда олишга эришишдир. Тарихан, бозорли иқтисодиёт дастлабки шаклдаги тартибдан ривожланиб бориб, ҳозирги замон иқтисодиётининг муайян қонунлари асосида ҳаракатланувчи хўжалик тизимига айланди. Бундай иқтисодиётга асосланган жамият, давлат ва унинг иқтисодий дастаклари муайян воситалар орқали (нарх, солиқ, рента, субсидия, тариф ва ҳоказолар) унинг иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади. Бозор муносабатларининг изчил ривожланиши унинг инфраструктураси бўлган хизмат кўрсатиш соҳаларининг кенг таркиб топишига ҳам боғликдир. Шу аснода биржа ҳам бозор инфраструктурасининг муҳим тармокларидан биридир. Бугунги кун иқтисодиётнинг либераллашуви ва хўжалик алоқаларининг жадаллашуви жараёнида бозор инфраструктураларининг аҳамияти янада ошмокда. Ўзбекистон иқисодиёти бозор муносабатлари асосида барпо этилар экан, уларни ҳаракатга келтирувчи шартлар: 1) мунособатларнинг эркин, ихтиёрий ва тенг хуқуқли бўлишининг таьминланиши; 2) мавжуд юзага келган нархларнинг талаб ва таклиф ҳамда тарифлар асосида шаклланиши; 3) харидор ва сотувчининг бир-бирини демократик принциплар асосида ихтиёрий равишда танлаб олиши; 4) бозор иштирокчиларидан биронтасининг монополлаша

олмаслиги; 5) бозор иштирокчилари ўртасидаги муносабатларнинг соғлом рақобатга бўйсуниши каби шартлар бажарилиши лозим.

Улгуржи савдонинг ушбу тури товар ишлаб чиқарувчиларнинг савдо-сотиқ, молия-кредит ишларига ҳамда аҳоли талабини қондириб боришда шунингдек, давлатнинг иқтисодиёт жараёнларини тартибга солувчи тадбирларининг амалга ошишини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Рақобатнинг изчил ишлашини кафолатлайди. Бўлардан ташқари, биржаларнинг энг муҳим вазифалардан бири, бу ҳукуматнинг ишлаб чиқаришни ва умуман иқтисодиётни режалаштиришда ҳамда тартибга солишда ўзига хос дастак вазифасини ўташидир.

Маълумки, бозор иқтисодиётини юзага келтиришда молиявий бозор биринчи даражали аҳамият касб этади. Иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, фуқароларни бу жараёнда шахсан иштирок этишини таъминлаш зарурияти аҳолининг ва корхоналарнинг эркин маблағларини иқтисодиётни ривожлантиришга сафарбар этишнинг янги механизмини яратишни шарт қилиб қўйди. Инвестицион жараёнларнинг барқарор бўлиши, қимматли қоғозларнинг махаллий ва минтақавий бозорларини ягона тизимга уюштириш, мувофиқлаштириш, қимматли қоғозларни руйхатга олиш, уларни савдосини ташқил этиш, хисоб-китоб ва хисоботнинг ягона қоидаларини белгилаш ҳар бир инвестор эмитентдан ўзига керакли қимматли қоғозларни сотиб олишни таъминловчи алоҳида ахборот марказларини вужудга келтиришни талаб этади. Ушбу айтиб ўтилган зарурий шарт-шароитлар иқтисодиётда қимматли қоғозлар бозорини изчил тартибга солувчи инфраструктуравий механизмнинг (тармогининг) товар ва меҳнат биржасидан ташқилий, товарнинг хусусияти, савдо операцияларининг ўзига хос жихатлари билан фаркли ўлароқ, фонд биржасининг пайдо бўлишини асослади.

Товар биржаси (иқтисодий адабиётдаги таърифга мувофиқ) – ўз мақомига кўра, мақсади фойда олишга қаратилган ижтимоий ташқилотдир. Шунингдек, биржа тадбиркорлар ва савдогарларнинг тижорат фаолияти учун қулай шароит яратиш мақсадида тузилган иттифоқидир.

Товар биржаларида товарларнинг ўзини эмас, балки уларни етказиб бериш битимлари бўйича олди-сотди савдоси амал қилади. Уларда товар намунаси ёки унинг техник таърифи бўйича катта туркумлар билан савдо-сотиқ қилиш мумкин бўлган, стандартлаштирилган товарлар битимлари сотилади. Битимларнинг эркин савдоси – бу харидор сотувчини, сотувчи харидорни эркин танлашидир. Товар биржаларида талаб ва таклиф мувофиқлиги таъсирида шаклланадиган базавий бозор нархлари аниқланади.

Маълумки, товар биржаси тижорат корхонаси бўлиб, бу ерда маълум хусусиятли товарлар олди-сотдиси амалга оширилади. У бозор нархлари, бозор холати ҳақидаги тижорат ахбороти шаклланадиган ва ҳ.к. жойдир[1].

Оддий улгуржи савдода ишлаб чиқариш техникавий мақсаддаги маҳсулот ишлаб чиқариш нархи бўйича ишлаб чиқарувчидан истеъмолчига ўтади. Биржа савдосининг маъноси шуки, бунда савдо даромадидан ташқари дифференциал даромад, яъни қўшимча (ўзгарувчан) фойдаси ҳам олинади. Биржа олди-сотдисининг мақсадлари: товарни ишлаб чиқаришдан истеъмол соҳасига тез ўтиши, бозор нархини белгилаш, савдони мувофиқлаштириш, товар айланмасини режали йўналтиришга ёрдам бериш каби кўрсатгичларда намоён бўлади.

Ўзбекистон Республикаси товар биржалари жаҳон бозори билан бевосита боғлиқ эмас, ҳозирча уларнинг вазифаси экспортдан импортга савдо айланмасини ташқил этиш, мамлакатга эса ишлаб чиқаришдан ички истеъмолчига етказишни ташқил этишда ўз аксини топмоқда. Бу жараён биржа фаолиятининг ҳозирги ҳолатини акс этмоқда.

Шундай қилиб, иқтисодий жараёнларни бошқариш, тартибга солиш ва ташқилотчилик қилиш роли биржа фаолиятига юкланмоқда. Бозорнинг табиий (талаб ва таклиф) қонунларини четга сурмай, товар биржаси республика иқтисодиётини соғломлаштириш, бошқариш, режалаштириш элементларини киритади. У нархни аниқлаш вазифасини бажаради, давлатга режалаштириш

[1]Ш.Ж.Эргашходжаева, А.Х. Исматуллаев, М.Х. Ядгаров Биржа иши. Ўқув қўланма. – Т.: ТДИУ нашриёти. 2009

ишида ёрдам беради. Биржа бозор конунларига таянар экан, бозор иштирокчиларига коньюнктура ва нарх илмини ўргатиб, товар айланиши ва бошқарилишини таъминлайди. Товар биржаси давлат учун бозорни ривожлантиришдаги янги таянч нуктасидир. Яъни биржа иқтисодиётни бошқаришнинг табиий органи бўлиб қолади.

Хозирги шароитда биржанинг иқтисодий аҳамияти бозор муносабатлари даврини ҳарактерлайдиган хусусиятлардан келиб чиқади. Маьлум иқтисодий вазифани бажарадиган товар биржаси воситачи ва нархни бошқарувчи ролини ўйнаб, ўзининг савдо-иқтисодий хусусиятларига таянади. Бозорни шошилинч савдога ўтказиш йўли билан даромадни суғурта қилиш зарурияти ва имконияти биржада товар миқдори доимий бўлишини таьминлайди. Иқтисодий конунларга кўра биржа ўзида товар йиғилиши туфайли захираларни тақсимлаш жойи бўлиб хам хизмат қилади.

Ўзбекистон товар биржалари бозор тикланишига ижобий таьсир қилади. Талаб ва таклифни ва ташқил қилиши, нарх ва тижорат ахбороти, ижтимоий назорат, савдо манфаатларини ифодалаш – бўларнинг ҳаммаси республика бозорига ижобий таьсир этиши керак. Бозор ривожланиши билан товар биржалари фаолияти мустаҳкамланади.

1.2. Биржа тушунчаси, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиш босқичлари

Биржа сўзи лотинча “bursi” сўзадан олинган бўлиб, хамён (қопчик) маьносини англатади. Тарихдан XVI асрда Голландиянинг Брюгги шахрида Ван дер Бурса деган савдогарнинг уйида турли юртлардан келган савдогарлар жамланиб, ўзаро савдо-сотиққа тааллуқли маълумотлар алмашишган ҳамда векселлар олди-сотдиси билан шуғулланишган (савдогарнинг оилавий гербида учта хамён тасвири акс эттирилган, “Börsen”, лотинчада “bursi”). Биржанинг келиб чиқиши ибтидосини манбаларда шундай ифодалайдилар. Дунёга машҳур “Шарқ бозорлари” деб ном олган “Ипак йўли” бўйлаб карвон бозорлари ҳалқлар ўртасидаги нафақат халқаро савдо муносабатларини таьминлаган, балки минтақалар ўртасидаги ижтимоий алоқаларнинг муайян тарзда

шаклланишига хизмат қилиб келган. Демак, бугунги биржаларнинг аждоди сизу-бизга тарихдан таниш бўлган "карвон" бозорлари ҳисобланади.

Дастлабки биржалар XY-XYI асрларда Италияда, Венеция, Генуя, Флоренция, Голландия, Англия ва шунингдек бошқа мамлакатларнинг йирик савдо шаҳарларида пайдо бўлиб, бу ерларда мануфактуралар асосида ташқи савдо ривожланган.

Бельгиянинг Антерпенд шахридаги биржа дастлабки ҳалқаро биржа хисобланиб, унга 1531 йили асос солинган. Унинг биносини кираверишига «Бутун дунё хақлари ва давлатлари савдо кишилари учун» деган афсонавий ёзув битилган. Антерпен биржасида икки турдаги товар, муҳим ўрин тутган: англия жуни ва хинд қалампири.

Кейинчалик XVII аср бошларида товар ва фонд биржалари Амстердам шаҳрида барпо этилган бўлиб, биржа фаолиятида биринчи маротаба муддатли савдо келишувлари (ҳозирги фьючерс битимлари) қарор топди ва такомиллашиб борди. Фонд биржаларида Голландия, Англия, Португалия ва Испания мамлакатлари давлат банкнотлари билан бирга, ишлаб чиқариш-тижорат компанияларининг акциялари ҳам биржа савдосига қўйила бошлади. Кейинчалик, ишлаб чиқариш даражасининг юксалиши, рақобатнинг кучайиши, капиталлар оқимининг марказлашуви оқибатида биржалар ихтисослаша бошлади. Масалан, ўша даврда Америкада бир қанча ихтисослашган биржалар пайдо бўлди. Бўлар: "Чикаго Мэркентайл Эксчендж" биржасида ғалла(дон), тирик моллар, металл, қимматли қоғоз индекслари савдоси, Минниаполис биржасида эса дон маҳсулотлари савдоси олиб борила бошлади. Ҳозирги кунда, Америкада 13 та йирик фьючерс биржалари мунтазам ишлаб турибди. Шулардан 3 таси жаҳоннинг энг йирик биржаси ҳисобланади. Бўлар "Чикаго Борт оф Трэд" ва юқорида айтиб ўтилган "Чикаго Мэркентайл Эксчендж", "Нью-Йорк Мэркентайл Эксчендж" биржаларидир. Бу биржаларда буғдой, маккажўхори, зиғир, зиғир ёғи, кумуш, олтин (нодир металлар), чорва моллари, қурилиш материаллари, акция индекслари, чет эл валюталари бўйича савдолар мунтазам ўтказиб борилади.

Халқаро биржа савдосининг йирик маркази Буюк Британияда жойлашган. Лондонда 6 та фьючерс биржалари фаолият кўрсатмоқда ва улар жаҳон савдосига етарли даражада таъсир ўтказиб келмоқда. Дунёда энг катта нефт савдосига ихтисослашган Лондон нефт биржаси Нью-Йорк товар биржаси билан биргаликда нефт савдоси бўйича жаҳонда юқори ўринда боришмоқда. Бу биржаларда юқори сифатли ва қатьий талабга мос келувчи нефт маҳсулотлари савдосининг йирик битимлари тузилади.

Дунёда биринчи фонд биржаси 1773 йилда Лондонда брокерлар томонидан қимматли қоғозлар билан савдо қилиш учун ташқил этилган. У дастлаб қиролликнинг пул алмаштириш муассасаси биносининг бир қисмида ижарага жойлашган эди. АКШ да биринчи фонд биржаси эса 1791 йилда Филадельфия шаҳрида, 1792 йилда Нью-Йорк фонд биржаси ташқил этилган. Фьючерс фонд биржаларининг пайдо бўлиши ўтган асрнинг 70-йилларига тўғри келиб, ўша пайтда жаҳон иқтисодиётида ҳалқаро белгиланган валюта алмаштириш курслари бўйича вужудга келган сурункали беқарорлик натижасида нафақат валюта бозорида балки, бошқа қимматли қоғозлар бозорида ҳам (давлат банкнотлари, облиғациялар) шу каби ўзгаришлар сабабли номутаносиблик ҳукм сураётган эди. Демак, фьючерс келишувлари нафақат товар биржаларида балки, молия бозорида аниқроғи, фонд биржаларида тузиладиган асосий битимга айланди. Фьючерс биржалари бозорида товар савдоси салмоғи пасайиб кейинги даврларда фьючерс келишувларининг бешдан уч қисмини қимматли қоғозлар битимлари савдоси ташқил этаётганлиги кузатилмоқда. Ҳозирги даврда дунёнинг 60 дан зиёд мамлакатларида 200 га яқин фонд биржалари мавжуд. Шундан 15 таси Шимолий Америкада (АҚШ ва Канадада), 100 дан ортиқи Европада, 20 таси Жанубий Америкада, қолганлари Осиёда, Австралияда, Африкада, Россияда ва бошқа мамлакатларда. Ўз таркибига 30 дан ортиқ биржаларни олган фонд биржаларининг Ҳалқаро федерацияси қимматли қоғозлар бозорлари

фаолиятини мувофиқлаштириш ва акционерларнинг ҳуқуқларини таъминлаш билан шуғулланади. Федерация штаби Париждажойлашган.[2]

Ост-Индия кампанияси ва қимматбаҳо коғозлар акция бозорининг шаклланиши. XVII аср бошида биржа фаолияти кутилмаган даражада ривожлана бошлади. Унинг маркази 1608 йили юзага келган Европадаги энг йирик Амстердам биржаси «Нидерландия» бўлди.

Амстердам биржаси универсал биржа хисобланиб. Бунда нон, туз, балиқ, ширинликлар, ўрмон ёгочлари ва бошқа товарлар пул, облигациялар билан савдо ташкил этилган.

Кўплаб иштирокчиларнинг тезда бойиб кетишга чанқоқ бўлганлиги шунга олиб келдики, Амстердамдаги биржа ташкилотлари XVII асрда тарихда биржа учун биринчи маҳсус бино қурдилар. Шундай килиб, биринчи бор ҳозирги замон биржасининг ажралмас қисми - биржа зали пайдо бўлди.

Нидерланд биржалари эстафетасини XVII асрнинг охири ва XVIIIаср бошида 1570 йили юзага келган Лондон биржаси олди. Унинг гуллабяшнаб кетиши Жанубий денгиз савдо кампаниялари ташкил этилишигабоғликдир. Кейинчалик Лондон биржаси ёпиқ уюшмага «корхонага»айланиб, унда фақат катта савдогарларнинг асосий қисми учун иштирок этиш рухсат этилган.

1742 йили Парижнинг вексель фонд биржаси таъсис этилди. Бундан кейинги энг кўзга кўринган фонд биржаларидан Франкфуртдаги биржа хисобланади. Дастлабки вақтларда биржа савдоларини олиб бориш объекти бўлиб, хар қандай қимматбаҳо қоғозлар, шу жумладан, векселлар, варрантлар, акциялар, облигациялар ҳисобланган. Кейинчалик бу хил операцияларни олиб бориш банклар ихтиёрига берилган. Натижада қисқа муддатли кредит бериш унча катта ахамиятга эга бўлмай колади ва биржалар ломбардга ўхшаш операцияларни бажариш билан чекланиб қолган. XIX аср охиридан то хозиргача фонд биржаларида биржа битимларини амалга оширишнинг энг асосий объекти акция ва облигациялар-давлат макоми бошқарув ташкилотлари, йирик банклар ва коммерция ташкилотлари қарзлари, мажбуриятлари

[2]Резго Г.Я. "Биржевое дело". Учебник. Москва: Финансы и статистика. 2003

ҳисобланиб келинмоқда. XVI асрда юзага келган товар биржалари фонд биржалари каби унча катта роль ўйнамайди. Кейинчалик XIX асрнинг охирларида маълум хил товарлар бўйича ихтисослашган товар биржаларини гуллаб-яшнаши қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожланиши билан узвий боғлиқ эди. Йирик товар биржалари дон, шакар, кофе ва бошқа товарлар билан савдо қилишга ихтисослашган эдилар. Бу қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ярим тайёр маҳсулотлар биржа савдоси учун кўпроқ яроқли бўлган. Бунга сабаб уларни қисқа вақтда етиштирилиши ва уларга бўлган доимий талабнинг мавжудлигидир. Шунинг учун бу маҳсулотларга баҳони барқарорлаштириб туриш қийин.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари стандарт бўйича биржа савдо системасига яхши мослашади намунаси кўрсатилмайди, стандарт бўйича фақат номи берилади.Бу хил объектлар хозиргача товар биржаларида олди-сотди операциялари олиб боришнинг асосий буюми ҳисобланиб келмоқда.

Россияда биржаларнинг пайдо бўлиши Улуғ Петр номи билан боғлиқдир. 1721 йили Санк-Петербургда биринчи рус биржасини яратди. У кейинчалик Европада энг йирик биржалар қаторидан ўрин олган. Хукумат томонидан қурилган биржа биносини АлександрI Петербург зодагонларига топширди. XX аср бошларида Россияда 50 дан ортиқ товар биржалари, бир қанча умумевропа аҳамиятига эга бўлган фонд биржалири (жами 115) актив фаол кўрсатганлар. Биржа савдосининг кўлами бўйича Россия энг ривожланган Европа давлатларига тенг келган. XX аср бошларида Германияжда 20 та, Францияда таҳминан 70 та биржа мавжуд эди.

Россияда биржа савдо институти тадбиркорларининг ўзлари яратган ижтимоий ташкилотлари доирасида ривожланган ўша даврда Россияда биржа фаолияти умумҳуқуқ доирасида бошқарилмаган. Бу даврда давлат коммерсантларни ўзларининг обрў ва касб усталигига таянган.

Биржалар иқтисодий муносабатларнинг ўз-ўзини ижтимоий бошқариш кўп тармоқли системада қўшилиб кетган эди. Бошқа ижтимоий савдо ташкилотлари ёки ярмаркалар, савдо ва савдо саноат палаталари, задогонлар

йиғилишлари, саноатчилар бирлашмалари билан бир қаторда рус биржалари талаб ва таклифни бараварлаш, баҳони белгилаш, регионлар ва халқлар ўртасида мустаҳкам савдо алоқаларини ўрнатиш, эмиссия ва қимматли қоғозлар устидан назорат ўрнатиш соҳаларида зарур вазифаларни бажарганлар.

Биринчи жахон уруши бошланишида биржалар маъмурий тарзда тақиқланган эди. Янги иқтисодий сиёсат «ЯИС» даврига биржалар яна тикланди. Улар шунда юздан ортиқ эди. Шу даврда кўзга кўринганлари Москва марказий товар биржаси «29 декабрь 1921 йил очилган», Саратов, Пермь, Вятка, Нижгород, Ростов-Дон биржалари ва ҳоказолар.

Функционал ва тармоқлар бўйича давлат бошқарувининг янгиланган шакли билан бир қаторда иқтисодий муносабатларни ижтимоий бошқарувчи институтлар, яъни ярмаркалар, савдо палаталар, тадбиркорлар жамияти ва биржалар юзага келди.

1.3. Ўзбекистонда биржа фаолиятининг ташкил этилиши ва фаолият йўналишлари

Ўзбекистон Республикасида биржалар фаолиятининг амал қилиниши “Ўзбекистон биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида” қонуни асосланди. Унинг келгусида тобора ривожланиши ва равнақ топишини таъминлаш республикада эълон қилинган “Мулкчилик тўғрисида”, “Корхоналар тўғрисида”, “Тадбиркорлик тўғрисида” каби қонунларда ва бир қанча фармон ҳамда қарорларда ўз аксини топди. Биржалар ҳукумат томонидан эълон қилинган қонун ва қарорлар, шунингдек акционерлик жамиятлари тўғрисида, биржалар фаолиятини тартибга солиш тўғрисидаги ҳамда биржа Низоми асосида фаолият олиб боради ва тартибга солинади. Республикамизда биржалар турли ташқилий шаклда барпо этилиши мумкин. Мамлакатимизда 1991 йилда Тошкент Универсал биржаси ишга тушди, шунингдек вилоятларда ҳам шу турдаги биржалар фаолият юрита бошлади.

Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ҳосиласи ўлароқ,корхоналарни хусусийлаштириш, турли мулкчилик шаклидаги хўжалик юритувчи субъектларни ташқил этиш мақсадида 1994 йилнинг апрел ойида

Тошкент Республика фонд биржаси (РФБ) ташкил топди. Биржанинг таъсисчилари сифатида Ўзбекистон Давлат мулк қўмитаси ва Молиявий инвестицион компания- "Ўзинвест" ҳисобланади. Ҳозирги кунда Тошкент РФБ мураккаб инфраструктурага эга бўлиб, Республиканинг барча вилоятларида ўз филиаллари ва брокерлик ташкилотларига эга. Шундан сўнг, Республика вилоятларида Универсал товар ва фонд биржа бўлимлари ташкил этила бошлади.

1992 йилнинг 12 март Республикамизда 30 та биржа рўйхатдан ўтказилган бўлса, кейинчаликуларнинг сони камайиб, кўплари тугатилиб, айримлари савдо уйлари ёки бошқа ташкилотларга айлантирилди. Бунга сабаб шуки, улар қонунга кўра 50 млн сўмлик Устав фондига эга бўла олмаган. Уларнинг кўплари давлат моддий техника таъминоти системасида воситачи бўлиб хизмат қилган, айримлари янгича ном билан бозорда ўз мавқеларини сақлаб қолишга интилувчи тижорат туридаги воситачи ташкилотлар бўлган.

1993 йилнинг бошларига келиб Ўзбекистон Республикасининг «Биржа ва биржа фаолияти тўғрисида»ги қонунига мувофиқ агросаноат акционерлик жамиятининг «Ўзбекистон» биржаси, «Андижон» товар хом-ашё биржаси, «Наманган» акционерлик жамияти универсал товар биржаси, Қашқадарё «Насаф» товар хом-ашё биржаси, Ургенчда эса ҳудудлараро «Хоразм» товар-хом-ашё биржаси рўйхатдан ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси «Биржа ва биржа фаолияти» тўғрисидаги қонунга асосан республика молия инвестиция холдинг уюшмаси акционерлик жамияти таркибига киритилган. Шунингдек, масъулияти чекланган жамият ҳисобланган, «Тошкент » универсал товар фонд биржаси товарлар ва қимматбаҳо қоғозлар билан иш кўради ва бўгунги кунда Республикада 100 ортиқ брокерлик конторали мавжуд.

«Тошкент» биржасини Холдинг уюшмаси таркибига киришининг афзаллиги шундаки, биржа тижорат фаолияти ҳуқуқига эга бўлади. Холдинг компанияси ўз таркибига кўра қуйидаги бир неча турдаги биржалардан иборат, яъни:

- товар биржаси;

- фьючерс биржаси;

- фондига эга бўлган биржа;

- суғурта компанияси;

- банк;

- «Карвон» номли савдо уйи;

«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаҚонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 24 июлда қабул қилинган, Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланган қонуннинг янги тахрири асосида биржалар фаолияти қўйидаги тартибда амалга оширилмокда.

Биржа — олдиндан белгиланган жой ва муайян вақтда, белгиланган қоидалар асосида биржа савдоларини ташкил этувчи юридик шахс.

Биржалар фақат акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил этилади.

Биржалар ўз фаолиятини товар-хом ашё, фонд ва валюта биржаси турида амалга оширади.

Биржанинг фирма номида «биржа» сўзи бўлиши керак.

Ушбу Қонун талабларига жавоб бермайдиган юридик шахс ўз фирма номида «биржа» сўзидан, ундан ҳосил бўлган сўзлардан ва сўз бирикмаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Биржалар белгиланган тартибда лицензия олганидан кейин биржа фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритади.

Биржа устави

Биржа уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

биржанинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи, жойлашган ери (почта манзили), электрон почта манзили;

биржа устав фондининг (устав капиталининг) миқдори;

биржа томонидан чиқариладиган акцияларнинг сони, номинал қиймати, турлари (оддий, имтиёзли);

SAMARQAND IQTISODIYOT VA SERVIS INSTITUTI
AXBOROT RESURS MARKAZI
№

биржа бошқарувининг тузилмаси, биржа кузатув кенгашининг, тафтиш комиссиясининг ва ижроия органининг аъзолари сони, ушбу органларни шакллантириш тартиби, уларнинг ваколатлари.

Биржа уставида қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

Биржани ташқил этиш ва биржа фаолияти билан боглиқ муносабатлар ушбу Қонун ҳамда акционерлик жамиятлари, Ўзбекистонда товар биржалар фаолиятини лизенциялаш тартиби тўғрисидаги қўлланмалар, корхоналар ва тадбиркорлик тўғрисида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисидаги бир қатор қонун ва қарорлар, биржа Низоми каби меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солиб турилади[3].

ХУЛОСА

Биржа фаолиятини ташқил этиш товар биржалари, фонд биржалари, (интеллектуал мулк объектлари билан савдо-сотиқ қилувчи) ёрдамида амалга оширилади.

Ҳар бирини ўзига хос вазифалар мавжуд.

Биржа фаолияти ташқилий ёки биржа аъзолари ўртасида қонунчилик бўйича қўйиладиган талабларни қўпол равишда бузганда ёки биржа тўлов қобилиятини йўқотган холларда: суд қарорлари асосида тўхтатилиши мумкин. Бундан ташқари ҳуқуқий лицензияларни бекор қилиниши биржани қайта ташқил этиш туфайли ҳам тўхтатилади.

- ✓ Биржа аъзоларини биржага борган мулкларида фойдаланиш ва қайтариш шакллари.
- ✓ Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган қонунчиликка асосланган холда тугатиш йўл йўриклари мавжуд.

---

[3]Ўзбекистон Республика товар-хомашё биржаси акциядорлик жамияти маълумотлари.
«Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаҚонунчилик палатаси томонидан 2014 йил 24 июлда қабул қилинган, Сенат томонидан 2014 йил 28 августда маъқулланганқонуннинг янги тахрири.

- ✓ Демак, биржани тугатиш ва қайта тишқил этиш Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ амалга оширилади.
- ✓ Биржа савдосида товар иштирок этмайди. Биржада сотиладиган товарлар алоҳида талабларга жавоб бериши зарур. Биржа товарларининг сони ва ассортименти доимо ўзгариб туради.

ТАЯНЧ СУЗ ВА ИБОРАЛАР

Фармон. Товар – хомашё биржаси. Очиқ савдо. Воситачилик хизмати. Нарх котировкаси. Ярмарка. Тендер. Консалтинг. Реклама-ахборот. Фонд биржаси. Интеллектуал мулк. Амлок. Инвесторлар. Жисмоний шахс. Биржани тугатиш. Қайта ташқил этиш.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Биржа фаолияти бозорнинг табиий (талаб ва таклиф) қонунлариничетга сурмай қанда режалаштириш элементларини киритади?
2. Биржанинг келиб чиқиши тарихини айтиб беринг.
3. Биринчи марта халқаро биржа қачон ва қаерда ташқил этилди?
4. Биринчи фонд биржаси қачон ва қаерда ташқил этилди?
5. Биржа қандай корхона хисобланади?

2-БОБ. БИРЖАЛАР: БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ ВА ФУНКЦИОНАЛ ВОСИТАЧИЛАР.

2.1.Биржалар: таъсисчилар, биржа аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

2.2.Маклериат, брокерлик идоралари ва бошқа биржа воситачилари.

Биржа ташкилоти мустақил юридик мақомга эга бўлган стандартлар ёки товар намуналари асосида улгуржи савдога ихтисослашган, кўнгилли равишда бирлашган муассисларнинг воситачилик тижорат манфаатларини эътироф этувчи ташкилот ҳисобланади. Муассислар томонидан ўрнатилган воситачилар, хизмат кўрсатувчи ходимлар ҳамда низомда ҳуқуқ-мажбуриятлари белгилаб қўйилган биржанинг бошқарув органларидан иборат тузилмалар биржа ташкилотининг таркибий тузилмасини ташкил этади. Биржа ташкилотининг бошқарув органлари уларнинг мавқеига қараб икки ёки уч бўғинли бўлиши мумкин.

Биржанинг бошқарув орғанлари

Биржа акциядорларининг умумий йиғилиши, кузатув кенгаши ва ижроия органи биржанинг бошқарув органларидир.

Биржа акциядорларининг умумий йиғилиши биржанинг кузатув кенгашини (бундан буён матнда биржа кенгаши деб юритилади) сайлайди.

Биржа кенгашининг ваколатларига қуйидагилар киради:

биржани ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилаш;

биржа савдоси қоидаларини тасдиқлаш;

биржа аъзолигига қабул қилиш, аъзоликни тўхтатиб туриш, тугатиш тартибини тасдиқлаш;

биржа фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;

биржа савдоси қоидаларини бузганлик учун жарималарнинг миқдорларини ва уларни ундириш тартибини белгилаш;

аъзолик бадалларининг ва биржа томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун тўловларнинг миқдорини белгилаш;

тузилган биржа битимларининг бажарилишини таъминлаш фондини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини тасдиқлаш.

Биржа кенгаши қонун ҳужжатларига ва биржа уставига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Жорий фаолиятга раҳбарлик қилиш ваколатлари биржа уставида белгиланадиган биржанинг ижроия органи томонидан амалга оширилади.

Биржа раҳбариятининг Олий органи Директорлар (Бошқарувчилар) Кенгаши хисобланади. Кенгаш биржа аъзолар томонидан сайланади. Биржа савдоси сиёсати, қоида ва меъёрлари Директор Кенгаши томонидан белгиланади ва биржа қумиталари томонидан амалга оширилади. Бу қумиталар Директорлар Кенгаши томонидан тайинланади ёки биржа аъзолари томонидан сайланади. Қумита Директорлар Кенгашига тавсия билан чикади ва унга ёрдам курсатади, шунингдек биржанинг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ булган аник вазифаларни бажаради. Ёлланган персонал савдо ва овоз бериш бўйича хуқуқларга эга булмайди. Персоналлар сони ва уларнинг мажбуриятлари Директорлар Кенгаши томонидан белгиланади. Персонал ДК ва Қумита томонидан берилган топшириқ ва қарорларни бажаради, персоналларнинг ташкилий тузилиши эса купинча қумиталар функцияларига мос келади.

Умумий йиғилишнинг қарори агар унинг учун таьсисчиларнинг кўпчилиги ва биржа аьзолари қатнашувчилари ёқлаб овоз берганида қабул қилинган деб ҳисобланади. Навбатдан ташқари умумий йиғилиш таьсисчиларидан бири ва кўпчилиги ёки биржа аьзоларидан учдан икки қисми ташаббуси билан чақирилиши мумкин. Таьсисчилар, биржа аьзолари ва бошқа манфаатдор шахслар навбатдаги умумий йиғилиш чақирилиши, унинг кун тартиби тўғрисида камида бир ой олдин хабардор қилинишлари шарт.

Биржани бошқариш унинг аъзолари томонидан шунингдек, унинг ёлланган персонали томонидан хам амалга оширилади. Куплаб биржалар хусусий шахсларнинг ассоциацияси шаклида мавжуд бўлади. Биржа аъзосларининг сони чекланган бўлиб ва у доимий равишда узгариб туради.

Биржа низомида унинг устав капитали курсатилади, бу капитал аъзоларнинг пайлари (взнослари) хисобига шакллантирилади.

Биржага аъзолик маълум бир хуқуқларни беради ва шунингдек маълум бир мажбуриятларнинг бажарилишини хам кузда тутади.

Биржа тулиқ аъзосининг асосий хуқуқи - бу мустақил равишда биржа доирасида битимлар тузишдир. Биржага аъзо бўлмаганлар эса, операцияларни фақат биржа аъзолари орқали амалга оширадилар. Биржада битимлар тузиш хуқуқи шунчаки тарзда эмас, балки маълум бир тайёргарликдан утилгандан сунг, мулоқот санъати ва бў борада қуйиладиган минимал талабларга жавоб бера олгандан сунггина берилади. Шундан сунг у савдогар (маклер) рухсатномасини олади ва рухсатномаасосида биржа доирасига кириш хуқуқини олади. Рухсатнома олган маклерга кучлироқ молиявий талаблар қуйилади, чунки уларнинг хатоси биржа фаолиятига сезиларли зарар келтириши мумкин, улар катта хажмдаги операцияларда иштирок этадилар.

Биржа аъзолигининг яна бир афзаллиги биржа операцияларини ўтказишга қилинадиган харажатлар нисбатан кам бўлади. Одатда аъзо бўлмаганлар хар бир битим учун биржа тулови тулайдилар, бу туловлар турли биржаларда турлича булиб, битимнинг 0,1% дан 15 % гачани ташкил этиши мумкин. Аъзолар эса бундай туловдан озод қилиниши ёки қисман тулаши мумкин.

Биржага аъзоликнинг яна афзалликлари - аъзо биржа бошқарувида фаол иштирок этади, биржа фаолияти тартибларини шакллантиради ваузгартириб боради, намунавий битимлар шартларини узгартиришда иштирок этади, аъзо бўлмаганларга нисбатан купроқ ва аввалроқ сунги ахборотларга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг «Товар биржалари ва биржа савдоси туғрисида» ги қонунига мувофик биржани таъсис этишда қуйидагилар иштирок этиши мумкин эмас:

- давлатнинг олий ва махаллий хокимиятлари ва бошқармалари;
- белгиланган тартибда лицензия олган банк ва кредит муассасалари;
- сугурта ва инвестиция компаниялари хамда фондлари;
- ижтимоий, диний ва хайрия ташкилотлари хамда фондлари;

- қонунчиликка мувофик тижорат фаолияти юритиши мумкин булмаган жисмоний шахслар.

Биржанинг устав капиталига уз хиссасини қушган ёки биржа мол-мулкига мақсадли, аъзолик бадалларини тулаган шахслар таъсис хужжатларида курсатилган тартибда аъзоликка қабул қилинадилар.

Биржа аъзоларининг қуйидаги хуқуқлари мавжуд:

1. Биржа савдоларида иштирок этиш.

2. Биржа норматив хужжатларига мувофик биржа бошқарувида иштирок этиш.

3. Фойда таксимлашишида иштирок этиш ва белгиланган дивидентларни олиш.

4. Биржа савдосига катнашиш хуқуқини бошқача ижарага бериш (белгилангантартибда ва фақат битта юридик шахсга).

Биржа аъзоларининг сони чекланган, у биржа устав капиталининг хажмига ва қушилган пайнинг кийматига ёки битта акциянинг кийматига боғлиқ бўлади. Бу биржадаги «жой»нинг бахосини шакллантиради.

Жой - бу биржа аъзосининг мулкидир. У сотилиши ёки ижарага берилиши мумкин. Жойнинг бахосини биржа қумитаси аниклайди, у талаб ва таклифга боғлиқ бўлади. Масалан, 1991 йилда РТХБдаги жой 2 млн. 470 минг сумга сотилади (унинг номинал киймати 100 минг сум эди), уша йилнинг охирида эса жой бахоси 7 млн. 600 минг сумгача ошди. 1995 йилда Чикаго товар биржасидаги битта жой 406 минг $ га сотилади. Шу биржада тулик аъзолик жойи 445 минг $ га таклиф этилди ва 405 минг $ талаб килинди.

Чет элда товар биржаларида турли гурухлардаги аъзолар мавжуд. Масалан, Лондондаги металл биржасида аъзолар қуйидагилар.

1. Индивидуаллар (принципиаллар) - уз номидан битимлар тузади.

2. Вакил - аъзолар, улар буюртма берган компаниялар номидан битимлар тузади.

«Товар биржалари ва биржа савдоси туғрисида»ги қонунга мувофик қуйидаги биржа аъзолари фарқланади:

- тулик аъзолар - биржанинг барча секцияларида бўлим ва булинмаларида) савдо қилиш хуқуқига эга аъзхолар;
- тулиқ эмас аъзолар - биржанинг маълум бир секцияларида (бўлим ва булинмаларида) савдо қилиш хуқуқига эга аъзолар:

Биржани бошқариш унинг Низомига мувофиқ амалга оширилади. Биржа ўз бошқарувчисининг тузилишини, шакли ва услубларини мустақил белгилайди.

Биржани бошқариш унинг институционал таркибидан келиб чикади ва қуйидаги куринишда булиши мумкин:



Биржанинг таъсисчилари уни ташкил этишни зиммасига олган ташаббус гурухидир. Таъсисчилар таъсис шартномасини имзолайдилар ва дастлабки бадалларни киритадилар:

Хам ижтимоий хам хуқуқий шахс таъсисчи булиши мумкин.

Биржани бошқариш органлари ижтимоий ва стационар таркиблардан иборат бўлади:



2.1. Расм. Биржа бошқарувининг таркибий тузилиши

2.2.Маклериат, брокерлик идоралари ва бошқа биржа воситачилари. Маклериат ва унинг асосий вазифалари

Биржа савдолари – Ўзбекистон Республика товар хомашё биржасининг энг фаол савдо майдончаларидан бири хисобланади. Савдоларни ташкил қилиш ва ўтказиш, ҳамда уларнинг натижаларини расмийлаштириш маклериатнинг асосий вазифаларига киради.

Шунингдек маклериат биржа аъзоларини аккредитация қилиш, трейдерларини савдода иштирок этиш учун рухсат бериш ва уларни Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Биржа савдо қоидаларига риоя қилишларини назорат қилиш ишларини олиб боради. Биржа савдоларини тайёрлаш ва ўтказишга доир масалалар бўйича филиаллар ва савдо майдончалар ишини мувофиқлаштиради.

Бўлим биржа маҳсулотлари номенклатурасини кенгайтириш ва биржа савдолари айланмасини оширишга қаратилган чораларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда фаол ишлар олиб боради. Бундан ташқари маклериат экспорт биржа савдоларини ўтказиш, уларни рўйҳатга олиш ва Ўзбекистон

Республикаси Давлат Божхона қўмитаси электрон базасига киритиш ишларини ҳам олиб боради.

Брокерлар биржанинг садо залида одатда савдо бошланишида ярим соат илгари йиғилдилар. Уларнинг қўлларида таклиф сотилаётган товарлар рўйхатининг баҳоси миқдори; брокерлик идорасининг тартиби; жойлашган ери, ҳисоблаш усуллари ва таварни етказиб бериш муддатлари кўрсатилган маълумотлар варақаси бўлади. Уч марта бонг урилиши савдони ҳар бир товар секциясида бошланганини ҳабар қилади. Биржа савдоси очиқ овоз билан таклифга аниқ тўғри деб жавоб бериши билан битимни хал бўлганлиги принципи, форвардд битимлари ва мартли битимлар қўйилган. Талабларга тамонларнинг ўзаро розилиги принципида ташкил этилади. Биржа секциясида савдони маклер олиб боради.Дастлаб у дархол сотиш учун таклиф этилган реал товарлар бўйича савдо олиб боради. Сўнгра форвардд битимлари тузиш таклифларини мухокамага қўяди.

Ҳар бир секцияда товарлар савдога қуйидаги тартибда ўтади.

Маклер биржа кунида савдога чиқарилган товарлар рўйхатини эълон қилади. Маклер товарни эълон қилиши билан битимга иштиёқ пайдо бўлган бўлса унда маклер шу товарни тавсия этган брокерлик идораси номерини эълон қилади. Товарни тавсия этган брокер махсулотига ахамият берилмаса шу вақтнинг ўзида товар савдодан олинади, сўнг маклер кейинги банддаги сотиш учун тавсия этилган товарларни рўйхатини эълон қилади, бонг урилгандан сўнг ишнинг иккинчи қисми бошланади ва бунда брокерлар таклифлари мухокама қилинади. Ҳар бир брокер таклифларини мухокама қилиш икки қисмдан иборат бўлади.

Биринчи қисмида маълумот варақасида берилган тарзда таклифлар мухокама қилинади. Мухокамада товарнинг барча партиясига харидор топилмаса, маклер савдони шу банди бўйича иккинчи ишини бошлайди.Савдонинг иккинчи қисми секцияда тупланган харидорларнинг таклифлари, товарнинг бир қисмини сотиб олиши мумкинлиги тўғрисидаги шартларни билдирадилар. Шартлар товарнинг миқдорига, таклиф бахосига ва

х.к тегишли бўлади. Агар битим яна тузилмаса, унда маклер савдога чиқарилган товарларни кейинги пункитини мухокама қилишга ўтади.

Диллер

Дилер - ўз номидан ва ўз маблағлари ҳисобидан махсулотни сотиб олиш ва сотиш, сотиш нархларини оммавий равишда эълон қилган холда битимларни амалга оширувчи биржа бозорининг профессионал иштирокчиси ҳисобланади.

Брокер, брокерлик конторалари ва вазифалари

Брокер-воситачи ишлаб чикарувчи ва дилер уртасида ёки дилер ва истеъмолчи уртасидаги агент сифатида фаолият юритади. Брокерлар комиссион туловлар шаклида рағбатлантирилади.

Брокерлик конторaси - биржадаги асосий операцион звенодир. У факат биржанинг тулик аъзолари томонидан шакллантирилиши мумкин. Тулиқ аъзолик биржа томонидан мунтазам равишда ўтказиб туриладиган тендер савдоларида олиниши мумкин. Битта тулиқ аъзолик жойи учун фақат битта брокерлик конторaси очилиши мумкин, у эса ўз навбатида маълум бир сондаги брокерларни ўзида жамлайди (аккредитация килади).

Брокерлик конторaси мижозлар билан брокерлик хизматлари кўрсатиш бўйича шартномалар тузишга, шунингдек ўз хисобидан харакат қилишга хаклидир. Брокерлик конторалари уз хизматлари учун рағбатлантириладилар, у тузилган битим турига, берилган топшириқ ахамиятига боғлик бўлади. Комиссион туловлар белгилаб қўуйилган ойлик тулов шаклида ёки фойдадан фоиз шаклида бўлиши мумкин.

Дунёдаги йирик брокерлик компаниялари: «Морган Степин», «Соламан брадерс», «Мерим Менч» (АКШ), «Нашура» (Япония), «Далкинлен секьютериз» (Канада).

Брокер мижоз учун иш юритади. Брокер тўлиқ равишда мижоз хисобидан ва унинг номидан иш олиб бориш, битим тузиш ваколатига эга. Амалда брокер билан мижозларнинг ўзаро муносабатлари қуйдаги ҳужжатларни расмийлаштиришни тақозо этади;

- Буюриш шартномаси;
- Ишонч қоғози;
- Комисия шартномаси;
- Банкнинг кафолат қоғози ёки банк маълумотномаси;
- Брокернинг мижозга хисобати;
- Реал товар билан олди-сотди битим тузилгана товарни етказиб бериш шартномаси;
- Хабарнома. Агар брокерлик хизматларида ўзгариш рўй берса, мижоз бундан белгиланган муддатда хабардор қилинади;
- Алоқа боғлаш шартномаларини келишиш протоколи.

Буюриш шартномаси ва комиссия шартномасида нималар кўрсатилади? Брокер биржада битим тузишда қанча миқдорда сотиш ёки харид қилиш тўғрисида тўлиқ маълумотга эга бўлиши лозим.

Агар товар сотиладиган бўлса, брокер ва мижоз учун товарни сақлаб турилган жойи, унга хақ тўлаш тартиби ва шакли, етказиб бериш муддати кабилар шартномада кўрсатилади.

Брокерлик идоралари ва бошқа биржа воситачилари Ўзбекистон РеспубликасиБиржа фаолияти тўғрисидаги қонунида кўрсатилган қоидаларга риоя қилишларишарт. Мазкур қоида биржа аъзоларининг умумий йиғилиши ваколат берган биржанинг бошқарув идораси томонидан тасдиқланади. Биржа савдо-сотиғи қоидаларида қуйдагилар ман этилади:

- Нарх навони ўзгаришига таъсир кўрсатиш мақсадида бир шахс томонидан бевосита ёки сохта шахслар орқали товарларни олди-сотди қилиш;

Биржа савдо-сотиғи ва қатнашчилари томонидан келишиб туриб, биржадаги кундалик нарх-навони ўзгартириши ёки белгилаб бериш мумкин бўлган ҳар қандай брокерлик идораси номерини эълон қилади. Шундан сўнг сотувчи брокер секция марказига чиқади ва бир неча дақиқа давомида йиғилганлар билан уларни қарши таклифларини муҳокама қилади. Агар брокерларни қарши таклифлар қониқтирмаса, унда маклерни бу тўғрида

хабардор қиладилар, маклер бу таклиф мухокамасини охирига етказади. Лекин қарши таклифлар кўп тушиб, мухокама мобайнида томонлар битими аниқланмай қарши холатларда хам бўлиши мумкин. Унда брокер тезлик билан ўз талабига мос келадиган фойдалироқ вариантларни аниқлаш лозим; яъни харидор брокерни топиш маклерни бу тўғрида хабардор килиш керак. Маклер томонларни оғзаки розилигини қайд қилади. Агар брокер шошилмайдиган, оғир бўлиб битим тузувчи томонларни аниқ топа олмаса, барча таклифлар иш биржа мухокамадан ўтиб бўлгандан сўнг, унинг товарларини мухокамаси давом эттирилади. Бир томондан, бу брокерга барча таклифларни яъни бир бор чамалаб ўйлаб кўриш имкони беради, иккинчи томондан у энг фойдали харидорлардан айрилиб қолиши мумкин, чунки уларни ҳам ўйлаб кўриш ва бошқа товарни сотиб олиш учун вақтлари бўлади. Агар битим тузувчи томонлар яна аниқланмаса, унда мухокама келаси биржа кунига қолдирилади. «Шартли» битим хатти-харакатлар;

Бозор конъюнктурасини сунъий равишда ўзгартиришга олиб келиши мумкин бўлган сохта маълумотлар тарқатиш ман этилади.

ХУЛОСА

Биржани бошқариш унинг Низомига мувофиқ амалга оширилади.

Мустақил давлатлар Кенгаши, шу жумладан Ўзбекистондаги ва чет элдаги жисмоний ва юридик шахс ҳисобланганлар қўйилган талабларга жавоб берсалар Биржа Кенгашининг розилиги билан биржа аъзолигига киради. Биржага раҳбарлик қилишнинг энг олий органи биржа аъзоларининг умумий йиғилиши ҳисобланади. Умумий йиғилишлар орасидаги энг олий раҳбарлик органи бўлиб Биржа кенгаши ҳисобланади. Биржа Кенгаши ўзига хос маълум вазифаларни бажаради Брокерни иш олиб боришини махсус бўлинмалар таъминлайди: биржа савдоси қоидалари қўмитаси; стандартлар ва сифат бўйича қўмитаси; котировка қўмитаси. Уч қисмдан иборат ахборот тахтаси бўлиши шарт: талаб, таклиф ва якуний битимлар.

ТАЯНЧ СУЗ ВА ИБОРАЛАР

Биржа аъзолари. Таъсисчилар. Биржани ташкил этиш. Қайта тиклаш. Тугатиш тартиби. Биржа Кенгаши. Ўмумий йиғилиш. Маклериат. Биржа савдоси сиёсати. Биржа низоми. Биржага аъзолик. Биржадаги «жой». Брокерлик идоралари. Ахборот. «Якуний битим».

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Биржа уставида қандай маълумотлар бўлиши керак?
2. Биржа аъзоси бўлиш учун қандай талаблар қўйилади?
3. Қайси орган умумий йиғилишлар орасидаги энг олий раҳбарлик органи бўлиб ҳисобланади?
4. Биржа қандай вазифаларни бажаради?
5. Брокерни муътадил иш олиб боришини қандай қўмиталар таъминлайди?

3 – БОБ. БИРЖА СТАТИСТИКАСИ КЎРСАТКИЧЛАРИ

3.1. Биржа статистикасининг вазифалари

3.2. Биржа статистикаси кўрсаткичлар тизими

3.3. Биржа нархлари котировкаси

3.4 Товар биржаси индексларини ҳисоб-китоб қилиш усуллари

3.5. Биржа конъюнктурасини таҳлил қилиш усуллари

3.1. Биржа статистикасининг вазифалари

Биржа фаолияти объектлари ва субъектларининг ахборот-таҳлилий таъминоти статистиканинг муҳим вазифасини ҳамда биржа савдосини тартибга солиш ва суғурталашнинг зарур шартларини ифодалайди. Давлат статистикаси ва биржаларни лицензиялаш ва назорат қилиши лозим бўлган органлар биржа бозорининг миқёси ва аҳволи, унинг инфратузилмаси, биржа қатнашчиларининг даромад ва харажатлари ҳақидаги маълумотларга эҳтиёж сезади. Бизнес-статистика биржа бозорининг салоҳияти, унинг ривожланиш қонуниятлари, нарх ва сотув башорати, биржа бозорига инвестициялар

ҳақидаги маълумотларга эҳтиёж сезади. Шундай қилиб, биржа статистикасининг вазифалари биржа конъюнктураси, биржа товарайланмаси ва нарх тенденциялари, биржанинг товар бозоридаги роли, биржа жараёнининг моддий таъминоти ҳақида ахборот тўплаш ва таҳлил қилишдан иборат. Биржа статистикасининг муайян вазифалари қуйдагилардан иборат:

- биржалар мавжудлиги ва биржа фаолияти ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш;
- муайян сана ва даврда биржа бозорининг аҳволини баҳолаш;
- биржа савдоси фаолиятини аниқлаш, тала ва таклифни, уларнинг нисбатини баҳолаш;
- биржада ишбилармонлик фаоллигини баҳолаш;
- биржа товарайланмасини, унинг ҳажмини, структура ва динамикасини, баҳолаш ва таҳлил қилиш, товар биржаларининг товарлар улгуржи бозоридаги ролини тавсифлаш;
- реал товар билан битимлар ва муддатли битимлар нибатини таҳлил қилиш;
- биржа нархлари динамикаси ва ўзгарувчанлик даражасини, уларнинг мавсумийлиги, даврийлигини тахлил қилиш, биржа нархларини башорат қилиш;
- биржа савдосининг тижорат натижаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- биржа савдоси инфратузилмасининг ҳолати ва ривожланиш тавсифи.

3.2. Биржа статистикаси кўрсаткичлар тизими

Биржа фаолиятининг статистик тадқиқот вазифалари мос келувчи кўрсаткичлар тизими ёрдамида амалга оширилади, унинг схемаси қуйида келтирилган:

1. Биржалар сони, таркиби ва ҳажми
   - биржаларнинг умумий сони
   - биржаларнинг турлари ва товар ихтисослашуви бўйича тақсимлаш;
   - биржаларнинг низом капитали ҳажми ва пайчи-аъзолар сони бўйича тақсимлаш.

2. Биржада талаб ва таклиф

• товар сотиш ва сотиб олишга буюртмалар сони ва ҳажми;

• товар сотиш ва сотиб олишга буюртмалар нисбати (сони ва ҳажми бўйича)

• буюртмалар сони индекси

• буюртмалар ўртача ҳажми индекси.

3. Биржаларда товарайланмаси

• товарайланманинг умумий ҳажми, жумладан, реал товар етказиб бериш;

• реал товар етказиб беришнинг улгуржи товарайланманинг умумий ҳажмидаги салмоғи;

• товарайланманинг товар структураси (ассортименти), алоҳида товар сотуви ҳажми (натурал ва киймат бирлигида ва товарайланманинг умумий ҳажми фоизида);

• битта биржанинг товарайланмасининг умумий ҳажми;

• товарайланманинг бўгинлилиги (қайта сотишлар сони);

• товарайланма индекслари;

• ассортимент ўзгаришлари индекси.

4. Биржа бозорида ишбилармонлик фаоллиги

• битимлар сони, жумладан, реал товарли битимлар ва муддатли битимлар сони;

• реал товарли битимлар ва муддатли битимлар улуши;

• битта биржага тўғри келадиган битимлар умумий сони.

5. Биржа нархлари

5.1. реал товарли битимлар ва фьючерс битимлар бўйича нарх даражаси (котировка);

5.2. базавий нархлар, таклиф, талаб ва сотув нархи;

5.3. давр учун ўртача нархлар;

5.4. фьючерс битимларида нархлар ўртасидаги фарк;

5.5. нархлар индекси;

5.6. ўртача оғиш.

6. Хеджлаш

6.1 фьючерс битимларини суғурталаш ҳажми;

- фьючерс битимларида депозитлар (кафолатли бай пули) ҳажми;
- маржа ҳажми (ноқулай нарх ўзгаршиини қоплаш учун тўланган суммалар).

7.Биржа фаолиятининг тижорат самарадорлигининг биржа харажатлари (биржа операциялари харажатлари)

7.1 биржа операцияларидан даромад;

7.2 соф фойда, пайчиларнинг дивидендлари

7.3 солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар (ажратмалар, суғурталар, бадаллар ва ҳ.к.)

7.4 рентабеллик (низом капиталининг фоизида фойда, битта жойга ҳисоб-китоб қилгандаги фойда, биржа товарайланмасининг фоизидаги фойда, битта битимга ҳисоб-китоб қилгандаги фойда);

8. Биржа инфратузилмаси

8.1 асосий фонлар, жами ва ўртача битта биржага;

8.2 операцион зал ҳажми (майдони, кв. м), жиҳозланган ўринлар сони («яма»);

8.3 биржанинг ахборот-ҳисоблаш асбоб-ускуналари билан таъминланганлиги – умуман ва биржа халқасининг;

8.4 биржа ходимлари сони ва таркиби;

8.5 брокерлик (дилерлик, маклерлик) идоралари сони, уларнинг ходимлари сони;

8.6 биржанинг омбор бинолари мавжудлиши, сони ва майдони (сиғими).

Статистик ҳисоб-китоблар учун ахборот манбаси сифатида қуйидагилар хизмат қилади: давлат статистика ҳисоботлари ва бухгалтерия ҳисоби маълумотлари, ҳисоб-китоб (ҳисоб) палатаси маълумотлари, котировка палатаси маълумотлари (жумладан, котировка бюллетенлари), брокерлар ҳисоботлари (агар у биржа кенгаши томонидан киритилган бўлса), биржа

буюртмаси бўйича бажарилган махсус маркетинг тадқиқотлари (жумладан, конъюнктура шарҳлари ва башоратлар).

Ҳисоб-статистика мақсадларида намунавий шартнома маълумотлари (олди-сотди ҳажми, реал ва фьючерс товарни етказиб бериш муддати, жойи ва сифати), кафолатли бай пули, базавий нарх ва унинг ўзгариш лимитларидан фойдаланиш мумкин. Брокерлик ҳисоботида одатда, битимлар рўйхатини, жумладан, реал товарлар битимлари, битимдан фойда ва зарарлар рўйхатини камраб олган бажарилган операциялар бўйича ойлик ҳисоботлар киритилади.

3.3. Биржа нархлари котировкаси

Айтиб ўтилганидек, биржа нарх ҳаракатланишида турли тенденцияларини мувозанатлаш механизми ҳисобланади ва нархнинг кескин ўзгаришини юмшатишга хизмат қилади. Биржанинг барқарорлаштирувчи бу роли нарх котировкаси – биржа нархлари ҳақида турли ахборотлар асосисда амалга оширилади. Котировка кўп сонли битимлар нархини умумлаштиришни бир тизимга келтириш натижасида котировка комиссияси томонидан амалга оширилади ва натижалар албатта дарҳол эълон қилинади. Нарх котировкаси биржа савдоси қатнашчилари, кўплаб ишлаб чиқарувчилар ва биржа ташқарисидаги харидорлар, биржанинг фаолияти учун катта қизиқиш уйғотади.

Биржа котировкалари узоқ муддат давомида нархларнинг динамик қаторини ифодалайди, бу башорат қилиш учун база сифатида фойдаланиш имконини беради. Расмий котировка – биржа куни учун товар бўйича биржа кунининг якуний босқичида қайд қилинган нархларни ўртачалаштириш натижасида белгиланадиган умумий нарх хисобланади.

Котировка нархлар тўғрисида маълумот беришдан ташқари яна бир - расмий фьючерс котировкаси ҳар бир биржа кунида ҳар битта позиция (етказиб бериш ойи) бўйича биржада белгиланадиган умумий нарх сифатида ҳисоб-китоб (клиринг) палатаси мижозлар билан қайта ҳисоб-китоблар қилишда функционал аҳамиятга эга.

Ишончли натижалар олиш учун котировка комиссиясининг белгиланган қоидалари қўйидагича:

1. Сотувчилар, харидорлар ва битимлар нархининг айрим кескин фарқ қиладиган кийматлари истисно қилинади;

2. Барча товарлар эмас, систематик равишда тузиладиган айрим муҳим товарлар котировка қилинади. Бундай товарлар ҳақида маълумотлар биржа бюллетенининг базасига киритилади. Янги товарларнинг систематик пайдо бўлишида улар ҳақидаги маълумотлар рўйхатга киритилади. У ёки бу товарлар бўйича битимлар узоқ вақт тузилмай қолган ҳолларда улар рўйхатдан чиқарилади;

3. Котировкада ҳисобга олинадиган лотнинг энг кам ҳажми келишиб олинади;

4. Нархнинг товар партиясига боғлиқлигини элиминациялаш (мувофиқлаштириш) учун иккита усулдан фойдаланилади: нархлар энг кўп битимлар сони амалга ошириладиган намунавий ҳажм учун берилади; котировка нархи бир нечта турли ҳажмлар учун аниқланади;

5. Етказиб бериш шартларидаги фарқлар ҳисобга олинган холда, уларга мувофиқ партия қийматига нисбатан логистик хизматлар, суғурталаш, ўраб-қадоқлаш ва ҳоказолар келишувга асосан киритилиши ёки киритилмаслиги мумкин.

Биржа котировкаси қуйидаги ахборотлардан иборат:

- расмий котировка,
- сотувчи (таклиф нархи) ва харидорнинг (талаб нархи) максимал ва минимал нархи,
- кун (давр) нархлари; кун давомидаги биринчи ва охирги битимлар нархи (нарх кескин ўзгарган оралиқ нуқталар ҳам кўрсатилиши мумкин);
- ўтган кунлар билан таққослаганда биржанинг очилиш ва ёпилиш вақтидаги нархлар.

Мос келувчи расмий котировка ҳар бир позиция (етказиб бериш санаси) бўйича охирги савдодан олдинги 30-60 кун давомида қайд қилинган максимал ва минимал нархларни ўртачалаштириш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

Намунавий нархлар катировкаси товар нархи барқарор бўлмаган бозорларда, нарх ва унга таъсир этувчи омилларни кенг доирада белгиланишига асос бўлади. Намунавий нарх сотиш шартларида намунавий сотув ҳажмида товар бирлигининг қийматини акс эттиради. Бу энг ҳақиқий нарх хисобланади, чунки у тасодифий нархни шакллантирувчи омиллар таъсирини истисно қилади. Битимлар сони кўп бўлганда намунавий нарх битимларнинг ўртача нархси сифатида аниқланади, чунки қатта сонлар қонуни бўйича четга оғишлар бир-бирини қоплайди. Кам сонли битимлар бўйича намунавий нарх барча нарх шакллантирувчи омилларни (талаб ва таклиф нисбати, қатнашчилар сони, ҳисоб-китоб шартлари, транспорт воситасида ташиш шартлари), аввалги биржа куни (даври) намунавий нархининг янги тузилган битимлар нархига мувофиклигини ҳисобга олган ҳолда чиқарилиши лозим. Зарур ахборотлар йўқ бўлган ҳолларда намунавий нарх чиқарилмайди.

Котировка асосида жадвал кўринишидаги биржа бюллетени тузилади. Барча нархлар товар бирлиги бўйича берилади. Биржа котировкалари, жумладан, фьючерс котировкалари мос келувчи биржалар, етакчи газеталар, биринчи навбатда, ишбилармонлик нашрлари томонидан мунтазам чоп этилади.

Нашрлар оптимал структураси қуйидагича: фьючерс котировкалари, реал товар нархи ва барча асосий товарларга опционлар котировкалари келтирилади. Биржа котировкаларининг биринчи устунида товар етказиб бериш ёки олиш мумкин бўлган учта ой; иккинчи устунда – биржа очилишидаги нарх; учинчи устунда – кун давомида рўйхатга олинган максимал котировка; тўртинчи устунда – минимал котировка; бешинчи устунда – биржада ҳисоб-китоб учун фойдаланиладиган нарх (қоидага кўра, биржа ёпилишидаги нарх), кун давомида нарх ўзгариши, бунда «+» белгиси котировканинг ўсишини, «-» белгиси эса – пасайишини англатади; еттинчи ва саккизинчи графада шу етказиб бериш муддатида товарни котировка қилиш пайтидаги максимал ва минимал нарх қиймати кўрсаткичлари; тўққизинчи графада – очилган шартномалар сони кўрсатилади. Устунлар остида алоҳида сатрда кун давомида битимлар

тахминий сони ва барча етказиб бериш муддатлари бўйича очилган шартномалар сони келтирилади.

Нарх котировкасидан ташқари биржада махсус экранда ва мониторларда ушбу биржа куни учун якуний бўлмаган жорий нарх ахбороти мунтазам чиқарилиб туради. Ахборот мазмуни, масалан, қуйидагича бўлиши мумкин: товарлар ҳар бир тури ва барча шартномалар бўйича учта охирги битим; биржа очилган пайтдаги нархлар, фьючерс битимларининг максимал ва минимал нархлари; биржанинг очилиши ва ёпилишидаги нархлар фарқи (агар мавжуд бўлса); биржа операциялари тўхтатилган ва тикланганда нарх диапазони (агар узоқ муддатли савдоларда тўхтатиб туриш ўринга эга бўлган бўлса); ўтган кундаги нархлар билан таққослаганда якуний нарх ўзгариши; жорий юқори ва паст нарх тебранишлари.

3.4 Товар биржаси индексларини ҳисоб-китоб қилиш усуллари

Биржа индекслари биржанинг ишбилармонлик фаоллигини таҳлил қилишда фойдаланилади. Биржанинг ишбилармонлик фаоллиги индексларига қуйидагилар киради: сотиш ва сотиб олишга буюртмалар сони индекслари, буюртмалар ўртача ҳажми индекслари, улгуржи товарайланма индекслари, биржа нархлари индекслари.

Улгуржи товарайланма биржа индекслари қуйидагича ҳисоб-китоб қилинади:

1. алоҳида товар, жумладан, унинг ассортимент турлари бўйича;
2. биржада сотилган барча товарлар бўйича.

Биржа ставкаси индекси алоҳида чиқарилади. Алоҳда ассортимент товарини сотиш индекси ўрганилаётган даврдаги товар сотуви ҳажмини (q_t) бундан олдинги даврдаги сотув ҳажмига (q_τ) натурал бирликдаги нисбати сифатида ҳисоб-китоб қилинади:

(1) $$i = q_t / q_\tau$$

Бунда базис даврдан кейинги ҳар бир давр учун индексларни кўпайтириб, истлаган базис даврга сотув динамикасини ўлчаш мумкин. Фақат вақт кесимлари (даврлари) таққосланишини таъминлаш талаб қилинади, холос. Агар

бир хил бўлмаган вақт орликлари учун индекслар ҳисоб-китоб қилинадиган бўлса, ўртача кунлик (ўн кунлик, ойлик ва ҳ.к.) индексни аниқлаш мумкин. Бунинг учун ўртача геометрик формула қўлланади:

(2) $i = i_{(n+1)\text{ давр учун}}$

бутун товар учун, жумладан, унинг барча турлари ва навлари учун икки хил индекслар тузилади:

- миқдорий индекс: барча тур ва навдаги товарлар сони рағбатлантирилади (жорий даврда -- t ; базис даврда - τ):

(3) $I_q = \sum q_t / \sum q_\tau$

- қиймат индекси: рағбатлантиришдан олдин барча тур ва навдаги товар ҳажми ўзгармас нархлар ($p_н$) бўйича ўлчанади (таққосланади). Ўзгармас нарх сифатида одатда давр бошидаги нархлар ёки энг барқарор давр нрахлари олинади:

(4) $I_q = \sum q_t p_н / \sum q_\tau p_н$

Бу индекснинг камчилиги шундаки, у ассортимент ўзгаришлари (масалан, бир хил товар сонида қиммат товарлар улушининг ўсиши қийматнинг ўсишин беради) ҳисобига товар қийматининг ўзгарини яширади. Ассортимент ўзгаришларининг таъсирини қиймат динамикасига ассортимент структураси ўзгаришларининг таъсирини акс эттирадиган ассортимент ўзгаришлари индекси ёрдамида аниқлаш мумкин:

(5) $I_{acc} = (\sum q_t p_н / \sum q_\tau p_н) / (\sum q_t / \sum q_\tau) = \sum p_н q_t / \sum p_н q_\tau$

бу ерда q – бутун ассортимент гуруҳи бўйича муайян ассортимент турининг улуши.

Ишбилармонлик фаоллигининг энг муҳим кўрсаткичи товар биржасининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Фонд биржасида бундай индекслар акциялар нархи динамикасини таҳлил қилиш учун кўпроқ тарқалган. Товар биржасида

ҳам нархлар индексини ҳисоб-китоб қилиш мақсадга мувофиқ. Ушбу котировкалар фойдаланилади. Фақат амалдаги сотув нархи киритилади.

Реал товарлар учун реал вазнни ҳисобга олган ҳолда нарх индекси тузилади. Фьючерс шартномалари нархи учун ўлчанмаган гнарх индекслари қўлланади.

Битта турдаги товарнинг нарх индекси – оддий индивидуал нарх индекси:

(6) $i_p = p_t / p_\tau$

бу ерда t кейинги даврга, τ эса – олдинги даврга мансуб.

Битта номдаги товарнинг бир неча хил турлари бўйича нарх индекси ўтача нархлар индексини ифодалайди:

(7) $i_p = p_t / p_\tau$

бу ерда p_t, p_τ - давр учун ўртача нархлар.

Нархлар умумий индексида, яъни барча товарлар бўйича нарх индексида вазн сифатида ёки танлаб олинган даврда ҳар бир товар туринининг сони (q_T) ёки сотиш ҳажмидаги қиймат улушлари (∂_t) фойдаланилиши мумкин. биринчи ҳолатда индекс қуйидаги кўришига эга бўлади:

(8) $Ip = \sum p_t q_T / \sum p_\tau q_T$

Кейинги ҳолатда вазн ёки t даврга ёки τ даврга мансуб бўлиши лозим. Индекслар қуйидагича бўлади:

(9) $Ip = \sum i_p \cdot \partial_t$

(10) $Ip = 1 / \sum \partial_t / i_p$

бу ерда i_p – ҳар бир товар тури учун алоҳида индивидуал индекслар.

3.5. Биржа конъюнктурасини таҳлил қилиш усуллари

Биржа конъюнктураси – вақт давридаги санада биржа бозоридаги вазият. Унинг асосий белгилари: бозорнинг мувозанатланганлиги (талаб ва таклиф нисбати), нарх дарадасининг барқарорлик даражаси ва тенденциялари, битимлар сони ва сотув ҳажми. Бошқа кўрсаткичлар ҳам кўриб чиқилади.

Улгуржи бозорнинг шаклланишида товар биржасининг роли бир хил номдаги товарлар етказиб беришда биржа айланмасининг улуши билан тавсифланади. Товар биржасининг муҳим тавсифномаси деб реал товарни етказиб бериш билан якунланадиган битимлар улушини ҳисоблаш мумкин. Маълумки, муддатли битимлар ва фьючерсли битимлар доим ҳам товарни етказиб бериш билан тугамайди. Реал товарни етказиб беришда биржа улгуржи корхона функцияларини бажаради. Товар етказиб берилмаганда биржа хеджлаш орқали касса битимлари ва муддатли битимларда нархларнинг ўзаро алоқалари натижасида нарх барқарорлашувини таъминлаган ҳолда асл биржа функцияларини бажаради. Хорижий биржаларда реал таъминот 1–2%дан ошмайди.

Биржа нархлари таҳлили – биржа конъюнктураси комплексли таҳлилининг энг муҳим томонларидан бири. Агар бозор конъюнктурасини тавсифлаш учун нарх динамикаси (ўсиш, пасайиш, доимийлик) ҳақида жорий, жуда чекланган ахборот талаб қилинса, биржа бозори қатнашчилари таҳлил ва амалий қарорлар қабул қилиш учун кейинги ҳаракатларни олдиндан кўра билишга интилади. Улар амалга оширадиган тижорат фаолияти самарадорлиги қабул қилинадиган қарорларнинг тўғрилигига боғлиқ бўлади. Бу айниқса, биржа ўйинчилари (сотиб олиш ва сотиш нархи ўтасидаги фарқдан даромад оладиган чайқовчилар) учун характерли.

Нарх динамикасини башорат қилиш учун фьючерс шартномалар бозорида 2 хил таҳлил усули: фундаментал ва амалий (ёки техник) усул қўлланади. Ҳар бир усулнинг ўз тарафдорлари бор, бироқ қупчилик тижоратчилар уларни биргаликда қўллайдилар.

Фундаментал таҳлил қуйидаги тамойилга мувофиқ биржадан ташқари ахборотдан кенг фойдаланишга асосланади: товар таклифини пасайтирадиган ёки талабни оширадиган ҳар қандай иқтисодий омил нархнинг ўсишига олиб келади ёки аксинча, товарга таклифни оширадиган ёки талабни камайтирадиган ҳар қандай омил қоидага кўра, нархнинг пасайишига олиб келади. Шунинг асосида ўтмишдаги тажрибадан келиб чиқиб, ушбу талаб ва таклиф нисбатига мос келадиган нарх башорат қилинади.

Нархни башорат қилишда фойдаланиладиган асосий кўрсаткичлар илгариловчи, йўлдош ва кечиккан кўрсаткичларга тақсимланади.

Иқтисодиётнинг яқин ойлардаги ҳолатини тавсифлайдиган илгариловчи кўрсаткичлар қаторига қуйидагилар киради: иш хафтасининг ўртача узунлиги, ишлаб чиқаришнинг юкланганлиги, истеъмол товарларига янги буюртмалар ҳажми, келажакдаги товар етказиб беришнинг кечикиши, янги бизнесни ташкил қилиш, турар-жой уйлари кутилаётган қурилиш ҳажми, товар захираларининг ўзгариши, етакчи компанияларнинг акциялар даражаси, фонд индекслари даражаси, пул таклифи ва ҳ.к.

Йўлдош ва кечиккан кўрсаткичлар узоқ муддатли даврга башорат имкониятари камроқ бўсада, улардан кўра ишончлироқ ҳисобланади. Ҳар ойлик йўлдош ва кечиккан кўрсаткичлар қаторига қуйидагилар киради: ишсизлик даражаси, ташқи савдо сальдоси, мамлакат ичкарисида автомобиллар сотиш ҳажми, чакана товарайланма ҳажми, ишлаб чиқарувчининг нархлар индекси (хомашё нархининг ўзгаришини ҳисобга олиб), товар-ишлаб чиқариш захираларининг ўзгариши, турар-жой ишлаб чиқариш ҳажми, шахсий даромадлар, ялпи миллий маҳсулот, истеъмол нархлари индекси.

Фундаментал таҳлилни қўллаш иқтисодий моделни тузишга асосланади. Бу иқтисодий моделларнинг мураккаблик кенг доирада ўлчанади – товар нархини бир нечта асосий статистик кўрсаткичлар билан боглайдиган оддий тенгламадан то минглаб ўзгарувчиларга эга комплексли моделларгача.

Амалий таҳлил нарх дианмик қаторларини тадқиқ этиш ва айрим кўрсаткичларга асосланади (масалан, савдо ҳажми, тузилган ва бекор қилинган

битимлар сони). Амалий таҳлил усуллари қаторига график ва статистик усуллар киради.

График усуллар якқоллиги билан ажралиб туради. Энг тарқалган графикларга устунли диаграммалар, чартлар (инг. chart – диаграмма), ўртача миқдорлар графиклари, нуқтаи-фигурали графиклар киради.

Чартлар сериясини тасвирлашда вертикал ўқ нархни ифодаласа, горизонтал ўқ эса – вақтни кўрсатади. Кундалик графикларда ҳар битта савдо куни шу куннинг энг юқори ва энг қўйи нархини бирлаштирувчи вертикал чизиқ билан ифодаланган. Ушбу кун учун биржа ёпилган вақтдаги нархни вертикал чарт билан кесишадиган горизонтал чизиқча (штрих) кўрсатади. Тадқиқот турига қараб, айрим графикларда биржа очилган соатдаги нархлар чартдан чап томондаги штрих билан, биржа ёпилган соатдаги нарх эса – ўг томондаги штрих билан белгиланади. Кейинги кунларданҳар бири нархи графикка ундан олдинги куннинг график тасвиридан чапга киритилади. Агар хафтада байрам куни бор бўлса, мос келувчи чизиқ графикда тушириб қолдирилади.

Ички кун бу – кейинги куннинг нарх диапазони ундан олдинги кун доирасида бўлган кундир. Бу кунда ёпилиш нархи жиддий кўриб чиқилмайди. Нархларнинг бу диапазондан қандай чиқишини кузатиш лозим. Бозор қатнашчиси кейинги кунларда нарх доирасининг қайси томонидан чиқишига қараб сотиб олади ёки сотади.

Ташқи кун ички куннинг аксидир. Бу ҳолатда биржа ёпилган вақтдаги нархга катта аҳамият қаратиладию

Қарама-қарши ёпилиш нархи бу – нархлар дастлаб бундан олдинги савдо куни билан бир хил йўналишда борган, бироқ биржа ёпилишида нарх ҳаракати ўзгармаган вазиятдир. Нарх динамикасининг бундай тури нарх тенденциясининг тугаш эҳтимолидан огоҳлантирувчи муҳим белги ҳисобланади.

Нархларнинг асосий қайтиши ташқи кун ва қарама-қарши ёпилиш нархи вариантларини уйғунлаштиради. Қарама-қарши нарх вариантининг асосий фарқи шундаки, очииш нархи ҳам, ёпилиш нархи ҳам бундан олдинги куннинг

нарх доирасидан четда бўлади. Нархларнинг асосий қайтиши, айниқса, хафалик диаграммада, тенденциянинг якунланишидан дарак берувчи белги сифатида қабул қилинади. Амалий усулдан фойдаланувчи кўплаб савдо қатнашчилари, гарчи бундан ҳолат атиги битта кузатилсада, бозордаги ўз позицияларини қарама-қарши томонга, яъни сотувни харидга ва аксинча ўзгартиради.

ХУЛОСА

Биржа статистикасининг муайян вазифалари қуйдагилардан иборат:

- биржалар мавжудлиги ва биржа фаолияти ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш;
- муайян сана ва даврда биржа бозорининг аҳволини баҳолаш;
- биржа савдоси фаолиятини аниқлаш, тала ва таклифни, уларнинг нисбатини баҳолаш;
- биржада ишбилармонлик фаоллигини баҳолаш;
- биржа товарайланмасини, унинг ҳажмини, структура ва динамикасини, баҳолаш ва таҳлил қилиш, товар биржаларининг товарлар улгуржи бозоридаги ролини тавсифлаш;
- реал товар билан битимлар ва муддатли битимлар нибатини таҳлил қилиш;
- биржа нархлари динамикаси ва ўзгарувчанлик даражасини, уларнинг мавсумийлиги, даврийлигини тахлил қилиш, биржа нархларини башорат қилиш;
- биржа савдосининг тижорат натижаларини баҳолаш ва таҳлил қилиш;
- биржа савдоси инфратузилмасининг ҳолати ва ривожланиш тавсифи.

Котировка қуйидаги ахборотлардан иборат бўлади: расмий котировка, сотувчи (таклиф нархи) ва харидорнинг (талаб нархи) максимал ва минимал нархи, кун (давр) нархлари; кун давомидаги биринчи ва охирги битимлар нархи (нарх кескин ўзгарган оралиқ нуқталар ҳам кўрсатилиши мумкин); ўтган кунлар билан таққослаганда биржанинг очилиш ва ёпилиш пайтидаги нархлар.

Мос келувчи расмий котировка ҳар бир позиция (етказиб бериш санаси) бўйича охирги савдодан олдинги 30-60 кун давомида қайд қилинган максимал ва минимал нархларни ўртачалаштириш йўли билан ҳисоб-китоб қилинади.

Биржа индекслари биржанинг ишбилармонлик фаоллигини таҳлил қилишда фойдаланилади. Биржанинг ишбилармонлик фаоллиги индексларига қуйидагилар киради: сотиш ва соти олишга буюртмалар сони индекслари, буюртмалар ўртача ҳажми индекслари, улгуржи товарайланма индекслари, биржа нархлари индекслари.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Ахборот-таҳлилий таъминот, биржа статистикаси, биржа статистикаси кўрсаткичлари, статистик кўрсаткичлар, биржа инфратузилмаси, биржа нархлари котировкаси, котировка комиссияси, нашрлар структураси, биржа конъюнктураси, графиклар, устунли диаграмма, чарт, нуқтали-фигурали графиклар.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Ахборот-таҳлилий таъминот нимани ифодалайди?
2. Биржа статистикасининг вазифалари қайсилар?
3. Биржа статистикасининг кўрсаткичлар тизими таркибий қисмларини санаб беринг.
4. Биржа статистикасининг қайси кўрсаткичлари хеджланиши лозим?
5. Биржа статистикасининг қайси кўрсаткичлари биржа инфратузилмасига мансуб?
6. Статистик кўрсаткичларни ҳисоб-китоб қилиш учун қайси ахборот манбалари мавжуд?
7. Биржа нархлари котировкаси нима?
8. Котировка комиссияси қандай қоидаларга амал қилади?
9. Котировка қандай ахборотдан иборат?
10. Нашрлар оптимал структурасини тавсифланг?
11. Улгуржи товарайланма биржа индекслари қандай ҳисоб-китоб қилинади?

12. Товар учун қайси индекс турлари мавжуд?

13. Биржа конъюнктураси нима?

14. Улгуржи бозорнинг шаклланишида товар биржасининг ролини тавсифланг.

15. Энг тарқалган графиклар қайсилар?

4-БОБ. БИРЖА САВДОСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ

4.1. Товар биржасини ташкил қилиш босқичлари

4.2. Биржа товари тушунчаси.

4.3. Биржа фаолиятини ташкил қилиш.

4.4. Биржа функциялари

4.5. Биржада операциялар

4.1. Товар биржасини ташкил қилиш босқичлари

Ташқи савдо таркибида чуқур ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Кейинги йиллар мобайнида экспорт таркибида рақобатдош тайёр маҳсулот салмоғининг барқарор ўсиш тенденсияси ва хом ашё етказиб берувчи тармоқлар маҳсулотлари улушининг камайиб бораётгани яққол кўзга ташланмоқда.

Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобига сифат жиҳатидан ўзгармоқда.

Бу кўрсаткичларнинг барчаси, аввало, экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган рақобатдош тайёр маҳсулот улушининг изчил ошиши, биринчи навбатда, иқтисодиётимизнинг ўсиб бораётган салоҳияти ва имкониятларидан далолат беради. Шу билан бирга, бундай ҳолат экспортимизнинг хом ашё ресурслари нархи тез-тез ўзгариб турадиган жаҳон

бозори таъсирига боғлиқлигини камайтиришда муҳим йўналиш бўлиб хизмат қилади.[4]

Товар биржаси бозор иқтисодиётининг классик институти бўлиб, ташкилий расмийлаштирилган, расмий нарх котировкаси намуноалари ва стандартлар бўйича битимлар тузиш вақти ва доимий жойига эга бўлган мунтазам фаолият кўрсатувчи товарлар улгуржи бозори ҳисобланади.

Товар-хомашё биржаси - воситачилик фаолиятини ташкил қилиш ва олди-сотди битимларини амалга ошириш, айирбошлаш операцияларида хизматлар кўрсатиш, биржа савдоларини мунтазам ўтказиш воситасида тижорат маслаҳатлари бериш, биржа бюллетенлари чиқариш, бозор ҳақида ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш ва бошқа чора-тадбирлар билан шуғулланувчи доимий фаолият кўрсатадиган товарлар улгуржи бозори.

«Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин»[5].

Биржа бозор механизмининг таркибий қисми; у талаб ва таклиф реал нисбатини аниқлайди, мувозанатли нархларни шакллантиради ва уларга улгуржи бозорни йўналтиради, товар массасини товар муомласи соҳасига жалб этишга хизмат қилади. Бундан ташқари, биржа хеджлаш орқали нархни

---

[4]«2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мулжалланган миллий Дастури тўғрисида" ги Президент Фармони ." Халқ сузи", 08 феврал. 2017 йил.

[5]Ватанимизнинг боскичма-боскич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий максадимиз «Халқ сўзи» №237 (4647), 06.12.2008 й.

барқарорлаштириш воситаси, нархлар фарқида тижорай чайқовлари воситаси ва шу асосда инвестициялашнинг жалб этувчан соҳаси ҳисобланади.

Биржа атамаси остида биржа жараёнининг ўзим ҳам, биржа битимларининг амалга оширилиши, уларнинг натижалари ҳисобга олиниши, суғурта операциялари, белгиланган қоидаларга риоя этилиши ва ҳоказоларни таъминловчи мос келувчи инфратузилма ҳам тушунилади.

Алоҳида товар биржаси доимий жойи ва иш вақтига эга бўлган белгиланган товар ёки товарлар мажмуи билан савдо қиладиган мунтазам фаолият кўрсатувчи бозорни ифодалайди.

Товар биржаси яратиш босқичларини кўриб чиқайлик. Асосий масала товар биржаси жойлашадиган жойни ва у ерда сотиладиган маҳсулот турларини танлаш ҳисобланади. Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, биржалар, қоидага кўра, кўпроқ энг мужассамланган моддий ресурслар манбаларига максимал яқинликдаги йирик марказларда жойлашиши лозим.

Биринчи босқичда бу ишнинг ташаббускорлари улар биржа ривожланишининг дастлабки босқичида ва келажакда бозор томон ҳаракатланишда нимани олиши мумкинлини ва истаётганини аниқ белгилаб олиши зарур.

Иккинчи босқичда биржада сотишга ихтисослашадиган товарларни олдиндан танлаб олиш зарур.

Биржа товарининг белгилари:

1. Стандартлаштирилганлик;

2. Бир-бирни алмаштира олиш;

3. Монополиялашув даражаси пастлиги;

4. Ишлаб чиқаришнинг оммавийлиги.

Қоидага кўра, биржа товари келажакда ундан кутиш мумкин бўлган барқарор талаб каби тавсифга ҳам эга бўлади. Товар биржаси ташкил этиладиган шаҳарни танлашга келадиган бўлсак, аввало, омбор бинолари ва ривожланган ахборот тармоқларининг мавжудлиги каби омилларни ҳисобга олиш зарур.

Учинчи босқичда товар биржаси яратишнинг ташаббускорлари унинг потенциал таъсисчиларини танлайдилар. Бунинг учун ташаббускорлар томонидан хўжалик фаолияти жараёнида тўпланган ахборот, шунингдек, бошқа ташкилотларда, масалан, статистика бошқармасида мавжуд ахборотдан фойдаланилади.

Потенциал таъсисчиларни танлаш уларда биржани яратиш учун молиявий маблағлар киритиш имкониятининг мавжудлиги, биржа савдоларига моддий ресурсларни жалб қилиш, корхона ва ташкилотлар билан кенг алоқалардан келиб чиқиб амалга оширилади.

Кейинги, тўртинчи босқичда асосий эътиборни товар биржасини унинг бўлажак таъсисчиларига реклама қилишга қаратиш лозим.

Ҳар қандай товар биржаси иккита асосий фаолият йўналишига эга: бир томондан, улгуржи савдо ва бошқа томондан, нарх котировкаси. Товар биржаси, қоидага кўра, тижорат ташкилоти ҳисобланмайд. Катта фойда олиш унинг мақсади эмас. Маълум бир шартлилик билан товар биржаларини манфаатдор ишлаб чиўарувчилар ва воситачи фирмалар томонидан унинг қатнашчиларидан ҳар бирига сотув ва харид операциялври ўтказишни таъминлайдиган, тартибга солинадиган товарлар бозорини ташкил қилиш лойиҳасини биргаликда амалга ошириш учун яратиладиган консорциум шаклида ифодалаш мумкин.

Қатнашчилар оладиган фойда тижорат ишларини ўтказишга харажатларни тежаш билан таъминланади.

Биржа бу улгуржи товарни шакллантирадиган классик бозор иқтисодиёти институти хисобланади.

Биржа қуйидагиларга эга:

- ташкилий асослар;
- иқтисодий асослар;
- юридик асослар.

Биржа, ташкилий нуқтаи назардан, бу яхши жиҳозланган, брокерлар ва дилерларга, яъни биржа иши профессионалларига тақдим этиладиган бозор ўринидир.

Иқтисодий нуқтаи назардан, биржа бу белгиланган жойда ташкил қилинган, белгиланган қоидалар бўйича мунтазам фаолият кўрсатадиган, қимматли қоғозлар савдоси, намуналар ва стандартлар бўйича улгуржи савдо, шунингдек, валюта ва нодир металлни талаб ва таклиф асосида расман белгиланган нархларда сотиш амалга ошириладиган улгуржи бозордир.

Биржа алоҳида мулкига эга бўлган, судда, арбитраж давлат судида даъвогар ва жавобгар сифатида иштирок эта оладиган юридик шахс ҳисобланади.

4.2. Биржа товари тушунчаси.

Жаҳон амалиётида товар биржалари фаолияти асосан хомашё ва қишлоқ хўжалик товарлари олди-сотдиси билан чекланади.

Биржа товарлари, қоидага кўра бу - хомашё, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бошланишига алоқадор. Шу сабабли улар кўп жиҳатдан улардан олинадиган товарлар нархини белгилаб беради. Классик биржа товари ҳажми ва сифати бўйича бир хиллаштирилган, қатъий белгиланган, осон муайянлаштириладиган, барқарор хусусиятларга эга бўлган оммавий маҳсулотдир. Улар урфдан чиқиб қолмаслиги ва маънавий эскирмаслиги лозим. Бу биржа товари биржага етказиб берилмаслиги мумкинлигини англатади. Сотувчи ким, товар қайси партиядан олинган, муддатли битимни амалга ошириш учун нима зарур - харидорга бунинг фарқи йўқ бўлиши лозим. Энг машҳур биржа товарлари: нефть и нефть маҳсулотлари, рангли ва қимматбаҳо металл, ўромн, пахта, каучук, кофе, шакар, дон. Битта товарнинг ўзи бир мамлакатда биржа товари бўлиши, бошқа мамлакатда эса бўлмаслиги мумкин.

Уларнинг сони ва ассортименти доимий ўзгариб туради. Агар XIX аср охирларида бу қаторга 200 гача товарлар кирган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг

сони 60-65гача камайган, шундан фақат 45 таси биржада муомалада бўлади. У ёки бу товарни танлаш нима билан асосланади?

Товар белгиланган сифатлар йиғиндисига эга бўлиши лозим.

Биржа товарларига талаблар.

1. Товар оммавий бўлиши ва катта ҳажмда чиқарилиши лозим (ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар сони катта). Бу талаб ва таклифни аниқлашга имкон беради. Мувозанатли нарх ўрнатилади. Ягона ишлаб чиқарувчининг ижро этиш усули бўйича ўзига хос маҳсулотлари биржа савдоси объекти бўла олмайди.

2. Сифат, сақлаш шартлари, транспорт воситасида ташиш ва ўлчаш бўйича талаблар. Бу товар намуналар ёки техник тавсифлар бўйича кўриб чиқмасдан сотиш мумкин бўлиши учун осон стандартлаштириладиган бўлиши лозим. Биржа иши амалиётида стандартлаштириш асл биржа товарининг белгисини ташкил қилади.

3. Олди-сотди учун таклиф этиладиган товар сони. Товар биржада қатъий белгиланган миқдорда сотилади ва сотиб олинади. Бу ҳажмлар биржа бирликлари, партия, лот деб аталади ва ёки транспорт воситалари сиғимига, ёки жойи, ҳажми ва вазнига мос келади. Партия ёки лот биржа бирлигига карра бўлиши лозим.

Биржада муомалада бўладиган барча товарларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкил қилади, бу ерда мой олинадиган экинларнинг улуши катта. Худди шу гуруҳга дон экинлари, чорва маҳсулотлари, шакар, кофе, какао, ёғоч материаллар киради.

Иккинчи гуруҳга саноат хомашёси ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари киради. Бу ерга энергия воситалари, қимматбаҳо ва рангли металл киради.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, товар биржасига одий товарларга шартномалар билан бир қаторда қимматли қоғозларга шартномалар, жумладан, давлат облигациялари, акциядорлик банкларининг акциялари, ишлаб чиқариш

акциядорлик жамиятларининг акциялари, депозитли банк сертификатлари ҳам киради.

Биржа товари сифат бўйича, сони бўйича ҳам стандартлаштирилади. Сотилиши лозим бўлган минимал миқдор биржа бирлиги деб аталади. У қоидага кўра, битта транспорт воситаси ёки ўриннинг сиғимига мос келади. Товар етказиб беришнинг амалдаги сиғиси стандарт кўрсаткичи лот, яъни бирликка карра бўлган, белгиланган товар миқдори ҳисобланади.

Биржа етказиб бериш вақ жойини бир хиллаштиради (вариантлар сонини чеклайди). Вақтни бир хиллаштириш товар фақат позиция деб номланган, белгиланган вақт оралиғида етказиб берилади. Ҳар бир товарга ўзининг етказиб бериш даври хос. Хусусан, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари бозорида етказиб бериш даври ишлаб чиқаришнинг мавсумийлиги билан белгиланади.

Етказиб бериш жойини бир хиллаштириш омбор ва элеваторлар мос келувчи рўйхати билан белгиланади. Баъзида товарни темирйўл станциясига вагонларда келтиришга рухсат берилади. Бир хиллаштириш товарларнинг таққосланувчанлигини таъминлаш учун зарур. Биржа ёки унинг ваколатлаган фирмаси сотувчига омбор гувоҳномаси – варрант беради. Сотувчи уни харидорга чекка алмаштиради.

4.3. Биржа фаолиятини ташкил этиш.

Кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритилаётган ютукларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир.[6]

[6] Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009. – 17-б.

Биржа операциялари сотувчи ва харидорлар орқали эмас, бевосита биржа воситачилари - брокерлар ва дилерлар томонидан амалга оширилади. Брокерлар асосан битимларни мижозлар номидан ва уларнинг ҳисобига амалга ошириб, бунинг учун комиссион тўловлар олади. Дилерлар битимларни мижозларнинг топшириғи бўйича, бироқ ўзининг номидан ва ўзининг ҳисбига амалга оширади. Дилерлар товарни мулк қилиб сотиб олади ва уни сотиб олган нархдан қимматроқ сотишдан манфаатдор бўлади. Воситачи (брокер, дилер) мижоздан сотиш ёки сотиб олишга топшириқ (буйрук) олади, у учта кўрсаткични қамраб олади: товар сони (намунавий шартномалар сони), етказиб бериш муддати, нарх. Мижозлар билан ҳисоб-китоблар бевосита ёки биржанинг ҳисоб-китоб палатаси орқали амалга оширилади. Брокерлар ва бошқа воситачилар биржага ҳар бир битимдан белгиланган фоиз тўлайди.

Биржа - акциядорик жамияти хисобланиб, акциядорлар йиғилиши олдида жавоб берадиган биржа кенгаши (директорлар кенгаши) томонидан бошқарилади. Биржа аъзолариасосан икки хил тофага ажратилади: тўлиқ ва нотўлиқ аъзолар. Тўлиқ аъзолар биржанинг барча секцияларида биржа савдоларида ҳеч қандай чекловсиз иштирок этиш ҳуқуқига эга. Биржа аъзоси операцион залда воситачилар иштирокисиз битимларни мустақил тузиш ҳуқуқини берадиган ўринга эга бўлади. Биржа аъзоси белгиланган қоидаларга мувофиқ ўз жойини ижарага бериш ҳуқуқига эга.

Биржанинг операцион зали ахборот ва ҳисоб воситалари, махсус алоқа билан жиҳозланади. Битимлар тузиладиган жой биржа халқаси (пол), шунингдек, ринг, яма (пит) деб ҳам аталади, чунки у зал сатҳидан 1-1,5 см пастда жойлашади. Ҳар бир ўрин ўз рақамига эга.

Брокер таклифини қабул қилган биринчи мижоз, кейинги таклифлардан қатъи назар, битим тузган ҳисобланади. Агар товар харид қилишга бир нечта харидор даъваогарлик қилаётган бўлса, улар ўртасида кимошди савдоси тамойилида савдо ўтказилади. Агар сотувчи нархи харидор нархидан ортиқ бўлса, бошқа таклифлар бўлмаган тақдирда битим сотувчи ва харидор бир-бирига ён босиб нархни тенглаштирган ҳолда ўринга эга бўлади.

Шартномаларни расмийлаштириш куннинг охирида ёкик ейинги куннинг тонгидан кечикмасдан амалга оширилади. Биржа операторлари битим якунлангандан кейин оғзаки шаклда 30 дақиқа ичида бу ҳақида ҳисоб-китоб палатасини огохлантириши зарур. Брокер мижозга битим тузилганлиги ҳақида ахборотни бериши зарур.

Шартномаларнинг асосий шартларини стандартлаштириш битим тузшни соддалаштиришга хизмат қилади.

Айрим биржаларда, айникса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари биржаларида минимал талабларга жавоб берадиган ёки мамлакатнинг биржа қонунларида кўрсатилган исталган товар етказиб берилиши мумкин. Бошқа қатор биржаларда, аввало, рангли ва қимматбаҳо металл биржасида, товар маркаси олдиндан рўйхатга олиниши лозим.

Сифатдан ташқари, биржа шартномаларида бошқа кўплаб шартлар ҳам бирхиллаштирилган. Бундай шартномалар намунавий шартнома деб аталади, масалан, фьючерс биржаларда савдо фақат лот деб аталадиган партияларда амалга оширилади. Бунда юзага келган ўлчам бирликларидан фойдаланилади.

Айланмани фаоллаштириш, савдогарлар максимал сонини жалб этиш учун биржалар товарларнинг фақат позиция деб аталадиган белгиланган ойларда етказиб бериладиган тарзда ташкил қилишга ҳаракат қиладилар. Ҳар бир бозор учун асосан мавсумийлик билан боғлиқ тала ватаклифнинг фаоллашув даври характерли, масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларида бу ҳосилни йиғиб олиш билан боғлиқ. Мос равишда, товарни муддати белгиланган ва шу ойда тугайдиган шартномалар бўйича етказиб бериш рухсат жэтилган ойлар белгиланади.

Биржаларда товарлар бир вақтнинг ўзида бир нечта етказиб бериш муддатида (ой) сотилади (мос равишда, котировка қилинади) ва хатога йўл қўймаслик учун уларнинг ҳар бирини аниқ белгилаб олиш талаб қилинади.

Товарни етказиб бериш жойи биржа шартномаларини бир хиллаштиришнинг муҳим элементи ҳисобланади. Биржалар сотувчиларга товарни фақат биржа қоидаларида кўрсатиб қўйилган белгиланган жойларга

келтиришга рухсат беради. Бу омборлар, элеваторлар, биржа билан махсус келишувга эга белгиланган талабларга жавоб берадиган банклар бўлиши мумкин. Улар биржага яқин жойда ёки бошқа жойларда, ҳатто жаҳон савдо талабларига жавоб берадиган ва эҳтиёжларни қондира оладиган тарзда бошқа мамлакатда жойлашиши мумкин.

Айрим биржа қўмиталари (палаталар) биржа фаолияти ҳақидаги ахборотни шакллантиришга бевосита алоқаси бор. Хусусан, ҳисоб-китоб палатаси (айрим биржаларда клиринг палатаси) бачажумладан, муддтли битимларни рўйхатга олади, мижозлар ва биржа турли тўлов ва ҳисоб-китобларни амалга оширади. Назорат қўмитаси биржадо ишбирмонлик фаоллигини кузатиб боради. У реал твоар етказиб бершининг боришнии назорат қилади, биржа шартномаларининг айрим фирмалар қўлида муассамлашувини кузатиб боради, сунъий тақчилликка ва рах билан ўйнашга қарши курашади. Котировка қўмитаси нархларни қайд қилади, уларни башорат ва таҳлил қилади, нархларни эълон қилади. Қатор биржалар таркибида статистика қўмитаси бўлиб, у ҳисоб-китобларни, хусусан, индексларни таъминлайди.

Барча хорижий мамлакатларда биржа фаолияти банк ва пул тизими билан биргаликда давлат томонидан тартибга солиш объекти ҳисобланади. Бу тасодифий эмас. Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик фаолиятига давлатнинг тўғридан-тўғри аралашуви бўлмаган ҳолларда айнан биржалар бозорга таъсир этишнинг билвосита, лекин жиддий таъсир воситаси ҳисобланади. Биржада кам сонли товарлар котировка қилинишига қарамай, уларнинг кўп қисми стратегик характерга эга. Шу сабабли биржада эркин нарх шаклланиши шароитларида у ёки бу товар бозорининг ҳаракатини акс эттирадиган нархлар мамлакат иқтисодиёти аҳволининг ўзига хос индикатори бўлиб хизмат қилади.

Бугунги кунда кўплаб йирик товар биржалари ўтасида ахборот алоқалари йўлга қўйилган. Бу нархларнинг текисланиши ва умумий жаҳон бозорининг шаклланишига хизмат қилади.

Товар биржаси савдо битимлари тузиш бўйича воситачилик хизматлари кўрсатиш; товар савдосини тартибга келтириш; савдо операцияларини тартибга солиш ва савдо можароларини ҳал қилиш; нарх ҳақидаги, ишлаб чиқаришнинг аҳволи ва нархга таъсир этувчи бошқа омиллар ҳақидаги маълумотлар тўплаш ва эълон қилиш учун ўз харажатларини ўзи қоплаш асосида фаолият кўрсатадиган ташкилотдир. Товар биржасида битимлар предмети товар ва уни етказиб бериш бўйича шартномалар ҳисобланади.

4.4. Биржа функциялари

Биржанинг қуйидаги асосий функциялари ажратиб кўрсатилади:

1. Биржа механизми ёрдамида хомашё бозорини ташкил қилиш:

Аввало, биржа бозорда ундан фойдаланиш билан тўғридан-тўгри боғлиқ бўлмаган талабни таъминлайди. Биржа талаби ва таклифини биржа вакиллари – биржа чайқовчилари амалга оширади. Биржа савдоси мавжуд нархларда на такчиллик, на товарнинг омборда тўпланиб қолиши рўй бермайдиган имкониятни таъминлайди;

Биржада товарнинг ўзим эмас, унга мулк мақоми ёки товарни етказиб бериш учун шартнома муомалада бўлади. Замонавий товар биржаси бу реал товар таъминоти кичик миқдорда бўлган ҳолда товарни етказиб бериш шартномалари бозоридир. Биржа, товарлар катта ҳажмини ҳаракатини боғлаб ўтирмасдан, талаб ва таклифни тенглаштиради;

2.Биржа нархларини аниқлаш ва тартибга солиш.

Биржа биржа товарларининг барча турлари нархини аниқлаш ва тартибга солишда иштирок этади, биржада талаб ва таклифнинг мужассамлашуви, катта сонли битимлар тузилиши бозордан ташқари омилларнинг нархга таъсир этишига йўл қўймайди, уни реал талаб ва таклифга максимал даражада якинлаштиради. Биржа нархи биржанинг муҳим функцияси сифатида кўриб чиқиладиган котировка жараёнида аниқланади. Котировка деганда биржада ҳар бир иш кунида нархларни қайд қилиш, қимматли қоғозлар ёки валюта курсини, биржа товарлари нархини рўйхатга олиш тушунилади.

Нарх котировкаси бу биржа нархларини биржа қоидалари бўйича рўйхатга олиш ва эълон қилишдир. Бу функция батафсилроқ қуйида кўриб чиқилади.

Бундан бозорни ташкил қилишнинг таркибий қисмларидан яна бири – нарх барқарорлашуви кўриниб туради:

Реал талаб ва реал таклифнинг мос келмаслиги туфайли вужудга келган нарх тебранишлари мослашувчанлиги паст бўлиб, дарҳол қондирилмасдан, нарх кескин тебранишларига айланиш қобилиятига эга. Биржа чайқови нархни ошириш эмас, уларни барқарорлаштириш механизми;

Нархни барқарорлаштиришнинг муҳим омили битим тузишнинг очиқлиги, биржа куни бошида ва охирида нархнинг оммавий белгиланиши (биржа котировкаси), кунлик нарх тебранишининг биржа қоидалари ўрнатилган чегаралар билан чекланиши. Биржанинг ахборот фаолияти шу билан боғлиқ.

3. Товар стандартларини ишлаб чиқиш, истеъмолчилар учун қулай бўлган ва шу сабабли нисбий ликвидликка эга бўлган навларни аниқлаш, биржа савдосига йўл қўйилган фирма маркаларини рўйхатга олиш. Буларнинг охиргиси ўта муҳим. Бу фирма ишлаб чиқарган маҳсулот сифатиган ўзига хос талабдир. Намунавий шартномаларни стандартлаштириш, ўзига хос савдо анъаналарини ўрнатиш биржа фаолиятининг муҳим томони ҳисобланади.

4. Аввалгидек, биржалар ўзингинг товар ўтказиш функциясини, яъни реал товарни сотиш ва сотиб олиш дастлаб вужудга келган функцияни бажаради.

5. Товар хомашёларига чекланган талаб нархларини барқарорлаштириб, биржалар биржа товарларидан бошқа товарлар ишлаб чиқариш харажатларини ҳам барқарорлаштиради.

6. Пул муомаласини барқарорлаштириш ва кредитни енгиллатиш. Биржа пул муомаласи сиғимини оширади, чунки у товарлар максимал ликвидлик соҳасини ифодалайди. Биржа ссуда капитали қўлланадиган муҳим соҳалардан бири, чунки у ссудаларнинг ишончли таъминотини тақдим этади ва рискни минималлаштиради.

7. Томонлар ўртасида турли можаро ва келишмовчиликларни бартараф қилиш.

Биржа савдоси жараёнида турли сабаблар туфайли (хато, алдов ва ҳ.к.) биржа савдоси қатнашчилари ўртасида бевосита фақат биржада ва унинг мос келувчи нейтрал органи томонидан ҳал этилиши мумкин бўлган муаммоли вазиятларнинг вужудга келиш эҳтимоли бор. Одатда бу ҳакамлар суди ёки арбитраж ҳисобланади.

8. Жаҳон бозорини шакллантириш ва унинг фаолият кўрсатиши. Замонавий товар биржаси бу жиҳатдан товар, фонд ва валюта биржалари фаолиятини бирлаштиради.

9. Биржа савдоси қатнашчиларини улар учун ноқулай нарх ўзгаришларидан суғурталаш (хеджлаш). Бунинг учун биржада махсус битим турлари ва уларни тузиш механизмлари фойдаланилади. Биржа савдоси қатнашчиларини суғурталаш вазифасини бажарар экан, биржа савдони ташкил қилгандан кўра кўпроқ унга хизмат кўрсатади. Биржа реал товар сотувчилари ва харидорлари ўз ҳоҳиши билан бир вақтнинг ўзида мос келувчи биржа савдоларида мижозлар ёки қатнашчилар сифатида иштирок этиши учун шароитлар яратади. Бу биржага ишончни оширади, унга бозор чайқовчиларини жалб қилиб, бевосита ва воситачилар орқали савдо қилувчилар сонини оширади.

10. Очиқ биржа савдолари ўтказиш учун биржа йиғилишларини ташкил этиш, айнан:

- биржа савдоларини ташкил этиш
- биржа савдоси қоидаларини ишлаб чиқиш
- савдони моддий-техник таъминлаш
- биржанинг малакавий аппарати.

Савдони ташкил қилиш учун биржа, аввало, очиқ биржа савдоси ўтказадиган кўп сонли сотувчи ва харидорларни сиғдира оладиган, яхши жиҳозланган бозор жойига (биржа залига) эга бўлиши лозим. замонавий электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш савдо қилаётганларнинг залда

шахсан албатта иштирок этишини талаб қилмайди, балки савдони электрон компьютер терминаллари орқали амалга ошириш имконини беради. Бироқ бу ҳолатда ҳам биржа юқори самарали электрон савдо тизимини таъминлаши кўзда тутилган. Савдонинг моддий-техник таъминоти биржа залини савдо қатнашчилари учун иш ўринлари билан жиҳозлаш, компьютер таъминоти ва ҳоказоларни қамраб олади.

11. Биржа шартномаларини ишлаб чиқиш, у қуйидагиларни қамраб олади:

- биржа савдоларининг сифат тавсифномаларига талабни стандартлаштириш
- товарлар партияси ҳажмини стандартлаштириш
- биржа битимлари бўйича ҳисоб-китобларга талабларни ишлаб чиқиш.

Биржа савдоларига қўйиладиган товарларга нисбатан биржа қаттиқ талаблар белгилайди. Бу талаблар асосида биржа стандартлари ишлаб чиқилади ва товар биржаларида ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар томонидан ҳисобга олинади.

12. Битимлар бажарилишини кафолатлаш клиринг ва ҳисоб-китоб биржа тизимлари воситасида эришилади. Бунинг учун биржа савдо қатнашчиларнинг бир-бирига талаблари ва мажбуриятларини ҳисобга олиш йўли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимидан фойдаланади, шунингдек, уларнинг ижро этилишини ташкиллаштиради.

13. Биржанинг ахборот фаолияти.

Биржанинг энг муҳим функцияси биржа нархларини тўплаш ва рўйхатга олиш, уларни умумлаштириш эълон қилиш, мижозларга, бошқа турли манфаатдор ташкилотларга, халқаро бозорга намуна бўйича товарлар мавжудлиги ҳақида ахборот тақдим этиш, уни газета, журнал, ахборот агентликларида чоп этиш.

4.5. Биржада операциялар

Шуни эътиборга олиш керакки, биржа юридик шахс сифатида олди-сотди битимларини такомиллаштиришда томонлардан бири сифатида қатнашмасдан, уларнинг амалга оширилиши ва биржа қоидаларига риоя қилинишини таъминлайди.

Биржа нарх котировкасини амалга оширади, биржа товарларига стандартлар белгилайди, намунавий шартномалар ишлаб чиқади, савдо жараёнларини қайд қилади, арбитражни амалга оширади, ҳисоб-китоб қилади, ахборот хизматлари кўрсатишни амалга оширади, ўз мижозларига турли хизматлар кўрсатади. Кўпчилик мамлакатларда биржаларни лицензиялаш (фаолиятни амалга оширишга рухсат бериш), биржа савдосини назорат қилиш ва биржа операцияларини суғурталаш, маслаҳат хизматлари тақдим этиш ва статистика фаолиятини амалга оширувчи давлат структуралари мавжуд.

Хеджлаш бу касса битимларини нарх рискларидан суғурталаш шакли; одатда фьючерс шартномасини сотиб олиш ёки сотиш бўйича операциялар шаклида амалга оширилади. Хеджлаш қисқа (сотувга муддатли шартнома имзоланади) ёки узоқ (харидга муддатли шартнома имзоланади) муддатли бўлиши мумкин. Қисқа хеджлаш ҳозирги касса нархини келажакда сотишда ҳимоя қилиш учун, узоқ муддатли хеджлаш эса сотиб олишда ҳимоя қилиш уун фойдаланилади. Хеджлаш нархларни барқарорлаштиришга имкон беради.

Муддатлилик белгисига кўра касса битимлари ва муддатли битимлар ажратиб кўрсатилади. Қуйидагилар мавжуд:

Битим дарҳол якунланадиган, яънитовар етказиб бериладиган ва харидор билан сотувчи ўртасида ҳисоб-китоб қилинадиган кэш (cash) касса битимлари;

битим тез якунланадиган, яъни харидор билан сотувчи ўтасида ҳисоб-китоблар икки-уч кун ичида амалга ошириладиган спот (spot) касса битимлари.

Муддатли битимлар шуниси билан ажралиб турадики, битимни ижро этиш (тўловни амалга ошириш ва товарни бериш) пайти билан битим имзоланган пайт ўртасида анча вақт (24 ойгача) бўлади. Нарх битим

имзоланган пайтда белгиланади. Битимни ижро этиш муддатлари стандартлаштирилган.

Муддатли битимлар биржа чайқовининг, яъни нархлар фарқида ўйнашнинг имкониятларини кенгайтирди. Касса бозорида фақат нархнинг ўсишида ўйнаш мумкин эди, бунда нархнинг ўсишига ўйеовчи биржачилар (биржа тилида «буқалар») товарни келгусида қимматроқ нархда сотиш илинжида сотиб оларди. Муддатли бозорда нархнинг пасайишига ўйнаш имконияти ҳам пайдо бўлди. Нарх пасайишида ўйнайдиган биржачилар «айиқлар» деб аталади. Улар товарга эга бўлмасдан туриб, битим ижро этиладиган пайтга келиб товарни фойда олиш мақсадида шартномада кўрсатилган нархдан кўра арзонроқ сотиб олишдан умид қилган ҳолда битим тузадилар.

Товар биржасида қуйидаги асосий битим турларини кўрсатиш мумкин:

1. Реал товарли битимлар;
2. Форвардд битимлар;
3. Фьючерс битимлар;
4. Опционлар олди-сотди битимлари;
5. Хеджлаш;
6. Спрединг.

Реал товарли битимларда товарни харидорга етказиб бериш кўзда тутилади (айрим биржалар омбор биноларига эга). Бироқ биржада реал товар таъминотлари қоидага кўра мос келувчи товарлар билан жаҳон савдосининг 5-10%идан ортмайди.

Форвардд битими бу қоидага кўра, битим тузилган пайтда белгиланган нарх бўйича тўлов муддати кечиктирилган реал товарли битимдир. Форвардд битими нархлар ўртасидаги фарқда ўйнашга йўл қўяди.

Фьючерс битими амалда товарни етказиб беришни кўзда тутмайдиган ва товарни сотиш ёки сотиб олиш шартномаси билан савдони ифодалайдиган муддатли битим ҳисобланади. Бундай битим қоғозли битим деб аталади, унинг

мақсади шартнома тузилган санадаги нарх билан шартнома ижро этилган санадаги нарх ўртасида фарқдан фойда олиш ҳисобланади.

Опцион – шартнома шартлари асосидаги муддатли битим бўлиб, унга мувофиқ қатнашчилардан бири белгиланган муддат давомида бошқа қатнашчига бу ҳуқуқни сотиш заруратини таъминлаш мажбурияти учун пул мукофоти тўлаган ҳолда товарни қатъий белгиланган нархда сотиш ёки сотиб олиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бу ҳуқуқни қўлга киритадиган шахс опцион эгаси деб аталади. Опцион унинг эгаси учун чекланган рискли битим туридир. Опцион шартномаси эгаси уни бажариши ёки бажармаслиги, бошқа шахсга бериши мумкин.

Спрединг (spreding) ўзига хос битим тури, у турли фьючерс шартномаларидан фойда олишга имкон беради. Спрединг оддий фьючерс шартномасидан кўра камроқ рискка усрайди. Спредингнинг уч хил тури мавжуд:

Ички бозор битимлари: битта товар турли таъминот муддатлари бўйича таклиф этилади;

Товарлараро битимлар: иккита ўзаро боғлиқ, лекин битта муддатли товарлар (масалан, буғдой ва маккажўхори) бозори;

Бозорлараро битимлар: битта товар, битта муддат, лекин бир нечта турли биржада.

ХУЛОСА

Товар биржаси бозор иқтисодиётининг классик институти бўлиб, ташкилий расмийлаштирилган, расмий нарх котировкаси намуноалари ва стандартлар бўйича битимлар тузиш вақти ва доимий жойига эга бўлган мунтазам фаолият кўрсатувчи товарлар улгуржи бозори ҳисобланади.

Товар-хомашё биржаси - воситачилик фаолиятини ташкил қилиш ва олди-сотди битимларини амалга ошириш, айирбошлаш операцияларида хизматлар кўрсатиш, биржа савдоларини мунтазам ўтказиш воситасида тижорат маслаҳатлари бериш, биржа бюллетенлари чиқариш, бозор ҳақида

ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш ва бошқа чора-тадбирлар билан шуғулланувчи доимий фаолият кўрсатадиган товарлар улгуржи бозори.

Биржа атамаси остида биржа жараёнининг ўзим ҳам, биржа битимларининг амалга оширилиши, уларнинг натижалари ҳисобга олиниши, суғурта операциялари, белгиланган қоидаларга риоя этилиши ва ҳоказоларни таъминловчи мос келувчи инфратузилма ҳам тушунилади.

Товар биржасини яратиш босқичлари:

Биринчи босқичда бу ишнинг ташаббускорлари улар биржа ривожланишининг ддастлабки босқичида ва келажакда бозор томон ҳаракатланишда нимани олиши мумкинлини ва истаётганини аниқ белгилаб олиши зарур.

Иккинчи босқичда биржа сотишга ихтисослашадиган товарларни олдиндан танлаб олиш керак.

Учинчи босқичда товар биржаси яратишнинг ташаббускорлари унинг потенциал таъсисчиларини танлайдилар.

Тўртинчи босқичда асосий эътиборни товар биржасини унинг бўлажак таъсисчиларига реклама қилишга қаратиш лозим.

Биржа товарлари, қоидага кўра бу - хомашё, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни бошланишига алоқадор. Шу сабабли улар кўп жиҳатдан улардан олинадиган товарлар нархини белгилаб беради. Классик биржа товари ҳажми ва сифати бўйича бир хиллаштирилган, қатъий белгиланган, осон муайянлаштириладиган, барқарор хусусиятларга эга бўлган оммавий маҳсулотдир.

Биржада муомалада бўладиган барча товарларни шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

Биринчи гуруҳни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташкил қилади, бу ерда мой олинадиган экинларнинг улуши катта. Худди шу гуруҳга дон экинлари, чорва маҳсулотлари, шакар, кофе, какао, ёғоч материаллар киради.

Иккинчи гуруҳга саноат хомашёси ва уни қайта ишлаш маҳсулотлари киради. Бу ерга энергия воситалари, қимматбаҳо ва рангли металл киради.

Биржа товари сифат бўйича ҳам, сон бўйича ҳам стандартлаштирилади. Сотилиши лозим бўлган минимал миқдор биржа бирлиги деб аталади.

Биржа етказиб бериш вақ жойини бир хиллаштиради (вариантлар сонини чеклайди). Вақтни бир хиллаштириш товар фақат позиция деб номланган, белгиланган вақт оралиғида етказиб берилади.

Биржа операциялари сотувчи ва харидорларнинг ўзим эмас, балки биржа воситачилари - брокерлар ва дилерлар томонидан амалга оширилади. Брокерлар асосан битимларни мижозлар номидан ва уларнинг ҳисобига амалга ошириб, бунинг учун комиссион тўловлар олади. Дилерлар битимларни мижозларнинг топшириғи бўйича, бироқ ўзининг номидан ва ўзининг ҳисбига амалга оширади. Дилерлар товарни мулк қилиб сотиб олади ва уни сотиб олган нархдан қимматроқ сотишдан манфаатдор бўлади. Воситачи (брокер, дилер) мижоздан сотиш ёки сотиб олишга топшириқ (буйруқ) олади, у учта кўрсаткични қамраб олади: товар сони (намунавий шартномалар сони), етказиб бериш муддати, нарх.

Биржанинг ўзи нотижорат ташкилоти, бироқ унинг аъзолари тижорат билан шуғулланиши мумкин. Қоидага кўра, биржа - акциядорик жамияти бўлиб, акциядорлар йиғилиши олдида жавоб берадиган биржа кенгаши (директорлар кенгаши) томонидан бошқарилади. Биржа аъзоларининг икки хил тофаси ажратиб кўрсатилади: тўлиқ ва нотўлиқ аъзолар. Тўлиқ аъзолар биржанинг барча секцияларида биржа савдоларида ҳеч қандай чекловсиз иштирок этиш ҳуқуқига эга. Биржа аъзоси операцион залда воситачилар иштирокисиз битимларни мустақил тузиш ҳуқуқини берадиган ўрингa эга бўлади. Биржа аъзоси белгиланган қоидаларга мувофиқ ўз жойини ижарага бериш ҳуқуқига эга. Биржанинг операцион зали ахборот ва ҳисоб воситалари, махсус алоқа билан жиҳозланади. Битимлар тузиладиган жой биржа халқаси (пол), шунингдек, ринг, яма (пит) деб ҳам аталади, чунки у зал сатҳидан 1-1,5 см пастда жойлашади. Биржа аъзосининг жойи бу – телефон, телекс ва телефакс алоқаси ибалан жиҳозланган, биржанинг электрон-ахборот таблосига

чиқадиган компьютерли столча, кабина, тақа (раста тури). Ҳар бир ўрин ўз рақамига эга.

Шартномаларни расмийлаштириш куннинг охирида ёкик ейинги куннинг тонгидан кечикмасдан амалга оширилади. Биржа операторлари битим якунлангандан кейин оғзаки шаклда 30 дақиқа ичида бу ҳақида ҳисоб-китоб палатасини огоҳлантириши зарур. Брокер мижозга битим тузилганлиги ҳақида ахборотни бериши зарур.

Айрим биржа қўмиталари (палаталар) биржа фаолияти ҳақидаги ахборотни шакллантиришга бевосита алоқаси бор. Хусусан, ҳисоб-китоб палатаси (айрим биржаларда клиринг палатаси) бачажумладан, муддтли битимларни рўйхатга олади, мижозлар ва биржа турли тўлов ва ҳисоб-китобларни амалга оширади. Назорат қўмитаси биржадо ишбирмонлик фаоллигини кузатиб боради.

Товар биржасида битимлар предмети товар ва уни етказиб бериш бўйича шартномалар ҳисобланади.

Биржанинг қуйидаги асосий функциялари ажратиб кўрсатилади:

1. Биржа механизми ёрдамида хомашё бозорини ташкил қилиш

2. Биржа нархларини аниқлаш ва тартибга солиш

3. Товар стандартларини ишлаб чиқиш, навларни белгилаш

4. Товар ўтказиш функцияси

5.Товар хомашёларига чекланган талаб нархларини барқарорлаштириш

6. Пул муомаласини барқарорлаштириш ва кредитни енгиллатиш

7. Арбитраж фаолияти

8. Жаҳон бозорини шакллантириш ва унинг фаолият кўрсатиши

9.Биржа савдоси қатнашчиларини улар учун ноқулай нарх ўзгаришларидан суғурталаш (хеджлаш)

10. Очиқ биржа савдолари ўтказиш учун биржа йиғилишларини ташкил этиш

11. Биржа шартномаларини ишлаб чиқиш

12. Битимлар бажарилишини кафолатлаш клиринг ва ҳисоб-китоб биржа тизимлари воситасида эришилади

13. Биржанинг ахборот фаолияти.

Муддатлилик белгисига кўра касса битимлари ва муддатли битимлар ажратиб кўрсатилади. Қуйидагилар мавжуд:

Битим дарҳол якунланадиган, яънитовар етказиб бериладиган ва харидор билан сотувчи ўртасида ҳисоб-китоб қилинадиган кэш (cash) касса битимлари;

битим тез якунланадиган, яъни харидор билан сотувчи ўтасида ҳисоб-китоблар икки-уч кун ичида амалга ошириладиган спот (spot) касса битимлари.

Товар биржасида қуйидаги асосий битим турларини кўрсатиш мумкин:

1. Реал товарли битимлар;
2. Форвардд битимлар;
3. Фьючерс битимлар;
4. Опционлар олди-сотди битимлари;
5. Хеджлаш;
6. Спрединг.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Товар-хомашё биржаси, стандартлаштирилганлик, бир-бирини алмаштириш, монополия даражасининг пастлиги, ишлаб чиқаришнинг оммавийлиги, ташкилий асослар, иқтисодий асослар, юридик асослар, биржа товарлари, биржа бирликлари, брокер, дилер, биржа халқаси, нарх котировкаси, нархни барқарорлаштириш, cash касса битимлари, spot касса битимлари, буқалар, айиқлар, реал товарли битимлар, форвардд битимлари, фьючерс битимлари, опционлар олди-сотди битимлари, хеджлаш, спрединг.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Товар биржаси нима?
2. Товар биржаси яратиш босқичлари
3. Биржанинг иқтисодий, ташкилий ва юридик асослари

4. Биржа талабларига қўйиладиган талаблар

5. Биржа товарлари таснифи

6. Биржа фаолияти қандай ташкил қилинади?

7. Биржа функциялари

8. Биржада амалга ошириладиган асосий операциялар ҳақида гапириб беринг.

5-БОБ. БИРЖА БИТИМЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

5.1. Биржа битими тушунчаси, унинг хусусиятларн

5.2. Биржа битимларининг турларн

5.1. Биржа битими тушунчаси, унинг хусусиятлари

Биржа битими – биржа савдолари давомида биржа савдоси қатнашчиси томонидан биржа товарига нисбатан тузиладиган, биржада рўйхатга олинган шартнома (битим). Биржа битимларини расмийлаштириш ва рўйхатга олиш тартиби биржа томонидан белгиланади. Биржада тузилган, бироқ юқорида кўрсатилган жавоб бермайдиган битимлар биржа битими ҳисобланмайди.

Биржа ушбу биржада биржа битим ҳисобланмаган битимлар тузган қатнашчиларга нисбатан жазо чоралари қўллашга ҳақли.

Биржа битими у биржа савдоси Қоидаларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган пайтдан бошлаб тизилган ҳисобланади.

Кўплаб биржаларда намунавий шартномалар ишлаб чиқилган, шу сабабли биржалар қабул қиладиган биржа савдоси Қоидаларида барча ҳужжат турларини расмийлаштиришда намунавий шартномалар мазмунини ҳисобга олиш тавсия этилади.

Биржа битимининг мазмуни, товар номи, миқдори, нархи, товар жойлашган жойи ва ижро этиш муддатини истисно қилганда, тижорат сири ҳисобланади ва ошкор қилиш тақиқланади.

Товарни етказиб бериш муддати биржа битими билан эмас, балки биржа савдоси Қоидалари томонидан белгиланади.

Харидор арбитраж судига сотувчидан биржа битими бўйича товарни ўз вақтида етказиб бермаслик туфайли етказилган зарарни ундириб бериш даъвоси билан мурожаат қилди. Муаммони кўриб чиқиш давомида аниқландики, даъвогарнинг талаби товарни биржа савдоси Қоидаларида белгиланган, битим амалга оширилган товар биржаси тасдиқлаган биржа битимлари бўйича етказиб бериш муддатига асосланган экан.

Шу билан бирга, томонлар имзолаган биржа битимида товар етказиб беришнинг бошқа муддатлари кўзда тутилган. Бу муддатларга сотувчи томонидан риоя қилинган.

Арбитраж суди товар етказиб бериш муддати муайян шартнома бўйича томонлардан бирининг ваколатларига киришини эътиборга олиб, даъвони қондиришни рад этди.

Бундан ташқари, ҳисобга олиш керакки, биржа савдоси Қоидаларида тартибга солиниши лозим бўлган масалалар доирасини белгилаб берувчи товар биржаалари тўғрисидаги Қонунда бу масалалар қаторида биржа битимлари бўйича товар етказиб бериш масалалари кўриб чиқилмаган.

5.2. Биржа битимларининг турлари

а)касса («спот» ёки «кэш») битимлари;

Касса битимлари биржа битимларининг энг содда турини ифодалйди. Уларнинг вужудга келиши товар биржаларининг ўзи вужудга келиши билан узвий боғлиқ (14-15 асрлар)

Касса битимларига хос бўлган белги уларнинг дарҳол ижро этилиши ҳисобланади. Биржа битимлари учун «дарҳол ижро этиш» тушунчаси шартли характерга эга. Бу биржа шартномасини ижро этиш биржадан ташқарида амалга оширилиши ва шартнома тузилган пайтда битим предмети бўлган товар сотувчининг омборида эканлиги ёки транспорт воситасида биржа омборига олиб келинаётгани билан боғлиқ. Шу сабабли тварни етказиб бериш учун маълум вақт керак бўлади:

ташиладиган объектларни тайёрлаш, юклаш ва транспорт воситасида шартномада келишилган жойга олиб келиш, агар бу мажбурият харидорнинг зиммасида бўлса, товарни қабул қилиш ва сотувчининг омборидан олиб чиқиш учун;

товарни келишиб олинган жойда тушириш учун.

Ижро этиш муддатига қараб, касса биржа битимлари қуйидаги шартларда тузилади:

1) савдо вақтида товар биржа ҳудудида, унга тегишли бўлган омборларда ётади ёки савдо ўтказилаётган кун биржа йиғилиши якунлангунга қадар етиб келиши кутилади;

2) шартнома тузлиган пайтда товар сув, ҳаво, темирйўл транспорти ёки бошқа транспорт воситасида биржа жойлашган жойга етказилади;

3) товар шартномада белгиланган жойга борадиган транспортга юклаш учун тайёр.

Юридик моҳияти бўйича касса битимлари намунавий олди-сотди шартномасини ифодалайди. Касса битимларининг мақсади шартнома предмети бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг шартномада кўрсатилган шартларда сотувчидан харидорга реал ўтиши ҳисобланади.

Айтиб ўтиш жоизки, касса шартномаларининг предмети доимо мавжуд бўлган ва сотувчининг мулкида бўлган товар ҳисобланади. Харидор шартнома ижро этилган пайтда оладиган ёки ишлаб чиқарадиган товар савдоси (касса битимлари шартларида) тақиқланади. Касса итимларининг бу хусусияти сифат кўрсаткичлари маълум бўлган товарни савдога қўйишга имкон беради.

б)муддатли битимлар ёки «форвардд».

Бу шартномаларга хос бўлган жиҳат шуки, касса битимларидан фарқли ўлароқ, уларни келжакда ижро этиш муддати кўзда тутилади. Форвардд битимлари қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

Биринчидан, улар шартнома предмети бўлган товарга нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг реал ўтказилишига йўналтирилади. Битимларнинг бошқа муддатларидан фарқли равишда томонлар, форвардд шартномасини имзолаб,

товарнинг сотувчи томонидан ҳақиқатда сотилиши ва харидор томонидан сотиб олинишни кўзда тутади.

Иккинчидан, товарни бериш, шунингдек, унга мулк ҳуқуқининг ўтказилиши келажакда, битимда кўрсатилган муддатда амалга оширилади.

Тавсифи бўйича форвардд шартномалар касса битимларига жуда ўхшаб кетади. Шу сабабли улар кўпинча биржа шартномаларининг битта гуруҳига – реал товар билан битимларга, яъни товарларнинг ҳақиқатда берилиши амалга ошириладиган битимларга киритилади. Бироқ бу шартномалар жиддий фарқларга ҳам эга.

Касса битиларидан фаркли равишда, форвардд битимларида ижро этишнинг узоқроқ муддатлари кўзда тутилади. Бу муддатлар биржа савдоси Қоидаларида белгилаб қўйилади. Товарни етказиб бериш муддати шартномада мажбуриятларни ижро этиш амалга ошириладиган муайян ой кўрсатган ҳолда белгиланади. Шартномани ижро этиш муддати эркин танланмасдан, биржада ўрнатилган қоидаларга қараб, ойнинг охирги кунига ёки ойнинг ўрталарига тўғирланади.

Форвардд битимларининг иккинчи ажратиб турувчи жиҳати шуки, уларнинг предмети бўлиб сотувчининг мулкида бўлган товар ҳам, айни пайтда мавжуд бўлмаган, лекин ижро муддати етиб келгунга қадар сотувчи томонидан тайёрлаб бериладиган товар ҳам хизмат қилиши мумкин. Касса битимларига келадиган бўлсак, айтиб ўтилганидек, уларнинг предмети бўлиб сотувчи мулкида бўлган товар хизмат қилади.

Форвардд шартномалари юқорида белгиланган жиҳатлар (товарни ўтказишнинг реаллиги ва уни келажакда ўтказиш) асосида етказиб бериш шартномасининг алоҳида бир шакли ҳисобланади. Товарни форвардд шартномаси шартларида сотиб олиш товарни олдиндан кўриб чиқмасдан амалга оширилади. Бу қуйидагилар билан изоҳланади: биринчидан, кўп ҳолларда товар шартнома тузилган пайтда ҳали мавжуд бўлмайди ва уни экспертизага тақдим этишнинг имкони бўлмайди; иккинчидан, шартнома тузилган пайтда ҳали сотувчи мулкида бўлган товар кўриб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш учун

биржа омборига жўнатилмаган, чунки етказиб бериш муддатининг узоклиги сабабли сотувчи биржага товарни сақлаб туриш учун катта миқдорда пул тўлаган бўларди. Биржада савдога қўйилган товар намунаси бўлган ҳолларда эса уларни қизиққиб қолган шахсларнинг танишиб чиқиши учун савдо залига жойлаштириш мумкин.

«Спот» ва «форвардд» битимларида товарлар биржа омборларига етиб келган ва кирим қилингандан сўнг биржа ёки у билан товарларни сақлаш, бошқа транспорт-экспедиция омбор операциялари бўйича мос келувчи келишув имзолаган омбор корхонаси товар эгасига варрант деб номланадиган махсус ҳужжат беради. Варрант бу - товар тақсимловчи ҳужжат, унинг сақланганлиги ҳақида гаров гувоҳномаси бўлиб, сотувчи уни банкда сақлайди ва товарни етказиб бериш муддати келганда харидорга тақдим этади. Бунда сотувчи товарни омборда сақлаш ва суғурталаш бўйича харажатларни тўлайди. Варрантни олгандан кейин харидор товарнинг эгасига айланади. Бнинг учун у чек билан, пул ўтказиш йўли билан ёки нақд пулда тўловни амалга оширади.

Форвардд шартномалари тузишда томонлар, агар бу стандарт шартномада кўзда тутилган бўлмаса, мажбуриятнинг ижро этилиши таъминотини, яъни қарздорни зиммасиго олинган мажбуриятларни ўз вақтида ва керакли тарзда бажаришга мажбур қиладиган мулкий характердаги чоралар кўзда тутилиши мумкин. Қоидага кўра, биржа амалиётида бундай чоралар бўлиб бай пули ва гаров хизмат қилади.

в) «гарволи битимлар»

Гаровли битимлар бу – томонлардан бири ўз мажбуриятлари ижро этилишининг кафолати сифатида битим тузилган пайтда иккинчи томонган улар ўртасидаги шартномада белгиланган суммани тўлайдиган битимдир. Гаров сотувчининг манфаатларини ҳам, харидорнинг манфаатларини ҳам таъминлаши мумкин. Шу сабабли харид қилиш учун гаровли битимлар (гаров тўловчиси харидор ҳисобланади, гаров сотувчининг манфаатларини ҳимоя қилади) ва сотиш учун гаровли битимлар (гаров тўловчиси сотувчи ҳисобланади, гаров харидорнинг манфаатларини ҳимоя қилади) фарқланади.

Сотиш учун гаровли битимларда гаров сифатида етказиб берилиши лозим бўлган товарнинг бир қисми хизмат қилиши мумкин. Гаров ҳажми битим қатнашчилари томонидан белгиланади ва битимнинг 100%игача исталган миқдорда бўлиши кўзда тутилади.

Биржа амалиётида гаровнинг ҳамма турлари ҳам фойдаланилмайди. Энг кўп қўлланадиган тур закалат бўлиб, бунда сотувчи шартномани тузишда товарнинг сифат кўрсаткичлари бўйича шартнома предметига жавоб берадиган бир қисмини харидорга беради. Мажбуриятни бажаришда товарнинг бу қисми олдиндан етказиб бериш сифатида ҳисобга олинади.

Шартнома предмети шартномани ижро этиш муддати келгунга қадар харидор ишлаб чиқарадиган (сотиб оладиган) товар ҳисобланган битимларда бошқа гаров турлари ҳам фойдаланилиши мумкин. Бироқ амалиётда улардан фойдаланишда қатор муаммолар вужудга келади. Масалан, ипотекада гаровга қўйиладиган мулкни экспертлар томонидан баҳолаш зарур, товар биржаси эса ҳалқаро амалиётда кўчмас мулкни баҳолаш билан шуғулланмайди, чунки у биржа савдолари доирасига кирмайди. Худди шу нарса мулкий ҳуқуқлар гаровига ҳам тааллуқли.

Товар ишлаб чиқариш харажатлари олдиндан маълум, уларнинг нархи эса харидор учун қулай бўлган ҳолларда форвардд битимлари иқтисодий нуқтаи назардан ишлаб чиқариш барқарорлигини қўллаб-қувватлашнинг энг самарали усули ҳисобланади. Бироқ бозор инфратузилмасининг ривожланиши, ишлаб чиқариш жараёнининг бир нечта мустақил тармоқларга парчаланиб кетиши шароиларида товарнинг «ҳақиқий» нархини олдиндан ҳисоблаб чиқиш қийин.

г)бартер битимлари ва «шартли» битимлар

«Шартли» битимлар анъанавий битимлардан шуниси билан фарқ қиладики, мутахассисда қимматли қоғозларни «шартларда» сотаётган (ёки сотиб олаётган) биржа савдолари оддий қатнашчиси худди шу қимматли қоғозлар бўйича «тескари» олди-сотди битимини тузиш мажбуриятини зиммасига олади. Бундай «тескари» битимни мутахассис иккинчи томоннинг

биринчи талаби билан, бироқ битта савдо сессияси давомида бажариши лозим. Бунда «тескари» битим нархи «тўғри» битим нархидан фарқ қилиши мумкин.

Битимларнинг кейинги турида бартер операциялари ёки «шартли битимлар» назарда тутилган. Бартер битими тузиш имконияти товар тақчилиги кузатилган, хўжалик алоқалари узилган ва рубл кучсизланган шароитларда мижозларни жалб қилган, шу сабабли биржалар бартер битимларини ўзларида ҳам жорий қилган. Россия биржа қонунчилиги қабул қилинган ўша пайтларда бартерни тўғридан-тўғри тақиқлаш мақсадга мувофиқ эмас деб топилган. Бироқ бартерни қонун билан мустаҳкамлаш бундан ҳам мақсадга мувофиқ эмасди, шунинг учун бошқа муросали ифода топилиб, унда «бартер» сўзининг ўрнига «бошқа битим турлари» киритилган.

Айтиш жоизки, «шартли битим» барибир оддий бартер битимидан бироз фарқ қилган. Асосий фарқ шунда эдики, битим тузиш операцион залда маклер иштирокида очиқ савдо жараёнида амалга оширилган ҳисоб ва ҳисоб-китоб функцияларини пул бажарган ва битим биржа ахборот маълумотлар банкидан фойдаланиб амалга оширилган. Брокер жавоб тариқасидаги товарни ой давомида сотиб олиши лозим бўлган, акс ҳолда у мукофот ҳуқуқидан маҳрум бўлган. Брокерлар бундай битимдан бош тортиш ҳуқуқига эга бўлган.

д) реал биржа қимматига эга бўлган ва эга бўлмаган муддатли битимлар

Жаҳон амалиётида «спот» номи билан машҳур бўлган реал товарли битимларда шартнома имзолайдиган томонлар шартнома предметига нисбатан ҳуқуқ ва мажбуриятларни реал ўтказиши кўзда тутилади, яъни реал шартнома бўйича мулк ҳуқуқини сотувчи сотади, харидор эса сотиб олади. Бундай битимлар қаторига касса ва форвардд шартномалари киради.

Реал товарсиз битимлар шу билан тавсифланадики, шартномани ижро этиш пайтида мусодара қилиш жараёни бажарилмайди. Айни пайтда сотувчи шартнома предметини белгилаб берадиган товарни етказиб бермасдан, шартномани ижро этиш пайтида вужудга келадиган котировка нархи бўйича ўз шартномасини қайта сотиб олади. Натижада, агар шартнома нархи сотиб олиш

нархидан паст бўлса, сотувчи бу нархлар ўтасидаги фаркни тўлайди, агар шартнома нархи юкори бўлса, харидор бу фарқни сотувчига ўтказади.

Бу операция биржа амалиётида «хеджлаш» деб аталади. Бундан келиб чиқадики, ушбу битимларни бажариш предмети реал товарни етказиб бериш эмас, балки нарх фарқини томонлардан бирига тўлаш ҳисобланади. Шунинг учун шартномаларнинг бу гуруҳи кўпинча «фарқ учун битимлар» деб аталади. Реал товарсиз битимларга фьючерс ва опцион шартномалар киради.

Фонд ва валюта бозорларида энг кўп касса, форвардд, фьючерс ва опцион битимлар тузилади. Бундан ташқари, валюта бозорида амалда «гаровли», «кредитли» ва «шартли» битимлар тузилмайди, чунки валюта бу – биржа савдосининг ўзига хос объектм бўлиб, бундай битимлар валюта бозорида битимда иштирок этган томонларга иқтисодий самара келтирмайди.

Муддатли битимнинг асосиф белгиси шуки, сотувчи ва харидорнинг ўз мажбуриятларини бажариши келажакда белгиланган муддатда амалга оширилиши лозим. Битим тузилган пайтда эса сотувчида фотилаётган фонд қимматлари бўмаслиги, сотувчининг эса уларга тўлаш учун пули бўлмаслиги мумкин.

Биржадан ташқари бозорда муддатли битимлар томонлар келишиб олган шартларда бажарилади. Муддатли битим томонлари бу битимни бажариш имкониятини кўрсатилган ташкилот билан шартномалар асосида клиринг ташкилоти иштироки билан изоҳлаши мумкин. Муддатли битим томонлари муддатли битимнинг базис активини учинчи шахсга битимнинг ижросини таъминлаш учун бериш имкониятини асослаб бериши мумкин. Муддатли битим томонлари муддатли битимлар бўйича операциялар ҳисобини алоҳида юритиши, уларни ўз бухгалтерия балансида акс эттириши лозим.

Биржадан ташқари бозорда муддатли битимнинг жиддий шартлари базис активининг номи ва сони, базис актив нархи ва мажбуриятларни ижро этиш муддати ҳақидаги шарт-шароитлар ҳисобланади.

е)фьючерс битимлари

Фьючерс битимининг предмети фьючерс шартномаси – мулкни (жумладан, пул, валюта ва қимматли қоғозлар) ёки ахборотни олиш ёки узатиш тартиби кўрсатилган ҳолда бу узатиш ёки олиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ҳужжатдир. Бунда у қимматли қоғоз ҳисобланмайд. Фьючерс шартномаси оддийгина бекор қилиниши, ёки биржа тили билан айтганда тугатилиши мумкин эмас. Агар у якунланган бўлса, ёки бир хил сонли товарлар билан қарама-қарши битим тузиш йўли билан, ёки келишилган товарни шартномада кўрсатилган муддатда етказиб бериш билан тугатилиши мумкин.

Фьючерс шартномалар бўйича савдо қоидалари қуйидаги имкониятларни беради: сотувчи учун маҳсулотни етказиб бериш ёки муддатли шартномани товар етказиб бериш муддати етиб келмасдан қайта сотиб олишдан бирини танлаш ҳуқуқи сақлаб қолинади; харидор товарни қабул қилиши ёки муддатли шартномани етказиб бериш муддати келмасдан туриб сотиб юбориши мумкин.

Фьючерс битимининг предмети фьючерс шартномаси – мулкни (жумладан, пул, валюта ва қимматли қоғозлар) ёки ахборотни олиш ёки узатиш тартиби кўрсатилган ҳолда бу узатиш ёки олиш ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаб берадиган ҳужжатдир. Бунда у қимматли қоғоз ҳисобланмайд.

Барча фьючерс операцияларида томонларнинг нархга нисбатан тўлиқ эркинлиги, товарни етказиб бериш муддатини танлашга нисбатан эса – чекланган эркинлиги сақлаб қолинган. Қолган барча шартлар қатъий тартибга солинган бўлиб, битимда иштирок этаётган томонларнинг ҳоҳиш-истакларига боғлиқ эмас. Шу муносабат билан фьючерс биржаси баъзида харидор ва сотувчи шартноманинг исталган шартини ўзаро келишиб олиши мумкин бўлган товарлар бозоридан (истеъмол ва алмашиниш қиймати йигиндиси ва бирлиги) фаркли равишда «нарх бозори» (яъни алмашлаш баҳоси) деб ҳам аташади. Реал товарли битимлардан сохта товарлар билан битимларга томон ривожланиш эса реал қийматли пул муомаласидан қоғоз пул муомаласига ўтиш билан таққосланади.

ХУЛОСА

Юқорида баён қилинганлар асосида шундай хулосага келишимиз мумкинки, биржа битимлари биржа фаолиятини кўриб чиқишнинг асосий жиҳати ҳисобланади. Биржа битими бу – кўплаб хусусиятларни қамраб оладиган ўзаро келишувдир. Хусусан, биржа турига қараб биржа битимларининг ўзи ҳам фарқланади. Бироқ ҳар қандай биржанинг тўртта асосий жиҳати бор: ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва этика жиҳати. Ушбу битим жиҳатларининг барчаси унинг мазмунида ўз аксини топади, яъни у ёки бу даражада битим тузаётган томонларнинг ўзаро келишувида ҳал этиладиган масалаларга алоқадор бўлади. Бу битимлар мазмунини қимматли қоғозлар билан мисолда кўриб чиқамиз. Бунда қуйидагилар мажбуриятлар ҳисобланади:

- битим объекти, яъни сотиб олинадиган ёки сотиладиган қимматли қоғозлар;
- битим ҳажми – сотиш учун таклиф қилинган ёки сотиб олиш талаб қилинадиган қимматли қоғозлар миқдори;
- битим тузиладиган нарх;
- битимни ижро этиш муддати, яъни сотувчи тақдим этадиган, харидор эса қимматли қоғозларни харид қиладиган пайт;
- битим бўйича ҳисоб-китоб муддати, яъни харидор сотиб олинган қимматли қоғозлар учун тўловни амалга ошириши лозим бўлган пайт.

Юқорида айтиб ўтилганидек, биржа битимлари биржа турига қараб таснифланади. Валюта биржасидани битимлар касса битимлари ва муддатли битимларга тақсимланади. Касса битими шу билан тавсифланадики, уни тузиш муддати уни ижро этиш муддати билан мос келади ва бундай битимда валюта дарҳол етказиб берилиши лозим. Муддатли битимнинг моҳияти шундаки, бундай битимда ижро муддати битим тузилган пайт билан мос келмайди, шунинг учун сотувчи келишиб олинган муддатдан сўнг харидорга валютани бериш мажбуриятини, харидор эса уни қабул қилиш ва битим шартлари бўйича тўлаш мажбуриятини олади. Ўз навбатида, муддатли битимлар «своп-битим», оддий муддатли битим, опцион ва фьючерс битимларга тақсимланади.

Товар биржасидаги битимлар дастлаб реал товарли битимлар ва реал товарсиз битимларга тақсимланади. Ўз навбатида, реал товарли битимлар дарҳол етказиб бериладиган битимлар, етказиб бериш муддати кечиктирилган битимлар, шунингдек, бошқа битим турларига ажратилади. Дарҳол етказиб бериладиган битимлар биржа омборида мавжуд бўлган ёки йўлда етиб келайтган товар бўйича тузилади. Уларнинг мақсади – товарни сотувичдан харидорга табиий ўтказиш ҳисобланади. Етказиб бериш муддати кечиктирилган битимлар гаровли битимлар ва мукофотли битимларга тақсимланади. Гаровли битимларда гаров битимнинг ижро этилиши кафили сифатида қатнашади. Мукофотли битимларда мкофот отступного сифатида қатнашади ва тўловчига битимни ижро этиш ёки ундан воз кечишни талаб қилиш имконини беради.

Бироқ исталган ҳолатда ҳам биржа битими ва унинг туридан қаатъи назар, биржада тузилган барча битимлар биржа шартномасида расмийлаштирилади.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Биржа товарли битим, «спот- битим», касса битими, дарҳол ижро этиладиган битим, форвардд битими, муддатли битим, ижро мудадти кечиктирилган битим, гаровли битим, мукофотли битим, биржа шартномаси моддалари, фиксинг, дилинг.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1 Биржа битимига таъриф беринг.

2 Битим мазмуни деганда нима тушунилади?

3 Биржа савдосида сотувчи ва харидорнинг алоқаларига тавсиф беринг

4 Битимнинг ҳаётийлик даври нимани ифодалайди?

5 Товар биржасида имзоланган битимларга хос бўлган жиҳатларни тавсифлаб беринг.

6 Товар биржасида имзоланган битимларга тавсиф беринг.

7 Товар биржасида битим тузиш қандай рўй беради?

8 Валюта биржасида тузиладиган битимларга тавсиф беринг.

6-БОБ. ФЬЮЧЕРС САВДОСИ АСОСЛАРИ

6.1. Фьючерс савдоси тушунчаси

6.2. Фьючерс савдосининг тарихи ва вужудга келиш сабаблари

6.3. Фьючерс савдосининг мақсадлари

6.4. Биржа фьючерс савдоси механизми

6.5. Хеджлаш ва биржа чайқови

6.6. Фьючерс шартномалари ва опцион битимлар

6.1. Фьючерс савдоси тушунчаси

Фьючерс савдоси бу – фьючерс (муддатли) шартномалари воситасида биржа товари билан биржада савдо қилиш шаклидир.

Фьючерс шартномаси бу – битим тузишда томонлар белгилаб қўйган нархда шартномада кўрсатилган муддатда товарни етказиб беришга стандарт биржа шартномаси.

Фьючерс шартномаси биржа савдолари жараёнида аникланадиган товарни етказиб бериш нархидан ташқари барча кўрсаткичлар бўйича стандартлаштирилади.

Фьючерс шартномасини стандартлаштириш қуйидаги асосий кўрсаткичларни бир хиллаштиришни назарда тутади: товарнинг истеъмол қиймати, унинг сони ва бозор муомаласи шароитлари, товар тури, унинг базис миқдори ва қўшимча тўловлар ҳажми, товар партияси ҳажми, етказиб бериш шарти ва муддатлари, тўлов шакли, шартнома шартларини бузганлик учун жарима чоралари, арбитраж тартиби ва б.

Фьючерс савдосида шартнома тузиладиган товар кўриниши, бундай шартномалар сони, товар етказиб бериладиган ой ва асосийси – шартномада кўрсатилган товар нархи аҳамиятга эга.

Фьючерс савдосининг уни стандартлаштиришдан келиб чиқадиган муҳим хусусияти шартноманинг шахси кўрсатилмаганлиги ҳисобланади. Фьючерс шартномасида томонлар бўлиб сотувчи ва харидор эмас, сотувчи ва ҳисоб-китоб палатаси ёки харидор ва ҳисоб-китоб палатаси намоён бўлади. Бу

сотувчи ва харидорга бир-биридан мустақил ишлаш, яъни биржанинг ҳисоб-китоб палатаси билан тескари битим тузиш йўли билан илгари расмийлаштирилган товар бўйича ўз мажбуриятларини тугатишга имкон беради.

Фьючерс савдосининг объектлар доираси жуда кенг. Чунки шартномалар билан савдо қилиш бу – товарларнинг ўзи билан эмас, балки биржа шартномалари билан биржа операцияси ҳисобланади, уларнинг асоси моддий неъмат сифатида товаргина эмас, умуман ҳар қандай савдо объекти, масалан, барча турдаги қимматли қоғозлар бўлиши мумкин. Бироқ савдо объектлари шартномалар ҳисобланса, шартномаларга шартномалар билан ҳам, шартномалар гуруҳидаги шартномалар билан ҳам савдо қилиш мумкин, бироқ айтиб ўтиш керакки, кўрсатилган жараённинг табиий чеклови реал товар, реал капитал ва ҳ.к. бозори биланалоқа ҳисобланади.

6.2. Фьючерс савдосининг тарихи ва вужудга келиш сабаблари

Фьючерс савдоси реал товар билан биржа савдосидан келиб чиққан. Дастлаб биржа харидорга дарҳол ёки яқин келажакда етказиб бериладиган нақд биржа товари билан йирик улгуржи товар битимлари тузиладиган. Бу жараёнга параллел равишда товарлар ёки уларнинг биржага қўйиладиган намуналари билан савдо қилиш, уларни белгиланган муддатдан кейин (одатда ойларда ўлчанади) етказиб бериш ҳам ривожланди. Охирги ҳолатда товар ишлаб чиқарилган ёки энди ишлаб чиқариладиган бўлади. дарҳоол етказиб бериладиган товарлар савдосидан фарқли равишда, белгиланган муддатдан кейин етказиб бериладиган товар савдоси келишиб олаётган томонлар бўлажак товар сифати, етказиб бериладиган партиялар ҳажми ва ҳ.к. масаласини ҳал этганлар.

Келажакда етказиб бериш муддати билан тузилган битимларнинг товар дарҳол етказиб бериладиган шартномалардан фарқи уларни ижро этишнинг кафолатланиши ва стандартлаштирилишини талаб қилади. Бошқача қилиб айтганда, йирик саноатнинг ривожланиши билан ва бундан келиб чиқадиган талаблар туфайли бир томондан, товар битимларини стандартлаштириш, бошқа

томондан эса – уларнинг ижро этилишини кафолатлаш заруратини вужудга келтирди. Агар битимларни стандартлаштириш уларни тузишни енгиллаштирса, демак, савдо айланмасининг ортишига олиб келса, кафолатлаш бу вазифани ўз зиммасига оладиган биронта ташкилотни талаб қилади. Бу вазифани муваффақиятли бажарадиган биржалар тузиладиган битимлар шартларини стандартлаштирини талаб қилади ва уларнинг ижро этилиши кафолати ҳисобланади.

Битимларнинг ижро этилишини кафолатлаш тизими икки хил йўналишда ривожланган. Бир томондан, биржалар биржа товарларининг суғурта, кафолат захираларини яратган, бошқа томондан эса, илгари тузилган биржа битимларини қайта сотиш механизми кенг ривожланди, бу сотувчига ёки харидорга биржа шартномасини бажаришдан воз кечиш ўрнига ўз шартнома мажбуриятини сотиши ёки янгисини сотиб олиши мумкин. Кейинги ҳолат эволюция йўли билан товарни муддатида етказиб беришли стандарт биржа шартномаларини ишлаб чиқиш ва уларнинг мустақил биржа савдоси объектлари сифатида муомалада бўлишига олиб келди.

Фьючерс савдосини ривожлантиришнинг асосий сабаби ва зарурати шундан иборатки, бу бевосита биржа товари билан савдодаги чекловларнинг олиб ташланишини таъминлайди. Товарнинг ўзи моддий неъмат сифатида биржа савдосининг ривожланиши учун чекловларга эга. Улардан фьючерс шартномаларини ташкил қилиш йўли билан халос бўлиш мумкин. Биржада товарлар олди-сотдиси ўз ўрнини фьючерс шартномалар биржа айланмасига бўшатиб беради, уларнинг реал товар бозори билан алоқаси асосан билвосита характерга эга бўлади, чунки шартномалар умумий сонининг атиги бир неча фоизигина товарни реал етказиб бериш билан тугайди. Билвосита алоқа эса шундан иборатки, шартнома эгалари уларнинг тижорат ёки бошқа фаолиятига бозор конъюнктурасининг ўзгариши таъсири остида уларни доимо сотади ёки сотиб олади.

Фьючерс савдоси XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган. Унинг вужудга келиши ва ривожланиши шу билан боғлиқки, у капитал муомаласига

ноқулай анрх тебраниши рсикини пасайтиришга, конъюнктура ноқулай бўлган ҳолатда талаб қилинадиган захира капитали ҳажмини камайтиришга, аванс қилинган капиталнинг пул шаклида қайтарилишини тезлатишга, кредит савдосини арзонлаштиришга, муомала харажатларини пасайтиришга имкон беради. Фьючерс биржасидаги савдони реал товар биржасидаги савдодан қуйидагилар ажратиб туради: битимларнинг асосан сохта характери (битимларнинг бир неча фоизигина товарни етказиб бериш билан якунланади, қолганлари эса нархдаги фарқ билан тўланади); реал товар бозори билан уни хеджлаш орқали билвосита алоқа, нарх ва етказиб бериш муддатидан ташқари шартноманинг барча шартларини тўлиқ хиллаштириш; битимларнинг шахси кўрсатилмаганлиги, уларнинг алоҳида сотувчи ва харидор ўтасида эмас, улар билан ҳисоб-китоб палатаси ўтасида рўйхатга олиниши. Фьючерс биржасидаги битимлар товарга ҳам, валютага ҳам, акциялар индексига ҳам, фоиз ставкалари ва ҳоказоларга ҳам тузилади. Фьючерс биржасидаги операциялар сони, қоидага кўра, реал товарлар билан савдодан бир неча марта катта бўлади.

Фьючерс биржаларда улар билан шартномалар тузиладиган асосий товарлар дон, мой олинадиган уруғлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, қимматбаҳо ва рангли металл, пахта, шакар, кофе, какао, тирик қорамол ҳисобланади.

6.3. Фьючерс савдосининг мақсадлари

Фьючерс савдосининг мақсадларини биржа нуқтаи назаридан ва бутун хўжалик нуқтаи назаридан кўрб чиқиш лозим.

Биржа нуқтаи назаридан фьючерс савдоси бу – биржа савдосининг бозор хўжалиги шароитларида, бозор воситачи структуралари ҳар хил турларининг доимий рақобат кураши жараёнидаги ривожланиш табиий эволюцияси натижасидир. Реал товар билан савод олдидаги катта устунлик туфайли фьючерс савдоси биржага бозор иқтисодиётининг шаклланиш шароитларида кун кўриш, пул ишлаб топиш ва келгуси ривожланиш учун капитал жамғаришга имкон берди. Бошқача қилиб айтганда, фьючерс савдосини

ривожлантирган ҳолда биржалар кўзлаган мақсад бозор муҳитида фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган миқдорда даромад олиш ҳисобланади.

Бу вазифани биржалар фақат у бозор хўжалиги ривожланишининг муайян босқичларида унинг белгиланган эҳтиёжларига жавоб берган тақдирдагина амалга ошириши мумкин бўлган.

Бозор хўжалиги нуқтаи назаридан фьючерс савдосининг мақсади тадбиркорлар кенг доирасининг реал товар бозорида нарх ўзгаришларини суғурталаш, етакчи хомашё ва ёқилғи товарларини башорат қилиш, якуний ҳисобда эса биржа савдосидан фойда олишга эҳтиёжларини қонндириш ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида нархни башорат қилиш имконияти ишлаб чиқаришнинг ривожланиш ва умумлаштириш даражаси юқорилигидан, унинг халқаро интеграциясидан ҳам келиб чиқади. Фьючерс биржа савдоси, кўрсатилган шарт-шароитларга асосланган ҳолда, бундай нархни башорат қилиш бозор механизмини яратади. Товар ҳали яратилмаган (етиштирилмаган, қазиб олинмаган), унинг нархи эса фьючерс шартномалари олди-сотдиси орқали мавжуд ва реал ҳаёт билан яшамокда, атрофдаги рўй бераётган барча жараёнлар таъсирига учрамокда.

Реал товар бозорида нарх ўзгаришларини суғурталаш имконияти шунга асосланадики, фьючерс бозори реал товарлар бозоридан алоҳида бўлиб олган. Бу бозорлар қатнашчилар таркиби, савдо ўтказиладиган жойи, нард динамикаси ва даражаси билан фарқланади.

6.4. Биржа фьючерс савдоси механизми

Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металлар, пахта, уран, нефт маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормокда. Бу эса, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда

эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади[7].

Биржа фьючерс савдоси механизмининг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

- фьючерс шартномалари билан биржа савдоларини ташкил қилиш;
- ҳисоб-китоб тартиби ва фьючерс шартномаларини тугатиш тартиби;
- фьючерс шартномалари ижро этилишини ташкил қилиш.

Фьючерс шартномалари билан савдо мижознинг биржада савдо қилаётган брокерлик фирмаси вакилига ариза беришидан бошланади. Ариза шакли мижознинг ушбу фирма учун доимий ёки бир марталик мижоз эканлигига, мижоз ва фирма ўртасида унга биржа хизматлари кўрсатишга шартнома мавжудлигига қараб ёзма ёки оғзаки шаклда бўлиши мумкин. Аризага товар хақидаги, етказиб бериш муддати, шартномалар сони ва нарх хақидаига маълумотлар киритилади. Нархга нисбатан мижоз унинг энг юқори ва паст чегараларини келишиб олади ёки шартномаларни жорий бозор нархи бўйича сотиб олишга (сотишга) буйруқ беради.

Брокерлик фирмаси вакили аризани одатда телефон орқали ёки бевосита биржа залига ушбу фирмага ишлаётган брокерга ёки биржанинг иш вақти тугаб қолган бўлса, ўз ахборот марказига юборади.

Биржа брокери савдо жараёнида шартномаларни сотиб олиш(сотиш) буюртмасини – таклиф этилаётган нарх ва уларнинг сонини эшитиради. Ўз навбатида, худди шу турдаги шартномаларни сотиш(сотиб олиш) буюртмасини олган бошқа брокерлар ўз нархини таклиф этади. Харид нархи ва сотув нархи мос келган тақдирда битим тузилган ҳисобланади ва дарҳол биржа тизимларида рўйхатга олинади.

Биржа савдолари якунланганч, брокерлар тузилган битимларнинг

---

[7]«Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 15.01.2017.

реквизитларини текширади, сўнгра бу ахборот шанжир бўйича тескари йўналишда мижозлларгача етказилади.

Фьючерс савдоси бўйича ҳисоб-китоблар тартиби анча мураккаб характерга эга. Фьючерс шартномалари бўйича барча ҳисоб-китобларнинг моддий асоси сифатида фьючерс савдосини ташкил қилишда етакчи техник бўғин ҳисобланган ҳисоб-китоб палатаси ёки ҳисоб-китоб маркази намоён бўлади. Ҳисоб-китоб палатаси бозорнинг молиявий барқарорлигини ҳисоб-китоб палатасини айланиб ўтиб таъминлаши кўзда тутилган. Ҳисоб-китоб шакллари уларнинг ушбу мамлакатда қўлланишига боғлиқ бўлади. Одатда бу чеклар орқали ҳисоб-китоб ҳисобланади. Биржалар товарни етказиб ериш (олиш) жойини танлашга диққат билан қарайдилар, чунки бунинг ўзи фьючерс шартномаси ижро этилшининг кафолати ҳисобланади. Омбор биноларининг жойлашуви, уларнинг молиявий аҳволи, хизматлар учун нарх даражаси, ижро этиш сифати, персонал ишидаги аниқликлар ва ҳоказоларга алоҳида эътибор қаратилади.

6.5. Хеджлаш ва биржа чайқови

Хеджлаш бу – нарх динамикасида реал товарлар нархи ва худди шу товарларнинг фьючерс шартномалари нархи ўртасидаги фарққа асосланадиган биржа фьючерс савдоси жараёнида фойда олиш усулидир.

Биржа савдоси амалиётида хеджлаш ва чайқов фарқланади. Биржа чайқови бу – вақт бўйича, макон бўйича ва ҳар хил товар турларига фьючерс шартномаларининг нарх динамикасидаги фарққа асосланадиган биржа фьючерс савдоси жараёнида фойда олиш усулидир.

Сиёсий-иқтисодий маънода хеджлаш ҳам, биржа чайқови ҳам оддий чайқовни, яъни ишлаб чиқаришга эмас, балки нархлар ўртасидаги фарққа асосланган ҳолда фойда олиш усулини ифодалайди. Хеджлаш ва биржа чайқови – чайқовнинг биржада амалга ошириладиган биргаликда бўла оладиган ва бир-бирини тўлдирадиган, лекин шу билан бир пайтда ўзаро фарқ қиладиган икки хил тури. Бу танганинг икки томонидар. Хеджлаш биржа чайқовисиз бўла олмайди ва аксинча.

Хеджлашни биржада қоидага кўра, бир вақтнинг ўзида реал товар бозорининг қатнашчилари: ишлаб чиқарувчилар, қайта ишловчилар, савдогарлар ҳисобланган корхоналар, ташкилотлар, хусусий щахслар амалга оширади.

Биржа чайқови билан одатда биржа аъзолари ва фьючерс шартномалари нарх динамикасида ўйнаш истагида бўлган барча хоҳловчилар (одатда хусусий шахслар) шуғулланади.

Амалиётда хеджлаш билан шуғулланадиган субъектлар ва фаолияти биржа чайқови билан боғлиқ бўлган субъектлар ўртасида қатъий фарклар йўқ, чунки реал товра бозори қатнашчилари ҳам биржа чайқовларида иштирок этади, ахир бу бозор хўжалигида асосийси бу мақсаднинг қайси биржа о-ялари ҳисобига эришилишидан қатъи назар фойда олиш ҳисобланади.

Хеджлашдан мақсад – реал товар бозорида сотишдан олнадиган фойда билан таққослаганда қўшимча фойда оилшдир.

Умуман у биржа аъзоси бўлмаган барча шахслар ва ташкилотлар учун оддий мақсад – тижоратнин бошқа шакллари билан бир қаторда энг катта фойда олиш бўлган биржадаги тижорат фаолиятининг ўзига хос шаклини ифодалайди. Хеджлаш икки ёқлама характерга эга, яъни бир вақтнинг ўзида реал товар нархи ва фьючерс шартномаси нархига таянади, бу эса муҳим амалий аҳамият касб этади.

У биржа (фьючерс шартномалари) бозорнинг реал товар бозори билан билвосита алоқасини таъминлайди.

Хеджлаш реал товар бозорида нарх йўқотишларидан биржа суғурталаш функциясини бажаради ва айрим харажатларнинг қопланишини таъминлайди.

Хеджлаш техникаси қуйидагилардан иборат:

Нақд товар сотувчиси, ўзини тахмин қилинаётган нарх пасайишидан ҳимоя қилиб, биржада ушбу товарга фьючерс шартномасини сотади. Нарх пасайган ҳолатда у нархи тушиб кетган фьючерс шартномасини қайта сотиб

олади ва унинг реал товар бозорида тўлиқ олмагантушумини компенсациялаши лозим бўлган фойдани олади.

Нақд товар сотувчиси товар нархининг ўсишидан зара кўрмасликдан манфаатдор. Шу сабабли нархнинг ўсишни тахмин қилиб, у ушбу товарга фьючерс шартномасини сотиб олади. Тенденция тўғри топилган ҳолатда харидор реал товар бозоридаги нархнинг ўсиши билан алоқада унинг ҳам анрхи ўсган ўз фьючерс шартномасини сотиб юборади ва шу тариқанақд товарни харид қилиш бўйича қўшимча харажатларини қоплайди.

Фьючерс савдоси механизмидан фойдаланиш, юкорида келтирилган мисоллардан кўриниб турганидек, сотувчиларга ўз тушумини, демак, фойдасини, харидорларга эса – харажатларини режалаштириш имконини беради.

Амалиётда узоқ муддатли нарх ўзгаришларини олдиндан айтиб бериш қийин. Реал товар бозори ва фьючерс бозорининг нарх динамикаси бир-бирига мос келмайди, шунинг учун, қоидага кўра, хеджлаш ишлаб чиқарилган биржа товарлари бутун массасини қамраб олмайди.

Қатнашчилар такриби ва қай мақсадда амалга оширилишига қараб хеджлашнинг турли шаклари мавжуд бўлади. Хеджлаш фьючерс шартномаси тузилган пайтда йўқ бўлган барча нақд товарга, реал товарни етказиб бериш ва фьючерс шартномасини бажариш турли саналари комбинациясига ва ҳоказоларга қўлланиши мумкин.

Хеджлаш қўшимча фойда олишга ҳам имкон беради. Нақд товар нархи ва фьючерс шартномаси ўртасида мос келувчи етказиб бериш ойидаги нархлар ўртасида ўртача фарқ «базис» ҳисобланади ва товарни сақлаш харажатлари ва бошқа башорат қилиш қийин бўлган омилларга боғлиқ бўлади.

Хеджлашда қўшимча фойда олиш истагида бўлган товар сотувчиси ўз товарига фьючерс шартномасини реал товарнинг амалдаги бозор нархидан базис миқдорига катта бўлган нархда сотишга ҳаракат қилиши лозим. Агар кейинчалик базис камаядилагн бўлса, хеджер ютади, чунки фьючерс бозорида

нархнинг ўсиши реал бозорда нархнинг пасайишидан олди келади. Базис ошган тақдирда эса хеджер - сотувчи ютқазади. Қўшимча фойда олиш истагида бўлган товар харидори ўз башоратларида базиснинг бошқача ўзгаришига асосланади, яъни базис ўсганда хеджер ютади, камайганда эса - ютқазади.

Агар хеджер сотувчи бўлса, якуний нарх мақсадли нархдан юқори бўлган ҳолларда унинг қўшимча фойда олиш имконияти бўлади. Бунга базиснинг пасайишида эришиш мумкин.

Агар хеджер харидорни ифодалайдиган бўлса, у қўшимча фойдани якуний нарх мақсадли нархдан паст бўлганда, яъни базиснинг ўсшида олади.

6.6. Фьючерс шартномалари ва опцион битимлар

Фьючерс шартномаси опциони деб кўрсатилган давр доирасида битим имзоланган пайтда фьючерс шартномасини соти олиш ёки сотиш ҳуқуқига айтилади. Бунда ушбу ҳуқуқни олган опцион харидори сотувчига мукофот деб номланадиган белгиланган миқдордаги пулни тўлайди.

Опцион фьючерс шартномасини сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқини беради, бирок опцион харидорини кўрсатилган ҳуқуқни амалга оширишга мажбур қилмайди, шу сабабли опцион харидори фақат мукофот миқдори ва банк фоизини рискка қўяди, унинг фойдаси эса чекланмаган бўлиши мумкин. Опцион сотувчиси чекланмаган зарар кўриши мумкин, унинг фойдаси эса мукофот миқдори билан чекланади.

Фьючерс шартномаси биржа опционининг реал товар опционидан асосий фарқи уни стандартлаштиришдан иборат, бунда биржа опциони сотувчиси ва харидори фақат мукофот миқдори, яъни фьючерс шартномалари савдосида биржачилар фақат бу шартномалар нархи илан савдо қилгани каби опцион акида келишиб олади.

Фьючерс шартномаси опциони мустақил қийматга эга бўлган ёки фьючерс шартномаларини етказиб бериш муддатига боғлаб қўйилган қатъий белгиланган амал қилиш муддати билан чекланади.

Опционларнинг икки хил тури мавжуд: сотиб олиш ҳуқуқи билан опцион ва сотиш ҳуқуқи билан опцион. Кўрсатилган икки турнинг комбинациясини ифодалайдиган бошқа бир тур – икки ёқлама опцион ҳам бўлиши мумкин, лекин у камдан-кам қўлланади.

Харид опционида унинг харидолри опцион сотувчисидан мукофот пулини олдиндан тўлаган ҳолда шартноманинг амал қилиш муддати тугамасдан аввал исталган пайт опционда кўрсатилган нархда фьючерс шартномаси опционини сотиб олиши мумкин. Сотув опционида унинг харидори опциона фьючерс шартномаси опционини худди шу шартларда сотиши мумкин.

Худди фьючерс шартномасида бўлгани каби, биржа опциони бўйича мажбуриятлар ҳам қатнашчиларнинг бири томонидан опцион амал қилиш муддати тугамасдан аввал қарама-қарши битим билан тугатиши мумкин. Масалан, агар харид опциони сотиб олинган бўлса, мажбуриятларни тугатиш санасини битим тузиш санасида нархлардаги биржа фарқларини тартибга солиш ва худди шундай опцион сотиш зарур.

Опцион харидори тўлайдиган мукофот, яъни унинг нархини асосан фьючерс шартномаси жорий биржа нархи ва унинг опционда белгиланган нархи ўртасидаги фарққа, ушбу опционнинг талаб ва таклифи, опционга эгалик ҳуқуқи қолган вақт, банк лойиҳаси ҳажмига боғлиқ.

Фьючерс шартномали опционлар бир вақтнинг ўзида ноқулай нарх ўзгаришларини суғурталаш функцияси ва биржа фаолиятидан қўшимча фойда олиш функциясини ҳам бажаради. Харид опциони ва сотув опционида суғуртачи сифатида опцион харидори иштирок этади, чунки у ўз йўқотишларини минималлаштиради. Бироқ агар харидор нарх ўзгариши тенденциясини тўғри топадиган бўлса, у сезиларли қўшимча фойда олиши ҳам мумкин. Опцион сотувчиси, қоидага кўра, фақат мукофот миқдори билан чекланадиган опционлар савдосидан фойда олишга интилади. Опционлар савдосидан зарар чекланмаслиги мумкин.

Шартнома ҳажми, РП нотис олиш вақти ва уни биржа шартномаси харидорига бериш вақти. Нотис РПга тақдим этилгандан сўнг уни харидорнинг

розилиги ёки арбитраж қўмитасининг қарорисиз на олиб қўйиш, на алмаштириш мумкин эмас. Рпдан ўтган барча нотислар мажбурий тартибда харидорлар томонидан ижро этишга қабул қилинади. Сўнгра олувчи белгиланган вақт давомида товарга нақд пул билан тўлиқ ҳажмда тўлаши зарур. Тўловни амалга оширишда харидор варрант ёки омбор гувоҳномаси – белгиланган омборда товарга эгаллик ҳуқуқи берадиган ҳужжат олади. Сотувчи нотис чиқарилган санадан бошлаб белгиланган вақт давомида етказиб бериш шартларига мос келадиган барча харажатларни тўлаши лозим.

ХУЛОСА

Фьючерс савдоси бу – фьючерс (муддатли) шартномалари воситасида биржа товари билан биржада савдо қилиш шаклидир.

Фьючерс шартномаси бу – битим тузишда томонлар белгилаб қўйган нархда шартномада кўрсатилган муддатда товарни етказиб беришга стандарт биржа шартномаси.

Фьючерс савдосининг уни стандартлаштиришдан келиб чиқадиган муҳим хусусияти шартноманинг шахси кўрсатилмаганлиги ҳисобланади. Фьючерс шартномасида томонлар бўлиб сотувчи ва харидор эмас, сотувчи ва ҳисоб-китоб палатаси ёки харидор ва ҳисоб-китоб палатаси намоён бўлади. Бу сотувчи ва харидорга бир-биридан мустақил ишлаш, яъни биржанинг ҳисоб-китоб палатаси билан тескари битим тузиш йўли билан илгари расмийлаштирилган товар бўйича ўз мажбуриятларини тугатишга имкон беради.

Биржа фьючерс савдоси механизмининг асосий элементлари қуйидагилар ҳисобланади:

- фьючерс шартномалари билан биржа савдоларини ташкил қилиш;
- ҳисоб-китоб тартиби ва фьючерс шартномаларини тугатиш тартиби;
- фьючерс шартномалари ижро этилишини ташкил қилиш.

Хеджлаш бу – нарх динамикасида реал товарлар нархи ва худди шу товарларнинг фьючерс шартномалари нархи ўртасидаги фарққа асосланадиган

биржа фьючерс савдоси жараёнида фойда олиш усулидир.

Фьючерс шартномаси опциони деб кўрсатилган давр доирасида битим имзоланган пайтда фьючерс шартномасини соти олиш ёки сотиш ҳуқуқига айтилади. Бунда ушбу ҳуқуқни олган опцион харидори сотувчига мукофот деб номланадиган белгиланган миқдордаги пулни тўлайди.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Фьючерс савдоси, шартномада шахснинг кўрсатилмаганлиги, ҳисоб-китоб палатаси, стандартлаштириш, фьючерс шартномалари, хеджлаш, биржа чайқови, хеджер, опцион, қатъий белгиланган муддат, нотис, варрант.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Фьючерс савдосининг асосий тушунчалари хақида гапириб беринг.
2. Фьючерс савдосининг вужудга келиш тарихи қандай?
3. Фьючерс савдоси хақида гапириб беринг.
4. Биржа фьючерс савдоси механизмини тавсифланг.
5. Хеджлаш ва биржа чайқови нима?
6. Фьючерс шартномали опцион битимлар хақида гапириб беринг.

7-БОБ. ФОНД БИРЖАСИ

7.1. Фонд биржаси ва фонд бозори.

7.2.Фонд биржасининг вужудга келиш сабаблари ва уларни ташкил қилиш мақсадлари.

7.3. Фонд биржасига қўйиладиган талаблар.

7.4. Фонд биржасининг функциялари.

7.5. Фонд биржасида биржа битимининг моҳияти.

7.6. «Тошкент» Республика фонд биржаси.

7.1. Фонд биржаси ва фонд бозори

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни изчил амалга оширишда қулай инвестиция муҳитининг яратилгани асосий омил бўлиб келмоқда. 2017 йилда

иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан олдинги йилларга нисбатан сезиларли даражадачет эл инвестициялари жалб этилди. Бу 2016 йил билан таққослаганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди.[8]

Фонд бозори, қимматли қоғозлар бозори сифатида,турли молиявий активлар ёки фонд қимматлари олди-сотди муносабатлари тизимини ифодалайди. Фонд бозори бирламчи ва иккиламчи турларга тақсимланади. Бирламчи бозор атамаси эмитентлар учун молиявий ресурслар олиш мақсадида янги чиқарилган қимматли қоғозларни сотиш, бирламчи жойлаштиришга мансуб бўлиб, эмитент сифатида ҳукумат, маҳаллий ҳокимият органлари, турли корхоналар ва ҳоказолар иштирок этиши мумкин. Бу бозорда харидорлар ролида индивидуал ва институционал инвесторлар қатнашади, улар қаторига давлат муассасалари, инвестицион ва пенсия фондлари, инвестицион банклар, суғурта компаниялари, тижорат банкларининг траст бўлимлари ва бошқалар киради.

Қимматли қоғозлар бозори мамлакат иқтисодий структурасининг жуда муҳим элементи ва республиканинг ривожланиш динамикаси энг юқори бўлган молия бозори ҳисобланади[9].

Янги чиқарилган қимматли қоғозлар бирламчи бозорда жойлаштирилгандан сўнг улар қайта сотиш объектига айланади. Қимматли қоғозларни қайта сотиш иккиламчи бозорда амалга оширилади.

Бирламчи бозорда ҳам, иккиламчи бозорда ҳам қимматли қоғозларни сотиш ва сотиб олишнинг кўплаб йўллари мавжуд. Уларнинг асосийси қимматли қоғозлар билан фонд бозорида савдо қилиш ҳисобланади.

Фонд биржаси бу - қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий воситаларнинг уюшган, доимий фаолият кўрсатадиган бозоридир. Ташкилий-ҳуқуқий нуқтаи

---

[8]«Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак». Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг мамлакатимизни 2016-йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий якунлари ва 2017-йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси. 15.01.2017.

[9] Экономическая газета «Биржа», № 41, 3.04.07, стр. 2

назардан фонд биржаси иш режими ренгламентланган, расмий белгиланган қоидалар бўйича биржа воситачилари иштирокида фонд қимматлари сотувчилари ва харидорлари ўртасида савдо битимлари тузиладиган молиявий воситачилик муассасасини ифодалайди. Бу қоидалар биржа томонидан ҳам, давлат қонунчилиги томонидан ҳам белгиланади. Шуни эътиборга олиш жоизки, фонд биржаси ва унинг персонали қимматли қоғозлар билан битимлар тузмайди. У фақатгина битим тузиш учун зарур шароитлар яратади, бу битимларга хизмат кўрсатади, сотувчи ва харидорни бир-бири билан боғлайди, бино ажратади, маслаҳат ва арбитраж хизматлари тақдим этади, техник хизматлар кўрсатади ва битимни амалга ошириш учун зарур бўлган ҳамма нарсани қилади.

Ҳуқуқий мақом нуқтаи назаридан жаҳон амалиётида фонд биржаларининг уч хил тури ажратиб кўрсатилади:

1. оммавий-ҳуқуқий
2. хусусий
3. аралаш

Оммавий-ҳуқуқий ташкилот сифатида фонд биржаси доимий давлат назорати остида бўлади. Давлат биржа савдоси Қоидаларини тузишда иштирок этади ва уларнинг бажарилишини назорат қилади, савдо вақтида биржада ҳуқуқ-тартиботни таъминлайди, биржа маклерларини тайинлайди ва ишдан бўшатади ва ҳ.к. Фонд биржаларининг бу тури Германия ва Францияда кенг тарқалган.

Фонд биржалари *хусусий компаниялар* сифатида акциядорлик жамиятлари шаклида ташкил қилинади. Бундай биржалар биржа савдосини ташкил қилишда мутлақо мустақил ҳисобланади. Биржада барча битимлар қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади, уни бузиш эса ҳукукий жавобгарликка олиб келади. Давлат биржа савдоси барқарорлигини таъминлаш ва савдо битимлари рискини пасайтириш бўйича ҳеч қандай кафилликни зиммасига олмайди. Фонд биржаларининг бу тури Англия ва АҚШ учун характерли.

Агар фонд биржалари акциядорлик жамиятлари сифатида ташкил қилиниб, бироқ бунда улар капиталининг камида 50%и давлатга тегишли бўлади, улар *аралаш турдаги ташкилотларга* мансуб ҳисобланади. Бундай биржаларга сайланадиган биржа органлари бошчилик қилади. Лекин шунга қарамай, Биржа комиссари биржа фаолияти устидан назоратни амалга оширади ва биржа курсларини расман рўйхатга олади. Бундай биржалар Австрия, Швейцария, Швецияда фаолият кўрсатади.

Бизнинг мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка мувофиқ биржалар ёпиқ акцияорлик жамиятлари шаклида ташкил қилинади, уларнинг камида 3 та аъзоси бўлиши керак. Биржа аъзолари фақат унинг акциядорлари бўла олади.

Ҳозирги пайтда дунёдаги фонд биржалари сони 200 дан ортиқ, бутун мамлакат биржа тизимининг фаолият кўрсатиш характери ва унда ҳар бир муайян биржанинг ўрнини белгилаб берадиган тарихан шаклланган биржа тизими мавжуд.

Моноцентрик (бир марказли) ва полицентрик (кўп марказли) биржа тизимлари фарқланади. *Моноцентрик биржа тизимида* мамлакатнинг молиявий марказида жойлашган битта биржа мутлоқ етакчи ҳолатини эгаллайди, қолган фонд биржалари эса маҳаллий аҳамиятга эга бўлади. Бунга мисол қилиб Англияни кўрсатиш мумкин, бу мамлакатда Лондон Ҳалқаро фонд биржаси етакчилик қилади, қолган барча провинциал биржалар эса амалда мустақилликдан маҳрум этилган бўлиб, унга қўшилиб олган. Худди шундай Франция ва Япония учун ҳам характерли.

Полицентрик тизим шароитларида асосий фонд биржасидан ташқари мамлакатда яна бир нечта йирик биржалар фаолият кўрсатиши мумкин.бундай ҳолат, масалан, Австралия, Германия ва Канадада кузатилади.

АҚШда биржа савдосининг ривожланиши ўзига хос биржа тизимининг шаклланишига олиб келди. Бу мамлакатда при безоговорочном господстве Нью-йорк фонд биржасининг сўзсиз ҳукмронлигида минтақавий биржа институтлари унинг қўшимча қисмига айланмасдан, ўз мустақиллигини сақлаб

қолди ва умумдавлат биржа тизими доирасида барқарор фаолият кўсатиб келмокда.

Фонд биржаси молия бозорини тартибга солувчилардан бири сифатида намоён бўлади. Биржанинг асосий роли молия ва ссуда капитали ҳаракатига хизмат кўрсатишдан иборат: бир томондан, бу капиталларни жамғаради ва тўплайди; бошқа томондан, давлат ва турли холдинг компания структураларини кредитлайди ва молиялаштиради.

Фонд биржасининг мамлакат иқтисодиётидаги роли аввало, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш даражаси билан белгиланади. Бундан ташқари, биржанинг роли қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражасига ҳам боғлиқ.

Фонд биржасининг асосий функциялари қаторига қуйидагилар киради:

- бўш пул капиталлари ва жамғармаларни қимматли қоғозлар сотиш воситасида жалб қилиш ва марказлаштириш;
- давлат ва холдинг компания ташкилотларини қимматли қоғозлар сотиш воситасида кредитлаш ва молиялаштириш;
- қимматли қоғозларга қўйилмалар ликвидлиги юқори даражасини таъминлаш.

Фонд биржаси қимматли қоғозларга талаб ва таклифни марказлаштиришга, акциядорлик капиталининг фаолият самарадорлиги даражасини акс эттирувчи биржа нарх шаклланиши асосида уларнинг мувозанатланганлигини таъминлашга имкон беради.

7.2. Фонд биржасининг вужудга келиш сабаблари ва уларни ташкил қилиш мақсадлари

Фонд биржаси илк бор капитални дастлабки жамғариш даврида (XVII в.) Амстердам шахрида вужудга келди. Бу Голландияда капитлаистик муносабатларнинг ривожланиши билан боғлиқ эди. Англиянинг жаҳон капиталистик давлатига айланиши билан фонд биржаси бу мамлакатда кенг тарқала бошлади. Биржанинг шаклланиши аввалбошдан давлат қарзларининг ўсиши билан боғлиқ эди, чунки облигацияларга киритиладиган капиталларни

исталган пайт пулга айлантириш мумкин бўлган. Биринчи акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши билан биржа айланмасининг объектига акциялар айланди.

Капитализм шакллана бошлаган даврда фонд биржаси дастлабки капитал жамғаришда муҳим омил бўлган. Унинг аҳамияти XIX асрнинг иккинчи ярмида, оммавий равишда акциядорлик жамиятлари ташкил этилиши ва қимматли қоғозлар чиқаришнинг ўсиши билан янада ортди. Пул капиталларини интенсив жамғариш ва рантье сонининг ўсиши қимматли қоғозларга талабни сезиларли оширди, бу эса, ўз навбатида биржа айланмасининг ўсишига олиб келди, фонд биржасида асосий ўринни эса хусусий компания ва корхоналарнинг акция ва облигациялари эгаллади. Давлат қимматли қоғозлари, акция ва облигацияларига пул капитали узоқ муддатли қўйилмалари амалга оширила бошлади.

Бир хил қимматли қоғозлар эгаларининг бир жойда учрашишга интилиши келиб чиқиши бўйича биржа товари бўлган акция ва облигациялар характеридан келиб чиқади. Бироқ акциядорлик жамиятлари, гарчи ўз даври учун йирик корхоналар сифатида вужудга келган бўлсада, ўз фаолияти билан бутун мамлакат ҳудудини қамраб олишга даъво қила олмасди. Демак, ўз акцияларини ҳам улар асосан ўзлари жойлашган ва яхши маълум бўлган жойларда сота олган. Шу сабабли фонд биржалари йирик иқтисодий ҳудудларнинг марказида ташкил этилади. Бу умумий қонуниятдир. Кейинчалик эса уларнинг ривожланиш йўллари ҳар хил бўлиши мумкин.

Мамлакатнинг бош молия марказида жойлашган биржани биринчи ўринга чиқариш мантиқан энг тўғри бўлади. Бу биржада операциялар миқёсини умуммиллий миқёсга етказган компанияларнинг акциялари тўпланади. Провинциал биржалар эса аста-секинлик билан сўниб боради. Шу тарика моноцентрик биржа тизими шаклланади. Энг тугал кўринишда бу Англияда ифодаланган. Умуман олганда, расмий биржа номлари орасида дунёдаги энг қари биржалардан бири бўлган Лондон биржасининг номи йўқ. Яқин вактлардан буён у Ҳалқаро фонд биржаси деб аталади, чунки у Буюк

Британиядан ташқари Ирландиянинг ҳам биржаларини бирлаштиради. Япония ва Франция биржа тизимлари ҳам моноцентрик ҳисобланади.

Шу билан бир пайтда федератив давлатларда полицентрик биржа тизимини шакллантир эҳтимоли юқори. Бу ҳолат Канада ва Австралияда рўй берди, Канадада Монреаль ва Торонто биржалари, Австралияда эса - Сидней ва Мельбурн биржалари етакчилик қилади.

АҚШ фонд бозори бу жиҳатдан ўзига хос – у шунчалик кенг қамровлики, тан олинган етакчи - Нью-Йорк фонд биржаси учун ҳам, шу шаҳарда жойлашган яна бир йирик биржа – Америка фонд биржаси учун ҳам, провинциал биржалар учун ҳам жой топилган. Маҳаллий биржалар сони урушдан кейинги даврда қисқарган бўлсада, бироқ уларнинг қолганлари оёқда мустаҳкам турибди. Шу сабабли АҚШ биржа тизимини аралаш турда ташкил қилинган тизим сифатида таснифлашга тўғри келади.

Жаҳон тажрибасининг гувоҳлик беришича, мамлакатларда биржалар сони ҳам турли вариантда бўлиши мумкин экан. Швеция, Франция, Англияда мамлакат бўйича атиги биттадан фонд биржаси мавжуд. ФРГда қимматли қоғозларнинг 80%и Франкфурте-ам-Майн шаҳридаги фонд биржасида, қолган 20%и эса еттита кичик биржа бўйича тарқатиб юборилган. Нью-Йорк биржасида энг нуфузли акциядорлик жамиятларининг акциялари котировка қилинади, қолганлар эса – кичикроқ биржаларда.

Биржалар давлат томонидан жамоат муассасалари сифатида таъсис этилиши мумкин. Франция, Италия ва бошқа қатор мамлакатларда фонд биржалари жамоат муассасалари ҳисобланади. Тўғри, бу давлат биржа операциялари учун бино ажратиб беришидагина ифодаланади. Биржачилар давлатнинг вакиллари ҳисобланади, бироқ хусусий тадбиркорлар каби ўз ҳисобидан фаолият кўрсатади.

Биржалар хусусий тадбиркорлик тамойилларида, масалан, акциядорлик жамиятлари сифатида ҳам таъсис этилиши мумкин. Бундай биржа турлари Англия ва АҚШ учун характерли.

Бугунги кунда капиталистик мамлакатларда энг йирик биржалар Нью-Йорк, Лондон, Токио ва Парижда жойлашган. Ҳар бир мамлакатда одатда ўз фонд биржаси мавжуд (АҚШда уларнинг сони ўнта). Фонд биржалари сони доимо ортиб боради, бироқ уларнинг асосийлари аввалгидек, молия капитали мужассамлашган марказларда жойлашади.

7.3. Фонд биржасига қўйиладиган талаблар

Давлат органлари амалдаги қонунчиликка мувофиқ фонд биржалари фаолиятини назорат қилади.

Давлат қонунчилик ёрдамида фонд биржалари фаолиятини тартибга солади. Бу тартибга солиш биринчи навбатда фонд биржаси фаолият кўрсатиш тамойиллари ва тартибини, унинг ташкилий ва бошқарув структурасини белгилаб берадиган маъмурий ва иқтисодий характерли турли чора-тадбирларни қамраб олвди. Бунда фонд биржалари фаолиятини тартибга солувчи давлат органларига фонд биржаларининг ўзи ҳақида ҳам, уларнинг молиявий кўрсаткичлари ҳақида ҳам ахборот керак бўлади.

Биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга солишда асосан қонун ҳужжатларидан фойдаланилган. Қонунчиликнинг фонд бозорини тартибга солиш эҳтиёжларидан ортда қолиши табиий жараён, чунки, биринчидан, фонд бозори фаолият кўрсатишининг барқарор шаклланган амалиёти мавжуд эмас; иккинчидан, гарчи биржа савдосининг шаклланиши Англия, континентал Европа мамлакатлари ва АҚШ тарихий тажрибасининг таъсири остида бўлсада, маҳаллий биржа бозори ҳолатининг ўзига хослиги хорижий қонунчиликдан нусха олишни эмас, балки мослаштиришни талаб қилади.

Ҳозирги пайтгача фонд биржалари ва қимматли қогозлар чиқариш тўғрисидаги Қоидалар амал қилиб келмоқда, бироқ у қонунчилик асосида тартибга солишнинг асосий мақсадлари: инвестор учун хавфсиз бозор яратиш ва капитал киритишда окланмаган рискларни пасайтиришни тўлиқ таъминламайди.

Фонд бозорини тартибга солиш ва унинг қатнашчилари фаолиятини мувофиқлаштириш учун фонд биржалари ва қимматли қоғозлар бўйича

Комиссия тузилган бўлиб, унда GB Молия вазирлиги, GB банки, монополияга қарши сиёсат бўйича қўмита вакиллари ишлайди.

Фонд биржаси инвестор сифатида иштирок этиш, яъни биржа конунчилигида кўзда тутилмаган фаолиятга маблағ киритиш, қимматли қоғозлар (ўз акцияларини истисно қилганда) чиқариш ҳуқуқига эга эмас. Фонд биржаси аъзолари давлат ва муниципал корхоналар, шунингдек, ўз мулкга эга бўлган давлат ижроия органлари бўлиши мумкин. Бу ташкилотларнинг асосий вазифаларидан бири акциялар ва бошқа қимматли қоғозлар, жумладан, давлатга тегишли облигациялар билан операцияларни амалга ошириш ҳисобланади.

Фонд биржасининг рухсат берилган молиявий фаолияти қуйидагилар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

- биржанинг ўзи чиқарган акцияларини сотиш;
- биржа аъозларининг мунтазам бадаллари;
- фонд биржасида амалга оширилган ҳар бир битимдан биржа йиғимлари;
- экспертиза ўтказиш ва ахборотни сотиш

Россия ҳудудида фақат Комиссия лицензиясини олган фонд биржалари фаолият кўсатишига рухсат этилади. Лицензия олиш учун қуйидаги талабларни ҳисобга олиш зарур:

1. Фонд биржаси юридик шахс бўлиши ва бозорда профессионал қатнашиши, яъни унинг инвестицион институт сифатида фаолияти бошқалардан фарқланиб туриши лозим;

2. Биржа штатида Молия вазирлиги қимматли қоғозлар билан ишлаш бўйича мутахассис малака аттестатига эга профессионаллар бўлиши лозим.

Хориждаги кўплаб биржалар, масалан, Токио фонд биржаси ўз ходимларидан биржада ташкил қилинган махсус ўқув курсларини тугатишни талаб қилади.

7.4. Фонд биржасининг функциялари

Биржа қуйидаги функциядарни бажаради:

1. очиқ оммавий савдолар ўтказиш учун биржа йиғилишлари ташкил этиш, айнан:

• биржа савдоларини ташкил қилиш;

• биржа савдоси қоидалари ишлаб чиқиш;

• савдони моддий-техник таъминлаш;

• биржанинг малакали аппарати.

Савдони ташкил қилиш учун биржа аввало, очиқ биржа савдоси юритувчи сотувчи ва харидорлар катта сонини сиғдирадиган, яхши жиҳозланган «бозор ўрини»га эга бўлиши лозим. Замонавий электрон алоқа воситаларидан фойдаланиш савдо қилаётганларнинг битта жойда тўпланишини талаб қилмасдан, савдони электрон компьютер терминаллари орқали амалга оширга имкон беради. Бироқ бу ҳолатда ҳам биржа электрон савдо тизими самарадорлиги юқори бўлишини таъминлаши кўзда тутилган.

Савдони ташкил қилиш биржадан савдо қоидалари, яъни савдо қатнашчиларининг савдо залида ўзини тутиш қоида ва меъёрларини ишлаб чиқиш ва қатъий риоя қилишни талаб этади.

Савдонинг моддий-техник таъминоти биржа зали ва савдо қатнашчисининг иш ўрнидаги асбоб-ускуналарни, биржадаги барча жараёнлар компьютер таъминоти ва ҳоказоларни қамраб олади.

Биржа савдосини амалга ошириш учун биржа юқори малакали ходимлар штатига эга бўлиши лозим.

1. Биржанинг бошқа функцияси қуйидагилардан иборат бўлган биржа шартномаларини ишлаб чиқиш ҳисобланади:

• биржа товарларининг сифат тавсифномаларига талабларни стандартлаштириш;

• товарлар партияси ҳажмини стандартлаштириш;

• биржа битимлари бўйича ҳисоб-китобларга умумий талаблар ишлаб чиқиш.

Биржа савдосига қўйиладиган товарларга биржа томонидан қаттик талаблар қўйилади. Бу талаблар асосида ҳисоблаб чиқиладиган биржа стандартлари, улар ишлаб чиқарувчилар томонидан товар биржаларида,

шунингдек, эмитентлар ва инвесторлар томонидан фонд биржаларида хисобга олинади.

Тузилган битимларни расмийлаштиришни тезлатишга биржалар томонидан ишлаб чиқиладиган намунавий биржа шартномалари хизмат килади.

3. Биржа битимлари бўйича можароларни ҳал қилиш.

Биржа савдоси жараёнида турли сабабларга кўра биржа савдоси қатнашчилари ўртасида можароли вазиятлар вужудга келиши мумкин бўлиб, улар характеридан келиб чиқиб, қараб бевосита биржада ва унинг мос келувчи органлари томонидан ҳал этилиши мумкин. Одатда бу ҳакамлар суди ёки арбитраж бўлади.

4. Биржа нархларини аниқлаш ва тартибга солиш.

Биржа барча турдаги биржа товарларига нарх шакллантириш ва тартибга солишда қатнашади. Биржада талаб ва таклиф жамланиши, кўп сонли битимларнинг тузилиши бозордан ташқари омилларнинг нархга таъсирини истисно қилади, уни реал талаб ва таклифга максимал даражада яқинлаштиради. Биржа нархи биржанинг энг муҳим функцияси сифатида кўриб чиқиладиган уни котировка қилиш жараёнида белгиланади. Бунда котировка деганда биржанинг ҳар бир иш куни давомида унда нархларни қайд қилиш, валюта ёки қимматли қоғозлар курси, биржа товарлари нархини рўйхатга олиш тушунилади. Нарх котировкаси бу – биржа нархларини биржа қоидалари бўйича рўйхатга олиш ва кейинчалик эълон қилишдир.

Биржа товарлари нархини эълон қилиш сотувчи ва харидорлар учун мўлжал бўлиб хизмат қилади, уларга навбатдаги биржа савдоларида ўз хулқ-атвор стратегиясини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

5. Биржа савдоси қатнашчиларини улар учун ноқулай нарх ўзгаришларидан суғурталаш (хеджлаш). Бунинг учун биржада махсус битим турлари ва уларни тузиш механизмларидан фойдаланилади. Биржа савдоси қатнашчиларини суғурталаш вазифасини бажарар экан, биржа савдони ташкил қилгандан кўра кўпроқ унга хизмат кўрсатади.

Биржа реал товар сотувчи ва харидорлари ўз ҳоҳиши билан бир вақтнинг ўзида мос келувчи биржа савдоларида мижозлар ёки қатнашчилар сифатида иштирок эта олиши учун шароитлар яратади. Бу биржага ишончни оширади, унга бозор чайқовчиларини жалб этиб, бевосита ва воситачилар орқали савдо қилувчилар сонини оширади.

6. Битимларнинг кафолатли бажарилиши клиринг ва ҳисоб-китоб биржа тизимлари воситасида эришилади. Бунинг учун биржа савдо қатнашчиларининг ўзаро талаблари ва мажбуриятларини ҳисобга олиш йўли билан нақдсиз ҳисоб-китоб тизимидан фойдаланади, шунингдек, уларнинг ижро этилишини таъминлайди.

7. Биржанинг ахборот фаолияти. Биржанинг энг муҳим функцияларидан бири биржа нархларини тўплаш ва рўйхатга олиш, кейинчлик уларни умумлаштириш ва эълон қилиш, мижозларга ва турли мафаатдор ташкилотларга, ҳалқаро бозорга намоналар бўйича ва юзага келган биржа стандартлари асосида мавжуд товарлар ҳақида ахборот бериш ҳисобланади. Бу маълумотлар газета, журнал, ахборот агентликларида эълон қилинади.

7.5. Фонд биржасида биржа битимининг моҳияти

Биржа битимлари фонд қимматлари билан банк операциялари каби бир хил эмас. Биржа битимлари деганда биржа биносида белгиланган биржа иш вақти пайтида тузилган ва биржада муомалага ва котировкага йўл қўйилган, алмаштирса бўладиган фонд қимматлари унинг предмети бўлган савдо битимлари тушунилади. Биржа битимлари бевосита расмий курс маклери ёки дилер, ёки биржа вакили бўлган, биржа савдосини ташкил этувчи ва котировкаларни эълон қилувчи бошқа шахс иштирокида тузилади.

Биржа жараёни технологияси қуйидаги принципиал схемага эга. Ҳар бир биржа мустақил равишда битим тузиш регламентини белгилайди. Бироқ, биржа котировкага йўл қўйилган қимматли қоғозларнинг нарх даражаси ва чегарасини белгилашга ҳақли эмас. Шу билан бир пайтда биржада битим тузиш тартиби инвестицион қимматли қоғозлар билан битимларга қуйидаги умумий талабларга таянади: инвестицион қимматли қоғозларли битимлар ёзма шаклда

тузилиши ва бу битимни тузаётган шахслар белгиланган муддат давомида бу ҳужжатларни ўзида сақлаши, биринчи талаб бўйича уларни молия органлари ва солиқ хизмати ваколатли ходимларига тақдим этишлари шарт.

Фонд биржасида биржа жараёнини принципиал ташкил қилиш қуйидаги кўринишга эга бўлади: биринчи босқич - қимматли қоғозлар сотиш ва сотиб олишга буюртмаларни расмийлаштириш ва рўйхатга олиш, иккинчи босқич – буюртмаларни биржа савдосига киритиш ва биржа савдоси жараёнида битим тузишда уни бажариш, учинчи босқич – биржада биржа битимини рўйхатга олиш ва битимлар бўйича ҳисоб-китоблар.

Биржа битимлари уларни бажариш рискига қараб касса битимлари ва муддатли битимларга ажратилади.

Фонд биржасида биржа битимининг тўрлари



7.6. «Тошкент» Республика фонд биржаси

«Тошкент» Республика фонд биржаси 1994 йилнинг 8 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 21 январдаги 745-сонли «иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк ҳимоясини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 26 январдаги 36-сонли Қарорига мувофиқ ташкил этилган. Унинг фаолияти республикада ўтказилаётган ислоҳотлар ва хусусийлаштирилаётган давлат корхоналари асосида очиқ турдаги акциядорлик жамиятлари ташкил қилиш сиёсати билан узвий боғлиқ.

Фонд бозори иқтисодиётда пул жамғармаларини қайта тақсимлашнинг самарали тизими ҳисобланади. Миллий компаниялар, ўз қимматли қоғозларини сотиш йўли билан ўз ривожланиши учун ички ва ташқи капитал бозоридан амалда чекланмаган инвестицион ресурслар жалб этиш имкониятига эга. У ёки бу тармоқ ёки корхонага инвестициялар оқими самарадорлиги ва ҳажми хўжалик субъектларининг бозордаги рақобатбардошлик даражасига боғлиқ бўлади.

Фонд биржаси қимматли қоғозлар билан савдони ташкил қилишнинг унда амалга оширилаётган операциялар қонунийлиги ва бир хилда очиқлигини таъминловчи энг ривожланган шаклларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, мунтазам биржа савдолари ўтказиш савдога қўйилган активларнинг реал бозор қийматини аниқлашга имкон беради.

Ҳозирги пайтда қатнашчиларнинг шахсан иштирок этишини талаб қилувчи очиқ биржа савдоси ўз офисидан, иш жойидан туриб савдода қатнашишга имкон берадиган электрон режимга ўтказилган. Белгиланган қоидаларга ва савдони тартибга солиш тизимига амал қилиш, шунингдек, барча қатнашчиларнинг бу қоидаларга амал қилишга тайёрлиги мажбурий тартиб бўлиб қолавермоқда.

Ҳозирги пайтда «Тошкент» Республика Фонд биржаси республиканинг барча минтақаларида ўз филиалларига эга. Биржада 84 та брокерлик идораси аккредитацияланган бўлиб, уларнинг трейдерлари қизиқтираётган қимматли қоғозларни сотиш ёки сотиб олиш бўйича мижозларнинг ҳар қандай топшириқларини юқори профессионал даражада бажаришга тайёр.

1994 йил - қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича йиллик айланма 30 млн. сўмни ташкил қилди, биржада 13 та брокерлик идораси аккредитацияланган.

1995 йил – брокерлик идоралари сони 83 тага етди, рўйхатга олинган битимлар ҳажми 1,3 млрд. сўмдан ортди. Самарқанд, Андижон, Бухарода биринчи филиаллар очилди.

1996 йил – савдо ҳажми 2,8 млрд. сўмни ташкил этди. Биржа Республика биржа марказининг янги биносига кўчиб ўтди. 12 та филиалнинг барчаси билан онлайн режимида хафтада беш марта савдо қилишга имкон берадиган умумий электрон савдо тизими жорий қилинди.

1997 йил – савдо ҳажми 2,3 млрд. сўм, ҳалқаро стандартларга мос келадиган биржа стандартлари қабул қилинди.

1998 йил - савдо ҳажми 3,5 млрд. сўм. "Тошкент" РФБда листинг жараёни жорий қилинди, Ўзбекистонда биринчи листинг корхонасига "Бухоротекс" акциядорлик жамияти айланди. Расмий биржа рўйхатига "Бухоротекс"дан ташқари тўртта акциядорлик жамияти - "Пахтабанк", "Ўзсаноатқурилишбанк", "Ўзметкомбинат" ва "Ғаллабанк". "Тошкент" РФБ Евросиё фонд биржалари Федерацияси Ижроия қўмитасининг аъзоси этиб сайланган.

1999 йил – акцияларни хорижий инвесторларга ЭКВга сотиш бўйича Махсус майдонча иш бошлади. Биржа айланмаси 3,8 млрд. сўмни ташкил қилди, шундан 1,4 млн. АҚШ долари ЭКВга битимлар тузишга сарфланди.

2000 йил – февраль ойидан бошлаб биржада Тасикс (Tasix) Умумий фонд индекси ҳисоблаб чиқилмоқда, у биржа фонд бозорининг ҳолатини акс эттиради ва оммавий ахборот воситаларида мунтазам эълон қилиб борилади.

Апрель ойидан бошлаб узлуксиз иккиёклама кимошди савдоси усули бўйича савдо қилишга имкон берадиган электрон савдо тизими амал қилмокда. Унинг иши замонавий web-технологияларга асосланган. Бу тизим республика қимматли қоғозлар ликвидли ва «шаффоф» биржа бозорини ташкил этишга хизмат қилади.

Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича биржа айланмаси 5,3 млрд. сўмдан ортди, жумладан, ЭКВга -249,9 минг АҚШ доллари.

2001 йил – биржанинг web-сайти (www.uzse.uz) ишлаб чиқилди, унда биржага доир барча ахборотлар акс эттирилади. Листинг жараёни соддалаштирилди ва олтинчи листинг корхона "Ўзуйжойжамғармабанк" киритилди. Биржа айланмаси 8,0 млрд. сўмга, жумладан, ЭКВга 794,9 минг АҚШ долларига тенг бўлди.

2002 йил - қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича йиллик айланма илк бор 10 млрд.сўмдан оршди ва 17,4 млрд. сўмга тенг бўлди, битимларда 94 та брокерлик идоралари қатнашди. Май ойидан бошлаб корпоратив облигациялар муомаласи бўйича майдонча жорий қилинди. Облигациялар бўйича йиллик айланма 1,2 млрд. сўмдан ошди. Июнда иккиламчи бозорда ЭКВга биринчи битим тузилди.

2002 йил биржада 1,7 млн. АҚШ доллари миқдорида хорижий валютаага 27 та битим амалга оширилди.

2003 йил - қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича йиллик айланма 35,7 млрд. сўм, жумладан, ЭКВга - 8,3 млн. АҚШ долларига тенг бўлди.

2004 йил – миллий валютада акциялар муомаласи секцияларида 962 та акциядорлик жамиятининг умумий миқдори 30,3 млрд. сўмлик 42,7 млн. дона акциясини сотиш бўйича 4175 та битим тузилди. 2004 йил учун "Тошкент" РФБ Умумий фонд индекси ("TASIX") қиймати 100 пунктни (2003 йил - 32 пункт) ташкил этди. 2004 йил акциялар билан энг йирик битим бирламчи бозорда

хусусийлаштирилган корхоналар секциясида 3 декабрь куни тузилди. Тошкент ш. "O'zenergota'minlashi" 141,8 минг дона акциялари 1,5 млрд. сўмга сотилди.[10]

ЭКВга акциялар сотиш бўйича махсус савдо майдончасида 2017 йил бирламчи бозорда 8 та (2016 йил 20 та) акциядорлик жамиятининг умумий миқдори 6,0 млн. долларлик 3,9 млн. дона акциясини сотиш бўйича 15 та (30 та) олди-сотди битими, иккиламчи бозорда 55 та (23 та) акциядорлик жамиятининг умумий миқдори 2,3 млн. долларлик 3,8 млн. дона акциясини сотиш бўйича 275 та (34 та) олди-сотди битими тузилди.

ХУЛОСА

Бозор иқтисодиёти учун фонд биржасининг аҳамияти уюшган қимматли қоғозлар бозори доирасидан четга чиқади. Фонд биржалари капиталнинг ликвидлик муаммосида катта ўзгариш ясади. "Мўъжиза" шундаки, инвестор учун узоқ муддатли ва кисқа муддатли қўйилмалар ўртасидаги фарқ амалда йўқ бўлиб кетди. Капитални «ўлдириш» борасида вақт бўйича реал хавф-хатарлар тадбиркорларни тўхтатиб турди. Бирок фонд биржаларида операцияларнинг ривожланиши билан ҳар бир алоҳида олинган инвестор учун инвестициялар худди нақд пул каби ликвидли характерга эга бўлган ҳолат юзага келди, чунки акциялар исталган пайт биржада сотиб юборилиши мумкин.

Қимматли қоғозлар билан операциялар бўйича бир хиллаштирилган хизматлардан ташқари, фонд биржалари бугунги кунда акциялар эгалари ва потенциал харидорларини тезкор ахборот (Джоу-Джонс индекси (АҚШ), Никкеи индекси (Япония), ММВБ умумий фонд индекси (Россия)) билан ҳам, қимматли қоғозлар бозори конъюнктурасининг башоратидан иборат бўлган батафсил таҳлилий ҳисоботлар билан ҳам таъминлаган ҳолда муҳим ахборот ролини ҳам ўйнамокда. Бирок, ахборотнинг очиклиги ва тақдим этилаётган маслаҳат хизматлари доирасининг кенглигига қарамай, муайян корпорацияларнинг жорий бозор нархи (курси) динамикасини олдиндан айтиш

[10]Исматуллаев А.Х., Фаттахов А.А., Самадов А.Н. Биржевое дело. Учебник. – Т.:ТГЭУ, 2007.

қийин: омиллар сони, жумладан, уларга ўз таъсирини кўрсатадиган ташқи иқтисодий тартибдаги омиллар жуда кўп.

Шундай қилиб, бугунги босқичда қимматли қоғозлар ва фонд бозорига тобора кўп эътибор қаратилмоқда. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши билан бу тушунчалар ҳаётимизга чуқуррок кириб бормоқда. Анъаналарнинг йўқотилиши туфайли биз ушбу босқичда Ғарб тажрибаларига мурожаат қилишга мажбурмиз, лекин шунга қарамай, бизнинг фонд бозорини ғарб фонд бозорининг тўғридан-тўғри кўчириб олинган нусхаси деб бўлмайди. Россия ўзига хос мамлакат, албатта, ҳар қандай янгиликлар ўзимизга мослаштирилган ҳолда киритилади ва қабул қилинади.

Ҳозирги пайтда фонд бозори дуч келган муаммоларнинг кўплигига қарамай, айтиб ўтиш жоизки, бу ёш, динамик ва истиқболли бозори иқтисодиётимизда рўй бераётган ижобий жараёнлар: давлат корхоналарини хусусийлаштириш туфайли қимматли қоғозларни оммавий равишда чиқариш, маблағларни акциядорлик асосида жалб этувчи янги тижорат ташкилотлари ва холдинг структураларини тез ташкил қилиш ва ҳ.к. асосида ривожланмоқда. Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозори давлатнинг молиявий ресурсларини қайта тақсимлашда муҳим роль ўйнайди, шунингдек, у бозор иқтисодиётининг нормал фаолият кўрсатиши учун ҳам зарур. Шу сабабли фонд бозорининг ривожланишини қайта тиклаш ва тартибга солиш ҳукумат олдида турган бирламчи навбатдаги вазифалардан бири ҳисобланади, уни ҳал қилиш учун фонд бозорини ривожлантириш ва тартибга солишнинг узоқ муддатли давлат дастурини қабул қилиш ва унинг ижро этилишини қаттиқ назорат қилиш зарур.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Фонд биржаси, фонд бозори, «бирламчи бозор», «иккиламчи бозор», фонд биржалари турлари, биржа тизимлари турлари, фонд биржаси функциялари, хеджлаш, касса битимлари ва муддатли битимлар, дилер, биржа жараёнини ташкил қилиш.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Бозор шароитларида фонд биржаси тушунчаси ва аҳамияти.

2. Биржа савдоси технологиясининг хусусиятлари нимада?

3. Биржа битимлари турларини санаб беринг, уларнинг ўзига хосликларини тушунтиринг, мисоллар келтиринг.

2. «Тошкент» Республика фонд биржаси фаолият кўрсатишининг роли ва хусусиятларини айтиб беринг?

3. Мамлакатимизда ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар учун бирламчи ва иккиламчи бозорнинг аҳамиятини айтиб беринг.

8-БОБ. БРОКЕРЛАР ВА БРОКЕРЛИК ИДОРАЛАРИ

8.1.Брокерлик идорасини таъсис этиш

8.2.Брокерлик фирмасининг биржа савдосида иштирок этиши, товарга ариза бериш ва шартнома тузиш жараёни

8.3.Шартномада товарни етказиб беришнинг базис шартларини мувофиқлаштириш жараёни

8.1.Брокерлик идорасини таъсис этиш

Биржа савдосининг ўзига хослиги шундаки, у сотувчи ёки харидорларнинг ўзи томонидан эмас, балки уларнинг вакиллари – биржа воситачилари томонидан амалга оширилади.

Биржанинг ажралмас бир узвий қисми деб брокерлик идорасини ҳисоблаш мумкин. У биржа структурасига кирмайди. Бироқ брокерлик фирмаларисиз биржа савдосини ташкил қилиб бўлмайди.

Брокерлик фаолияти биржа воситачилигига мансуб бўлиб, биржа битимларини мижоз номидан ва унинг ҳисобидан, биржа воситачиси номидан ва мижоз ҳисобидан, мижознинг номидан ва биржа воситачиси ҳисобидан амалга оширишдар иборат.

Брокерлик фирмаси бу - хусусий, ширкат, акциядорлик ёки бошқа корхона бўлиб, унинг асосий функцияси биржа ва мижозлар (маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, харидорлар, савдо воситачилари) ўртасида алоқани таъминлашдан иборат. Муайян биржанинг брокерлик фирмаси биржа акциялар(пай)ини сотиб олиш асосида ташкил этилиши мумкин. Акция эгаси биржада ўз брокерлик фирмасини ташкил қилиш ёки биржа савдоларида иштирок этиш ҳуқуқини бошқа ташкилотларга ижарага бериш ва ижара тўлови шаклида мос келувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.

Юқорида айтиб ўтилганидек, биржада брокерлик фирмаси сифатида рўйхатга олинадиган ташкилот амалдаги қонунчиликка мувофиқ исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклга эга бўлиши мумкин.

Брокерлик фирмасини ташкил қилишнинг энг тарқалган ва қулай тури – масъулияти чекланган ўртоқчилик (МТЎ) ҳисобланади.

Брокерлик фирмаси мустақил юридик мақомга эга бўлмасдан, бирон-бир корхона ёки ташкиотнинг таркибий қисми бўлиши ҳам мумкин.

Агар биржа акцияларининг эгаси воситачилик ташкилоти ҳисобланса, у мазкур биржанинг брокерлик фирмаси сифатида рўйхатга олинади, холос.

Воситачилик фирмаси биржа учун акциядор ҳисобланмаган ҳолларда эса у ўзининг брокерлик фирмасисини ташкил қилади.

Брокерлик фирмаси мижозларнинг биржа товарларини сотиш ва сотиб олишга аризаларини тўплайди, уларни рўйхатга олади ва тезкорлик билан биржадаги брокерларига етказади. Брокерлар олинган топшириқларни бажаради ва бу ҳақида хабар брокердан компанияга ва ундан мижозга етказилади.

Брокерлик фирмлари бутун мамлакат бўйлаб жойлашиши мумкин ва бу мижозларни жалб этиш имкониятларини кенгайтиради. Бундай фирмалар чет элликлар томонидан ҳам ташкил қилиниши мумкин.

Брокерлик фирмаси таъсисчилари ва персонали улар фаолиятида иштирок этишни мўлжалалётган муайян биржанинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини,

қонунчилик меъёрларини билиши зарур (низом, брокерлик фирмалари фаолияти ҳақидаги Қоидалар, Биржа қўмитасининг қарорлари, шунингдек, биржа савдоси Қоидалари ва б.). Биржанинг буйруқ берувчи ва ижрочи бошқарув органлари биржа савдоси Қоидалари, талаблар ва бошқа биржа меъёрий ҳужжатларини яратувчи ҳамда қонунчилик асосида фаолият кўрсатаётган брокерлар ва брокерлик фирмалари фаолиятига аралашиш ҳуқуқига эга эмас.

Брокерлик фирмасини биржада рўйхатга олишда рўйхатга олиш хизмати томонидан унга биржа билан алоқа қилиш учун тижорат коди ва рақам берилади.

Брокерлик фирмасини рўйхатга олиш учун қуйидагиларни тақдим этиш зарур: брокерлик фирмасини таъсис қилган акциядорнинг аризаси; таъсис ҳужжатларинингнотариус тасдиқлаган нусхалари; мос келувчи ҳукумат органларининг брокерлик фирмасини юридик шахс сифатида рўйхатга олиш ҳақидаги қарорининг тасдиқланган нусхаси.

Брокерлик фирмалари брокерлик фирмалари махсус Реестрида рўйхатга киритилади. Рўйхатга олингандан сўнга брокерлик фирмаси мос келувчи гувоҳнома олади.

Брокерлик идоралари биржа бошқарувини амалга оширмайди.

8.2.Брокерлик фирмасининг биржа савдосида иштирок этиши, маҳсулотга ариза бериш жараёни ва шартнома тузиш шартлари

Брокер биржа савдосининг профессионал қатнашчиси ҳисобланади, у ташкил қилинган бозорларда фаолият кўрсатади ва биржада товарни сотиш ёки сотиб олиш истагида бўлган мижозга ёрдам кўрсатиш учун энг тайёрланган бўлади. Брокер ва мижоз ўртасидаги муносабатлар мижознинг ташаббуси билан вужудга келади, бироқ брокер унинг хизматларидан биронтаси яна бир марта фойдаланиб қолиши ёки биржада битим имзолаш нитятида бўлган танишларига тавсия этишини кутиб ўтирмаслиги керак. Брокерлик фирмаси

мижозларни ҳамкорликка жалб этишида хизмат кўрсатадиган асосий канал реклама эълонлари ҳисобланади.

Биржада ишлаётган брокерлик фирмалари мос келувчи аккредитацидан ўтади, яъни биржа фирманинг унга қўйиладиган талабларга мувофиклигини белгилайди. Айрим биржаларда фирманинг ўзини аккредитациялашдан ташқари, унинг биржа савдоларида иштирок этадиган брокерларини ҳам аккредитациядан ўтказиш талаб қилинади. Аккредитациядан ўтган брокерлик фирмаси биржа реестрига киритилади ва биржа битимларини тузишда унинг остида ҳаракат қиладиган рақам (код, шифр) олади. Айрим биржаларда брокерлик фирмасининг рақамли кодига харфлар қўшилади ёки умуман харфлар билан алмаштирилади, бунда у қатъий белгиланган (4дан 6гача) харфларга эга бўлади. Брокерлик фирмасининг функциялари қуйидагилардан иборат:

a) битимлар тузишда биржа воситачилиги, яъни буюртмачининг топшириғи билан биржада турли топшириқлар бажариш; товар, шартнома, товарайирбошлаш операциялари, қимматли қоғозлар олди-сотдиси (фонд биржаларида мос келувчи малакавий аттестат мавжудлигида);

b) биржадан ташқари воситачилик, яъни мижозлар ўтасида биржани айланиб ўтган ҳолда битимлар тузиш;

c) мижозларга биржа ва маркетинг фаолияти масалалри бўйича маслаҳатлар бериш, зарур тижорат ахборотлари тўплаш;

d) тузилган битимларни ҳужжатларда расмийлаштириш;

e) амалдаги қонунчиликка ва мос келувчи биржанинг меъёрий ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа функциялар.

Биринчи босқичда брокерлик фирмаси фаолияти уни таъсис этган юридик ёки жисмоний шахсларнинг маблағлари ҳисобига, кейинчалик эса- воситачилик фаолиятидан олинадиган даромадлар (тузилган битимлар учун комиссион тўловлар ҳисобига шаклланадиган) ва мижозларга кўрсатиладиган турли маркетинг хизматлари учун тўловлар ҳисобига молиялаштирилади.

Брокерлик фирмаси ходимлар штати ва унда банд бўлганлар меҳнатига ҳақ тўлаш ҳажми фирма эгаси ёки раҳбари томонидан фирманинг даромадлилик даражасига қараб белгиланади.

Брокерлик хизматлари учун тўловлар одатда фирма ва мижоз ўртасида битим суммасига қараб белгиланган фоиз миқдорида ўрнатилади (масалан, битим суммаси қанча катта бўлса, фоиз шунчлик кичик бўлади).

Йирик фирмалар комиссион ажратмаларни бекор қилиш ва турли қўшимча хизматлар тақдим этишдан (алоқадан фойдаланиш, маслаҳат бериш ва ҳ.к.) даромад олишни таклиф этади.

Мижознинг топшириғи бўйича ҳаракат қилар экан, брокерлик фирмаси битимни унинг номидан тузади. Қоидага кўра, брокерлик фирмаси битимларда контрагентлар билан ҳисоб-китобларда иштирок этмайди ва унинг ҳисобрақамига фақат комиссион тўловлар келиб тушади. Бирок брокерлик фирмасининг товарни кейинчалик қайта сотиш мақсадида сотиб олиш варианти ҳам мавжуд. Бу ҳолатда у дилерлик операцияларини амалга оширади, унинг даромади эса харид ва сотув нархи ўртасидаги фарқдан иборат бўлади.

Биржада ишлаётган брокерлар ва брокерлик фирмалари битимларни биржа савдоси Қоидаларига мувофиқ амалга оширади; биржада сотиш учун таклиф этилаётган маҳсулот ва хизмат турлари ҳақида ахборот харид қилади ёки олади; белгиланган тартибда биржа персонали хизматларидан, жумладан, савдо заллари ва бошқа биржа биноларидан, алоқа воситалари ва бошқа идора техникасидан (жумладан, ҳисоблаш техникасидан) фойдаланади; биржанинг арбитраж комиссияси ишида қатнашади.

Брокерлар бозор конъюнктурасини, маҳсулотни харид қилиш ва сотиш имкониятларини ҳар томонлама билади, анча тор товарлар ассортиментига ихтисослашади. Брокернинг вазифаси товарни умумий бозор айланмасига киритишга кўмаклашишдан иборат.

Товар эгаси бўлган сотувчилар савдо бўладиган кундан камида бир кун олдин товар биржасида ишлайдиган брокерларга уларнинг товарини сотиш ҳақида топшириқ беради. Брокерлик фирмаси (идораси) орқали брокерлик

ўрнини биржада сотиб олган юридик шахслар биржада фаолият кўрсатаётган брокерлар ҳисобланади.

Брокерлар ўз ҳоҳиши билан товар мавжудлиги ва навларини кўриб чиқиш, товар эгаси бўлган сотувчининг топшириқларини бажариш учун зарур бўлган бошқа ахборотни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Топшириқлар ёзма кўринишда расмийлаштирилиши, бунда брокер сотувчининг номидан ҳаракат қилиш учун ишончномага эга бўлиши лозим. Биржа йиғилишида товар эгаси бўлган сотувчиларни топиш тақиқланади. Савдо секциялар - «яма» бўйича бўлиб ўтади, ҳар бир секцияда биржа томонидан маклер – савдонинг бошловчиси тайинланади.

Маклер улардан келиб тушган илтимослар тартибида брокерларга ўз таклифини эълон қилиш учун сўз беради.

Кейинги 3 дақиқа ичида талабни аниқлаш рўй беради, бунда брокер сотув шартларини ўзгартириши мумкин. Агар брокер таклифни бекор қилганини эълон қилмаса, у брокер таклиф қилган шартларда ҳақиқий ҳисобланади ва харидорлар таклиф оммавий равишда бекор қилинмагунга қадар биржа йиғилиши давомида брокер билан битим тузиш ҳуқуқига эга бўлади.

Товар биржаларининг муваффақиятли фаолит кўрсатиши тўғридан-тўғри брокерлик идораларига боғлиқ.

Биржада ишлаётган брокерлик идоралари асосан универсал идоралар ҳисобланади.

Брокерлик фирма(идора)ларининг тахминан 30%и реал товар, масалан, дон, пахта, электроника, қурилиш материаллари ва ҳ.к. сотиб олиш ва сотишга ихтисослашади. Уларнинг кўпчилиги давлат мулкини хусусийлаштиришда қатнашшиш учун етарли маблағларга эга. Бироқ даромадни брокерлар асосан биржага аъзоликдан эмас, балки мулкдан, яъни улар амалга оширадиган биржа битимларига боғлиқ бўлади. Брокер қанчалик кўп операция (битим) амалга оширадиган бўлса, у шунчалик кўп комиссион тўлов олади. Брокер мижозни «овлаш»ни ўрганиши лозим.

Ғарб мамлакатларида оддий комиссия фоизи 50-60га тенг, яъни агар бир ойи ичида брокер қимматли қоғозлар ёки реал товар билан бир неча миллион долларлик операциялар амалга оширадиган бўлса, у дарҳол, айниқса, бозор фаоллашган пайтда жуда бойиб кетиши мумкин. Бир сўз билан айтганда, брокер худди този ит каби янги изларни қидиришга тушиши лозим.

Товар ва фонд биржаларида юзага келган биржа савдоси жараёни қуйидаги кўринишга эга бўлади:

Маклер биржа товари номи ва унинг нархини аризалар келиб тушганда ўқиб эшиттиради. Брокер маклер эълон қилган товарга қизиқишини қўл кўтариш ёки овоз билан билдиради. Товарни сотувга қўйган брокер ва унга қизиқиш билдирган брокер битимнинг қўшимча шартларини ўзаро келишиб олади. Ўзаро келишувга келингач, брокерлар (брокер-сотувчи ва брокер-харидор) товар кўрсатилган ва битим объекти ҳисобланган аризани имзолайди. Шу пайтдан бошлаб битим тузилган ҳисобланади. иккала томон имзолаган ариза маклерга берилади, у аризага ўз имзосини қўйиб, рўйхатга олиш санаси ва вақтини иритади. Шундан сўнг халқадаги оператор рўйхтга олинган битим ҳақидадаги ахборотни маълумотлар банкига киритади.

Агар маклер эълон қилган товарга бирон киши қизиқиш билдирмаса, бу позицияни эълон қилган брокер (брокер-сотувчи) таклиф қилинган товарни ўзгартириш ва бу ҳақида маклер орқали Биржа йиғилишига хабар бериш ҳуқуқига эга. Бунинг учун у қўлини кўтариб белги беради ёки маклерга ахборотни ёзма равишда топширади.

Агар у ёки бу позицияга нисбатан биттадан ортиқ брокер қизиқиш билдирадиган бўлса, маклер конкурс савдоси ўтказади, унда қуйтдаги шароитда аризада кўрсатилган нарх ўзгартирилиши мумкин:

бир нечта брокер-харидор мавжуд бўлса, бунда битимни амалга ошириш ҳуқуқини кўпроқ нарх таклиф қилган киши қўлга киритади;

бир нечта брокер-сотувчи мавжуд бўлса, бунда энг кам нарх таклиф қилган киши битимни амалга ошириш ҳуқуқини қўлга киритади.

Агар позицияни эълон қилган брокер ёки аризачининг ўрнига битим тузиш ваколати берилган брокер аризада кўрсатилган шартларда битимни амалга ошириш ёки рўйхатга олишни рад қиладиган бўлса, бу белгиланган шартларда битимни амалга оширишдан бош тортиш сифатида баҳоланади, савдо қоидаларининг бузилиши деб тан олинади ва жарима билан жазоланади.

8.3.Шартномада товарни етказиб беришнинг базис шартларини мувофиқлаштириш жараёни

Шартномани биржанинг ҳисоб-китоб палатасида тасдиқлаш.

Брокер-сотувчи ҳисоб-китоб (клиринг) палатасига мурожат этганда у қуйидагиларга эга бўлиши лозим: харидор имзолаган сотув карта нусхаси; мижознинг номида ҳаракат қилиш учун ишончнома; кафолат бадалининг ўтказилгани ҳақида банк маълумотномаси; брокер имзолаган тўлиқ шартнома; фирма муҳри.

Брокер-харидор ҳисоб-китоб палатасининг столига яқинлашганда қуйидагиларга эга бўлиши лозим: мижознинг номида ҳаракат қилиш учун ишончнома; кафолат бадалининг ўтказилгани ҳақида банк маълумотномаси; мижознинг брокер томонидан имзоланган реквизитлари; фирма муҳри.

Брокер-сотувчи ва брокер-харидор ҳисоб-китоб палатаси хизматчисининг ёрдамида тўлиқ шартномани (товар етказиб беришнинг базис шартларини) якуний мувофиқлаштирадилар.

Шартнома ҳақидаги маълумотлар компьютерга киритилади, шартнома брокерлар томонидан имзоланади, муҳрланади ва биржада рўйхатга олинади.

Шартномадан нусха олиниши ва олинган нусхалар брокерларнинг почта қутисига юборилиши лозим. Савдо тасдиқланганидан кейин аниқланган хатолар. Агар брокер почта қутисида савдонинг тасдиқлангани ҳақида хабар олгандан кейин хатони топадиган бўлса, у нариги брокерни бундан хабардор этиши ва у билан бирга хатони тўғирлашга ҳаракат қилиши лозим. Агар брокерлар хатони ўзлари бартараф эта олмаса, ҳисоб-китоб палатаси столининг олдига келиши ва у ерда умумий бир қарорга келиши лозим.

Брокерлик компанияларининг муҳим функцияларидан бири бу суғурталаш функциясидир. Барча биржа аъзолари, жумладан, ўзи учун савдо қиладиган ва мижозларнинг буюртмаларини бажармайдиган аъзолар албатта бироита брокерлик компаниясига бириктириб қўйилган бўлади. Компания ўз брокерлари, шунингдек, барча хизмат кўрсатиладиган мижозларнинг тўлов лаёқати кафили ҳисобланади.

Айнан брокерлик компанияси ҳисобрақамларни текшириш ҳақида қайғуради, суғурта тўловларининг ўз вақтида тўланишини кузатиб боради. Биржанинг ҳисоб-китоб палатаси брокерлик компаниялари билан ишлайди, кўплаб биржаларда у айрим мижозларнинг очиқ битимлари бўйича эмас, балки брокерлик компанияларининг очиқлари бўйича суғурталарни жамғаради.

Ҳозирги пайтда брокерлик фаолиятини ишлаб чиқариш структуралари ҳам амалиётда қўллай бошлаган. Шу билан бир пайтда биржа воситачилиги соҳаси йирик фирмалар учун унчалик кенг эмас: агар брокерлик фирмаси соф биржа операцияларини устувор билса, унинг учун кўплаб битимларни биржадан ташқарида тузиш фойдалироқ. Агар унинг ўз капиталлари етарли даражада катта бўлса, у мустақил савдога кўпроқ қизиқа бошлайди.

Брокерлик фирмаларининг кўпчилиги кичик штатга эга бўлиб, айниқса, биржага йўл бериладиган брокерлар сони чекланган. Одатда бу тўрт кишидан ўн кишигача бўлади. Бироқ фирмага (шартнома бўйича) ходимлар штатида турган кишилардан ўн-йигирма баравар кўп шахс ишлаши мумкин.

Мукофотлаш ҳажми. Қоидага кўра, брокерлик идорасига мукофот сифатида берилиши лозим бўлган фоиз битимнинг суммасига боғлиқ бўлади. Деярли барча брокерлик идораларида битим суммаси оширилганда брокерлик мукофоти фоизи пасаяди, чунки пул миқдори барибир катталигича қолаверади, фоизнинг пасайиши эса мижоз учун жалб этувчан бўлади. товарнинг ўзига хосликлари, мижознинг хусусиятлари ҳам катта роль ўйнайди.

Брокерлик фирмаси хизматларига мурожаат қилар экан, ишлаб чиқарувчи ҳам, истеъмолчи ҳам қуйидаги афзалликларга эга бўлади:

- биринчидан, бу мақсадларга ўз харажатлари ўсмаган ҳолда савдо операциялари ҳажми сезиларли ортади;
- иккинчидан, юқори малакали савдо персонали хизматларидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади;
- учинчидан, брокерлик фирмаси иштирокида савдо операциялари ўтказиш билан боғлиқ хизматлар харажатлари уларнинг ҳажмидан белгиланган фоиз ҳажмида ҳисобланади.

ХУЛОСА

Биржанинг ажралмас бир узвий қисми деб брокерлик идорасини ҳисоблаш мумкин. У биржа структурасига кирмайди. Бироқ брокерлик фирмаларисиз биржа савдосини ташкил қилиб бўлмайди.

Брокерлик фаолияти биржа воситачилигига мансуб бўлиб, биржа битимларини мижоз номидан ва унинг ҳисобидан, биржа воситачиси номидан ва мижоз ҳисобидан, мижознинг номидан ва биржа воситачиси ҳисобидан амалга оширишдар иборат.

Брокерлик фирмаси бу - хусусий, ширкат, акциядорлик ёки бошқа корхона бўлиб, унинг асосий функцияси биржа ва мижозлар (маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, харидорлар, савдо воситачилари) ўртасида алоқани таъминлашдан иборат. Муайян биржанинг брокерлик фирмаси биржа акциялар(пай)ини сотиб олиш асосида ташкил этилиши мумкин. Акция эгаси биржада ўз брокерлик фирмасини ташкил қилиш ёки биржа савдоларида иштирок этиш ҳуқуқини бошқа ташкилотларга ижарага бериш ва ижара тўлови шаклида мос келувчи даромад олиш ҳуқуқига эга.

Брокер биржа савдосининг профессионал қатнашчиси ҳисобланади, у ташкил қилинган бозорларда фаолият кўрсатади ва биржада товарни сотиш ёки сотиб олиш истагида бўлган мижозга ёрдам кўрсатиш учун энг тайёрланган бўлади. Брокер ва мижоз ўртасидаги муносабатлар мижознинг ташаббуси билан вужудга келади, бироқ брокер унинг хизматларидан бирон-таси яна бир марта фойдаланиб қолиши ёки биржада битим имзолаш нитятида бўлган

танишларига тавсия этишини кутиб ўтирмаслиги керак. Брокерлик фирмаси мижозларни ҳамкорликка жалб этишида хизмат кўрсатадиган асосий канал реклама эълонлари ҳисобланади.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Таъсис этиш, брокерлик фирмаси, рўйхатга олиш, реестр, мижоз, ходимлар штати, биржа савдоси Қоидалари, шартнома, шартлар, суғурталаш функцияси.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Брокерлик фирмасини таъсис этиш қандай рўй беради?
2. Брокерлик фирмаси биржа савдосида қандай иштирок этади?
3. Товарга ариза бериш ва шартнома тузиш жараёнини тавсифлаб беринг?
4. Товар ва фонд биржаларида вужудга келган биржа савдоси жараёни қандай кўринишга эга?
5. Шартномада товарни етказиб беришнинг базис шартларини мувофиқлаштириш жараёнини тавсифланг?

9-БОБ. БИРЖА БОЗОРИДА КЛИРИНГ ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

9.1. Клиринг ва ҳисоб-китобларнинг моҳияти ва функциялари

9.2. Клиринг ва ҳисоб-китобларнинг умумий тавсифи

9.3.Асосий риск турлари

9.4. Қимматли қогозлар бозорида клиринг ва ҳисоб-китоблар

9.5. Фьючерс шартномалари бозорида клиринг ва ҳисоб-китоблар

9.6.Клиринг ва ҳисоб-китоблар тизими ривожланишининг асосий йўналишлари

9.1. Клиринг ва ҳисоб-китобларнинг моҳияти ва функциялари

Клиринг бу – ўзаро талаб ва мажбуриятларни ҳисобга олишдир.

Биржа клиринги бу – биржа савдоси қатнашчилари ўртасида ким, нимани, кимга ва қайси муддатда қарзлигини белгилашга асосланган клиринг.

Ҳисоб-китоблар бу – биржа клиринги давомида аниқланган, якуний натижаси одатда биржа битими объектини сотувчидан харидорга ўтказиш бўлган мажбуриятларни бажариш, шунингдек, харидорнинг сотувчи билан шартнома шартлари бўйича пул ҳисоб-китоби жараёнидир. Клиринг ва ҳисоб-китоблар зарурати бозор савдосининг замонавий ташкил қилишдан келиб чиқади.

Энг оддий бозор операцияси учта таркибий қисмдан иборат: сотувчи ва харидор ўртасида битим тузиш (оғзаки ёки ёзма шаклда); битим бўйича ҳисоб-китоблар (масалан, товар нархини унинг миқдорига кўпайтириш ва буту битим нархини (баҳосини) аниқлаш); товар ва пул маблағларини бир-бирига бериш йўли билан шартномани ижро этиш. Қоидага кўра, фақат энг оддий битимни тузишда сотувчи ва харидор воситачиларсиз тўғридан-тўғри учрашади. Бироқ замонавий биржа (фонд, фьючерс) бозорида сотувчи ва харидор битимларни воситачиларсиз тўғридан-тўғри камдан-кам ҳолларда тузидилар. Кўп ҳолларда улар бир-биридан вақт ва макон бўйича ажралган бўлади. Биржа товарлари сотувчи ва харидорлар ўртасида боғловчи бўғин бўлиб одатда гоҳ сотувчи, гоҳ харидор ролида иштирок этадиган биржа воситачилари хизмат қилади.

Шундай қилиб, биржа бозор битимининг барча қисмлари алоҳида бўлиб олиши рўй беради:

- шартнома (битим) тузиш бирламчи сотувчи ва якуний харидор ўртасида эмас, мижозлар ва биржа воситачилари ўртасида амалга оширилади;
- битим бўйича барча ҳисоб-китоблар, унда иштирок этган томонларнинг мажбуриятларини аниқлаш клиринг жараёнида ташки этилади;
- битимни ижро этиш (бажариш) «ҳисоб-китоблар» деб номланадиган жараёнда бўлиб ўтади.

Замонавий клиринг ва ҳисоб-китоб биржа тизимлари қуйидаги шарт-шаротлар туфайли вужудга келди. Биринчидан, бу қуйидагиар учун мос келувчи технологик имкониятларнинг мавжудлиги:

*макон омилини бартараф қилиш ва ахборот узатиш учун вақтни

қисқартириш (масалан, глобал тез илайдиган алоқа тизимларининг мавжудлиги);

*катта ҳажмдаги биржа массивлари ва уларга йўлдош ахборотларни қайта ишлаш (маълумотлар тўпламини сақлаш ва ҳисоб-китоб электрон тизимлари яратиш);

*пул маблағларини тез ва бехато ўтказиш (миллий ва халқаро банк ҳисоб-китоб тизимлари).

Иккинчидан, клиринг ва ҳисоб-китоб учун ихтисослашган ташкилотлар ва биржа структуралари ташкил қилиш: клиринг (ҳисоб-китоб) палаталари, фонд-депозитарийлар, реестр эгалари ва ҳ.к.

Учинчидан, клиринг ва ҳисоб-китоб механизмларини ишлаб чиқиш ва мунтазам такомиллаштириб бориш.

Энг умумлаштирилган кўринишда биржа клиринги ва ҳисоб-китобларининг қуйидаги асосий функцияларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

а) тузилган биржа битимларини рўйхатга олиш жараёнини таъминлаш (битимлар ҳақида ахборот бериш ва олиш, уни текшириш ва тасдиқлаш, рўйхатга олиш ва ҳ.к.);

б) рўйхатга олинган битимлар ҳисобини юритиш (бозор турлари, қатнашчилар, ижро муддати ва ҳоказолар бўйича);

в) биржа бозори қатнашчиларнинг ўзаро мажбурият ва тўловларини ҳисобга олиш;

г) биржа битимларининг кафолатли таъминланиши (турли шаклларда);

д) пул ҳисоб-китобларнии ташкил қилиш;

е) тузилган биржа битими бўйича биржа товарин етказиб беришни таъминлаш.

9.2. Клиринг ва ҳисоб-китобларнинг умумий тавсифи

Клиринг ва ҳисоб-китоб операциялари биржа битими тузилгандан сўнг бошланади ва биржа аъзолари ва уларнинг мижозларидан ташқари бошқа

ташкилотлар (ҳисоб-китоб-клиринг, банк, депозитарий ва б.) ҳам иштирок этадиган қатор босқичлардан (жараён) ўтини қамраб олади.

Клиринг ва ҳисоб-китоблар қуйидагиларга боғлиқ равишда таснифланади:

а) биржа товари тури:

*қимматли қоғозлар бозори клиринги;

*фьючерс шартномалари бозори клиринги;

б) марказлашув даражаси:

*алоҳида биржа клиринги;*биржалараро миллий клиринг;ҳалқаро клиринг;

в) хизмат кўрсатиладиган жоира:

*Клиринг палатаси аъзолари ўртасида клиринг;

*биржа аъзолари ўртасида клиринг;

*бошқа схемалар.

Клиринг ва ҳисоб-китобни ташкил қилиш қатор тамойилларга амал қилишни талаб қилади.

Биринчидан, клиринг ва ҳисоб-китоблар одатда ихтисослашган орган томонидан амалга оширилади. Бу юридик мустақил ташкилот - Клиринг (Ҳисоб-китоб) палатаси ёки биржанинг ихтисослашган таркибий бўлинмаси бўлиши мумкин.

Иккинчидан, биржа мижозларининг манфаатларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан мижозларнинг маблағлари ҳисобини биржа воситачилари маблағлари ҳисобидан алоҳида юритиш талабларига катта эътибор қаратилади.

Учинчидан, тузилган биржа битимлари ҳисоб-китоб-клиринг тизимига фақат рўйхатга олинган ва уларнинг реквизитлари текшириб кўрилгандан сўнг келиб тушади. Акс ҳолда улар клирингга йўл қўйилмайди.

Тўртинчидан, клиринг ва ҳисоб-китобларнинг вақт бўйича қатъий белгиланган жадвали мавжудлиги. Клиринг ва ҳисоб-китоб жараёнида ҳар бир операция қатъий белгиланган вақт оралиғига эга бўлиб, уларни бузиш катта жарима солишга олиб келади.

Бешинчидан, биржада тузилган битимларнинг ижро этилишини кафолатлаш тизими. Клиринг ва ҳисоб-китоб механизми биржа битими томонларидан бири ўз мажбуриятларини бажара олмай қолганда биржа структураси ушбу биржа битими бўйича иккинчи томоннинг олдидаги мажбуриятларни бажаришни ўззиммасига олишини кафолатлайди.

9.3.Асосий риск турлари

Биржа бозорининг ҳисоб-китоб-клиринг тизими хизматларидан фойдаланувчи қатнашчилари битимларнинг бозор арактери туфайли ўз капитали ёки пул маблағларини доимо рискка қўяди. Кўрсатилган рискнинг асосий турлари каторига қуйидагиларни киритиш мумкин.

Бозор риски бу - бутун фонд ёки фьючерс бозорида, масалан, банк фоиз ставкасининг ўзгариши билан боғлиқ рискдир. Клиринг-ҳисоб-китоб жараёни белгиланган вақт давомида амалга оширилади. Шу сабабли нархнинг ўзгариши туфайли йўқотишларга учраш эҳтимоли мавжуд.

Бу рискнинг турларидан бири ҳалқаро бозор риски ҳисобланади, у жаҳон қимматли қоғозлар ва фьючерс шартномалари бозорида ҳисоб-китоблар муддатининг мувофиқлаштирилмаганлиги натижасида вужудга келади. Масалан, қимматли қоғозларни бошқа мамлакатда сотиб олган брокер мамлакатларда ҳисоб-китоб муддатларининг мос келмаслиги сабабли уни ўз мамлакатида дарҳол сота олмайди.

Кредит риски бу – клиринг ва ҳисоб-китоб бутун занжирининг бўғинларидан бирида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида бўлмаслик рискидир. Бу риск биржа савдоси жараёни воситачилари бўлган брокерлар ўтасида камдан-кам учрайди ёки энг кичик миқдорда бўлади, чунки ривожланган биржа бозори ва унинг инфратузилмаси шароитларида тўловларни кафолатлашнинг таколмиллашган тизимлари ишлаб чиқилган. Бироқ брокер ва унинг мижози ўртасидаги муносабатларда мижознинг брокерга тўловни амалга оширмаслик риски доимо бўлади.

Тизимли риск компьютер тизимлари ва алоқа тизимларининг фаолият кўрсатиши билан боғлиқ йўқотишлар рискини ифодалайди, масалан, электр энергиянинг кутилмаганда ўчиб қолиши, клиринг ва ҳисоб-китоб тизими хизматчилари йўл қўйган хатолар. Ҳаттоки фирибгарлик ҳоллари ҳам маълум.

Ҳозирги вақтда биржа тизимларини ишлаб чиқувчи ва ташкилотчилари санаб ўтилган рискларни минималлаштиришнинг йўлларини ишлаб чиқмоқдалар. Бу қаторга биринчи навбатда, қуйидагилар киради:

Аввало бу – биржа жараёнининг барча қатнашчилари ўртасида ишонч даражасининг юқорилиги. Ҳамкасблари орасида унга ишончни йўқотган брокер, қоидага кўра, биржа битимларида иштирок этишга бошқа қўйилмайди. Битим ёзма равишда ва ишонч асосида огзаки тузилиши мумкинлиги сабабли кўпинча «берилган сўз» биржа савдоси қатнашчилари ўртасидаги муносабатларда ҳал қилувчи саналади. Шу сабабли ишонч даражаси қанчалик юқори бўлса, биржа айланмаси ҳам, демак, олинадиган фойда ҳам шунчалик катта бўлади.

Бошқа йўл – биржа воситачилари ҳисобидан биржа ва клиринг ташкилотлари қошида йирик кафолат жамғармалари ташкил қилишдир. Бутун ҳисоб-китоб занжирининг биронта қисмида тўлов борасида узилиш рўй берган ҳолларда кафолат жамғармалари бу ҳолат биржа жараёнининг бошқа қатнашчиларига тарқалишига йўл қўймаслик учун уни ўша ернинг ўзидаёқ ҳал қиладилар.

Клиринг ҳисоб-китоблари технологияларини такомиллаштириш биржа фаолиятининг ривожланишига катта таъсир кўрсатади. Бутун клиринг ва ҳисоб-китоб жараёнларини компьютерлаштириш реквизитларни текшириш, ҳужжатлар айланмасини расмийлаштириш жараёнларини тезлаштиради, кутилмаган хатолардан ҳимоя қилади, ахборот ҳисоби ва сақланишини юритади ва ҳ.к.

9.4. Қимматли қоғозлар бозорида клиринг ва ҳисоб-китоблар

Биржа фаолиятида биржа клиринг ва ҳисоб-китоблар умумий намунавий тизими ҳали ишлаб чиқилмаган. Ҳар бир йирик биржада клиринг ва ҳисоб-китоб жараёнлари мустақил ташкил қилиниб, умумий ва фарқли жиҳатларга эга бўлади. Бундан ташқари, қимматли қоғозлар бозоридаги клиринг ва ҳисоб-китобларнинг фьючерс шартномалари бозоридаги клиринг ва ҳисоб-китобладан принципиал фарқлари бор.

Қимматли қоғозлар бозорида ҳисоб-китоб-клиринг жараёнининг асосий хусусияти сотилган қимматли қоғозларнинг битта эгасидан бошқасга қайта расмийлаштириш ҳисобланади.

Фонд бозорида қимматли қоғозлар билан тузилган битимлар ҳисоб-китоб-клиринг жараёнининг асосий босқичлари қуйидагилар:

1– битимни биржада рўйхатга олиш;

2 - унинг реквизитлари битим қатнашчилари томонидан тасдиқланиши;

3 - пул маблағлари ва қимматли қоғозларнинг мижозлардан брокерларга берилиши;

4 - пул маблағлари ва қимматли қоғозларнинг брокерлардан биржанинг Ҳисоб-китоб палатасига берилиши;

5 - пул маблағлари ва қимматли қоғозларнинг биржанинг Ҳисоб-китоб палатасидан уларни қайта расмийлаштириш учун янги эгасига берилиши;

6 - қимматли қоғозларни депозитарийда янги эгасига расмийлаштириш;

7 - қимматли қоғозларни (янги) биржанинг Ҳисоб-китоб палатасига қайтариш;

8 – пул маблағлари ва қимматли қоғозларнинг Ҳисоб-китоб палатасидан мос келувчи брокерларга берилиши;

9 – брокерларнинг пул маблағлари ва қимматли қоғозларни уларнинг янги эгаларига бериши.

Клиринг-ҳисоб-китоб эгаллайдиган вақт, яъни битим тузилган вақт ва у бўйича ҳисоб-китоб вақти ўртасидаги оралиқ одатда ҳисоб-китоб даври деб аталади.

Фонд бозори инфратузилмаси ривожланган мамлакатларда ҳисоб-китоб даври, гарчи қимматли қоғозлар турига қараб фарқ қилсада, қоидага кўра, қайд қилинади. Ҳисоб-китоб санаси қуйидаги формула бўйича аниқланади:

Д = Т + П

бу ерда Д — ҳисоб-китоб санаси;

Т — битим тузилган сана;

П — ҳисоб-китоб операцияларини бажариш учун ажратилган кунлар сони.

Масалан, Англияда қимматли қоғозлар бўйича ҳисоб-китоблар учун 5 кун, облигациялар бўйича – 2 кун, фьючерс шартномалари бўйича эса 1 кун ажратилади.

Ҳисоб-китоб даври давомида мос келувчи брокерлар ўз мижозларидан бир томондан улар учун сотиб олинган акциялар учун, бошқа томондан – сотилган қимматли қоғозлар ёки уларнинг ўрнини босадиган ҳужжатлар (сертификатлар, гувоҳномалар, трансферт ҳужжатлари ва ҳ.к.) учун пул маблағлари олиши лозим.

Акциялар харидорига акцияни харид қилиш ҳақида битим тузилган пайтдан бошлаб дивиденд олиш ҳуқуқи берилади, бироқ унга эгалик ҳуқуқини у мос келувчи акциядорлик жамиятининг акциялари унинг акциядорлари рессетрида рўйхатга олинган санадан бошлаб олади. Акциядорлар реестри (регистри) компания танлаган регистратор томонидан юритилади.

9.5. Фьючерс шартномалари бозорида клиринг ва ҳисоб-китоблар

Умуман Ҳисоб-китоб палатаси фьючерс савдосида барча сотиб олинган ва сотилган шартномалар бўйича клиринг ва ҳисоб-китоб функцияларини амалга

оширади, уларнинг ижро этилишини ташкил қилади ва кафолатлайди, бу қуйидаги босқичларни қамраб олади:

*битимларни рўйхатга олиш;

*маржа бўйича барча ҳисоб-китобларни ўтказади;

*Ҳисоб-китоб палатаси аъзоларини (улар эса - мижозларни) маржа киритилиши ҳақида хабардор қилиш;

*мижозларнинг Ҳисоб-китоб палатаси аъзоларига, улар эса - Ҳисоб-китоб палатасига маржа киритиши;

*биржа савдоси давомида фьючерс шартномалари билан савдо қатнашчилари ҳисобрақамларининг молиявий аҳволини назорат қилиш;

*ёпиқ позициялар бўйича ҳисоб-китоблар;

*тўловлар олиш ва зарарни ундириш;

*муддатида ёпилмаган шартномалар бўйича еткаизб берини ташкил қилиш;

*шартнома бўйича товарни етказиб бериш (жўнатиш) ёки қабул қилиш ҳақида хабар юбориш;

*шартнома бўйича етказиб бериш;

*шартнома бўйича қабул қилиш;

*етказиб бериш бўйича ҳисоб-китоблар.

Биржа фаолияти фьючерс шартномалари бозорида юқорида санаб ўтилган ҳисоб-китоб-клиринг жараёни босқичлари билан чекланмайди. Масалан, биржа битимини рўйхатга олиш босқичи технологик жиҳатдан қатор қуйибосқичларни қамраб олиши мумкин: битимни компьютер тизимига киритиш, уни ва реквизитларни текшириш, рўйхатга олиш, бозор ва қатнашчилар бўйича тақсимлаш ва ҳ.к.

Агар бирдан битимнинг хато эканлиги аниқланиб колса, вазиятга қараб у ёки бекор қилинади, ёки айбдорнинг (масалан, брокернинг) ҳисобига зарар сифатида ёзиб қўйилади.

Хулоса қилиб айтишни истардикки, Ҳисоб-китоб палатаси бирламчи ва ўзгарувчан маржа бўйича ҳисоб-китобларни амалга оширади. Маржани ҳисоб-китоб қилиш усуллари биржалар бўйича фарқ қилади, чунки қатор ҳоларда фьючерс биржалари ҳар бири ўз ҳисоб-китоб тизимини ташкил қилади ёки бир нечта биржа маржа йиғимлар ундириш ва умумий ҳисоб-китоб механизмидан фойдаланади.

9.6. Клиринг ва ҳисоб-китоблар тизими ривожланишининг асосий йўналишлари

Биржа бозорида клиринг тизимларини янада ривожлантиришнинг вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

*битта битимга тўғри келадиган клиринг ва ҳисоб-китоблар бўйича харажатларни қисқартириш (ёки уларнинг ўсишни тўхтатиб туриш);

*клиринг ва ҳисоб-китоб операция ларини амалга ошириш муддатини қисқартириш йўли билан клиринг ва ҳисоб-китоблар жарёнини тезлаштириш;

*жаҳон фонд ва фьючерс бозорларида клиринг ва ҳисоб-китобларни байналмилаллаштириш.

Кўрсатилган мақсадларга эришиш аввало, қуйидагилар ёрдамида амалга оширилади:

*қимматли қоғозларни номатериаллаштириш;

*қимматли қоғозлар ва фьючерс шартномалари билан электрон савдога ўтиш;

*жаҳон биржа бозорида ҳисоб-китоб даврларини бир хиллаштириш.

Қимматли қоғозларни номатериаллаштириш, яъни уларнинг қоғозсиз шаклда бўлиши номи ёзилган қимматли қоғозларнинг олди-сотди жараёнида уларни қайта расмийлаштириш билан боғлиқ барча жараёнларни соддалаштирадиган ва арзонлаштирадиган қимматли қоғозлар умумий миллий электрон депозитарийсига ўтиш имконини берадиган компьютер тизимларидаги счетларда электрон қайдлар шаклини ифодалайди. Қимматли қоғозларнинг қоғозсиз шаклидан фойдаланиш қимматли қоғозларни йўқотиб

қўйиш, уларни қалбакилаштириш, кечиктириш ва ҳоказолар билан боғлиқ муаммоларни бартараф қилади.

Биржа савдоларининг электрон шаклига ўтиш иқтисодиётни компьютерлаштириш ва лоқа воситаларининг жадал ривожланиши туфайли мумкин бўлмоқда. Бу биржа бозорининг кенгайиши ва унинг глобаллашувига, биржа савдосидаги кўплаб жараёнларни арзонлаштиришга, клиринг ва ҳисоб-китоб жараёнларини автоматлаштириш ва ҳоказоларга хизмат қилади. Истиқболда электрон савдо ҳар бир мижозга биржа воситачилари институтини айланиб ўтган ҳолда фонд бозорида битимларни ўзи тузиш имконини беради.

Электрон биржа савдолари – давр талаби. Миллий иқтисодиётларнинг ўзаро интеграциялашув жараёни биржаларнинг ривожланишини четда қолдириб кетиши мумкин эмасди. Бундай ушбу жараёнлар биржалардан биржа ишини ташкил қилишга сифат жиҳатидан янгича ёндашувни талаб қилади. Бу масаланинг ечими ахборот технологиялари соҳасида замонавий ютуқларни қўллашда топилиши мумкин.

Турли мамлакатларда ҳисоб-китоб даврларини бир хиллаштириш бу – миллий бозорларни байналмилаллаштириш учун зарур шарт-шароитлардан биридир.

ХУЛОСА

Товар биржаси замонавий биржаларнинг асосчиси ҳисобланади ва унда қайси товарлар, қимматли қоғозлар ёки валюта сотилишига қараб улардан фонд ва валюта биржалари ажралиб чиқди.

Фьючерс шартномалари билан савдо қилиш механизмларининг ривожланиши ва уларнинг илгари товар, фьючерс ва валюта биржалари савдо қилган барча активларга жорий қилиниши кўрсатилган биржа турлари ўртасидаги фарқнинг йўқолиши ҳамда фақат фьючерс шартномалри билан савдо қилинадиган фьючерс биржалари ёки ҳам фьючерс шартномалари, ҳам анъанавий биржа активлари, масалан, акциялар, валюта ва ҳатто айрим товарлар билан савдо қилувчи универсал биржаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Биржалар ривожланишининг кейинги тарихий йўналишларига келадиган бўлсак, у қуйидагича бўлиши мумкин. Техник тараққиёт шунга олиб келадики, биржаларнинг асосий турига электрон биржалар, яъни биржа савдосининг барча жараёнларни тўлиқ компьютерлаштирилган биржалар айланади. Бу йўналишда, эҳтимол биржа бозорлари ва биржадан ташқари бозорлар ўртасидаги фарқлар йўқолиб, улар барча турдаги активлар блан савдо қиладиган умумий электрон бозорга бирлашади. Уни ташкил қилиш ва бошқариш билан янги турдаги компаниялар шуғулланади, айтиш мумкинки, XVI асрда вужудга келган «биржа» номи айнан уларга ўтиши ва биржа тушунчаси ҳозиргидан фарқли равишда умуман бошқача талқин қилиниши мумкин.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Клиринг, ҳисоб-китоблар, клиринг (ҳисоб-китоб) палатаси, фонд-депозитарийлар, реестр эгалари, кредит риски, тизимли риск, номатериалллаштириш, бир хиллаштириш.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Клирингнинг моҳияти нимада?
2. Биржа воситачилари битимда қандай роль ўйнайди?
3. Клиринг ва ҳисоб-китоблар тизимида қандай шарт-шароитлар мавжуд?
4. Клиринг ва ҳисоб-китоблар нималарга қараб таснифланади?
5. Биржа бозорида қайси риск турлари мавжуд?
6. Санаб ўтилган рискларни минималлаштириш йўлларини айтиб беринг.
7. Ҳисоб-китоб-клиринг жараёни босқичларини санаб беринг?
8. Фьючерс савдосида клиринг ва ҳисоб-китоблар функцияларини санаб беринг?
9. Клиринг ва ҳисоб-китоб тизими ривожланишининг асосий йўналишлари қайсилар?

10-БОБ. БИРЖА САВДОСИДА РИСКЛАР ВА УЛАРНИ БАҲОЛАШ МЕЗОНЛАРИ

10.1. Рискларнинг биржа фаолиятига таъсири

10.2. Биржа рисклари структураси

10.3. Биржа рискларини баҳолаш мезонлари

10.1. Рискларнинг биржа фаолиятига таъсири

Барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим — Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади.

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Шу боис глобал молиявий инқироз ва биринчи навбатда унинг оқибатлари иқтисодиётимизнинг ривожланиши ва самарадорлик ҳолатларига таъсир этаётганидан кўз юмиб бўлмайди.[11]

Рисклар биржа ҳаётининг ажралмас бир қисми ҳисобланади. Рисклар йўқлигида фойда олиши кафолатланган биржа фаолияти мавжуд эмас. Биржа савдосининг ҳар бир қатнашчиси мавжуд риск муаммоларини ҳал қилиш йўли билан фойда олишга ҳаракат қилади, бевосита риск билан боғлиқ вазиятлардан қочиш учун турли ҳаракатларни амалга оширади.

Биржа фаолиятида рискларга хос бўлган хусусият шуки, унга барча қатнашчилар, ҳаттоки биржа фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлмаганлар ҳам учрайди.

---

[11]Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, "Ўзбекистон" НМИУ, 2017.

Республикада ташқи иқтисодий фаолият суръати ўсиб бораётган, халқаро жамиятга интеграциялашув кучайган ва банк фаолияти эркинлаштирилган шароитларда Ўзбекистонда валюта рискини бошқариш масаласи аста-секинлик билан долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормокда.

Мамлакат биржа фаолиятида риск муаммолари янгилик деб бўмайди. Бозор тизимининг ривожланиш тажрибалари кўрсатишича, рискларни нотўғри баҳолаш ёки уларга эътибор қаратмаслик айниқса, биржа фаолиятида катта фойда йўқотишларига, баъзида эса банкротга ҳам олиб келади.

Бозор иқтисодиёти беқарорлиги ва заифлик шароитларида кўплаб брокерлик фирмалари ва биржалар биржа ишида рискнинг олдини олиш борасида турли ечимларни излаб томокдалар, рисклар, биржачиларнинг ҳисоблашича, профессионал бошқарилиши мумкин. Бу ҳолат кўпчиликни биржа савдосида рискларнинг ўрни ва ролига бошқача қарашга мажбур қилади.

Деярли бутун биржа фаоллиги бозорда вужудга келган шароитга, биржачиларнинг профеммионаллиги ва фаолиятига қараб битта рискка эмас, бутун бир рисклар тўпламига учраши мумкин.

Айрим риск турлари мавжудки, уларни назорат қилиб бўлмайди. Бундай риск турлари қаторига сиёсий риск киради, у давлат сиёсатининг натижаси ҳисобланган фойда миқдорининг қисқариши ёки зарар кўриш имконияти сифатидан шарҳланади. Сиёсий риск муаммолари ва уларнинг ҳал этилиши биржачиларнинг назорат остида эмас. Биржа савдосида бошқа риск турлари ҳам мавжуд. Бу иқтисодий риск ва тартибга солиш рискидир.

Тартибга солиш риски бўхгалтерия ҳисоби соҳасида ҳисоб-китоблар жараёни ва солиққа тортиш тамойиллари ўз мамлакати ҳукумати томонидан ҳам, унинг ҳудудидан ташқарида ваколатли органлар томонидан ҳам ўзгартирилиши мумкин бўлган ҳолларда вужудга келади.

Биржа фаолияти иқтисодий рисклар билан ҳам боғлиқ бўлиб, бунда маҳаллий ва хорижий таъминотчилар билан узоқ муддатли шартномалар мос келувчи инфляция пропорцияларида ўзгаришлар таъсирига учраши мумкин.

Бундай назорат қилинмайдиган вазиятларда юқорида кўрсатилган рисклар бўйича қарорлар қабул қилиш учун ахборот албатта тўпланади.

Биржа амалиётида шунингдек, назорат остида бўладиган ва уларнинг ечимини топиш мумкин бўладиган рисклар ҳам мавжуд.

Бундай рисклар қаторига базавий риск, кредит риски, асосий риск, фоиз риски, ҳисоб-китоб рисклари, битимни тугатиш риски, юридик рисклар ва ҳ.к. киради.

Биржа рисклари нафақат объектив, балки субъектив асосга ҳам эга, чунки айнан улар вазиятни акс эттиради, биржа ўйинининг кўплаб вариантларини шакллантиради. Бундай рискка мисол бўлиб бозорнинг ностандарт қатнашчилари билан операциялар ўтказишда баланс воситалари билан вужудга келиши мумкин бўлган рисклар хизмат қилади.

Бундан ташқари, рискни қабул қилиш ҳар бир ходимнинг характери, ақлий ва психологик хусусиятлари, олган билимлари, биржа фаолиятидаги тажрибасига ҳам боғлиқ бўлади.

Маҳаллий ва хорижий адабиётлар таҳлили рискларнинг мавжуд хилма-хиллигини аниқлашга имкон берди ва шуни кўрсатдики, тадқиқотчилар орасида биржа фаолиятидан реал даромад кутилган миқдордан кам бўлиши мумкинлиги сифатида шарҳланадиган рискнинг моҳиятини тавсифлашга нисбатан умумий фикр йўқ. Бундай тавсиф рискнинг моҳияти ва уни ҳал қилиш муаммоларини тўлиқ тушунтирмайди.

Рискнинг бошқа талқинлари ҳам мавжуд, масалан, биржа савдоси қатнашчиларининг муқобил қарор вариантлардан бирини танлашда муваффақиятга учраш даражасини акс эттирадиган объектив биржа тоифаси. Бу таърифда унинг моҳияти ва вужудга келиши натижасида иқтисодиётдаги умумий ўзгаришларни белгилаб берадиган муайян риск тушунчаси йўқ. Бошқа таърифларда риск чегаралари аниқ белгиланмаган. Рисклар кўп сонли омиллар таъсири натижасида вужудга келиши сабабли улар биржа фаолиятини ташкил қилиш ёки қатнашчиларнинг стратегияларида киритилган ёки қатнашчилар (брокерлар) ҳаракатларининг натижаси бўлиши мумкин. Маҳаллий иқтисодий

назарияда биржа фаолиятида риск даражасига таъсир этадиган омилларни ўрганиш тадқиқ этилмаган соҳалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқ доирасида биржачилар дуч келадиган муаммоларни вужудга келтирувчи асосий сабаблар аниқланди. Сўров жараёнида сўралганларнинг 40%и асосий муаммо деб мавжуд солиққа тортиш тизимини; 17%и – биржа ҳаётини тартибга солувчи қонунчиликнинг беқарорлигини; 15%и – инфляция суръати юқорилигини; 15%и – мамлакатдаги ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг беқарорлигини; 13%и – турли сабабларни кўрсатди, буларнинг орасида тўловларни амалга оширмаслик кўпроқ учрайди.

Маҳаллий биржачилар дуч келадиган биржа муаммолари таҳлили биржа савдосида риск дараасига таъсир этадиган омилларни аниқлаш ва таснифлашга имкон берди.



10.1- Расм.Риск тўрлари

Бундай риск ҳам объектив, ҳам субъектив табиатга эга, унга ички ва ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Биржа савдосида риск даражасини асосан ташқи омиллар кучайтиради.

Ташқи омиллар қаторига мавжуд солиққа тортиш тизими, қонунчиликнинг беқарорлиги, корхоналарнинг тўловларни амалга оширмаслиги, коррупцияни киритиш мумкин. Биржа фаолиятида риск даражасини биринчи навбатда айнан шу омиллар кучайтиради.

10.2. Биржа рисклари структураси

Биржа рискларини кучайтирувчи омиллар камдан-кам ҳолларда уларнинг функцияларига таъсир этади.

Иқтисодий адабиётларда биржа савдосида уларнинг моҳиятини энг тўлиқ акс эттирадиган риск функцияларига инновацион, тартибга солиш ва ҳимоя қилиш функциялари киритилади. Риск функциялари қаторига яна таҳлилий функцияни киритиш мумкин бўлиб, у рискнинг мавжудлиги бир нечта ечим вариантидан бирини танлаш зарурати кўзда тутилиши билан боғлиқ. Шунинг учун биржачилар қарор қабул қилиш жараёнида барча вариантларни таҳлил қилиб, энг рентабелли ва кам рискли вариантни танлайди.

Таҳлил давомида тўғри келадиган вариантлар, қайси рисклар маъқул келиши, маъқул кемайдиган ёки биржа фаолияти ва бозор тизимида биржадан ташқари ҳаёт билан боғлиқ ҳар бир қатнашчи риск ёки мукофот олиш билан боғлиқ ҳоҳиш-истакларига эга ва учрайдиган рискларни таниб оладиган шароитларда бошқа рисклар билан нима қилиш кераклиги аниқланади.

Биржа структуралари энг тўғри келадиган рискни ишлаб чиқиши ва унга амал қилиши лозим. Бунинг учун улар рисклар таснифига мурожаат қилиши лозим рискларни таснифлашнинг қийинлиги шу билан боғлиқки, рисклар ранг-баранглиги жуда катта, замонавий жамиятнинг сиёсий ва иқтисодий ривожланиши уларни аниқлаш ва тўғри баҳолаш қийин бўлган янги рискларни вужудга келтиради. Вужудга келаётган рискларга мураккаб молиявий ва ишлаб чиқариш вазиятларининг пайдо бўлиши ҳамроҳлик қилади. Охирги йилларда сиёсий омиллар билан боглиқ рисклар алоҳида аҳамият касб этмоқда, чунки улар айниқса, биржа фаолиятида катта йўқотишларга олиб келади.

Шундай қилиб, биржа фаолиятига таъсир этувчи риск омиллари ва функцияларидн келиб чиқиб, рискларни турлари бўйича таснифлаш таклиф этилади. Рисклар қуйидаги белгилар бўйича гуруҳланади: суғурталашга (хеджлаш) боғлиқлиги, диверсификациялаш мумкинилиги, муаммони ҳал қилиш боскичи, рискнинг вужудга келиш табиати, унинг миқёси, вужудга келиш соҳаси, биржа садосида вужудга келиш муддати, кутилаётган даража натижаси.

Амалда бутун биржа фаолияти бир эмас, бир нечта рискларга учрайди. Айрим рисклар, масалан, сиёсий, иқтисодий, молиявийй, инфляцион, операцион, техник, экологик рискларни доим ҳам назорат қилиб бўлмайди, ваҳоланки, ҳозирги пайтда биржа битимларида риск муаммоларини ҳал қилиш йўлларини излаб топишда фойдаланиш мумкин бўлган кўп сонли ва хилма-хил воситалар мавжуд. Риск натижанинг ноаниқлик даражасини ифодалайди. Рисксиз биржа фаолият, биржа савдоси ва ўйинлари бўлиши мумкин эмас. Таваккал қилиш қобилиятига ҳам ўрганиш керак. Фонд ва валюта биржаларида риск кўпинча пулнинг харид лаёқати тушиб кетиши билан боғлиқ бўлади (кейинги пуллар бугунги пуллар билан бир хил сифатдаги биржа товарлари ва хизматларини «харид» қила олмайди). Бошқача қилиб айтганда бу инфляция риски.

Иқтисодий риск бу – биржачининг рақобатбардош позицияси фоиз ставкаларидаги ўзгаришларга учрайдиган ёки ташқи омиллар билан бир хил узоқ муддатли риск.

Бу риск муаммоларининг барча ечимларини топиш биржа савдоси қатнашчилари учун қайси риск даражасига йўл қўйиш мумкинлиги ва биржа битимида қатнашчилар учрамаслиги лозим бўлган йўқотишлар вужудга келиши мумкин бўлган рискларни нима қилиш кераклиги билан белгиланади. Ҳар битта биржачи риск омилига ўз муносабатига эга:

- ✓ Рискни ёқтирмайди;
- ✓ Унга нейтра муносабатда бўлади;
- ✓ Рискни афзал кўради.

Бундай тақсимлашнинг мезони бўлиб биржачининг риск учун мукофотга эҳтиёжи намоён бўлади.

Рискни ёқтирмайдиган биржачилар доимо ноаниқлик учун бирон-бир мукофот талаб қилади. Рискка нейтрал муносабатда бўлганлар мукофотга бефарқ бўлади. Рискни афзал кўрувчилар эса ўткир ҳиссиётларни бошидан кечириш учун йўқотишларга учрашга ҳам тайёр бўлади. Риск омилини ҳисобга олиш биржачининг белгиланган чайқов фойдаси олишига асосланади. Биржа ўйинида бой тажрибага эга профессионаллар ҳар бир омилини олдиндан аниқлайди ва қуйидаги формула бўйича риск учун мукофот олиш имконияти катта бўлган тақдирдагина риск билан ўнайди: $k = i_c + i_b$, бу ерда k- инвестицияланган рублдан трейдер талаб қиладиган даромад улуши; i_c- даромаднинг рискдан озод улуши; i_b- риск учун мукофот.

Ҳар бир профессионал биржачининг ўз қарор қабул қилиш усуллари бор бўлиб, уларнинг асосида у қайси риск даражаси маъқул келиши ва уни қандай ифодалаш мумкинлигини аниқлайди. Хорижий иқтисодиётда бу турдаги ҳаракатлар рискни бошқариш тизими деб аталади.

Хорижий биржа бозорларида рискни бошқариш тизими қуйидагиларга асосланади:

- индивидуал ва оммавий психология;
- классик график таҳлил;
- компьютер техник таҳлили;
- муҳим техник воситалардан фойдаланиш, яъни ҳар битта нарх ўзгаришини биржа ўйинчисининг нархларга таъсир этиш учун керак бўлиб қолган амалга оширилган битимлар вақт узунлиги билан таққослаш;
- фонд бозори индикаторлари;
- психологик индикаторлар;
- янги индикаторлар ва б.

Рискни бошқаришга комплексли ёндашув биржачиларга ресурслардан самаралироқ фойдаланиш, жавобгарликни тақсимлаш, биржа савдоси

қатнашчиларининг натижаларини яхшилаш, шунингдек, биржанинг турли рисклардан ҳимояланишини таъминлашга имкон беради.

Замонавий сиёсий ва иқтисодий ҳолатни ва биржа хўжалигини ҳисобга олиб, биржа сиёсатини белгилашда кўплаб риск турларининг инвестицион режаларга таъсирини назарда тутиш, бевосита биржа операциялари билан боғлиқ асосий риск туралри – сиёсий риск, молиявий риск, иқтисодий риск, трансляция риски, систематик риск, базавий риск, тартибга солиш риски, битимлар бўйича риск, ҳисоб-китоб риски, операцион риск, ўтказмалар риски, фоиз риски, валюта риски, битимни тугатиш риски фоиз ставкаси рискнини аниқлаш зарур.

Ҳар бир риск белгиланган вазиятда вужудга келади. Уларнинг айримлари биржачининг таъсири ва назорати остида бўлмайди, лекин бу вазиятлар, шунга қарамай, биржа операцияларини амалга оширишда назорат қилиниши зарур.

Ҳар қандай рискни баҳолаш учун кутилмаган натижа эҳтимоли ва устуворликлар бўйича ҳар бир риск даражаси каби мезонларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Қуйидаги белгиларни киритамиз:

c_i - биржа рисклари белгиланган йиғиндисига мансуб риск тури;

n - рисклар умумий сони;

k- рисклар аҳамияти бўйича, яъни $k<n$ тақсимланадиган устуворликлар гуруҳлари сони;

p_i - устуворликнинг қиймати, $p_i \neq 1, 2, 3, \ldots, k$;

b_i - устуворликлар гуруҳи бўйича алоҳида риск даражаси, $b_i>0$

Шунда устуворликлар гуруҳи бўйича риск даражалари суммаси қуйидаги формула бўйича аниқланади: $\sum_{i=1}^{k} b_i = 1$.

Биринчи устуворлик охиргисидан қанчалик устунлиги принципиал аҳамиятга эга, яъни $B_1 / B_k = Ф$.

Қуйидаги шартдан энг кичик устуворли гурух даражасини аниқлаймиз: $B_k = 2/k * (\Phi + 1)$.

Кейинги қадам устуворликлар гуруҳлари бўйича даражани аниклаш ҳисобланади: $B_e = ((k+e)\times\Phi + e - 1)/(k-1)$.

Учинчи даврда алоҳида риск омиллари даражаси аникланади: $B_e = B_e / M_e$, бу ерда $M_e = 1, 2, 3, \ldots, K$.

Агар рисклар бўйича устуворликлар белгиланмаган бўлса, уларнинг барчаси тенг, яъни бир хил даражага эга: $B_i = 1/n$.

Кутилмаган натижа эҳтимолини баҳолаш кўпинча эксперт баҳолари усулида амалга оширилади. Бунинг учун бу муаммолар билан яхши таниш бўлган бир нечта (камида 3 та) мустақил эксперт-гуруга эга бўлиш мақсадга мувофиқ. Ҳар бир экспертга алоҳида рисклар рўйхати берилади ва қуйидаги баҳолаш тизимига асосланган ҳолда уларнинг пайдо бўлиш эҳтимолини баҳолаш таклиф этилади: 0- риск бўлмайди; 50- вазиятнинг рўй бериши ҳақида бир нарса дейиш қийин; 75- рискнинг вужудга келиш эҳтимоли юқори; 100- риск пайдо бўлади.

Экспертларнинг баҳолари уларнинг зиддиятсизлиги бўйича таҳлил қилинади, бу қуйидаги конструкциялар бўйича бажарилади:

1. $\max(A_i, B_i) \le 50, i = 1,2,3,..n$;

2. $\sum_{i=1}^{n} \frac{A_i - B_i}{n} \le 25$, бу ерда A_i ва B_i - ҳар i-жуфтликнинг гуру томонидан баҳоланиши.

1-конструкция шуни англатадики, исталга омил бўйича икки эксперт-гуру баҳоси ўртасидаги минимал йўл қўйиш мумкин бўлган фарқ 50дан кам бўлиши лозим.Таққослаш модуль бўйича ўтказилади, чунки плюс ёки минус ишораси ҳисобга олинмайди.

2-конструкция эксперт-гурулар баҳосини ўртача мувофиклаштиришга йўналтирилади. У 1-конструкцияни бажариш учун фойдаланилади.

Баҳоларнинг фаркини топиш ҳисоб-китоблари учун баҳолар модуль бўйича қўшилади ва олинган натижа тартибга солинадиган (тартибга солинмайдиган) рисклар сонига тақсимланади. Эксперт-гурулар баҳоси, агар олинган фарқ 25дан катта бўлмаса, бир-бирига зид келадиган ҳисобланмайди.

Эксперт-гурулар фикрида қарама-қаршиликлар аникланган (1- ва 2-конструкциялар бажарилмаган) ҳолатда улар муайян масала бўйича мумий позицияни ишлаб чиқиш мақсадида муҳокама қилинади. Эксперт-гуруларнинг иш натижаси қуйидаги жадвал кўринишида расмийлаштирилади:

Тартибга солинадиган (тартибга солинмайдиган) рисклар	*Эксперт-гуруҳ*			V_i
	биринчи	иккинчи	учинчи	

Тартибга солинадиган (тартибга солинмайдиган) рисклар ҳар бир гуруҳи бўйича R рискни ҳисоб-китоб қилиш муҳим аҳамият касб этади: $R = \sum_{i=1}^{n} W_i \times V_i$, бу ерда

V_i- риск вужудга келиши ўртача эҳтимоли;

W_i- ҳар бир риск даражаси.

Ҳисоб-китобни қуйидаги жадвалда расмийлаштириш мумкин:

Тартибга солинадиган (тартибга солинмайдиган) рисклар	даража W_i	эҳтимол V_i	Балл $W_i \times V_i$
Жами барча рисклар бўйича	х	х	х

Шунингдек, тартибгасолинадиган (тартибгасолинмайдиган) рискларникуйидагиформулаларбўйичааниклашмумкин:

$$W_{iR \times P} = \frac{R_P}{R_o} \times 100\%$$

$W_{iR \times H} = \frac{R_h}{R_o} \times 100\%$, бу ерда

$W_{iR \times p}$ - хар бир гуруҳ ёки тур бўйича тартибга солинадиган рисклар даражаси;

$W_{iR \times h}$ - хар бир гуруҳ ёки тур бўйича тартибга солинмайдиган рисклар даражаси.

Классик таҳлил ёрдамида «нарх конструкциси»ни осон аниқлаш ва рискдан қочиш мумкин.

- Компьютер техник таҳлили, унинг ёрдамида биржа савдосини янада муваффақиятли ва кам рискли қилиши мумкин, чунки компьютерлар кенг ахборот оқими билан ишлаш ва ракобатчилар олдида устунликка эга бўлишга ёрдам беради.

Ушбу таҳлил график таҳлилдан фарқли равишда объективроқ ҳисобланади. Учбурчак белгиларининг бор-йўқлиги ҳақида баҳслашиш мумкин, лекин индикатор йўналишига қарши далиллар топилмайди.

- Фонд бозори индикаторлари, бу қаторга «янги максимум - янги минимум» индекси (NH-NL), трейдерлар индекси (TRIN) киради. Улардан фойдалана олиш биржа савдоларида муваффақиятга хизмат қилиши ва рискдан қочишга ёрдам бериши мумкин.

Якуний қарор қабул қилиш учун биржа савдоси қатнашчиси қутилмаган натижа эҳтисолини билиши етарли эмас, чунки бу ҳолатда риск тўлиқсиз, бир томонлама баҳоланади. Қарор қабул қилиш жараёнида биржачини у қандай йўқотишларга учрашигина эмас, балки бу йўқотишлар миқдори ҳам қизиқтиради. Кутилмаган натижа эҳтимоли бир хил бўлганда йўқотишлар ҳар хил бўлиши мумкинлиги сабабли доимо энг минимал йўқотишли қарорлар қабул қилинади.

10.3. Биржа рискларини баҳолаш мезонлари

Биржа савдоси қатнашчилари учрайдиган энг муҳим қарорлар қайси рисклар маъқул келиши ва маъқул келмайдиган бошқа рисклар билан нима қилиш кераклиги билан белгиланади. Ҳар бир савдо қатнашчиси риск ёки мукофот олиш билан боғлиқ бўлган ўз хоҳиш истакларига эга, уучраши мумкин

бўлган рискларни таний олиши, қайси рисклар унинг учун маъқул эканини қарор қилиши ва ниҳоят, бошқа рисклардан қочиш йўллари ва усулларини топа олиши, шунингдек, буларнинг қайси молиявий харажатларга олиб келиши ва бунда бирон маъно борлигини баҳолй олиши лозим. Биржаси энг тўғри келадиган рискка, шунингдек, биржа савдоси қатнашчилари тасарруфида бўлган усулларни танлаш ва баҳолаш қоидаларига амал қилиши лозим. Рискни баҳолашнинг бундай усулларидан бири баҳолаш мезони бўлиб, уни риск баҳоси деб аташ мумкин. Риск баҳоси деганда биржа фаолиятини амалга оширишда кутилмаган вазиятнинг рўй бериши эҳтимолига мос келадиган учраши мумкин бўлган йўқотишлар қиймати тушунилади. Риск нархини қуйидаги формула бўйича аниқлаш мумкин:

$C_R = П_П - П_В$, бу ерда

C_R - риск нархи,

$П_П$ - битимдан кутилаётган фойда,

$П_В$ - рискни ҳисобга олган ҳолда эҳтимолий фойда.

Бунда кутилаётган фойда, яъни рискни ҳисобга олмасдан максимал бўлиши мумкин бўлган фойда кутилаётган даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Эҳтимолий фойдани кутилаётган фойда билан биржа савдоси қатнашчилари учун муваффақиятли битим эҳтимолининг кўпайтмаси сифатида қуйилаги формула бўйича топиш таклиф этилади: $П_В = П_П \times В_С$.

Йиллик савдо маълумотлари (ташкиллаштирилган товарайланмаси) таҳлили асосида рискни баҳолаш энг очиқ ва осон усуллардан бири ҳисобланади.

Инфляция даражасининг баландлиги сабабли иқтисодий коэффициентлар ҳисоб-китобини чораклик ҳисоботлар бўйича олинадиган ахборот асосида амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Хорижий биржа амалиётида молиявий барқарорлигини ҳисоб-китоб кўрсаткичларини норматив кўрсаткичлар билан таққослаш йўли билан ўтказиш қабул қилинган. Биржа савдосида рискларни

минималлаштириш учун қуйидагилардан фойдаланиш мумкин: бошқарилаётган объектга таъсир чоралари; ноаниқ келажакни янаям аниқроқ башорат қилишга йўналтирилган чоралар. 1-гуруҳ чоралари қаторига минималлаштиришнинг хеджлаш, молия захиралари яратиш, диверсификация, бозорларни бирлаштириш, биржачининг бошқариладиган риск омилларига таъсири каби усулларини киритиш мумкин.

Биржа битимларида рискни минимал қилишнинг энг мақбул усул хеджлаш (суғурталаш) ҳисобланади.

Хеджлаш – спот, форвардд, фьючерс битимлари ва опционлар каби биржа битимларида рискни бартараф қилишнинг асосий усули.

Рисклар бўйича исталган қарор қабул қилиш натижасида биржа савдоси қатнашчиларикутилмаган омиллар таъсири остида ёки рискни кучайтирувчи омиллар нотўғри баҳоланган тақдирда йўқотишларга дуч келиши мумкин. Шу сабабли рискни баҳолашда гуру биринчи навбатда қарор қабул қилиш натижасида биржа савдоси қатнашчилари учун йўқотишлар рўй бериши, яъни кутилмаган натижа эҳтимолини ҳисобга олишлари лозим.

Қатнашчилар учун кутилмаган ҳодисалар эҳтимолини баҳолашда қуйидаги каби воситалардан фойдаланиш мумкин:

Классик графикли таҳлил, унинг умумий тамойилларини ҳар қандан бозорлар: реал товар бозори, фьючерс бозори, фонд бозори, валюта бозори ва ҳоказолар учун қўллаш мумкин.

Максимал ва минимал нархлар, биржа очилиш пайтидаги ва биржа ёпилиш пайтидаги нархлар, қизиқиш ҳажми ҳақидаги ахборотга эга бўлиб, биржа савдоси қатнашчилари (буқалар ва айиқлар) кучининг нисбати ҳақида тўғри хулоса чиқариш ва шундан кейин биржада етакчи бозор гуруҳи рискларни айланиб ўтган ҳолда қайси йўналишда кетаётганлигида ўйнаш мумкин.

ХУЛОСА

Биржа товарлар улгуржи бозорини шакллантирувчи бозор иқтисодиётининг классик институти сифатида иқтисодий, ташкилий ва юридик

асосларга эга. У биржа савдоси профессионаллари – брокерлар ва дилерлар тасарруфига бериладиган яхши жиҳозланган «бозор ўрини»ни ифодалайди.

Иқтисодий нуқтаи назардан, биржа бу белгиланган жойда ташкил қилинган, белгиланган қоидалар бўйича мунтазам фаолият кўрсатадиган, қимматли қоғозлар савдоси, намуналар ва стандартлар бўйича улгуржи савдо, шунингдек, валюта ва нодир металлни талаб ва таклиф асосида расман белгиланган нархларда сотиш амалга ошириладиган улгуржи бозордир.

Биржа фаолиятининг асосий мазмуни битим тузиш учун энг қулай шароитлар яратиш ҳисобланади.

Биржанинг асосий функцияси доимий фаолият кўрсатадиган товар бозорини ташкил қилиш ва биржа савдоси қатнашчиларига воситачилик ва турли хизматлар кўрсатиш ҳисобланади.

Биржанинг ўзи, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган ташкилот сифатида, олди-сотди битимларида иштирок этмайди, яъни савдо-воситачилик фаолиятини амалга оширмайди.

Биржа савдоси оддий бозорнинг ҳам, ярмарка бозорининг ҳамж жиҳатларини ўзида мужассамлантирган. У савдо жараёнини енгиллатиш, кейинчалик эса сотувчи ва харидорнинг манфаатларини нарх ўзгаришларидан ҳимоя қилиш (хеджлаш) учун ташкил этилади.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Иқтисодий риск, тартибга солиш риски, хеджланадагин, хеджланмайдиган, хўжалик, глобал, локал, ички, ташқи, доимий, қисқа муддатли, оддий, спекулятив, баҳолаш.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Рискларнинг биржа фаолиятига таъсири
2. Биржа рисклари структураси
3. Биржа рискларини баҳолаш мезонлари

11-БОБ. ВАЛЮТА БИРЖАЛАРИ

11.1. Валюта биржалари тушунчаси

11.2. Валюта операциялари, касса битими ва муддатли битимлар

11.3. Комиссион тўловлар ва «своп» операциялари

11.1. Валюта биржалари тушунчаси

Хорижий валюта бу янги ғоя эмас. Ҳар хил пулларни айирбошлаш дастлабки танга пуллар пайдо бўлган пайтдан бошлаб пулнинг асосий функцияларидан бири саналади. Хорижий валюта билан битимларнинг бошланиши сифатида 1550-йилларда Ломбардияда пул айирбошлашни ҳисоблаш мумкин. Бироқ хорижий валютани сотиб олиш Олтин стандарти вужудга келган 1880 йилгача шаклан умуман бошқача, бугунгига ўхшамаган кўринишда бўлган.

«2018 йилда Инвестиция дастурини амалга ошириш доирасида 1,8 миллиард АҚШ долларидан ортиқ хорижий инвестицияларни ўзлаштириш кўзда тутилмоқда. Уларнинг тахминан тўртдан уч қисми тўғридан-тўғри жалб этиладиган инвестициялардир.

Умуман, 2018 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган хорижий ва ички инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг камида 25 фоизини ташкил этади»[12].

XX асрда хорижий валюта билан боғлиқ масалалар иккита бир-бирига қарама-қарши тизим: қатъий белгилаб қўйилган тизим ёки ўзгарувчан валюта курси тизими нуқтаи назаридан, кўпроқ иккала тизимни ҳисобга олган ҳолда ечилган.

Масалан, япон телевизорини олайлик. Харид учун қандай ҳақ тўлайсиз? Албатта, ўз мамлакатингиз валютасида, бироқ маҳсулот ишаб чиқарган фирма меҳнати учун ўз мамлакати валютасида тўлов олади. Товар ишлаб чиқарувчи

12

тўловни ўз валютасида олиши учун бир мамлакат валютасини иккинчи мамлакат валютасига ўтказиш бўйича битим амалга оширилган.

Валюта биржаси – миллий валюталарнинг ташкиллаштирилган бозори. Унда миллий валюталар ўртасидаги талаб ва таклиф таъсири остида вужудга келадиган курс нисбатидан (котировка) келиб чиқиб валюталар эркин олди-сотдиси амалга оширилади. Валюта биржасида котировка айирбошланадиган валюталарнинг харид лаёқатига боғлиқ, у эса, ўз навбатида, эмитент[13] мамлакатлардаги иқтисодий вазият билан белгиланади. Валюта биржаларидан операциялар у ерда айирбошланадиган валюталар конвертацияланишига боғлиқ. Биржаларнинг бу турига классик биржа савдосининг барча элементлари хосдир. Хорижий валюта биржаси бу – валюта сотувчи ва харидорларининг катта, бутун дунёни қамраб оладиган, кўп сонли молия марказларида ҳаракат қиладиган тармоқдир. Бутун дунёда кунига тахминан 500 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги битимлар амалга оширилади. Бироқ реал (жисмоний) валюта айирбошлаш камдан-кам ҳолларда рўй беради. Телефон, телекс ва компьютерлар ахборотни лаҳзада етказиш ва битимни ҳужжатлар билан расмийлаштирган ҳолда тартибга солишга имкон беради.

Хорижий валюта савдосининг учта асосий маркази бу Лондон, Нью-Йорк ва Токио шаҳарлари ҳисобланади ҳажми бўйича энг катта операциялар Лондонда кун ярмига етган пайтга тўғри келади, бу пайтда Европа ва Америкада иш куни бир-бирига тўғри келади.

Асосий валюта биржачилари қуйидагилар ҳисобланади:

- Банклар, ўзига хос «ички банк биржаси» ташкил қилган ҳолда. Банклар хорижий валюта сотиш ёки сотиб олиш истагида бўлганлар ўртасидаги табиий воситачилар ҳисобланади ва бутун дунё бўйлаб ўз мижозлари учун ҳимояловчи валюта битимларини амалга оширади.

- Сотувчи ва харидор ўртасида битим самарадорлигини анча ошириб, воситачи сифатида иштирок этадиган хорижий валюта брокерлари.

[13]Эмитент (англ. emitter; нем. Emittent) - эмиссия чиқарувчи корхона ёки муассаса. Қимматли қоғозлар эмиссияси хусусий (акция ва облигацияларни акциядорлик компаниялари томонидан чиқариш) ва давлат (давлат заем облигациялари чиқариш) эмиссияси бўлиши мумкин.

- Жаҳон савдосида иштирок этадиган компаниялар битимларни амалга ошириш учун хорижий валютага эҳтиёж сезади. Компаниялар хорижий валюта билан боғлиқ ва одатий биржа операцияларининг натижаси ҳисобланган рискни чегаралашга ҳаракат қилади, баъзида чайқов мақсадларида валюта операцияларида иштирок этади.

- Ҳалқаро капитал қўйилмалар соҳасидаги менежерлар уларнинг қимматли қоғозлари максимал фойда келтиришини доимий кузатиб турган ҳолда, қимматли қоғозларни бир валютадан бошқасига ўтказадилар.

- Марказий банклар мамлакат хорижий валютасининг асосий эгаси ҳисобланади ва зарурат туғилган ҳолларда мамлакат ҳукуматини молиялаштиради. Марказий банклар миллий валюта қийматининг тебранишларини юмшатиш мақсадида кўпинча валюта биржасида воситачи сифатида қатнашади, баъзида эса миллий валютанинг қадрсизланиши билан боғлиқ салбий араёнларни ортга қайтаришга ҳаракат қилади.

Валюта битимлари билан биржа операциялари орасида АҚШ доллари билан операциялар энг катта ҳажмга эга. Иқтисодий жиҳатдан энг ривожланган мамлакатларннинг валюталари конвертацияланадиган валюта деб аталади ва бутун дунёда фаол қўлланади. Қисман конвертацияланадиган валюталар жаҳон иқтисодиётига жалб этилади, фақат миллий бозордан ташқарида ўта чекланган ҳажмда. Конвертацияланмайдиган валюталар ҳукумат томонидан назорат қилинади, бундай валюталарни сотиш ёки жуда чекланган, ёки умумна тақиқланган бўлади.

Валюта курси бу – нисбий қиймат (хорижий валютанинг миллий қиймати) эканлиги сабабли иқтисодчилар унинг ўзгаришларини олдиндан айтиб берар ва тушунтирар экан, мамлакат иқтисодиётини ҳам, мамлакат ҳудудидан ташқаридаги иқтисодиётни ҳам эътиборга олишлари лозим. Масалан, иена АҚШ долларига нисбатан ўсиши мумкин, чунки АҚШда фоиз ставкалари пасайтирилган, Япониянинг ўзида эса ҳеч нарса ўзгармаган. Валюта курслари ҳаракати товар ва хизматлар бозоридаги нарх ҳаракатидан кўра кўпроқ бошқа молиявий воситалар бозоридаги нархнинг ҳаракатига ўхшаб кетади. Бу

акциялар ва қимматли қогозлар курси каби «олдинга қарайдиган» нархлардир. Бу шуни англатадики, бугунги валюта курси эртага рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ҳисоблаб чиқилган. Мана шунинг учун ҳам валюта курсини олдиндан айтиб бериш қийин. Валюта курси одамларнинг рўй бериши мумкин бўлган вазият ҳақида қандай ўйлашига ҳам, уларнинг муайян вазиятда нима қилишига ҳам бир хилда боғлиқ бўлади. қуйида келтирилган омиллар валюта курсига тез таъсир кўрсатади.

Валюта курси бу – олди-сотди битимларида бир мамлакат пул биригининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган нархидир. Бундай нарх эркин бозор шароитларида белгиланган валютага талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда ёхуд мамлакат ҳукуматининг ёки унинг бош молия-кредит органи, одатда марказий банки томонидан қатъий тартибга солинадиган қарор билан белгиланиши мумкин. Валюта қиймати асосан валюта курсининг фақулодда ошиб кетишига йўл қўймасликка интиладиган молия-кредит органлари раҳбарлиги остида эркин бозор кучларининг ўзаро алоқалари орқали белгиланади. Валюта курси шаклланишининг бундай шакли баъзида «ифлос сузиш» деб аталади.

Хорижий валюталарнинг миллий валютадаги курсини белгилаш *валюталар котировкаси* деб аталади.Турли банклар амалиётида икки хил котировка: тўғри ва тескари котировка қўлланади. *Тўғри котировкада* хорижий валютанинг қатъий белгиланган маълум бир қисми миллий пул бирликларида ифодаланади. Буюк Британия ва қисман АҚШда қўлланадиган *тескари котировкада* миллий пул бирлиги хорижий пул биликларида ифодаланади. Валюта операцияларини амалга оширувчи банклар валютани турли курсларда сотиб олади ва сотади. Банклар хорижий валютани миллий валютада сотадиган курс (хорижий валютада тўлов ҳужжатлари) *сотувчи курси*, харид қиладиган курс эса – *харидор курси* деб аталади.Улар ўртасидаги фарқ банкнинг валюта операциялари бўйича файдасини ташкил қилади.

Тўлов ҳужжатлари бўйича *телеграф ўтказмаси* валюта курси, *почта ўтказмаси* валюта курси, *векселлар* валюта курси, *чеклар, банкноталар* валюта

курси фарқланади.Илгари, ҳалқаро ҳисоб-китобларда асосий тўлов воситаси бўлиб ўтказма вексель (тратта) хизмат қилган пайтларда, валюта курси векселли деб аталган ва хорижий валютадаги ўтказма векселнинг бирон мамлакат милий валютасидаги нархини ифодалаган. Ҳозирги пайтда деярли барча валюта ҳисоб-китоблари банклар орқали телеграф ўтказмалари йўли билан амалга оширилмоқда.

Айрим мамлакатларнинг валюта бозорларида хорижий валюталарнинг миллий валютага нисбатан курсидан ташқари *кросс-курслар,* яъни хорижий валюталарнинг бир-бирига нисбатан курслари ҳам белгиланади.

Кросс-курсларбу – икки хил валюта ўртасидаги нисбат бўлиб, уларнинг учинчи валютага нисбатан курсидан келиб чиқади. Масалан, агар Лондон банки Германия маркаларини АҚШ долларига сотадиган бўса, кўриниб турибдики, у кросс-курслардан фойдаланади.

Жаҳон бозоридаги операцияларда кўпинча АҚШ доллари билан кросс-курслардан фойдаланилади, чунки АҚШ доллари нафақат асосий захира валютаси, балки кўплаб валюта операцияларида битимлар валютааси ҳам ҳисобланади. Масалан, француз франкларини ФРГ маркалари учун сотиб олувчи дастлаб француз франкларини долларга, сўнгра долларни ФРГ маркасига сотиб олиш франк ва марка ўртасидаги котировкани топишдан осонроқ бўлади. Табиийки, Парижда ёки Франкфуртда француз франкининг ФРГ маркасига нисбатан (ёки аксинча) курини белгилаб берадиган банклар мавжуд. Бироқ чекланган бозор шароитларида бундай махсус хизматлар учун банклар ўз котировкасига маржа[14] киритиши мумкин.

Албатта, агар ФРГ маркалари учун француз франкларини сотиб олувчи харидор харидни АҚШ доллари воситачилигисиз ҳам амалга ошириши мумкин, бу операция қўшимча харажатларга олиб келмайди. У иккита битим ўрнига битта битимни амалга ошириш ҳисобига тежаб қолишдан ташқари, рискка учрамасликка ҳам имкон беради, чунки турли ҳамкорлар билан иккита

[14]Маржа – савдо, биржа, сугурта ва банк амалиётида товарлар нархи, қимматли қогозлар курси, фонз ставкалари ва бошқа кўрсаткичлар ўртасидаги фаркни белгилаш учун қўлланадиган атама

конверсия операциясини амалга оширишнинг имкони йўқ. Шунингдек, валюта курси операциялар якунланмасдан олдин ўзгариш хавфи ҳам мавжуд, шунда ҳамкорлардан бири учун битимнинг баҳоси жуда катта бўлиши мумкин ва сотувчи учун уч-тўртта битим ўтказиш зарурати вужудга келади.

Ҳар қандай кросс-курсни исталган пайт хорижий валюталарнинг миллий валютага нисбатан курсидан ҳисоблаб чиқиш йўли билан осонгина олиш мумкин.

Битта валютанинг турли бозорлардаги курслари эса унчалик бўлмасада, фарқ қилади, бу уларнинг валюта арбитражи асосида доимий тексиланиши сабабли рўй беради

Валюта арбитражи – айни пайтда турли мамлакатларда мавжуд бўлган битта валютанинг курслари ўртасидаги фарқ ҳисобига фойдаланиш олиш мақсадидаги битимдир. Оддий ва мураккаб валюта арбитражи фарқланади. *Оддий* валюта арбитражида арбитражчи икки мамлакат валюта бозорида қайд қилинган фарқдан фойдаланади. Масалан, агар АҚШ долларининг курси Нью-Йоркда 140,5 япон иенасига, Парижда - 140,75 иенана тенг бўлса, япон арбитражчисининг 1 млн. долларни Нью-Йоркда 140,5 млн. иенга сотиб олиши ва бир вақтнинг ўзида уни Парижда 140,75 млн. иенага сотиши кўпроқ фойда келтиради. Олинган фойда 25 минг иенани ташкил қилади. *Мураккаб* валюта арбитражида операциялар турли валюта бозорларида бир нечта валюталар билан амалга оширилади.

Валюта арбитражини амалга оширишда арбитражчида барча ҳалқаро молиявий марказлар билан ривожланган коммуникация тизимининг, энг мураккаб операциялардан ҳам кутлаётган натижаларни тезкор ҳисоб-китоб қилишга имкон берадиган мураккаб ҳисоблаш техникаси мавжудлиги кўзда тутилади.

Валюта арбитражи алоҳида миллий бозорларда валюта курсларининг бир хид бўлишига олиб келади. Молиявий коммуникация тизимлари ривожланишининг ҳозирги даражасида валюталар курси ўртасидаги фарқ юздан бир фаоиздан ортмайди.

Алоҳида бир арбитраж битими бўйича фойда фоизининг кичиклиги бундай битимлар сонининг кўплиги ва капитал айланмаси тезлигининг юқорилиги ҳисобига қопланади.

Валюта операцияларига қараб, қуйидаги валюта курслари фарқланади:

- накд (касса) битимларида - «спот» курси;
- муддатли битимларда - «форвардд» курси.

Касса битимларидан фойдаланиладиган курс касса курси деб аталади. ***«Спот» курси*** - иккибизнес-кун ичида битимни тартибга солиш учун жорий валюта курси (форвардд курсига қарши). Унинг котировкалари ҳақидаги ахборот банк экранлари ва газеталарда кўрсатилади.

«Форвардд» курси – у бўйича хорижий валюта шартномаси келажакда белгиланган кунда якуний тартибга солиш учун бугунги кунда амалга ошириладиган курсдир. Форвардд курси «спот» курсдан валюта курслари динамикаси истиқболлари қандай баҳоланишига қараб мукофот ёки чегирма (дисконт) ҳажмига фарқ қилади.

1970-йилларгача валюта курсларини аниқлаш учун расмий асос бўлиб валюталар таркибидаги қатъий белгилаб қўйилган олтин миқдори хизмат қилган. Ҳозирги пайтда валюта (олтин) паритети – пул бирликларининг металл таркиби бўйича нисбати – реал иқтисодий аҳамиятини йўқотган. Қатъий белгилаб қўйилган валюта курслари ўрнига ҳалқаро валюта-молия тизимига «ўзгарувчан» валюта курслари келди, улар валюта бозорларида талаб ва таклифнинг ўзгариши таъсири остида сезиларли тебранишларга олиб келиши мумкин.

11.2. Валюта операциялари, касса битими ва муддатли битимлар

Валюта биржаларида ҳар куни кўплаб валюта битимлари амалга оширилади.

Валюта битимлари бу — белгиланган санада шартнома курси бўйича битта валютадаги қимматли қоғозларни бошқа валютадаги қимматли қоғозларга айирбошлаш бўйича операциялардир.

Валюта операциялари қуйидаги турларга тақсимланади:

- касса ёки накд операциялар («спот» битимлари), бунда харидор сотувчидан хорижий валютани (хорижий валютадаги тўлов ҳужжатларини) миллий валютада тўлов амалга оширилгандан сўнг дарҳол олади ёки бунда чет элга тўловлар унинг буйруғи бўйича телеграф ўтказмаси орқали 2 кундан кечикмаган ҳолда ўтказилади;
- муддатли операциялар (форвардд битимлар), бунда хорижий валютанинг олдиндан белгиланган муддатда бу муддатнинг якунида битим тузилган пайтдаги қайд қилинган курс бўйича олди-сотдиси амалга оширилади;
- «своп» операциялари, улар икки хил – накд ва муддатли битимларни бирлаштиради;
- арбитраж операциялари, бунда битим қатнашчилари фойда олиш мақсадида турли валюта бозорларида валюта курсларидаги фарклардан фойдаланади.

Касса битими бу –бугунги кун нархларида амалга ошириладиган битим, бу ерда битта валюта икки кунлик муддат ичида бошқа валютаани сотиб оилш учун фойдаланилади. Касса битимларида фойдаланиладиган курс касса курси деб аталади. У банк экранларида ва газеталарда кўрсатилади.

Яна бир нечта умум қабул қилинган атамалар мавжуд, масалан, «узоқ муддатли», «қисқа муддатли», «ҳисоб-китоб» муддати ва «тўлов муддати».

Хорижий валютада савдони амалга оширадиган банк маклери (ёки корпорация мижози) битимларнинг натижаларини доимий кузатиб бориб, вазиятга қараб ўз хулқ-атворига тузатишлар киритади. Маклернинг (дилер) ҳолати нетто асосида турли тўлов воситаларидан қатъи назар турли валюталар ҳолатини акс эттиради. Одатда у АҚШ долларида ифодаланади.

Масалан, агар маклер (дилер) АҚШ доллари (фунт) билан иш қиладиган ва кунни 5 млн. АҚШ долларидан бошлайдиган бўлса, у АҚШ долларини оширишга ўйнайди деб ҳисобланади. Агар мижоз маклердан 10 млн. доллар сотиб олишни сўраса ва маклер сотса, бунда маклер энди 5 млн. доллар пасайтиришга ўйнайди. Албатта, мижоз америка доллари учун фунт стерлингда тўлайди, шунинг учун маклер энди фунтни оширишга ҳам ўйнайди. Агар маклер ўзининг қисқа муддатли 5 млн. доллари билан

қониқмаса (у америка доллари яқин вақтда нархда ўсади деб ҳисоблаши мумкин), у йўқотишларнинг олдини олиш учун банкларарo бозорда 5 млн. доллар сотиб олиб, ўз позициясини «мустаҳкамлаши» мумкин.

Тўлов муддати бу – валюта шартномаси бўйича тўловлар куни, яъни пулларни ҳақиқатда айирбошлаш рўй берадиган кун. Касса битимлари учун тўлов муддати 2 кун белгиланган.

Бундай битимларда энг катта потенциал риск шундаки, битимда қатнашувчи томонларда бири битим шартларини вақтида бажара олмайди ёки нотўғри сумма курсатилган бўлади. Шунингдек, битим ҳақида келишиб олиш ва амалда якунлаш ўртасидаги вақтда битим қатнашчиларидан бирининг касодга учраш риски ҳам бор. Битимнинг бошқа қатнашчиси, эҳтимол, янги ҳамкор билан битим тухишга мажбур бўлади ва вақт ўтиши билан валюта курсининг ўзгариши янги рискларига учрайши мумкин бўлади.

Шундай бўлиши мумкинки, битта валюта бошқа валютага нисбатан бир неча бир неча соат илгари етказиб берилиши мумкин. Бу сотиш учун валюта етказиб берган ҳамкор касод бўлган битим қатнашчисидан тўловни ололмаслик рискини вужудга келтиради.

Муддатли битимлар бўйича шартномалар 1860-йилларда пайдо бўлган. АҚШнинг ғарбий ва марказий қисмидаги фермерлар дон ҳосилининг бир қисмини Чикаго бозорига кузда етказиб беришларига тўғи келган, бунда улар дон сотувчилардан оптимал нарх олишга интилганлар. Табиийки, маҳсулот ортиқча етказиб берилган пайтларда нарх кескин пасайган ва фермерлар етиштирлган дон учун бирон-бир маъқул келадиган нарх ололмасдан, уни Мичиган кўлига тўкиб юборишга мажбур бўлган. Кейинги баҳорда таъминот қисқарган, буғдой нархи эса ўсган.

Барқарор ва фойдалирок савдо шароитлари яратиш учун Чикаголик саавдогарлар гуруҳи 1848 йилда Чикаго савдо палатасини (ҳозирда ChicagoBoardofTrade, CBOT) ташкил қилди, ҳозиргача дунёдаги муддатли битимларнинг энг йирик биржаси бўлиб келаётган CBOT дастлаб фақат

муддатли шартномалар, яъни таъминот кам бўлган пайтда йилнинг кечроқ пайтдиа шартнома нархларида буғдой етказиб бериш шартномалари тузиш билан шуғулланган. Бироқ 1860 йилга келиб маҳсулот етказиб бериш саналари, сифати ва ҳажми стандартлаштирилган, бу савдогарларга бир-бири билан буғдойни кейинроқ етказаиб бериш масалаларини эркин ҳал қилиш имконини берган ва замонавий муддатли битимларга асос солган.

Аста-секинлик билан муддатли битимлар бўйича кенгроқ товарлар рўйхатини, масалан, пахта, соя олинадиган дуккакли экинлар, олтин ва мис кабиларни ҳам қамраб ола бошлашан. Муддатли молия битимлар СВОТ муддатли валюта битимлари Ҳалқаро валюта бозорига (МВР) киритилган1970-йилларнинг бошларида пайдо бўлган. Пайдо бўлгандан сўнг бу ғоя тез татбиқ этила бошлади. 1975 йил СВОТ АҚШ федерал агентлиги, Ҳукумат миллий ипотека Ассоциацияси (GovernmentNationalMortgageAssociation (GNMA), ёки Ginnie Mae) томонидан берилган гаров ҳужжати билан тасдиқланган сертификатлар асосида шартнома тузди. 1976 йил январда МВР уй ойлик векселларни етказиб беришга шартнома тузди. Шундай сўнг вақт ўтиши билан Чикагода ҳам, муддатли битимлар биржаларида ҳам янги маҳсулотлар узлуксиз оқими кузатилди, уларнинг сони кескин ўсди ва дунё бўйлаб кенг тарқалди.

Муддатли молиявий битимлар соҳасида савдо ҳажми анъанавий товарлар бўйича шартномалар ҳажмидан сезиларли ортди. Кўплаб янги шартномаларнинг муваффақияти чекланган эди, лекин бозорда оммавий бўлган шартномалар ҳажми жуда тез ўсди. 1982 йилга келиб ғазначилик векселлари бўйича муддатли битимлар соҳасида МВР савдо ҳажми накд тўловли савдо битимлари бозори ҳажмидан ошди ва мос равишда 21 млрд. долларга қарши 26 млрд. долларни ташкил этди. Бироқ 1966 йилга келиб у Лондон ҳалқаро молиявий фьючерслар биржасида (LondonInternationalFinancialFuturesExchange, LIFFE) кунига 6 млрд. АҚШ доллари ва МВРда 90 млрд. долларлик шартномалар тузишга хизмат қилган уч ойлик евродоллар шартномасининг оммавийлиги ўсиши натижасида пасайди.

Ҳозирги пайтда бутун дунёда муддатли молиявий битимлар билан савдо қиладиган кўп сонли бозорлар мавжудлигига қарамай, улар асосан очиқ бақирикли «трюм» моделидан фойдаланади. Очиқ бақирикли бозорда ҳар бир алоҳида «трюм» (ичида олинадиган қатор поғоналар бўлган юмалоқ платформа) турли шартномалар билан савдо қилиш учун фойдаланилади. Харидор ва сотувчилар улар бизнес юритишга тайёр бўлган нархни «трюм»да ҳамма учун эшиттиладиган тарзда баланд овозда аниқ қилиб эълон қилишларига тўғри келади. Бунинг натижасида барча битимлар оммавий равишда амалга оширилади. бу билан, масалан, улгуржи савдогарлар брокерлар учун ҳам сотув, ҳам харид нархини белгилаб берадиган Лондон фонд биржаси ажралиб туришини қайд этиш жоиз. Муддатли битимлар бозорларида барча қатнашчилар потенциал жиҳатдан ҳам савдогар, ҳам брокерлар саналади.

Бироқ агар битимлар иккита савдогар ўтасида бевосита амалга оширилса, биржа доимо битимнинг иккала томони учун қарама-қарши томон сифатида фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади.

Сотувчи биржада сотади, харидор эса биржада сотиб олади. Бу иккита муҳим жиҳатни назарда тутади.

- муддатли битимлар билан савдо қилувчилар учрайдиган ягона кредит риски биржанинг ўзига алоқадор, у маржалар фарқи тизими натижасида нолга яқин;
- кредит рисклари бўйича фарқни қўшиш заруратининг йўқлиги сабабли келтириладиган нархлар молиявий келиб чиқишидан қатъи назар барча учун бир хил бўлади. Шунинг учун бозорлар битимлар бўйича талаб қилинадиган фарқларни тақдим эта оладиган барча учун тенг асосда очиқдир.

11.3. Комиссион тўловлар ва «своп» операциялари

Комиссион фоизлар, қоидага кўра, жуда кичик бўлади. Бироқ кўпинча комиссион фоизларни шартноманинг устига ёзиб қўйилган нархи билан таққослаш нотўғри бўларди, чунки ҳақиқатда уларни одатда камроқ бўладиган суғурталанадиган риск ҳажми билан таққослаш лозим. Комиссион фоизлар

йўқотишлардан суғурталаш (хеджлаш) самарадорлигига сезиларли таъсир кўрсатади.

Брокерлар одатда комиссион фоизларни, яъни харид ва сотув учун комиссион фоизларни шартномага айланма учун АҚШ доллари шартларида белгилайди. Нархлар йирик битимлар тузадиган асосий мижозлар учун 8 АҚШ долларидан нархи қимматроқ брокерлар орқали ишлайдиган кичикроқ мижозлар учун 100 долларгача бўлиши мумкин.

«Трюмлар» баҳоси биржа томонидан ҳам тартибга солинади, бироқ бунда у одатда брокернинг комиссион фоизларига киритилади.

«Своп» валюта операциялари бу – белгиланган муддат ўтгач сотиб олиш мажбурияти билан хорижий валютани «спот» шартларида миллий валютага сотиб олишдир. Операциялар марказий ва тижорат банклари томонидан халқаро ҳисоб-китоблар учун зарур бўлган валютаани харид қилиш, валюта захираларини диверсификациялаш жорий счетларида белгиланган қолдиқларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга оширилади.

«Своп» фоизли операцияларида битим томонларидан бирининг қатъий белгиланган ставка бўйича тўловлар олиш эвазига бошқа томонга ўсиши ёки пасайиши мумкин бўлган LIBOR ставкаси бўйича фоизлар тўлаш мажбурияти кўзда тутилади. Ссуда капиталлари бозорида конъюнктурани аниқроқ башорат қилган битим қатнашчиси ютиб чиқади.

Кўп ҳолларда «своп» операциялари олтин билан ўтказилади. Бу ҳолатда қимматбаҳо металл белгиланган муддатда уни қайта сотиб олиш шартларида, бироқ ўртача фоиз ставкасини қамраб олган ҳолда «спот» шартларида сотилади. «Своп» операцияларини марказий банк ўтказади, бу унга олтин захираларини амалда камайтирмасдан туриб, тўлов баланси тақчиллигини молиялаштириш учун кредит олишга имкон беради.

ХУЛОСА

Молия бозорларининг байналмилаллашув жараёни тобора кенгаймоқда. Фонд, товар ёки валюта бозорлари ил сайин тобора оммавийлашиб, ҳамма учун

очиқ ва ликвидли бўлиб бормоқда. Молиявий воситаларнинг хорижий капитал учун очиқлигидан ташқари, кичик капиталга эга инвесторлар учун ҳам очиқлиги замонавий молия бозорининг ривожланиши учун жиддий сакраш бўлди. Энди ҳохлаган киши – ҳаттоки бир неча юз доллар маблағ билан ҳам – фонд, товар ёки валюта биржасининг иштирокчисига айланиши мумкин! Интернет-технологияларнинг ривожланиши ва электрон биржаларнинг оммавийлиги биржа савдосини янги разрядга олиб чиқди – ҳар бир кишига унинг қатнашчиси бўлиш имконини берадиган умумий ҳалқаро электрон маконга айлантирди.

Энди инвесторга фақат битта ҳисобрақами очиш таклиф этилади, у орқали эса исталган бозорда – фонд бозори, товар бозори ёки валюта бозорида битим тузиш имконияти мавжуд.

Валюта бозори (Forex/Форекс/Форэкс ёки ForeignExchange) бу бир мамлакат валютасини бошқа мамлакат валютаасига айирбошлаш амалга ошириладиган глобал валюта биржаси. Валюта биржаси (валюта бозори) бирон-бир савдо қилиш жойига эга эмас ва ташкил қилиш тамойили бўйича биржадан ташқари бозорларга мансуб. Forex бу – умумий механизм каби кунутун илшайдиган телекоммуникациялар воситасида ўзаро боғланган валюта дилерлари улкан тармоғидир.

Валюта биржасида жами операцияларнинг асосий ҳажми тўғри келадиган асосий валюталар АҚШ доллари (118Б), евро (Е1Ж), япон йенаси (1РУ), Швейцария франки (CHP) ва инглиз фунт стерлинги (CBP) ҳисобланади. ҳар бир валюта жуфтлигига ўз талаблари мувофиқ келади.

Валюта биржаси хафта давомида 5 кун 24 соатдан ишлайди (миллий байрамларни истисно қилганда), чунки ҳар бир соатда ўз иш куни давомида валюта сотиб олувчи ва сотувчи институтлар мавжуд. Валюта биржаси душанба куни соат 00.00да (СМТ) очилади ва шанба куни соат 00.00 да ёпилади. Бундай узлуксиз иш режими валюта бозорини айниқса, инвестициялар ва чайқов операцияларини амалга ошириш учун жалб этувчан қилади.

Валюта бозорининг яна бир муҳим жиҳарти кредит елкаси саналади:

Leverage ёки кредит елкаси валюта бозорида одатда 1:100га тенг бўлиб, бу депозитдан 100 баравар кўп бўлган операцияларни амалга ошириш имконини беради. Валюта биржаларида кундалик курс тебраниши (Volstinity) 150 дан 250 пунктгача бўлади. Бу ҳар куни сотиб олинган ёки сотилган шартномага Г500 - 2'500 118Э миқдорида фойда олиш потенциал имконияти мавжудлигини англатади. Валюта бозорида бундан кучли (Марказий банк интервенциялари, муҳим янгиликларнинг чиқиши) ва кучсиз (жиддий ҳодисаларни кутиш) ҳаракатлар ҳам рўй беради, бироқ самарали бошқаришда валюта бозори Margin га талаблар пастлиги билан уйғунликда максимал даромад беради.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Биржа, тўғри ва тескари котировка, валюта битими, валюта арбитражи, комиссион фоизлар, «своп» операциячи, Forex, брокер, маржа, кросс-курс, валюта курси, эмитент, курс форвардд, спот.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1. Биржа тушунчасига таъриф беринг.
2. Котировкалар қандай бўлади?
3. Валюта арбитражи нима?
4. Касса битими нима?
5. Комиссион фоизлар ва «своп» операцияси нима?
6. Forex бу – нима?
7. Валюта битими нима?
8. Форвардд курси тушунчасига таъриф беринг.

12-БОБ. ХАЛҚАРО БИРЖА МАРКАЗЛАРИ

12.1. АҚШ биржа тизими

12.2. Буюк Британия биржа тизими

12.3. Ривожланган мамлакатларнинг биржа тизими

12.4. Россия биржа тизими

12.1. АҚШ биржа тизими

Қисқача айтиладиган «Уолл-стрит» номи остида АҚШнинг қимматли қоғозлар харид қилинадиган ва сотиладиган барча биржалари: Нью-йорк фонд биржаси (NewYorkStockExchange - NYSE), Америка фонд биржаси (AmericanStockExchange - AMEX) ва минтақавий фонд биржалари назарда тутилади. АҚШ биржа тизимининг асоси Нью-йорк фонд биржаси ҳисобланади.

Нью-йорк фонд биржаси 18-асрнинг бошларида пайдо бўлган, бироқ Нью-йорк газеталарида қимматли қоғозлар муайян бозори ҳақида хабар берилган 1792 йилгача у асосан товар биржаси функцияларини бажариб келган. 1792 йил дастлабки брокерлаш битими имзоланган, 1817 йил эса «Нью-йорк фонд ва биржа кенгаши» номи ва Низоми пайдо бўлган.

Кўп йиллар давомида NYSE «кўнгилли ассоциация» сифатида ташкил қилиниб келган ва фақат 1972 йил у Нью-Йорк штатининг нотижорат корпорациясига айлантирилган.

Биржанинг ишига 27 кишида иборат бўлган директорлар Кенгаши раҳбарлик қилади. NYSE аъзолари сони тахминан 1400 кишига тенг. Ҳар йили ўнлаб жойлар ўз эгаларини алмаштиради, бироқ умуман олганда NYSE азолар таркиби доимийлиги ва барқарорлиги билан тавсифланади, бу эса биржани америка фонд бозорининг энг нуфузли институтларидан бирига айлантиради[15].

Бироқ биржа талабларига жавоб берадиган компаниялар учун доимо биржада «жой» сотиб олиш имконияти мавжуд. «Жой» нархи бозордаги вазиятга боғлиқ бўлиб, жуда катта орликда ўзгариб туриши мумкин. NYSE да битта «жой» учун энг катта нарх 1999 йилнинг 23 августида тўланган ва $2,650,000га тенг бўлган.

Биржа аъзоси бу – савдо залида «жой»га эга бўлган хусусий шахс ёки компания. Савдо залида қимматли қоғозлар сотиш ва сотиб олиш фақат биржа аъзоларига рухсат этилган. Биржа аъзосига айлнаиш учун компания биржада белгиланган мос келувчи тсандартларга жавоб бериши лозим. «Жой»лар сони

[15] «Рынок, деньги и кредит», № 7, 2006 г.

1953 йилдан бери ўзгармай келади (1,366). Инвестор-ташкилотлар бу – хусусий шахслар ва компаниялар номидан қўйилмалар киритадиган корпорациялар. Улар пенсия фонди, суғурта компаниялари ва банкларни қамраб олади.

Институционал инвесторлар, айниқса, пенсия фонди қатъий белгиланган дивидендсиз акцияларнинг энг катта улушига эга. 2002 йилнинг 3-чораги охирида хусусий ва жамоат пенсия фондлари, Федерал захира бошқармасининг маълумотларига кўра, $2.4 триллион ёки сўдирилмаган қимматли қоғозлар умумий сонининг 21,5%и улушига эга бўлган. 1950 йилда қимматли қоғозларнинг 7,2%ига эга бўлган АҚШ институционал инвесторлари бугунги кунда $5.5 триллион ёки сўндирилмаган қимматли қоғозларнинг 49.8%ига эгалик қиломқда.

1978 йилдан бошлаб биржа аъзоларида ўз жойларини биржада ҳақиқий аъзолик талабларига жавоб бера оладиганларга ижарага бериш имконияти пайдо бўлди. Натижада биржадаги кўплаб жойлар асосан инвестициялар сифатида ёки келажакда қимматроқ нархда чайқов мақсадларида сотиб олина бошлади.

АҚШнинг аҳамияти бўйича иккинчи биржаси - Америка фонд биржаси (AmericanStockExchange) ҳисобланади. У қимматли қоғозлар норасмий бозори сифатида 19-асрнинг ўрталаридан фаолият кўрсатиб келмокда, бироқ фақат 1921 йилда у ўзининг савдо залига эга бўди.

Америка фонд биржаси АҚШнинг аҳамияти бўйича иккинчи биржаси ҳисобланишига қарамай, ишбилармонлик фаоллиги кўрсаткичлари бўйича ҳам, пул қийматидаги сотув ҳажми бўйича ҳам ушбу кўрсаткичлар бўйича у Нью-йорк фонд биржаси ва қимматли қоғозлар бўйича дилерлар Миллий ассоциацияси биржадан ташқари автоматлаштирилган котировка тизими (NASDAQ) дан анча ортда колади.

AMEX да қимматли қоғозларни рўйхатга олишда қўйиладиган талаблар NYSE стандартларига нисбатан анча юмшоқ, шу сабабли истиқолли ва ўсиб бораётган компаниялар дастлаб ўз акцияларини Америка фонд биржасида жойлаштиради, сўнгра, агар узоқ вақт оралиғида бу корпорациялар улардан

кутилган натижаларни оқласа, уларнинг қимматли қоғозлари NYSEга ўтказилади. Бундаййўлниўзвақтида General Motors, Radio Corporation of America кабикорпорацияларбосибўтган.

12.2. Буюк Британия биржа тизими

Буюк Британия фонд бозори анъанавий равишда мамлакат молия-кредит тизимининг муҳим қисми ҳисобланиб келади. Британия қимматли қоғозлар бозорида етакчи ўринларни Лондон фонд биржаси эгаллайди. Шунингдек, Буюк Британияда Манчестер, Бирмингем, Глазго ва Белфастда қатор минтақавий биржалар ҳам мавжуд бўлиб, улар мамлакат иқтисодиётида иккинчи даражали роль ўйнайди.

80-йилларнинг охиридиан бошлаб Халқаро фонд биржаси деб атала бошлаган Лондон биржаси ҳақли равишда дунёнинг энг байналмилал биржаларидан бири ҳисобланиши мумкин. Европадаги бошқа айрим мамлакатлар акциялари билан савдо ҳажми Лондонда бу мамлакатдаги савдо ҳажмидан катта бўлади биржада котировка қилинадиган хорижий эмиссиялар сони бўйича у фақат Женева фонд биржаси, бу Германиянинг биргаликдаги барча биржаларидан кейинда туради.

Халқаро Лондон фонд биржасига аъзо фирмалар уч тоифага тақсимланади. Уларнинг биринчиси муҳимроқ ҳисобланади. Бу қаторга ёки дилер, ёки брокер, ёки бир вақтнинг ўзида дилер ва брокер бўла оладиган биржа аъзолари киради. Агар биржа аъзоси дилерлик фаолияти билан шуғулланадиган бўлса, у биржада бозорни шакллантирувчи - «маркетмейкер» сифатида рўйхатдан ўтиши мумкин. Қоидага кўра, бундай функцияларни фақат йирик фирмалар ўз зиммасига олади. Уларнинг асосий функцияси – ктоировка мажбурия даври деб аталадиган белгиланган вақт муддатида қимматли қоғозларни фаол харид қилиш(сотиш)дир. Бозорни шакллантирувчилар улар битимни амалга ошириш истагида бўлган нархларни таклиф этадилар. Бозорни шакллантирувчилар сони кўплиги тфайли улар ўтасида рақобат вужудга келади, бу эса қимматли қоғозларнинг янада асосланган нархларига олиб келади. Бозорни

шакллантирувчилар котировкада иккита курсни кўрсатишлари лозим: талаб (харидор) нархи ва таклиф (сотувчи) нархи. Масалан, 143-6.10x10 кўринишдаги котировка шуни англатадики, бозорни шакллантирувчи 10000 гача акцияларни 143 пенс нархда сотиб олиш ва 10000 гача акцияларни 146 пенс нарха сотишга тайёр. Курслар ўртасидаги фарк (3 пенс) спрэдни (курслар фарқи) ташкил қилади. Лондон фонд биржасининг иккинчи тоифа аъзоларини дилерлараро брокерлар ташкил этади. Бу бир-бири билан яширин алоқа қилиш истагида бўлган бозорни шакллантирувчиларга воситачилик хизматлари кўрсатувчи фирмалардир. Дилерлараро брокерлардан фойдаланиш бозорни шакллантирувчиларга қимматли қоғозлар бўйича ўзининг жорий позицияларини рақобатчилардан яшириш имконини беради. Учинчи рақобатчилар тоифаси пул брокерларидан иборат. Уларнинг асосий функцияси - бозорни шакллантирувчилар учун қимматли қоғозларни қарзга олишдир.

80-йилларда Лондон биржаси 1983 йилдан 1986 йилгача ўтказилган, асосан биржанинг халқаро рақобатбардошлигини оширишга, демакки, Британия капитали позицияларини мустаҳкамлашга йўналтирилган жиддий ўзгаришлар ўтказилган жойга айланди. Хорижий компанияларга биржанинг тўлақонли аъзолари бўлишга рухсат этилди. Ҳозирги пайтда савдода 60 дан ортиқ мамлакатдан компаниялар иштирок этади.

Бу биржада америкининг NASDAQ тизимига ўхшаш автоматлаштирилган биржа котировкалар тизимининг жорий қилиниши ҳақиқий инқилоб бўлди. Бу янгиликлар натижасида биржа аъзоларида битимларни бевосита компьютер терминаллари орқали амалга ошириш имконияти пайдо бўлди. Тезда электрон савдо тизими амалда операцион залдаги савдони сиқиб чиқарди ва Лондон фонд биржаси анъанавий операцион залдан воз кечган ва уни электрон савдо тизими билан алмаштирган дастлабки йирик биржага айланди.

12.3. Ривожланган мамлакатларнинг биржа тизими

а)Франция

Еттита француз фонд биржалари орасида Париж биржаси шубҳасиз етакчи ҳисобланади. Маҳаллий аҳамиятга молик фонд биржалари шунингдек, Бордо, Лиль, Лион, Марсель, Нанси ва Нантда жойлашган. Француз биржа тизимини ажратиб турадиган жиҳатлардан бири доимо биржалар устидан давлатнинг кучли назорати ҳисобланиб келган. Ҳозирги пайтда фонд биржаси иқтисодиёт ва молия вазирлигига бўйсунади, бироқ охирги йилларда ҳукумат томонидан фонда бозорини «қайта тартибга солиш» томон маълум бир қадамлар қўйилди.

б)Швейцария

Швейцарияда жами 7та фонд биржаси фаолият кўрсатади, уларнинг орасида Цюрих, Женева ва Базель биржалари ажралиб туради. Цюрих биржасининг зиммасига йиллик савдо ҳажмининг тахминан 70%и тўғри келади. Биржа тизимига хос бўлган хусусият сифатида Швейцариянинг фонд бозорида мамлакатнинг йирик банклари монопол ҳукмронлигини кўрсатиш мумкин. Биржа фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш унчалик сезиларли эмас, банкларнинг «ўзини-ўзи тартибга солиши» кўпроқ аҳамиятга эга.

Швейцария фонд бозорига хос бўлган яна бир хусусият унинг халқаро йўналганлиги ҳисобланади. Швейцариянинг халқаро молиявий марказ сифатидаги улкан аҳамияти мамлакатнинг молия бозорида ҳам акс этмаслиги мумкин эмас, бу ерда акцияларнинг тахминан ярми ва облигацияларнинг 1/3 қисми хорижий акция ва облигациялар ташкил қилади. Қимматли қоғозлар бозорининг бундай жаҳон капитали эҳтиёжларига мослашганлиги мамлакат иқтисодиётида ҳам, йирик корпорациялар фаолиятида ҳам ижобий акс этади. «Nestle», «UBS» каби компанияларнинг акцияларига дунёнинг йирик фонд биржаларида талаб катта.

в)Германия

Швейцарияда бўлгани каби, Германия учун ҳам мамлакат фонд биржасига монопол банкларнинг кучли таъсири характерли. Энг йирик банклар фонд бозорини амалда тўлиқ монополлаштирган, улар қимматли қоғозлар чиқариш

ва жойлаштириш билан фаол шуғулланади, иккиламчи бозорда фаол қатнашади ва ўзлари қимматли қоғозлар йирик пакетларига эгалик қилади.

Жами Германияда 7та йирик фонд биржалари мавжуд бўлиб, Ганновер, Мюнхен, Штутгарт, Берлин, Дюссельдорф, Бремен ва Франкфурт-ам-Майн шаҳарларида жойлашган. Уларнинг орасида етакчи ҳисобланган Франкфурт биржаси Европанинг ҳам энг йирик биржаларидан саналади.

г)Япония

1870-йилларда Япония қимматли қоғозлар тизими билан таништирилди ва давлат облигацияларини жорий қилиш шартлари муҳокама қилина бошлади. Натижада оммавий савдо жойи зарурати вужудга келди, шу сабабли 1878 йил Токио фонд биржасига асос солинди. 1949 йилнинг 1 апрелида Токио, Осака ва Нагояда учта фонд биржаси пайдо бўлди. Шу йилнинг июлида Киото (Осакадаги фонд биржасига 2001 йил мартда қўшилган), Хиросима (Токио фонд биржасига 2000 йил мартда қўшилган), Фукуоку ва Ниигату (Токио фонд биржасига 2000 йил мартда қўшилган) қўшимча фонд биржаси ташкил қилинди. Бундан ташқари, 1950 йилнинг апрелида Саппоро фонд биржаси ташкил қилинди. Демак, Японияда энди бешта фонд биржаси мавжуд.

Токио фонд биржаси бу – ўзига хос юридик шахсдир. Унинг жами 114 аъзоси — ташкилотлар. Масалан, америка фонд биржаларидан фарқли равишда, ТФБ да хусусий шахсларнинг аъзо бўлишига йўл қўйилмайди. Биржанинг олий органи аъзолар умумий йиғилиши бўлиб, у низомдаги ўзгаришлар билан боғлиқ энг жиддий масалаларнигина ҳал қилади.

Токио фонд биржаси икки секцияга бўлинади: биринчиси — йирик корпорациялар учун, иккинчисида эса ўртача ҳажмдаги компанияларнинг акциялари муомалада бўлади. Янги аъзолар дастлаб иккинчи секцияга тушади ва фақат бир йилдан кейин биринчи тоифага ўтиш учун имтиҳон топшира олади.

Токио биржасидан фойдаланишга тобора кўплаб хорижий компаниялар катта қизиқиш билдиромқда. 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб ТФБда рўйхатга олинган хорижий фирмалар сони ўсиб борди ва 1985 йилда 120 тага

етди. Уларнинг орасида америкaнинг «Тексас инструменте», «Хьюлетт-Паккард», «Моторола», Германиянинг Дойче Банк каби компаниялари жуда машҳур.

Биржада асосий фаолият кўрсатувчи шахслар брокерлик уйлари ҳисобланади. Жами уларнинг сони 100 дан ортиқ. Бугунги кунда уларнинг энг йириклари - «Номура», «Дайва», «Никко». Улар бевосита ёки билвосита (филиаллар орқали) ўз қўлида Токио биржаси акцияларининг 50%и ўз қўлида ушлаб турибди.

Мамлакат иқтисодиётида фонд биржасининг роли ЯММ ишлаб чиқаришда акциядорлик мулкининг улуши билан белгиланади. Бундан ташқари, биржанинг роли қимматли қоғозлар бозорининг ривожланиш даражасига боғлиқ. Россия ҳали санаб ўтилган мамлакатларда кўп нарсалар ўрганиши керак.

12.4. Россия биржа тизими

Россия иқтисодиётининг бозор структурасига, мулкчиликнинг нги турларини шакллантиришга фаол ўтиши билан охирги йилларда қимматли қоғозларга, қимматли қоғозлар бозорига, фонд операцияларига тобора катта эътибор қаратилмоқда. Ғарб мамлакатлари тажрибаси фаол ўрганилиб, мамлакатимизда бундай структураларни шакллантиришнинг дастлабки босқичлари таҳлил қилинмоқда. Қимматли қоғозлар иккиламчи бозори сифатида фонд биржасига катта эътибор қаратиломқда. Тадқиқотнинг муҳим жиҳати – фонд биржасининг чайқов механизмини таҳлил қилишдир. Фонд биржасининг ўзи иқтисодий ва сиёсий ҳаётнинг объектив кўрсаткичи бўлиб хизмат қилади, шунинг учун уни яратиш Россияда мамлакатдаги вазиятни акс эттиришга олиб келиши лозим.

Мамлакатимизда биржа иши ривожланишининг янги босқичи 1990 йилда бошланди, шу йилнинг июль ойида Москва товар биржаси рўйхатга олинди. Бир йилдан сўнг биржалар сони деярли икки юзга етди. Кейинчалик биржаларнинг ихтисослашуви рўй берди. Товар биржалари ортидан товар-хомашё биржалари, сўнгра фонд ва товар-фонд биржалари пайдо бўлди.

Саноатни ва давлат мулкининг бошқа объектларини хусусийлаштириш Россия фонд бозорининг шаклланишига асос солди.

Фонд биржалари «РФ фонд биржалари ва қимматли қоғозлар чиқариш ва муомалада бўлиши ҳақидаги Қоидалар», шунингдек, қимматли қоғозлар билан битимлар тузиш бўйича ички тартиб ва Низом асосида амал қилади. Қимматли қоғозлар ҳақидаги федерал қонунга мувофиқ, Россияда фонд биржаси депозитарий фаолияти ва ўзаро мажбуриятларни аниқлаш бўйича фаолиятни истисно қилганда бошқа фаолият турлари билан савдонинг ташкилотчиси сифатидагина тан олиниши мумкин. Биржа фаолиятини амалга ошириш учун, «Корхоналар ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида»ги қонунга мувофиқ, биржанинг рўйхатдан ўтиши ва иқтисодиёт ва молия Вазирлигида лицензия олиши лозим. Фонд биржаси нотижорат ҳамкорлиги шаклида ташкил қилинади ва фақат биржа аъзолари ўртасида савдони ташкил қилади. Қимматли қоғозлар бозорининг бошқа қатнашчилари биржада операцияларни фақат биржа аъзолари воситасида амалга ошира олади. Фонд биржаси хизматчилари қимматли қогозлар бозорининг профессионал қатнашчиларининг тахсисчи ва қатнашчилари – юридик шахс бўла олмайди, шунингдек, фонд биржаси фаолиятида тадбиркорлар сифатида мустақил иштирок эта олмайди. Фонд биржалари деб, шунингдек, товар ва валюта биржаларининг фонд бўлимлари ҳам тан олинади.

«Фонд биржаси» тушунчасининг Россия ва халқаро амалиётдаги мазмуни жиддий фарқланади. Операциялар ҳажмини таққослаб бўлмайди (Россияда бу – биржада муомалад бўлган 10 тагача ва ундан бироз ортиқ қимматли қоғозлар турлари ва улар билан ойига бир неча ўнлаб операциялар, биржа фаолиятининг моддий, ахборот, кадрлар, тартибга солиш ва бошқа томонлари).

1999 йилнинг охирида Россияда 60дан ортиқ фонд ва товар-фонд биржаси, товар биржаларининг товар бўимлари расман тан олинди, бир йилдан сўнг уларнинг сони 63га етди. Ушбу биржаларнинг капитал ҳажми 3 дан 250 млн. рублгача бўлди. Москвада 5-7 та энг йирик фонд биржалари мавжуд (жумладан, Москвабанклараро валюта биржаси, Россия товар-хомашё биржасининг фонд

бўлими). Биржаларнинг низом капиталида банк инвестицияларининг улуши катта. Товар ва валюта биржаларида фьючерс ва опцион секциялар тез ривожланмоқда. Россияда биржа структуралари жаҳон микорининг 40%идан ортик. АҚШ ва Францияда 7тадан, Германия ва Японияда 8 тадан, Бюк Британияда 6 та ва Италияда 10 та фонд биржаси мавжуд. Бу жиҳатдан фақат Ҳиндистон ажралиб туради – бу 19 та фонд биржаси фаолият кўрсатаётган ягона мамлакат ҳисобланади. Унинг бозори тарқоқ ва юмшоқ ҳисобланади.

Россия фонд биржалари орасида етакчи монопол лидер ролини Москва фонд биржаси (МФБ) ўйнайди. МФБда қимматли қоғозлар билан савдо ҳажми бутун мамлакат бўйича ўтача кўрсаткичдан тўрт баравар кўп. Бу ерда энг ликвидли акциялар муомалада бўлади. МФБ нафақат бизда, балки хорижда ҳам юқори рейтингга эга бўлган айрим компанияларнинг қимматли қоғозлари билан савдо қилиш имтиёзли ҳуқуқига эга («Газпром» ОАЖ акциялари МФБ операцияларида катта улушга эга). У Россияда ўз харажатларини қоплайдиган дастлабки биржага айланди.

Россиядаги яна бир йирик биржа структураси Санкт-Петербург биржаси ҳисобланади. Унда тақдим этиладиган фонд хизматлари доираси кўп жиҳатдан москвача тўпламни такрорлайди, бироқ айланмада бўлган операциялар микёси пойтахт операцияларидан анча паст.

Россия биржа айланмасини шакллантиришда Екатеринбург фонд биржасининг (ЕФБ) ҳам роли катта. Унинг асосини Свердовск области ҳукуматининг қисқа муддатли облигациялари ташкил қилади. Маҳаллий қимматли қоғозлар бозоридаги вазият аста-секинлик билан корпоратив сектор томон ўзгармоқда. Операциялар асосий ҳажми РАО «Газпром» акцияларига тўғри келади, бироқ «Свердловзнерго», «Уралтелеком» акциялари билан мунтазам савдо очиш учун ҳам имконият мавжуд.

1997 йилнинг сентябрида Россия қимматли қоғозлар биржаси (РБЦБ) фаолият ҳуқуқи лицензиясини олди. РБЦБ ўзининг асосий мақсади деб у ишлаб топган барча пулларни у орқали исталган молиявий воситалар билан савдо қилиш мумкин бўлган, ажойиб тарзда ишлайдиган инфратузилма яратишни

ҳисоблайди. РБЦБ қатнашчилари қаторида йирик инвестицион компаниялар («РИНАКО Плюс», «Аналайз») ва банкларни («Инкомбанк», «Российский кредит») кўрсатиш мумкин.

Россия қимматли қоғозлар биржа бозори умумий бир яхлит кўринишда эмас. У қимматли қоғозлар ва улар билан боғлиқ пулларнинг хавфсиз ҳаракатланиши етарли алоқага эга бўлмаган минтақавий ёпиқ анклавларга ажратилган. 1992 йилнинг июнида биржа битимлари амалга оширилган қимматли қоғозлар турларининг 90%дан ортиғи фақат битта биржада котировкаланган. Бу қоғозларнинг барчаси ў минтақаси доирасида муомалада бўлади ва инвесторларнинг маблағлари ёпиқ бўлади ёки РМБни айланиб ўтган ҳолда Москва банк тармоғи бўйича чиқариб олинади.

Бу муаммолардан биттаси. 1997-1998 йиллардаги молиявий инқироз Россия фонд бозорининг асосий камчиликларини очиб ташлади: операциялар катта қисмининг спекулятив характери, россиялик эмитентларнинг бозорга чиқишга қизиқмаганлиги, эмитентлар капиталида акциялар йирик пакетларининг оқланмаган тарзда юқорилиги, инвестиция учун капитални жалб этиш бўйича бозор имкониятларидан фойдаланмаслик, қимматли қоғозлар бозорида ишга маҳаллий хусусий инвесторларнинг суст жалб этилганлиги, Россия акциялар бозорида хорижий инвестициялар улушининг ҳаддан ортиқ катталиги.

Фонд бозорини бирданига юқори профессионалли, фақат юқори технологиялардан фойдаланувчи (акцияларнинг ҳужжатсиз шакли) қилишга интилиш амалда акцияларнинг ҳужжатли (қоғоз) шаклини муомаладан чиқариб юборди. Бироқ бу сабабли ФБда фаолият кўрсатишдан жисмоний шахм, оммавий инвестор чиқариб юборилди, у «қўлда ушлаб кўрса бўладиган» реал, ликвидли қимматли қоғозларсиз ўз пулларини фонд бозорига олиб келмайди. Шундай қилиб, Россия қимматли қоғозлар бозори умумий структурасида бозорнинг зарур таркибий қисми – жисмоний ашхслар ўртасида корпоратив акцияларнинг ҳужжатли шакли айланмаси амалда мавжуд эмас. Акцияларни ҳужжатли шаклда чиқариш ишлаб чиқаришни у кучли эҳтиёж сезаётган

инвестициялаш учун аҳолининг маблағларини жалб қилишда самарали восита бўлиши мумкин. Ҳужжатли шаклда чиқарилган акциялар, маълум бир ҳолатларда тўлов воситаси сифатида намоён бўлиб, бунинг устига, мамлакат молия тизимига босимни сусайтириши мумкин.

Россиянинг жаҳон иқтисодий ва молия тизимига кириши натижасида унинг қимматли қоғозлар бозори ташқи таъсирларга нисбатан заифлиги яна ортади. Бозор хавфсизлиги муаммоларини тадқиқ этиш, маҳаллий ва хорижий тажрибаларни таҳлил қилиш асосида уни таъминлаш бўйича концептуал ёндашувлар ва амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқиш зарур. Бунда асосий эътиборни ўзини-ўзи тартибга солиш тамойилига эмас, бозор фаолиятини давлат томонидан тартибга солишга қаратиш лозим. Ахир ривожланган мамлакатларда у ўн йилликлар давомида шаклланган ва аста-секинлик билан унинг ишлнчли хавфсизлик тизими шаклланган. Масалан, АҚШ қимматли қоғозлар бозори хавфсизлигини таъминлаш ва ўзини-ўзи тартибга солиш тизими 1933-1934 йиллардаги молиявий инқирозлардан сўнг, қатор қонунлар қабул қилингач фаол яратила бошлаган. Узоқ вақт давомида у такомиллашиб борган ва охирги пайтларда кўпроқ ўзини-ўзи тартибга солиш харатерига эга бўлмоқда. Шундай экан, бунинг учун шарт-шароитлар, хусусан, қонунчилик-ҳуқуқий меъёрлар тайёрланмаган ўзини-ўзи тартибга солишга бирданига ўтишга ҳаракат қилмаслик, ривожланишнинг узоқ йўлига беписанд бўлмаслик лозим.

Қимматли қоғозлар бозори бозор иқтисодиётида энг тартибга солинган бозор ҳисобланади. Бозордаги муносабатлар мураккаблиги, унинг кўлами, унга хос бўлган рисклар, қатнашчилар (субъектлар) хавфсизлиги манфаатлари бозорда ишлашнинг деталли стандарт ва қоидаларини ишлаб чиқиш заруратини асослаб беради. Шу сабабли бозорнинг шаклланиш даврида хавфсизликни таъминлаш ва тартибга солиш соҳасида давлат ва унинг органлари ролини ошириш зарур. Давлат бозор фаолият кўрсатиши учун қонунчилик ва ҳукукий меъёрларни шакллантириши, ҳукукни қўллаш тизимини ташкил қилиши ва тартибга солиш функциясини бажариши лозим. давлат органлари фаолиятида

саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва ваколатларнинг чекланмаганлиги қимматли қоғозлар бозорининг миллий ва иқтисодий хавфсизлигида ўта муҳим аҳамият касб этади.

Фирибгарлик, қимматли қоғозлар билан боғлиқ айёрликларга катта эътибор қаратилиши лозим, ҳозирги пайтда улар қоидабузарликларнинг асосий улушини ташкил этмоқда. Маҳаллий ва хорижий амалиётда қимматли қоғозлар бозорининг барча воситалари билан турли фирибгарлик схемалари ва операцияларини аниқлаш, бартараф қилиш ва олдини олиш борасида катта тажриба тўпланган. Бу турли мамлакатларнинг тартибга солиш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан битимлар тузишни ва бу соҳада ўзаро алоқалар ташкио этишни талаб қилади.

Бироқ қимматли қоғозлар бозори иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда муайян қатнашчилар: банклар, акциядорлик жамиятлари, инвестицион фонд ва компаниялар, индивидуал инвесторлар ҳам катта роль ўйнайди. Ҳар бир бозор субъектининг биринчи навбатда қимматли қоғозлар билан ишлашда ўз хавфсизлигини таъминлаш бўйича мақсадлари ва бажарадиган ҳажми ва мазмуни бўйича фарқланади. Улар ташкил қилган хавфсизлик хизматлари субъектнинг ўзига хослиги ва иштирок даражасига қараб бу бозорда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқади.

Дафлат эса компания даромадлари ва фойдасини қонунийлаштириш, ҳар қандай корхонада мавжуд бўлган «яширин» иқтисодиёт улушини пасайтириш учун кўлидан келган барча нарсаларни қилиши лозим. Акс ҳолда пул маблағларини иқтисодиётда «яширин» қайта тақсимлаш шундай қайта тақисмлашга олиб келадики, бунда фонд бозори умуман керак бўлмай қолади.

Фонд бозори ва муддатли бозорни давлат томонидан тартибга солиш органларининг ўзаро алоқа қилиш тизими, бозорни инқирозга қарши тартибга солиш дастури зарур. Иқтисодиётда нарх билан боғлиқ рискларни самарали бошқаришга имкон берадиган ҳосила молиявий воситалар (фьючерс, опцион ва б.) бозорига кўпроқ эътибор қаратиш керак. Ушбу бозорнинг ривожланиши

бутун мамлакат иқтисодиёти ва хусусан, фонд бозорининг барқарорлиги ва инвестицион жалб этувчанлигини оширишда муҳим омил ҳисобланади.

Ўтган вақт давомида Россия қимматли қоғозлар бозори ва муттадли товарлар бозорида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди: қонунчилик ва ҳуқуқий-меъёрий асослар, шунингдек, қимматли қоғозлар бозори ва муддатли товарлар бозорининг инфратузилмаси пайдо бўлди, ривожланган воситалар яратилди, бозорда маҳаллий ва хорижий инвесторлар иштироки кенгайтирилди, бозор қатнашчиларининг турли тоифалари, профессионал қатнашчилар бирлашмалари пайдо бўлди ва ҳ.к.

Яна бир муаммо – бозорда кичик ва ўрта корхоналар акцияларининг муомалада бўлиш зарурати, бу фонд бозори ва бутун иқтисодиётнинг барқарорлашувига хизмат қилади. Муаммо минтақавий савдо тизимининг: биржа, депозитарий, ахборотни очиш тизими ва ҳ.к. ташкил қилиниши билан ҳал этилиши мумкин.

Бу вазият фонд бозори ва бутун мамлакат иқтисодиёти ривожланишининг чуқур, асосий муаммоси – барча даражадаги сиёсатчи ва бошқарувчиларда иқтисодиёт ҳақида тўғри ташкил қилинган таркибий қисмлар тўплами бўлиши лозим, улардан бирортасининг йўқлиги бутун тизимнинг ишини тўхтатиб қўйиши мумкин бўлган тизим сифатида тасаввурнинг йўқлигини кўрсатиб беради. Товар соҳасида бозор муносабатларининг ривожланиши – бозор иқтисодий тизимининг битта, лекин асосий бўлмаган элементларидан саналади. Қимматли қоғозлар бозорининг ўзи – асосий элемент эмас, бироқ бутун тизим усиз ишламайди.

Халқаро бозорларда инвестицион капитални жалб этадиган хусусий эмитентларга тавсия этилиши мумкин бўлган Россиялик қимматли қоғозлар эмитенти ҳақида ахборотни очиш тизимининг йўқлиги Россия корхоналарининг хорижий инвестицион капитални жалб этиш бўйича имкониятларини жиддий чеклайдиган муаммолардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, инвестицион капитални жалб этувчи ва тил билан боғлиқ тўсиқларни баратараф қилишга кўп маблағ сарфлайдиган компаниялар инвесторлар кўз ўнгида ижобий имиджга

эга бўлади ва аста-секинлик билан ўзи ҳақида ахборотни тўлароқ очиб бериш боскичларини босиб ўтиб, ўз бизнесини ривожлантириш учун катта ресурслар жалб этиши мумкин. Бироқ бундай механизм фақат айрим, қоидага кўра йирик компанияларнинг қўлидан келади. Афсуски, молиявий ва хўжалик фаолияти ҳақидаги ахборотнинг ишончлилигига давлат кафолатларининг йўқлигни сабабли улар ҳам бу механизмдан тўлиқ фойдаланмайди.

Ҳал қилиш керак бўлган биринчи (энг содда) вазифа россиялик эмитентларнинг турли хорижий бозорларда қимматли қоғозларни жойлаштириши учун ҳам, хорижий қимматли қоғозлар эмитентларининг уларни миллий бозор тизимида жойлаштириши учун ҳам ахборотни очиш услубиятлари ва тавсияларни ишлаб чиқиш бўлиши лозим.

РФ қонунчилигида РФ ҳудудида хорижий эмитентларнинг қимматли қоғозларини чиқаришни рўйхатга олиш ва уларни жойлаштиришни тартибга соладиган махсус меъёрий ҳужжатлар йўқ. Бунинг иқтисодий сабаби шундаки, қонун чиқарувчи ва ижрочи ҳукумат томонидан фонд бозорини тартибга солиш соҳасида бирламчи вазифа сифатида хорижий инвестициялар ва инвесторларни жалб этиш ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича вазифа кўриб чиқилади. Хорижий қимматли қоғозлар эмитентлари, яъни РФга инвестицион капитални жалб қилаётган шахслар учун ҳуқуқий базани ривожлантириш масаласи эса энг яхши ҳолатда бирламчи сифатида қабул қилинмайди. Шу билан бир пайтда, Россия иқтисодиётини қайта тиклаш дастурининг муваффақияти МДҲ мамлакатлар сонат комплексларига инвестициялар жараёни билан боғлиқ бўлиб, уни амалга ошир механизми РФ фонд бозори доирасида «халқаро» инвестицион воситалар бозорини яратиш бўларди.

Россияда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонунчилик ҳеч бўлаганда қимматли қоғозлар таърифи ва акциядорлик жамияти омделини мослаштириш борасида қўшимча ишлашни талаб қилади, бусиз инги-аерика ҳуқуқ тизими амал қиладиган мамлакатларда таъсир қилинган ёки унниг элементлари бўлган хорижий юридик шахсларнинг қимматли қоғозлари бўйича

ҳуқуқий муносабатлар тўлиқ тавсифланмаслиги ва амалдаги модел доирасида мослаштирилмаслиги мумкин.

Кўриниб турибдики, РФда хорижий эмитентнинг қимматли қоғозларини рўйхатга олиш ва уларнинг момалада бўлишида ва россиялик инвесторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш учун қимматли қоғозлар эгасига унинг учун энг қулай ҳуқуқий режим тақдим этадиган мамлакат ҳуқуқини қўллашимконияти кўзда тутилиши лозим.

Россия фонд бозори учун 1998 йил огир синовлар йили бўлди. 199й ил бошланган жаҳон молия инқирози ривожланаётган мамлакатларга, жумладан, Россияга қаттиқ зарба берди. Россия қимматли қоғозлар бозорининг пасайишига «Осиё инқирози» ва нефть нархининг пасайишидан кўра кўпроқ ички сабаблар – валюта инқирози, банк тизимининг инқирози ва аввало давлат қарзлари (биринчи навбатда, ички қарзлар) инқирози сабаб бўлди.

Молиявий инқироз Россиянинг инвестицион жалб этувчанлигига салбий таъсир этди. Россиялик ва хорижий инвесторлар давлат қарз мажбуриятларининг бажарлимаслиги, ГКО-ОФЗ бозорининг тўхтатиб қўйилиши ва Россия банкларининг мажбуриятларига мораторийнинг ноқонуний жорий қилиниши; Россия корпоратив қимматли қоғозлар нархининг кескин тушиб кетиши ва уларнинг молиявий инқироз туфайли ликвидлигини йўқотиши; банк тизимининг тўлиқ фалаж бўлиб қолиши; ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин пасайиши, экспорт-импорт операциялари шартларининг мураккаблашуви, эмитентларнинг молиявий аҳволи ёмонлашуви натижасида жуда катта йўқотишларга учради.

Инқироз аҳолининг қимматли қоғозлар, инвестицион институтлар ва банкларга қўйилмалар киритишга ишончини узоқ вақтга йўқотди.

Иккинчидан, Россиялик эмитентларнинг қимматли қоғозларига ишонч йўқолди, хусусан, Россиялик компанияларда мамлакат ҳудудида ва чет элда қимматли қоғозлар эмиссияси ҳисобига маблағлар жалб қилиш имконияти кескин қисқарди; давлатнинг унга тегишли бўлган Россиялик йирик

компанияларнинг акциялар пакетини сотиш ва янги қарз мажбуриятларини жойлаштириш имконияти торайди.

Бундан ташқари, 1998 йилда акциялар нархининг пасайиши натижасида «бегона» акциядорларга қарши янги акциялар эмиссиясидан фойдаланиш ҳисобига мулкчилик ҳуқуқини фаол қайта тақсимлаш рўй берди, бу Россия ФКЦБ томонидан мос келувчи ҳаракатларни ва акциялрлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича чораларни талаб қилди.

Учинчидан, молиявий инқироз давлат қимматли қоғозларига қўйилмалар киритган ва катта ўқотишларга учраган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал қатнашчилари ва жамоавий инвестициялаш институтлари учун жиддий синов бўлди. Ликвидликнинг кескин пасайиши бизнесни амалга ошириш учун имкониятларни пасайтирди, қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчилари сони ва маблағларнинг бир қисмини кўнгилил равишда ёки қонунчилик талаблари асосида давлат қимматли қоғозларида ушлаб турган жамоавий инвестициялаш институтлари фонд бозорида банд бўлганлар сонининг қискариши яққол тенденцияси пайдо бўлди.

Шу билан бир пайтда молиявий инқироз қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчиларининг марказлашуви ва ихтисослашган регистраторларнинг йириклашувига хизмат қилди.

Ҳаворанг фишкалар: РАО «ЕЭС России», «НК ЛУКОЙЛ» ОАЖ, «Мосэнерго» ОАЖ, РАО «Норильский никель», РАО «Рос-телеком», «Сургут-нефтегаз» АЖ, «Иркутск-энерго» АЖ, «Мегион-нефтегаз» АЖ.

Давлатнинг бозорни салбий таъсирдан ҳимоя қилиш ва давлат қимматли қоғозлар пирамидалари ёки фирибгарлик молиявий пирамидалари оммавий синиши кабиларга йўл қўймаслик қобилияти унинг миллий ва иқтисодий хавфсизлик ҳолатининг асосий тавсифномаси ҳисобланади.

Давлатнинг макроиқтисодий ва сиёсий вазифалар мажмуи сифатида тушуниладиган Россиянинг қимматли қоғозлар бозорига нисбатан миллий манфаатлари бугунги шароитларда қуйидагиларни қамраб олади: қимматли қоғозлар бозори қатнашчиларининг давлат ва унинг молиявий институтларига

ишончини тиклаш; аввало ички ресурсларни ишга солиш жвазига кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш; иқтисодиётнинг ижтимоий йўналганлигини ошириш ва фуқароларнинг молиявий хавфсизлигини таъминлаш.

Қонун чиқарувчи Россия фонд бозорининг халқаро нуфузи юқорилигини сақлашнинг самарали ва ишга лаёқатли назорати аҳамияти катта эканлигини ҳисобга олиши зарур. Ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар маҳаллий қимматли қоғозлар бозорининг халқаро майдондаги рақобатбардошлигини оширишга йўналтирилиши лозим.

Бозор хавфсизлигининг муҳим таркибий қисми қимматли қогозлар бозори бўйича Федерал комиссия (Россия ФКЦБ) ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органларининг қоидабузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва жазолаш бўйича фаолияти ҳисобланади.

Бироқ бозор учун яхши қонунчилик ва ҳуқуқий асосларни яратишнинг ўзи қонунларнинг ижро этилиши ва ҳуқуқни қўллаш тизимларини ташкил қилмасдан бозорнинг хавфсизлигини таъминлай олмайди. Ҳуқуқни муҳоаза қилиш, суд ва тартибга солиш органлари ишини мувофиқлаштириш зарур. Бунинг учун қонунчилик тартибида Россия ФХХ, ИИВ ва солиқ органларининг назорат функцияларини кенгайтириш, уларнинг фаолият соҳасини чегаралаш ва уларга мос келувчи ваколатлар бериш зарур. бу идораларнинг ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимлари юқори малакага ва ихтиослашувга эга бўлишлари лозим.

Бунга ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида махсус бўлинмалар ташкил қилиш ва олий ўқув юртларида бу соҳада ишлашга махсус ўргатиш йўли билан эришиш мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солишда Россия ФКЦБ роли жуда катта. Фонд бозорини давлат томонидан тартибга солишни фаоллаштириш учун унинг мақомини ошириш лозим, ФКЦБ ҳам мос келувчи ваколатлар билан таъминланиши керак. Унда хавфсизлик бўлинмалари ташкил қилиш мақсадга мувофиқ (бошқа давлатлардаги комиссиялар каби).

Давлат томонидан тартибга солишнинг устувор йўналишларидан бирига ахборотни очиш ва қимматли қоғозлар бозорининг «шаффофлик» даражасини ошириш бўйича ишларнинг давом эттирилиши бўлиши лозим.

Россияда ҳозирги пайтда энг муҳим сиёсий ва иқтисодий муаммо хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва инвесторлар ва товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш ҳисобланади. Бу мақсадларда қонунчиликни янада такомиллаштириш, инвесторлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг чора-тадбирларини мувофиқлаштириш зарур. Акциядорлик жамиятларида акциялар давлат улушининг хавфсизлигини таъминлаш тизими ишлаб чиқилиши лозим.

Вексель муомаласида элементар тартибга солиш ва қимматли қоғозлар бозорининг бу сегменти хавфсизлигини таъминлаш бўйича қўшимча чоралар кўришсиз мамлакатнинг молиявий ва иқтисодий муаммоларини ҳал этиб бўлмайди. Векселлар муомаласи соҳасининг умумий ахборот массиви яратишни якунлаш лозим.

Шундай қилиб, маҳаллий қимматли қоғозлар бозори хавфсизлигини шакллантириш, тартибга солиш ва таъминлашда давлатнинг ролини кучайтириш ҳаётий зарурат ҳисобланади ва мамлакат ҳукумати томонидан мос келувчи чоралар кўришни талаб қилади.

ХУЛОСА

Акцияларини биржа рўйхатига киритиш истагида бўлган эмитент-компаниялар учун қоидаларни биржаларнинг ўзи белгилайди, шу сабабли ҳар бир биржада қимматли қоғозларни котировкага қўйишнинг ўз «технология»си мавжуд. Акцияларини муайян биржада котировкалаш истагида бўлган компанияларга талаблар ҳам фарқланади.

Биржа бу – акцияларнинг бозор қийматини қўллаб-қувватлаш тизими. Компаниялар бирлаштириш ва қўшиб юборишда активларни баҳолаш акцияларнинг бозор қиймати курсига таянади, китоб, баланс курсига эмас. Қатор мамлакатларда листинг компаниянинг солиққа тортишда жиддий чегирмалар тақдим этиш учун асос ҳисобланади. Ва ниҳоят, бундай варақларда

турган компанияларга, қоидага кўра, кредит ва заемга эҳтиёж сезилганда банк ва молиявий институтларнинг ишончига эришиш, шунингдек, листинг акцияларига конвертацияланадиган янги облигациялар чиқариш осонроқ бўлади. Шу тариқа, листинг бу – бозорни қўллаб-қувватлаш тизими, у уюшган бозор учун қулай шароитлар яратади, энг ишончли ва сифатли қимматли қоғозларни аниқлашга имкон беради ва уларнинг ликвидлигини оширишга хизмат қилади.

Жаҳондаги энг нуфузли биржалар Нью-Йорк биржаси (бу ерда АҚШдаги жами қимматли қоғозларнинг 85-90%и сотилади), Лондон биржаси, Токио биржаси ва Париж биржаси ҳисобланади.

ТАЯНЧ СЎЗЛАР

Биржа, листинг, АҚШ Биржа тизими, Нью-йорк фонд биржаси, Америка фонд биржаси, NYSE, биржа аъзоси, институционал инвесторлар, AMEX, Буюк Британия фонд биржаси, Лонд фонд биржаси, уч тоифа, маркетмейкер, дилерлараро брокерлар, пул брокерлари, Париж фонд биржаси, Швейцария фонд биржалари, ҳалқаро йўналганлик, Германия фонд биржалари, 7 та фонд биржаси, Токио фонд биржаси, икки секция, хорижий компаниялар, брокерлик уйлари, Москва Товар биржаси.

НАЗОРАТ ВА МУХОКАМА УЧУН САВОЛЛАР

1) Биржанинг моҳияти тушунтиринг?
2) АҚШ биржа тизими ҳақида тушунчангиз.
3) Буюк Британия биржа тизими.
4) Франция, Швейцария, Германия ва Япония биржа тизимлари.
5) Россия биржа тизими.

БИРЖАГА ОИД МАЛУМОТЛАР

Маълумки, Ўзбекистонда товар бозорларининг тикланиши 1992 -йилга тегишлидир. Бунга товар ресурслари, моддий-техника таъминот фондларини марказлаштирилган тақсимлаш тизимининг бекор қилиниши ва нархларнинг боскичма-боскич эркинлашуви ёрдам берди. Муқобил сифатида биржа савдосининг механизми ишга тушириддн. 1993—1994 -йиллар даврида чакана ва улгуржи савдо корхоналарининг кичик хусусийлаштирилиши жараёни амалга оширилди. Бу эса товар бозорларининг вужудга келиши учун шароит яратди. Бу вақт давомида бутун чакана савдо тармоғи хусусийлаштирилди.

1995 -йилгача аҳолини ижтимоий ҳимоялаш мақсадида баъзи биринчи эҳтиёж товарлари (ун, ўсимлик мойи, шакар ва бошқалар)нинг нархлари марказлаштирилган тартибда меъёрий сотиш тартибида белгиланар эди. Бироқ 1995 йиддан бошлаб товарларнинг барча субсидиялари бекор қилинди, бу мавжуд чеклашларни бекор қилди ва тўлақонли товар бозорларининг шаклланиши учун шароит яратди. Кейинчалик бу жараённинг боришига истеъмол товарларини ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши, фуқароларнинг шахсий хўжалик юритишлари учун давлат томонидан ажратилган ерларнинг икки марта кўпайтирилиши, истеъмол товарларини ишлаб чиқариш соҳасида кичик ва ўрта корхоналарнинг ривожланиши ижобий таъсир кўрсатди.

Сертификатлаш деганда маҳсулотнинг халқаро, миллий андозалар, тавсиялар ва бошқа ҳужжатлар талабларига мос келишини тасдиқлаш бўйича фаолият тушунилади. Сертификатлаш соҳасидаги давлат сиёсатини Ўзбекистон Давлат Стандарти шакллантиради ва амалга оширади. У республика ҳудудида сертификацияни ўтказишнинг умумий қоидалари ва тавсияларини белгилайди, сертификация тизимини ва мувофиклик белгиларини давлат рўйхатидан ўтказади. Сертификацияни белгилаш кўп режали фаолият: у харидорларни ўзига ва муҳитга хавф солувчи товарлардан ҳимоя воситаси, савдодаги энг муҳим тарифсиз тўсиқ ва илмий-техника тараққиётини тезлаштиришнинг омили ҳамдир.

Сертификатлаш уч шаклда амалга оширилиши мумкин: бевосита маҳсулотни ишлаб чиқарувчи томонидан амалга ошириладиган ўз-ўзини сертификатлаш; Давлат Стандарти ва унинг регионал органлари томонидан сертификатни бериш билан амалга ошириладиган миллий сертификация ва учинчи томон сертификацияси, яъни юқори даражали сертификат иши йўлга қўйилган мамлакатлар муассасалари томонидан сертификатлаш.

Малакали сертификация мезонлари қуйидагилар бўлиши мумкин:

- *андозалар, шартномалар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланадиган маҳсулотга қўйиладиган талабларни текширишнинг аниқлиги ва тўлиқлиги;*
- *сертификатлаш сифати учун жавобгарлик ва сертификатларнинг мувофиқлиги;*
- *синовларнинг усуллари, сифатни назорат қилиш тизими ҳақидаги ахборотнинг истеъмолчилар учун очиқлиги, уларнинг боришини кузатиш имконияти;*
- *комплекс синовлар ва хом ашёдан тортиб ўрам ва товар маркировкасининг сифатини назорат қилиш тизимининг юқори даражалилиги ва объективлиги.*

Истеъмолчилар ва тадбиркорлар ўртасидаги муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида»ги 1996 -йилги Қонуни билан тартибга солинади. У истеъмолчиларнинг тегишли сифатдаги товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилиш, уларнинг ҳаёт ва соғлиғининг хавфсизлиги, товар ва уни ишлаб чиқарувчилар ҳақида маълумот олиш, уларнинг манфаатларини давлат ва жамоатчилик томонидан ҳимоялаш, истеъмолчиларнинг жамоат ташкилотларига бирлашиш ҳуқуқларини белгилайди, шунингдек, бу ҳукукларни амалга ошириш механизмини аниқлаб беради. Ҳозирги вақтда истеъмолчиларнинг пастки жамоатчилик структураларини яратиш, уларнинг юқори органлар ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоялаш бўйича бошқа оралиқ манфаатдор муассасалар билан ўзаро алоқаларини белгилаш бўйича ишлар амалга оширилмокда.

ГЛОССАРИЙ

Абсолют эҳтиёж — умуман кишилар тасаввур қилиши мумкин бўлган эҳтиёж, у чексиздир.

Антимонопол сиёсат — иқтисодиётни якка ҳукмронликдан халос этиш ва монополияларни чеклаб қўйишга йўналтирилган давлат сиёсати.

Анъанавий маркетинг тизими — товар тарқатиш иштирокчиларининг тўла мустақиллигига асосланган канал.

Асл истеъмолчи — аҳоли, шахс, оила, бюджет муассасалари.

Аукцион — товарларни жамоа савдосида олувчилар томонидан энг юқори белгиланган баҳода сотиш.

Акция назорат пакети — ширкат жамиятига раҳбарлик қилиш учун ҳал қилувчи овоз сонини берувчи акциялар миқдори. -расмий равишда бу пакет эллик фоиз плюс бир акцияни ташкил этиши керак, амалда эса 15—20 фоиз ва ундан ҳам кам акцияларга эга бўлиш етарли.

Абстракт эҳтиёж — кишиларда ҳали аниқ тасаввур шаклини олмаган, ноаниқ, мавҳумлик характерига эга бўлган орзуҳаваслар кўринишидаги эҳтиёж.

Банк кредити — даромадни фоиз кўринишида олиш мақсадида банк томонидан қарзга пул бериш.

Банкротлик (синиш) — корхона, фирма ёки фуқаронинг маблағ етишмаслигидан ўз мажбуриятлари бўйича қарзларни тўлашга қурби етмаслиги.

Барқарор талаб — талабнинг ўсиб, шаклланиб бўлгандан сўнг асосан бир даражада сақланиб қолиши.

Бартер — пулсиз, товарга эгалик ҳуқуқини бошқага ўтказишдан иборат товар айирбошлаш фаолияти.

Бевосита канал — товарнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача ҳаракатида бир воситачи иштирок этадиган йўл.

Бизнес — қонуний воситалар ёрдамида даромад олиш мақсадида қилинадиган ташаббускорлик.

Биржа — мунтазам равишда амал қилувчи кўтара савдо бозорининг энг ривожланган шакли.

Бирламчи талаб — янги товарга пайдо бўладиган ва шаклланадиган дастлабки талаб.

Бозор — кенг маънода муомала соҳаси бўлиб, товар айирбошлаш муносабатлари ва жараёнлари мажмуи.

Бозор бўгини — талабистаклари, бозордаги хатти-ҳаракатлари, маркетинг воситалари таъсирига жавоблари бир хил ўхшаш бўлган истеъмолчилар гуруҳи.

Бозор бўшлиғи — қандайдир талаблари (эҳтиёжлари) қондирилмай қолган истеъмолчилар гуруҳи.

Бозор диверсификацияси — мавжуд бозорни кенгайтириш, янга бозорларга чиқишга мўлжалланган маркетинг стратегияси.

Бозор етакчиси нархи — аниқ товар сотишда ҳиссаси катта бўлган корхона товарига белгиланадиган нарх бўлиб, бошқаларнинг нархларидан пастроқ ёки юқорироқ бўлиши мумкин.

Бозор инфраструктураси — бозор муносабатлари ва жараёнларини амалга оширишга, уларнинг иштирокчиларига турли хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар, корхоналар, шахслар тўплами.

Бозор катаги — бозорнинг бир ёки бир неча ўхшаш товар таклиф этадиган корхоналар эгаллаган (эгаллаши мумкин бўлган) бўлаги қисми.

Бозор конъюнктураси — бозорнинг талаб ва таклиф мутаносиблигидан келиб чиқадиган маълум пайтдаги (даврдаги) ҳаракатчан ҳолати.

Бозор механизми — бозор объектив қонунларининг ўзаро таъсир ва боғлиқликда амал қилиш шакли.

Бозор мувозанати — бозорда талаб билан таклифнинг ўзаро тўла мутаносиб бўлган вазият.

Бозор муносабатлари — товар айирбошлаш бўйича ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар, сотувчилар ва харидорлар ўртасида содир бўладиган мулоқотлар, музокаралар, келишувлар мажмуи.

Бозор нархи — бозорда аниқ товарлар бўйича талаб ва таклифнинг тўла мутаносиб бўлиши ҳамда рақобат таъсири натижасида шаклланадиган нарх.

Бозор потенциали — истеъмолчилар харид қобилияти билан белгилайдиган товар сотиш имкониятлари.

Бозор сиғими — маълум бозорда ва пайтда аниқ товарни сотиш мумкин бўлган энг катта миқдори; у шу товарга бўлган талаб билан белгиланади.

Бозор структураси — бозорнинг алоҳида бўғинлари, бўлаклари, қисмлари, қатламлари, катаклари тўпламидан иборат ўзаро боғлиқ ички тузилиши.

Бозор улуши — корхонанинг бир хил ёки ўхшаш товарлар сотишдаги ҳиссаси.

Бозор янгилиги — бирор бозорда биринчи марта таклиф этиладиган товар, унинг янги тури, варианти, ўрами ва ҳоказолар.

Бозорга кириш нархи — янги товарнинг бозорга кириш ёки мавжуд товарнинг янги бозорга кириш босқичида белгиланган ва амал қиладиган нарх.

Бозорга кириш стратегаяси — янги товарни бирор бозорга киритиш учун маркетинг комплексини қўллаш тартиби.

Бозорга чуқурроқ сингиш стратегияси — мавжуд товарни мавжуд бозорда сотишга қаратилган маркетинг стратегияси.

Бозорни эгаллаш стратегияси — аниқ бозорда кўзда тутилган ўрин ва мавқега эришиш учун маркетинг комплексини қўллаш тартиби.

Бозорнинг «қаймоғини териш» стратегияси — бозорда тамоман (принципиал) янги товарни юқори нархда сотиб, ўртачадан кўпроқ фойда олишга мўлжалланган маркетинг стратегияси.

Бошлангич нарх — товарлар, хизматлар ишлаб чиқарилганда биринчи марта белгиланадиган дастлабии нарх.

Брокер — қимматбаҳо қоғозларни, фонд ва товарларни товар биржасида сотувчилар ва олувчилар ўртасидаги воситачи (даллол).

Буюртма — аниқ товарни аниқ миқдор, ассортимент, вақтдаишлаб чиқариш ёки етказиб бериш учун тақдим этиладиган -расмий хабарнома шакли.

Валюта — муайян мамлакатнинг пул бирлиги (масалан, АҚШ да— доллар, Олмонияда — марка, Япониада — йена ва ҳоказо).

Валюта курси — бир мамлакат пул бирлигининг (миллий валюта) бошқа мамлакат (чет эл валютаси) пул бирлигида ифодаланган баҳоси.

Вексель— тижорат кредити дастаги. Бу шубҳасиз қарзнинг пул ҳужжати, аниқ шаклга эга бўлган махсус тилхат тури.

Вертикал маркетинг тизими — бир канал иштирокчиларининг уларнинг бири раҳбарлиги ёки назорати остида бирлашиши натижасида ҳосил бўлган товар тарқатиш тизими.

Воситачи — ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида товарлар олди-сотди ишларини уюштириш ва амалга ошириш билан шуғулланувчи ташкилот, корхона, шахс.

Воситачи нархи — бир-биридан фарқ қиладиган харид нархи ва сотиш нархи шаклида бўлиши мумкин.

Горизонтал диверсификация — илгари ишлаб чиқарилган маҳсулот хилига технологик алоқаси бўлмаган янги маҳсулотларни ишлаб чиқариш.

Горизонтал маркетинг тизими — каналнинг бир поғонасида (бўғинда) фаолият кўрсатадиган корхоналарнинг бирлашиши натижасида ҳосил бўлган товар тарқатиш тизими.

Даврий талаб — ҳар замонҳар замонда пайдо бўлиб, қондириладиган ва такрорланиб турадиган талаб.

«Дала» тадқиқотлари — бозорни ўз жойида ўрганиш ва бевосита яқинликда бозорнинг талаблари, савдо жараёнлари қоидалари, маҳсулот, нарх ва бошқа шартлари билан ҳар томонлама танишиш.

Даромадларни индексациялаш — баҳоларнинг ошиши билан боғлиқ аҳолининг қўшимча харажатларини вақтивақти билан иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ҳоказоларни ошириш орқали қоплаш.

Дастлабки (бирламчи) ахборотлар — муайян маркетинг тадқиқоти ўтказилиши учун мўлжалланган янгитдан йиғиб олинган маълумотлар.

Дебитор — қарздор, ссуда (қарз олган шахс) корхона, ташкилот, алоҳида фуқаро.

Декларация — солиқ солиш лозим бўлган даромадларининг ҳажми ва манбалари тўғрисидаги солиқ тўловчининг молия ташкилотларига аризаси.

Демаркетинг— хизмат ва товарлар ишлаб чиқариш имкониятлари ёки товар ресурсларига нисбатан талаб даражасининг кескин ошиб кетиши олдини олувчи тадбирлар.

Демонополизация — иқтисодиётдаги танҳо ҳукмронликдан (монополиядан) эркин, рақобатга асосланган соҳибкорлик фаолиятига қайта ўтиш.

Демпинг — рақобатчиларни хонавайрон қилмоқ учун ички ва ташқи паст баҳода кўп мол чиқариш.

Демпинг нарх — товар таннархидан паст нарх.

Депозит— корхона, ташкилот ва аҳолининг банкда сақланаётган пули.

«Директ — мейл» — истеъмолчиларга босма реклама, товар намуналарини ва бошқа материалларни тўғридан-тўғри почта орқали жўнатиш; аниқ адресли реклама.

Доимий (стандарт) нарх — аниқ товарларга белгиланган ва нисбатан узоқ вақт амал қиладиган барқарор нарх.

Дотация— зарарга ишловчи корхоналарнинг даромадларидан ортиқча харажатларини қоплаш учун давлат томонидан бериладиган пул маблағлари.

Етакчи товар нархи — бирор ассортимент гуруҳида энг катта талабга эга бўлган товар бўлиб, истеъмолчиларни бутун ассортиментга кўпроқ жалб этиш мақсадида унга нисабатан пастроқ нарх белгиланиши.

Жамият эҳтиёжи — бутун жамиятга хизмат қиладиган, умумжамият миқёсига эга бўлган нарсаларга бўлган эҳтиёж.

Жамоа истеъмоли — маълум жамоа аъзолари, одамлар гуруҳининг бирор нарсага бўлган умумий эҳтиёжини қондириш жараёни.

Жамоа талаби — жамоанинг айрим товарларга бўлган умумий талаби.

Жамоа эҳтиёжи — бутун жамоага керак бўладиган ва хизмат қиладиган нарсаларга бўлган эҳтиёж.

Жамғарма банклар — аҳолининг пул жамғармаларини мужассамлантиради ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича турли хил операцияларни амалга оширади.

Жамланма (концентрик) диверсификация — фирма техникавий ёки бозор нуқтаи назаридан корхонанинг илгариги товарларига ўхшаш янги маҳсулотни ишлаб чиқариш.

Жорий нарх — аниқ товарга шаклланиб, амал қилиб келаётган нарх.

Зарурий таклиф — мавжуд талабни тўла қондириш учун керак бўладиган товарлар, уларнинг турлари ва ҳажми.

Зиёнсиз ишлаш нархи — корхоналарнинг товар ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларини қоплайдиган нарх.

Ижтимоий-ахлоқий маркетинг концепцияси — фирманинг вазифасига якка шахсларнинг талабини ўрганиш, таҳлил қилиш, бу талабларни самарали қондириш, умуман олганда, жамият бутунлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш жараёнлари.

Иккиламчи ахборот — фирманинг қўл остидаги ўрганилиши лозим бўлган маълумотлар (ички ҳисоботлар, статистик маълумотномалари, босма нашрлар, телеграф агентликлари ахборотномалари ва ҳоказо).

Имиж — фирма, товар, хизматлар қиёфаси, овозаси, сиймоси; фирманинг бозордаги ва истеъмолчилар ўртасидаги обрўси, харидорнинг фирмага хайрихоҳлиги.

Имитация— бозор ҳодиса ва жараёнинй нусхасида тиклаб ўрганиш усули.

Имтиёзли нарх — айрим истеъмолчилар ёки айрим пайтда қўлланиладиган одатдагидан пастроқ нарх.

Инвестиция— бирорта корхона, тармоққа узоқ муддатга пул сарф қилиш.

Инвестициячи— инвестицияни амалга оширувчи маблағ эгаси.

Институцион реклама — фирманинг обрўсини яхшилашга қаратилган тадбир.

Инфляция— қоғоз пулларнинг қадрсизланиши, талабга нисбатан пул бирликларини ортиқча чиқариб юбориш ёки муомаладаги пул миқдори ўзгармаган ҳолда товарларни ишлаб чиқариш қисқариши натижаси.

Исталган нарх — ишлаб чиқарувчи, сотувчи ўз товарига қўйишни мўлжаллаган нарх.

Истеъмол даражаси — маълум пайтда ҳақиқий истеъмолнинг исталган, мўлжалланган ёки рационал истеъмолга нисбатан эришган даражаси.

Истеъмол бўйича руҳшунос — инсоннинг харидорлик ақидалари, одатлари ва кўникмалари билан боглиқ ҳислатлари ва қарашларини ўрганувчи мутахассис.

Истеъмол — маҳсулотдан фойдаланиш, уни ишлатиш жараёни.

Истеъмол меъёри — маҳсулотлар истеъмоли рационал даражасининг кўрсаткичлари.

Истеъмол структураси — истеъмол йўналишлари ва истеъмол қилинадиган маҳсулотлар турлари.

Истеъмол товарнинг хизмат муддати — маҳсулотнинг ўз истеъмол хоссаларини йўқотмай сақлаб туриш даври.

Истеъмолчи — ўз эҳтиёжини қондириш учун маҳсулот, товар, хизматлардан фойдаланадиган шахс, оила, жамоа, корхона, ташкилот, муассаса.

Истеъмолчи жамоа — корхоналар, ташкилотлар, муассасалар ва бошқа жамоалар.

Истеъмолчилар «панели» — кўп марта маркетинг тадқиқотлари учун махсус танлаб олинган, синаладиган кишилар мажмуи.

Истеъмолчилар талаби — маълум пайтда ёки даврда истеъмолчилар эҳтиёжининг тўлов воситаси билан таъминланган қисми; тўлов қобилиятига эга бўлган эҳтиёжи; одамда бирор нарсага талаб пайдо бўлиши учун ўша нарсага эҳтиёжи ва шунга яраша маблағи бўлиши керак; бозор механизмининг муҳим

элементи бўлиб, харидор томонидан бозорга чиқади; эҳтиёжнинг бозорда кўриниши, қондириш шакли.

Истеъмолчилар харид қобилияти — истеъмолчиларнинг ўзларига зарур товарларни (хизматларни) сотиб олиш учун молиявий имкониятлари бўлиб, харид фондларининг товарлар нархларида ифодаланган шакли.

Истеъмолчилар харид фондлари — истеъмолчилар (аҳоли) пул даромадларининг товарлар сотиб олиш учун мўлжалланган ва ажратилган қисми.

Ишлаб чиқариш баҳоси — фирманинг айнан маҳсулотни ишлаб чиқариш ва маркетингга сарфланган харажатларига кутилаётган даромад ҳажмини қўшиш орқали аниқланади.

Ишлаб чиқариш нархи — товарни (хизматни) ишлаб чиқариш билан бевосита ва билвосита боғлиқ бўлган харажатлар қиймати.

Камситиш нархи — айрим истеъмолчиларга бошқаларга қараганда юқорироқ қилиб белгиланадиган нарх.

Кечиктирилган талаб — бирор сабабга кўра ҳозир қондириш иложи ёки зарур бўлмай, маълум вақтдан сўнг қондириладиган талаб; у қондирилмаган талабнинг бир кўриниши ҳисобланади.

Клиринг — тарифлар ўзаро тўлов мажбуриятларини нақд пул тўламай қоплаш халқаро савдоси.

Коммивояжер — савдо фирмасининг сайёр агенти, намуналар, каталоглар ва бошқалар ёрдамида товарларнинг сотилишини таъмин этувчи мутахассис.

«Кабинет» тадқиқотлари — расмий босма ахборот манбалари асосида умумхўжалик конъюнктураси ҳолатини, айрим бозорлар тараққиётини, айрим мамлакатлар иқтисодиётини ўрганиш ва улар тўғрисида тегишли тасаввурлар бериш.

Конверсия — мудофаа саноатини халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришга айлантириш.

Конверсиллантирувчи маркетинг — истеъмолчиларнинг айрим товарларга бўлган салбий муносабатларини маҳсулотнинг сифатини ва фойдаланиш хусусиятларини яхшилаш йўли билан бартараф қилиш.

Конверсияланувчи валюта (айланувчи) — бир мамлакатнинг бошқа мамлакатникига эркин айирбошланадиган пул белгиси.

Конкрет эҳтиёж — кишилар яққол тасаввур қиладиган ҳамда қондириш йўллари ва воситалари ҳам аниқ бўлган эҳтиёж; аниқ нарсалар, уларнинг аниқ турларига бўлган эҳтиёж.

Конъюнктура — муайян товарларга тўлаш имконияти ва унинг таклифи ўртасидаги нисбат.

Корпорация маданияти — компанияда қабул қилинган асосий фалсафий қоида ва ғоялар ҳамда қадриятлар тизими.

Кузатиш — мавжуд шароитда кишиларнинг хатти-ҳаракатини, хулқини бевосита ҳисобга олиш.

Кундалик истеъмол товарлари — ҳар куни ёки тез-тез сотиб олинадиган ва истеъмол қилинадиган товарлар.

Кундалик талаб — ҳар куни ёки тез-тез сотиб олинадиган ва истеъмол қилинадиган товарларга бўлган талаб.

Кўрама диверсификация — фирманинг фаолият жабҳасини мавжуд технология, товар турлари, маҳсулот сотиб келган бозоридан мутлақо фарқ қиладиган янги соҳаларга кириб бориши билан кенгайтириш жараёни.

Кўп каналли маркетинг тизими — бир корхона товарларини ёки бир хил товарларни истеъмолчиларга бир неча канал орқали етказиб бериш тизими.

Кўп погонали (бўғинли) канал — товарнинг ишлаб чиқарувчидан истеъмолчигача ҳаракатида бир неча воситачилар иштирок этадиган йўли.

Лизинг — молмулк ҳақини вақтивақти билан тўлаб туриш шарти билан вақтинча фойдаланишга бериш.

Мавсумий нарх — мавсумий товарларга белгиланадиган нарх, ўзгарувчан нархнинг бир кўриниши.

Мавсумий талаб — истеъмол қилиш яққол мавсумий характерга эга бўлган товарларга талаб.

Макро-маркетинг — мамлакатнинг жами хўжалиги миқёсида маҳсулотларни яратиш ва унинг пировард истеъмолчига томон ҳаракати жараёнида қатнашадиган фаолият ва муассасаларни бирлаштирадиган тизим.

Макро-талаб — талабнинг нисбатан катта миқёсда, йирик ҳажм, кенг кўлам, кўп товарлар бўйича яхлит кўриниши.

Максимал нарх — аниқ товар нархининг энг юқори чегараси.

Мамлакатнинг олтин хазинаси — асосан халқаро ҳисобларни таъминлаш учун мўлжалланган марказий банкда турадиган олтин фонд жамғармаси.

Маркетинг — айирбошлаш йўли билан кишилар талаб ва эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган фаолият.

Маркетинг бюджети — корхона кўзда тутилган даражада товар сотиш ва фойдасини таъминлайдиган маркетинг харажатлари.

Маркетинг концепцияси — фирма имкониятларини бозор талаблари даражасига мослаштириш.

Маркетинг-микс — унинг асосида товар сифати ва хизматини такомиллаштириш, мосланувчан нарх сиёсати, реклама, савдони кучайтириш, маҳсулот сотиш шартлари, товар ҳаракати йўллари ва ҳоказолар. Амалда «4Р» формуласи ёрдамида вужудга келади: 1—нарх (Price); 2—маҳсулот (Product); 3—ўринжой (Р1асе); 4—силжиш (Promotion).

Маркетинг назорати — стратегик ва маркетинг режаларининг бажарилиш натижаларини ўлчаш, таҳлил қилиш ва уларга зарурий ўзгартиришлар киритиш жараёни.

Маркетинг принциплари (тамойиллари) — бозорни билиш, бозорга мослашиш ва бозорга таъсир ўтказиш.

Маркетингни режалаштириш — корхонада маркетинг мақсади, вазифалари, тадбирлари ва уларни амалга ошириш воситалари, йўллари, харажатларини аниқлаш жараёни.

Маркетинг стратегияси — истеъмолчиларни жалб этиш, уларнинг эҳтиёжини қондириш ва ўз мақсадига эришиш учун маркетинг комплексини қўллаш тартиби.

Маркетинг тадқиқотлари — моддий бойликлар ва хизматлар муомаласи соҳасида қарорлар қабул қилиш ва уларни назорат қилиш жараёнларини такомиллаштириш мақсадида мунтазам ҳолда муаммоларни таҳлил этиш, асосий қоидаларни яратиш ва маълумотларни жамғариш.

Маркетинг тактикаси — стратегик мақсадларга эришиш учун маркетингнинг аниқ йўналтирилган амалиёти.

Маркетинг тафтиши — корхонанинг маркетинг доирасини атрофлича, системали, холис ва мунтазам тадқиқ этиш.

Маҳсулотнинг ҳаётий даври — товарнинг бозорга кириб келишидан бошлаб, то унинг бозордан чиқиб кетишига қадар амалга ошириладиган изчил чора-тадбирлар.

Махсус талабли товарлар — махсус истеъмолчиларга мўлжалланган, уларнинг юқори диди ва бой тасаввурига мос ҳислатлар бериб тайёрланган товарлар.

Маънавий эҳтиёж — маънавий бойликлар; ўқиш, билим олиш, санъат, маданий дам олиш ва ҳоказоларга бўлган эҳтиёж.

Менежерлик — ишлаб чиқариш фаолиятидан кўпроқ самара олиш мақсадида интеллектуал, молиявий, хом ашё ва моддий қувватларни бошқариш санъати.

Меҳнат биржаси — ишсизларни мунтазам ишга жойлаш, ёшларни касбга йўллаш, иш кучига бўлган талабни олдиндан айтиб бериш, ишсизлик нафақаларини тўлаш ва ҳоказо вазифаларни ўтовчи давлат муассасаси.

Мижоз — корхона, тадбиркор товари ва хизматидан фойдаланиб келаётган барқарор истеъмолчи.

Макро-маркетинг — фирманинг ишлаб чиқаришини шакллантириш, товарлар ва хизматларнинг тайёрловчидан истеъмолчи ёки фойдаланувчига бориш оқимини бошқариш билан боғлиқ бўлган фаолият.

Минималнарх — аниқ товар нархининг энг қуйи чегараси.

Микро-талаб — талабнинг нисбатан кичик миқёс, товарнинг аниқ тури, маркаси, варианти бўйича кўриниши.

Моделлар банки — маркетинг ечимларини қабул қилиш учун мўлжалланган математик моделлар тўплами.

Моддий эҳтиёж — моддий неъматлар, буюмларга бўлган ва улар ёрдамида қондириладиган эҳтиёж.

Модификация қилинган товар — товарнинг истеъмол хоссаларига ижобий ўзгартиришлар киритиб, ишлаб чиқарилган варианти.

Мослаштирилган товар — товарнинг аниқ истеъмолчилар талабистаклари ва хусусиятлари, конкрет истеъмол шароитларига мослаштирилган варианти.

Муваққат нарх — айрим товарларга маълум вақт оралиғида амал қиладиган нарх.

Муомала харажатлари — молларни сотиш билан вужудга келадиган савдо ташкилотларининг чиқимлари. Соф муомала харажатлари (сотувчилар, кассирлар, бухгалтерҳисобчилар, реклама харажатлари) ва янги қиймат ҳосил қилувчи қўшимча муоммала харажатлари (ташиш, ишлаш, сақлаш, тортиш, жойлаш).

Мўътадил (оптимал) талаб — қондириш имкониятларига мос, маъқул талаб.

Муҳтожлик — кишининг ўз ҳаёти ва фаолиятида бирор нарса етишмаётгани, зарур бўлаётганини ҳис қилиш; бирор нарсага зарурият.

Мўлжалланган бозор — бирор корхона танлаб олган аниқ истеъмолчилар гуруҳи, корхонанинг мавжуд ва бўлажак истеъмолчилар мажмуи.

Мужассамлаштирилган маркетинг стратегияси — корхона бутун маркетинг кучғайратини бозорнинг бир ёки бир неча бўғинига мужассамлаштиришдан иборат маркетинг тури ёки стратегияси.

Мурожаат тарқатиш — маълумотларни, мурожаатни истеъмолчиларга етказиш йўллари.

Нарх диапазони — аниқ товар нархининг энг юқори ва энг қуйи чегаралари оралиғи.

Нарх кафолати — ишлаб чиқариш ва савдо корхонаси омборида сақланиб, жўнатиладиган товарлар қийматини йўқотмаслиги учун харидор олиб кетадиган пайтда ҳозир амал қилаётган энг қуйи нархдан паст нарх.

Нархлар (нархли) рақобати — нарх воситасида рақобатни амалга ошириб, рақибларнинг бир-бирига нисбатан нархни пасайтириб боришлари.

Нарх-наво — товарлар нархлари, хизматлар тарифлари, тўловлар, кредитлар, суғурта фоизлари (ставкалари) ва нархнинг бошқа кўринишлари ҳамда уларнинг ҳаракати.

Нархнинг қайд қилиниши — рақиб корхоналарнинг ўзаро келишиб, ўхшаш товарларига бир хил нарх белгилаши.

Нархни ўзгартирмай рақобатлашув — ўз товарларини сотиш шартшароитини харидор учун қулайлаштириб, рақибни бозордан суриб чиқариш.

Нарх рақобати — бозор нархини ўзгартириш орқали рақибни бозордан сиқиб чиқариш ва ўз мавқеини мустаҳкамлаш.

Нарх сиёсати — нарх масалаларини корхонанинг мақсади,мўлжалланган бозори, мавқеи, сиймоси, маркетинг комплекси билан мувофиқлаштирилган тизим.

Нархсиз рақобат — нархга тегмай рақобатлашув (маҳсулот сифати, ўрами, савдо хизмати, рағбатлантиришини ошириш, юқори технологияни ўзлаштириш, савдо тақсимоти ва силжитишни яхшилиш ва бошқалар).

Нарх устамаси — товарнинг ҳисоблаб чиқарилган ҳақиқий нархи устига қўйиладиган қўшимча (ишлаб чиқариш корхонаси) устамаси, савдо устамаси.

Нарх чегирими (ташламаси) — айрим ҳолларда товар нархидан маълум қисми чегириб, олиб ташланиши йўли билан пасайтирилган нарх.

Нарх чизиғи — бир товар нарх диапазони оралиғида унинг турли вариантларига ҳар хил нархлар белгилаш.

Номаъқул талаб — истеъмолчилар ва жамиятга зиён келтирадиган товарларга бўлган талаб (наркотик -моддалар, тамаки маҳсулотлари, қуролярог ва бошқалар).

Ноу-хау (ишлаб чиқариш сири) — илмий-техникавий, тижорат ташкилотчиликка оид билимлар, тажрибалар ва уларга танҳо эга бўлиш.

Нусхада тиклаш (имитация) — ЭҲМ ёрдамида қоғозда қайд этиладиган хилма-хил маркетинг омилларининг қайтадан яратилиши.

Обрўли нарх — қадрқиммати юқори бўлган махсус талабли товарларга белгиланадиган нарх.

Оила эҳтиёжи — бутун оилага керак бўладиган ва хизмат қиладиган нарсаларга бўлган эҳтиёж.

«Паблик-рилейшнэ» — жамоатчилик билан алоқа ўрнатиш ва жамоатчилик фикрини уюштириш, корхона ва унинг товарларига яхши муносабат шакллантириш.

Паблисити — мижозлар билан корхона ўртасидаги жамоатчилик ижобий фикрини оммавий ахборот воситаларида шакллантириш, яхши овозалар тарқатиш.

Паст талаб — мўлжалланган даража ва қондириш имкониятларига нисбатан паст бўлган талаб.

Потенциал бозор — корхонанинг товари (хизмати) қизиқтириши, жалб этиш, эҳтиёжини қондириш мумкин бўлган истеъмолчилар гуруҳи.

Преференция (афзаллик) — шартнома бўйича бериладиган афзаллик, имтиёзли шароит.

Пул — умумий эквивалент вазифасини ўтовчи, яъни бошқа ҳамма товарлар қийматини ифодаловчи махсус товар.

Пул қадри — пулнинг товар ва хизматларни харид этиш, чет эл валюталарига алмаша олиш қобилияти.

Рационал эҳтиёж — эҳтиёжнинг илмий нуқтаи назардан киши ҳаёти ва фаолиятини тўла қаноатлантирадиган турлари ва даражаси.

Рағбатлантирувчи маркетинг — истеъмолчиларнинг эътиборидан қолган товарларга талабни фаоллаштириш.

Рақобат — ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва сотишнинг энг яхши шароитлари учун товар ишлаб чиқарувчилараро рақиблик.

Рақобатбардошлик — товарнинг бозордаги харидоргирлиги ва пулга айирбошланиш қобилияти.

Регионал бозор — маълум ҳудуд доирасида товарларни олди-сотди этиш муносабатлари.

Реклама — аниқ мақсадга йўналтирилган, маълум ва номи аниқ манба томонидан ҳақи тўланган жойда тарқаладиган ахборот.

Реклама матни — газета ёки журналда бериладиган эълонлар, почта жўнатмалари, телевизион ва радиооралиқларнинг сўз қисми.

Ремаркетинг — талабнинг пасайиши шароитида уни жонлантириш жараёнлари.

Рейтинг — баҳо, бирон табақа, синф, типга бўлиш, оммавийлик ва машҳурлик даражаси.

Ривожлантирувчи маркетинг — янги товарларни яратиб уларни истеъмолчиларга таклиф қилган тарзда бўлажак талабни реал талабга айлантириш.

Савдо агенти — бир ёки бир қанча корхоналар товарларни шартнома асосида сотадиган вакил.

Савдо устамаси — савдо корхоналари (воситачилар) ўз харажатларини қоплаб, фойда топиш учун товарни сотиб олган нархи устига қўйиладиган қўшимча.

Салбий талаб — маълум талабни қондириш учун товар мавжуд, унинг сифати ёмон эмас, лекин шунга қарамай истеъмолчилар у товарни рад этадилар.

Саноат сири — ишлаб чиқариш сирлари, ноу-хау, ихтиро ва кашфиётлар.

Саноат товарлари — ишлаб чиқариш эҳтиёжини қондирадиган товарлар.

Селектив талаб — бир хил ёки ўхшаш товарларни қиёсий баҳолаш натижасида товарнинг истеъмолчига энг маъқул келган аниқ тури, варианти, маркасига шаклланган талаб.

Силжитиш воситалари — товар ҳақидаги маълумотларни истеъмолчига етказиш ва сингдириш, истеъмолчилар билан алоқа ўрнатиш воситалари.

Силжитиш мурожаати — истеъмолчиларга етказиладиган маълумотлар шакли.

Силжитиш стратегияси — товар силжитиш воситалари, усуллари, тадбирларини аниқ бозор шароитига мос қўллаш тартиби.

Силжитиш структураси — корхонанинг истеъмолчилар билан алоқа ўрнатиш ва уни таъминлаш дастури бўлиб, реклама, сотишни рағбатлантириш, тарғибот, шахсан сотиш усуллари, воситалари тизими.

Синхромаркетинг — ишлаб чиқаришни талабнинг тебранишига мослаштириш.

Сирғанма нарх — айрим янги товарларга белгиланган нисбатан юқори нарх; бозорнинг тўйиниши билан пасайиб боради.

Сотиш (харид) нархи — товарга харидор тўлайдиган нарх.

Сотувгача ва ундан кейинги хизмат кўрсатиш — харидорларни турли маълумотлар, деталлар, мутахассислар ёрдами, қулайлик ва рангбаранг хизматлар билан таъминлаш.

Спонсор (ҳомий) — маълум тадбир ёки фаолиятни амалга оширишда молиявий ёрдам кўрсатувчи ҳомий.

Стратегик ривожлантириш — корхонанинг мақсади, ресурслари ва маркетинг имкониятларининг ўзаро стратегик мувофиқлигини таъминлаш жараёни.

Супермаркет — харидорнинг ўз-ўзига хизмат кўрсатишга асосланган жуда кенг товар ассортименти билан сотиш жараёнларини уюштирувчи йирик савдо муассасаси.

Суст талабли товарлар — айни пайтда товарга талаб имконият даражасидан анча паст бўлади.

Сўров — кишиларнинг билимлари, эътиқодлари, хоҳишлари ва мамнунликлари тўғрисидаги маълумотлар олиш услуби.

Табақаланган нарх — бир хил ёки ўхшаш товарларга, товарнинг турли вариантлари, турли савдо шартшароитлари фарқига қараб белгиланадиган ҳар хил нарх.

Табақаланган маркетинг стратегияси — бозор бўғинларидан бир нечтаси танланиб, уларнинг ҳар бири учун алоҳида товар таклиф этиш ва махсус маркетинг комплексини қўллашга мўлжалланган маркетинг тури ёки стратегияси.

Табақаланмаган маркетинг стратегияси — оммавий товарни бўғинларга бўлинмаган умумий бозорда сотиш учун маркетинг комплексини қўллаш тартиби.

Тадбиркорлик — пул топиш мақсадида ва масъулиятни зиммага олган ҳолда бирон иқтисодий фаолият билан шуғулланиш.

Тавакалчилик — бирон иш билан шуғулланиш оқибатида зарар кўриб қолишдан қутулиб қолиш имконияти.

Тажриба (эксперимент) ўтказиш — бу шундай тадқиқот ўтказиш услубики, назорат қилинадиган вазиятда бир ёки бир неча омиллар ўзгариши билан қолганлари ўзгартирилмас ҳолатини сақлаб қоладилар.

Таклиф — бозорга чиқарилган мавжуд ёки келтирилиши мумкин бўлган жами товар миқдори ва таркиби.

Таклиф структураси — товар турларининг умумий ҳажмига нисбатан ҳиссаси.

Таклиф ҳажми — мавжуд товарларнинг умумий ёки турлари бўйича миқдори.

Тақчиллик (танглик) — халқ истеъмол товарлари ва хизматларнинг аҳоли талабини қондириш учун етишмаслиги.

Талаб — иқтисодиётнинг аниқ ривожланиши шароитида аҳоли томонидан товар олишга мўлжалланган пул маблағларининг маълум миқдори.

Талаб ва таклиф қонуни — бозорнинг асосий объектив қонуни бўлиб, бозорда талаб билан таклифнинг ҳар томонлама ўзаро мос бўлишини тақозо этади.

Талаб кўрсаткичлари — талабни миқдор ва сифат жиҳатидан ифода этадиган белгалар, воситалар.

Талабни баҳолаш — умуман ёки аниқ товар бўйича талаб ҳажми, даражаси, ўзгаришини унинг кўрсаткичлари ёрдамида акс эттириш, таққослаш ва хулоса қилиш жараёни.

Талабнинг даражаси — талаб ҳажмининг бирор кўрсаткич, белги, мўлжалга нисбатан қиёсий ифодаси.

Талабнинг таркиби — умумий талабни ташкил этувчи элементлар рўйхати.

Талабнинг структураси — умумий талабни ташкил этувчи элементлар ва уларнинг ҳиссалари.

Талабнинг ривожланиш қонуниятлари — талабнинг зарурий объектив ўзгаришларини акс эттирувчи жараёнлар.

Талабни прогноз қилиш — талабнинг келгусида бўлажак ҳолати ва ўзгаришларини илмий асосда олдиндан аниқлаш жараёни.

Талабнинг ҳажми — маълум товарга бўлган талабнинг натурал бирлик ёки сўмда ифодаланган умумий миқдори.

Талабни таҳлил қилиш — умумий талабни таркибий қисмларга, элементларга бўлиб, улардан қизиқтирганларини ажратиб олиб ўрганиш жараёни.

Талабни ўрганиш — талаб тўғрисида ахборот тўплаш, уни қайта ишлаш ва таҳлил қилиш жараёни.

Талаб чизиғи — талаб билан нарх ўртасидаги боғлиқликнинг чизма ифодаси.

Талаб қайишқоқлиги — талабнинг унга таъсир этувчи омилнинг ўзгариши натижасида ўзгариш қобилияти бўлиб, қайишқоқлик коэффициентида ўз аксини топади.

Талаб қонуни — талаб билан нарх ўртасидаги барқарор алоқа, боғлиқлик.

Тариф — корхоналар, ташкилотлар, алоҳида кўрсатиладиган турли ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш йўналишидаги хизматлар учун тўланадиган ҳақ.

Таргибот (паблисити) — истеъмолчиларда корхона ва унинг товари тўғрисида яхшироқ тасаввур шакллантириш мақсадида оммавий ахборот воситалари орқали маълумотлар тарқатиш ва тушунтириш.

Тасодифий талаб — тўсатдан пайдо бўлиб, қондириладиган талаб.

Ташқи савдо — чет мамлакатлар билан савдо-сотиқ ишларини юритиш.

Тебранувчи талаб — талаб даражасининг дамбадам ўсиб ва пасайиб туриш ҳолати.

Тижорат сири — корхона, ишлаб чиқариш ва савдо-сотиқнинг бевосита иштирокчиларигагина маълум бўлган ва бошқаларга эълон қилинмайдиган маълумотлар.

Тирикчилик минимуми — меҳнаткашлар ва уларнинг оиласи тирикчилигини энг паст даражада таъминлаш учун зарур бўлган ҳаёт воситалари (истеъмол моллари ва хизматлар) қийматининг пул шаклидаги ифодаси.

Тирикчилик қиймати — тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган истеъмол товарлари ва хизматларининг қиймати.

Товар — эҳтиёжни қондира оладиган ҳамда сотиб олиш ва истеъмол қилиш учун бозорда таклиф этиладиган нарса; бозор учун, сотиш учун ишлаб чиқарилган маҳсулот.

Товарассортименти — аниқ бир белги (бир эҳтиёжни қондириш, бир гуруҳ истеъмолчиларга мўлжалланганлиги, бир типдаги дўконда сотилиши, фойдаланишдаги ўхшашлиги, бир нарх диапазонига эга бўлиши ва ҳоказолар) асосида тўпланган товар гуруҳи.

Товар белгиси — -расмий рўйхатдан ўтказилган ва ҳуқуқий ҳимоя қилинган товар маркаси ёки унинг бир қисми.

Товар биржаси — одатда ялпи айирбошланадиган намуна ёки нусха бўйича сотиладиган товарларни олишсотишни амалга оширадиган воситачи ташкилот.

Товарларни интенсив (жадал) тарқатиш — кундалик истеъмол товарларини мумкин қадар кўпроқ жойларда тезроқ сотиш.

Товар истеъмоли — сотиб олинган маҳсулотдан фойдаланиш, уни ишлатиш жараёни.

Товар кафолати — товарнинг истеъмол жараёнида маълум давр ичида ўз фойдали функционал хоссаларини тўла сақлаб қолиши бўйича олинган жавобгарлик, масъулият.

Товарларни жалб этиб тарқатиш — аввалига истеъмолчиларда янги товарга талаб шакллантириш, сўнг воситачиларни жалб этиш.

Товарларни зўрлаб тарқатиш — ишлаб чиқарувчи томонидан товарни воситачилар норозилигига қарамай ўтказиш.

Товарларни селектив тарқатиш — товарларни тарқатишда иштирок этишни истаган воситачилардан фақат айримлари жалб этилади.

Товарларни шахсий сотиш — товар сотиш мақсадида бир ёки бир неча бўлажак харидор билан суҳбатлашиб, товарни оғзаки тақдим этиш.

Товарларни эксклюзив тарқатиш — маълум ҳудудда айрим товарларни тарқатиш, сотиш ҳуқуқи ягона бир воситачига берилади.

Товар маркаси — бир ишлаб чиқарувчи, сотувчи товарларини умумлаштирувчи ва бошқалар товарларидан ажратиб турувчи ном, термин, белги, тасвир, тимсол ёки уларнинг биргаликдаги яхлит шакли.

Товар нархи — айирбошлашда товар учун тўланадиган маблағ, пул миқдори.

Товар номенклатураси — ассортимент гуруҳлар тўплами.

Товарнинг бозор улуши — аниқ товарнинг шу хилдаги ҳамма товарлар сотиш умумий ҳажмидаги ҳиссаси.

Товарнинг мавқеи — товарнинг рақиб товарларга нисбатан истеъмолчилар онги ва кўнглида тутган ўрни.

Товарнинг рақобатбардошлиги — товарнинг рақиб товарлар билан бир хил нархда ва хизмат талаб бўлиб, ўз функциясига биноан эҳтиёжни улардан паст бўлмаган даражада қондириш қобилияти.

Товарнинг техник даражаси — товарнинг фантехника тараққиёти, стандартлар, техник шартлар ва бошқа техник талабларга мос келиши.

Товарнинг ҳаётий даври — товарнинг яратилишидан бошлаб, унга талаб қолмай бозордан чиқиб кетгунгача бўлган давр.

Товар сиймоси — товарнинг истеъмолчилар онгида шаклланган тасаввури.

Товар силжитиш — товар ҳақидаги маълумотларни истеъмолчиларга етказиш ва сингдириш, истеъмолчилар билан алоқа ўрнатиш фаолияти.

Товар сифати — товарни истеъмол қилиш ва ундан фойдаланиш жараёнида аниқ эҳтиёжни қондириш даражаси.

Товар сотишни рағбатлантириш — турли воситалар, усуллар, тадбирлар ёрдамида товар сотувчилар ва олувчиларнинг қизиқишини кучайтириш.

Товар таклифи — бозорда мавжуд бўлган товарлар мажмуи.

Товар тарқатиш — ишлаб чиқарилган товарларни истеъмолчиларга етказиб бериш фаолияти.

Товар тарқатиш канали — товарларни ишлаб чиқарувчилардан истеъмолчиларга бўлган макон ва замонда товар ҳаракатини амалга ошириш ва мулк ҳуқуқини ўз зиммасига оладиган ташкилотлар,корхоналар, шахслар тўплами; ишлаб чиқаришдан истеъмолгача то вар ўтадиган йўл.

Товар таннархи — товарни ишлаб чиқариш учун бевосита, тўғридан-тўғри қилинган харажатлар қиймати.

Товар ўрами — товарни солиш, жойлаш, сақлаш учун хизмат қиладиган идиш.

Товар ҳаётининг босқичлари — товарнинг ҳаётий даврида унга бўлган талаб характери ва уни сотиш даражаси билан белгиланадиган ҳамда ажралиб турадиган алоҳида пайтлар (босқичлар).

Товар ҳаракати — товарларнинг ишлаб чиқарилган жойдан истеъмол қилинадиган жойгача жисмоний ҳаракати бўлиб, уларни жойлаштириш, сақлаш, жўнатиш, ташиш, юклаш, тушириш, захираларини шакллантириш жараёнларидан иборат.

Томоман (принципиал) янги товар — биринчи марта яратилган ва ҳаётда ўз ўхшашларига эга бўлмаган товар.

Тушаётган талаб — маълум пайтда эришган юқори даражасидан пасайиб бораётган талаб.

Тўлов қобилиятига эга бўлган эҳтиёж — эҳтиёжнинг маълум пайтда тўлов воситаси (маблағ) билан таъминланган қисми.

Узоқ муддатга хизмат қилинадиган товарлар — нисбатан узоқ давр мобайнида фойдаланиладиган товарлар.

Улгуржи нарх — бу улгуржи савдо қилувчиларнинг чакана савдо қилувчи фирмаларга товар сотишида қўлланиладиган нарх. Ишлаб чиқарувчиларнинг нархига улгуржи савдо қилувчининг ишлаб чиқариш ва маркетинг харажатлари ва даромадини қўшганда маҳсулотнинг улгуржи нархи келиб чиқади.

Улгуржи савдо — товарларни сотиб оладиган, сақлайдиган, уларни чакана савдога ёки бошқа корхоналарга сотадиган муассасалар мажмуи.

Умумий нарх — бир хил ёки ўхшаш товарларга ҳамма харидорлар учун белгиланган бир хил, умумий нарх.

Франчайза (франц. «франшиза», енгиллик) — йирик корпорацияларнинг майда фирмалар ёки алоҳида иш вазифаларни бажариш билан шуғулланувчи компаниялар билан тузилган битимлар.

Франчайзер — таъкидланган ҳудудда фаолият кўрсатувчи кичик фирма ёки тадбиркорни ўз товарлари, реклама хизмати, технологиялари билан таъмин этиш вазифасини зиммасига олган йирик компания.

Франчайзи — йирик компанияга ўзининг маҳаллий шартшароитлар ҳисобга олинган менежерлик ва маркетинг хизматини тақдим этган кичик фирма.

Факторинг — мижозга айланма капитал учун қарз бериш билан биргаликда ўтказиладиган воситачилик характерларининг бир тури.

Фикран товар — бирор товар қондирадиган эҳтиёж, унинг ёрдамида ҳал қилинадиган муаммо.

Фирманинг стратегияси — корхонанинг узоқ муддатли асосий мақсад ва вазифаларини шакллантириш, харажатлар изчиллигини таъминлаш ва бу мақсадларга эришиши учун зарур бўлган ресурсларни тақсимлаш.

Фовд биржаси — қимматбаҳо қоғозларнинг (акция, облигация ва ҳоказо) савдоси ташкил этилган бозор шаклидаги муассасалари.

Халқаро маркетинг — ташкилот жойлашган мамлакат ҳудудидан ташқаридаги товарлар ва хизматлар маркетинги.

Халқ истеъмол товарлари — аҳолининг шахсий эҳтиёжини қондирадиган товарлар.

Харидор — товар айирбошлашда бевосита иштирок этиб, товарни танлаш, қийматини тўлаш ва ўз ихтиёрига олиш ишларини амалга оширадиган шахс, корхона, ташкилот, муассаса ёки уларнинг вакили.

Харидор баҳоси — харидорнинг товар ёки унинг алоҳида хоссасининг ўз истакларига, тасаввурига мос келиш даражаси ифодаси.

Харидор диди — харидорнинг товарни тасаввур қилиши ва танлашида намоён бўладиган ўзига хос такрорланмас таби.

Харидор истаклари — харидор сотиб олмоқчи бўлган товарларда кўришни хохлаган хоссалар тўплами, яъни у товарнинг қандай бўлишини истайди.

Харидор муносабати — харидорнинг товар сифати, ассортименти, безатилиши, сиймоси, мавқеи, нарх ва бошқа истеъмол хоссалари тўғрисидаги маълум тушунчаларда ифодаланган тасаввури.

Харидор нияти — харидорнинг келажакда нималар олмоқчи эканлиги, келажакда товарлар сотиб олиш бўйича орзуҳаваслари.

Харидор умиди — харидорнинг сотиб олган товардан кутган наф, қулайликлар, ҳис-туйғулар.

Харидор фикри — харидорнинг товар сифати, ассортименти, безатилиши, мавқеи, нарх ва бошқа истеъмол хоссалари тўғрисидаги маълум тушунчаларда ифодаланган тасаввури.

Хежирлаш — йўқотиладиган ҳимояланиш олиниши кутилаётган даромадлар даражасини истеъмолчи ва маҳсулот етказиб берувчи ўртасида олдиндан шартнома тузиш йўли билан суғурта қилиш.

Чакана нарх — бу товарнинг харидорга сотилаётгандаги нарх. У улгуржи нархга чакана савдо фирмасининг барча бошқарув, маркетинг ва ишлаб чиқариш харажатларини ҳамда даромадини қўшиш орқали аниқланади.

Чакана реклама — истеъмолчиларга маълум хизмат ёки товарни қачон ва қаерда сотиб олиш мумкинлиги тўғрисидаги мазкур хабар.

Чакана савдо — истеъмолчиларнинг пул даромадларига айирбошлаш йўли билан товар сотиш ва хизмат кўрсатишдаги охирги бўғин.

Шаклланаётган талаб — бирор нарсага бўлган эҳтиёж конкрет даражага, талабга айлана бориш ва талабнинг ривожланиб бориш босқичи.

Шаклланган талаб — маълум товарга эҳтиёж конкрет, аниқ бўлиб, талабнинг ўсиб барқарор даражага етиши.

Шаклланмаган талаб — бирор нарсага бўлган эҳтиёж ҳали абстракт даражада бўлиб, уни қандай товар ва товар тури билан қондириш аниқ эмас.

Шахсан танлаб олинадиган товарлар — товарнинг турлари, вариантлари кўп бўлиб, ҳар бир харидор диди, истаклари, тасаввурига мос келадиган тури, вариантини танлаб, сотиб олиши мумкин.

Шахсий истеъмол — алоҳида киши, оила шахсий эҳтиёжини қондириш жараёни.

Шахсий талаб — алоҳида одамлар, оилалар талаби.

Шахсий эҳтиёж — алоҳида кишилар шахсий ҳаёти ва фаолияти учун керак бўладиган нарсаларга бўлган эҳтиёж.

Эккаунтинг — бизнеснинг молиявий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, турларга ажратиш, таҳлил этиш ва расмийлаштириш билан боғлиқ соҳаси.

Эксперт баҳолаш — юқори малакали мутахассислар (экспертлар) томонидан маркетинг омилларини ёки тадбирларини бевосита баҳолаш.

Экспорт маркетинги — ташқи бозорга мўлжалланган маркетинг.

Эҳтиёж — муҳтожликнинг киши шахсий ва маданий даражасига хос кўриниши, уларга мос тарзда рўёбга чиқиш шакли.

Юмшоқ нарх — харидорнинг савдолашиш қобилиятига боғлиқ тарзда узилкесил аниқланадиган нарх.

Янги товар — бирор бозорда биринчи марта таклиф қилинадиган товар.

Ярмарка — белгиланган муддатларга бир жойда мунтазам тўпланадиган бозор; ярмарка иштирокчиларига ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар намуналарини кўрсатишга имконият яратиш, савдо битимлари тузиш мақсадларида янги ютуқлар ва техник камолотни намойиш қилиш.

Яхлитланмаган нарх — яхлит рақамлардан сал пасайтириб қўйиладиган нарх.

Яширин талаб — қандайдир конкрет эҳтиёж бор ва талабга айланиши мумкин, лекин уни мавжуд товарлар билан қондириб бўлмайди.

Ўзгарувчан нарх — бозордаги вазиятга қараб ўзгартириб бориладиган нарх.

Ўсаётган талаб — талаб даражасининг дамбадам ўсиб ва пасайиб туриш ҳолати.

Ўхшаш товарлар — бир эҳтиёжни қондиришга мўлжалланган, лекин бир-биридан қандайдир ҳислатлари билан фарқ қиладиган товарлар.

Қарши ҳаракатланувчи маркетинг — илмий-техника прогресси ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишга жавоб бермайдиган товар ва ишлаб чиқариш воситаларига акс ҳолда маркетинг чора-тадбирларини ташкиллаштириш.

Қисқа муддатга хизмат қиладиган товарлар — бир зумда ёки жуда қисқа вақт ичида истеъмол қилинадиган товарлар.

Қондирилган талаб — маълум даврда товарлар сотиб олиш учун мўлжалланган маблағни сарф қилиб, керакли товарларнинг сотиб олиниши.

Қондирилмаган талаб — истеъмолчи талабистакларига мос келадиган товар танлаб олиш имконияти бўлмаслиги туфайли олишга мўлжалланган маблағнинг сарф бўлмай қолиши.

Қондирилган эҳтиёж — эҳтиёжнинг маълум пайтда уни қондирадиган нарсалар билан ҳақиқатан таъминланган қисми.

Қувватлантирувчи маркетинг — талабнинг пасайишини тўхтатиш мақсадида қўллаш вазиятларни сақлаб қолиш учун тегишли чораларни амалга ошириш.

Қувватланган товар — реал, аниқ товарни ишлатиш учун зарур бўладиган яна бошқа товарлар, эҳтиёт қисмлар, хизматлар билан биргаликдаги кўриниши.

Ҳаддан ортиқ талаб — мавжуд шароитда бундай талабни тўла қондириш имкониятлари бўлмайди.

Ҳақиқий таклиф — маълум пайтда бозорда ҳақиқатан бор товарлар, уларнинг турлари ва ҳажми.

Ҳақиқий (реал) товар — сифат даражаси, хоссалар тўплами, ўзига хос шакли, безатилиши, номи, ўрамига эга бўлган аниқ товар.

Ҳақиқий эҳтиёж — маълум пайтда яхши англанган, аниқ ва қондириш мумкин бўлган эҳтиёж.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ

Асосий адабиётлар

1. А. Денсиус, М. Гэртнер. «В центре внимание биржа». - М.: ДЕЛО 2000.
2. А.Г. Грязнова "Биржевая деятельность". Москва, Фин. и стат. 2000 г.
3. Макарова С.А. «Рынок ценных бумаг и биржевое дело». Санкт - Петербург. «СТЕНЛИСТ»2000.
4. Мешерова Н.В «Организованные рынки ценных бумаг». - М.: «ЛОГОС»2000.
5. "Международные товарные биржи и биржевые операции" Москва. Факт. 2000г. Выпуск
6. Резго Г.Я. “Биржевое дело”. Учебник. Москва: Финансы и статистика. 2003
7. Тихонов Р.Ю. Фондовый рынок Минск «АМАЛФЕЯ»2000.
8. Ш.Ж.Эргашходжаева, А.Ҳ. Исматуллаев, М.Ҳ. Ядгаров –Т.: ЦЕУ. 2009.

Қўшимча адабиётлар

1. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурини ўрганиш бўйича Илмий-оммабоп рисола».
2. «Биржалар ва биржа фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 2001 й. 29 август. 1-260-11
3. «Тадбиркорлик ва тадбиркорлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, 14 апрель 1999 й.
4. «Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тартибга солиш сабабли Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги Қонуни.
5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т., Ўзбекистон, 2012 йил
6. «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 16 сентябрдаги ЗРУ-6 сонли «Хорижий

инвесторлар хукукларини кафолталш ва химоя қилиш чоралари тўғрсида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунулари

7. «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сон Фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Ҳалқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастури».

8. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Тошкент. "Ўзбекистон", 2013 й.

9. КаримовИ.А. Юксак малакали мутахассислар – тараққиёт омили. 4-жилд. – Т.: "Ўзбекистон". –Т.: 1996.

10. КаримовИ.А. "Юксак маънавият – енгилмас куч". Т.: «Маънавият". –Т.: 2008.-176 б.

11. Мирзиёев Ш.М. "Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз". "Ўзбекистон" НМИУ, 2017 й.

12. Мирзиёев Ш.М. Қонун устиворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш юрт тараққиёти ва халқ фаравонлигининг гарови. "Ўзбекистон" НМИУ, 2017 й.

13. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаравон демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Тошкент, "Ўзбекистон" НМИУ, 2017 й.

Интернет сайтлари:

1. www. piter.com.
2. www/rambler, ru.
3. yandex.ru.
4. www/aport.ru.
5. atrus.ru.
6. www.list.ru.
7. www.katalog.

2018 йил. Қоғоз бичими А5,
Офсет қоғози. "Times New Roman" гарнитураси
Босма табоқ 12.8
Буюртма № Адади 50 нусха

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
босмахонасида чоп этилди.
Манзил: А. Темур кўчаси, 9 уй.